

Абдулқадим Заллум

**ХАЛИФАЛИК ҚАНДАЙ
ТУГАТИЛГАН**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ۝

اَلنُّوْرِ يَلْتَمِسُوْنَ بِاَلْاَفْئِدَةِ اِهْتِمُّوْا وَيَا بَنِيَّ اَللّٰهُ اِلَّا اَنْ يُتِمَّ نُوْرَهُ وَاَلَوْ كَرِهَ الْاَكْفٰرُ وَاَلَّذِيْ اَرْسَلْ
سُوْلَتُهُ بِالْاِهْدٰى وَدِيْنِ الْاِحْقٰقِ لِيُظْهِرَهُ عَلٰى الدِّيْنِ كُلِّهِ وَاَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُوْنَ

Улар Аллоҳнинг нуруни (яъни, исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хохламаслар-да, фақат Ўз нуруни тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди. У (Аллоҳ) Ўз пайгамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан — гарчи мушриклар хохламасалар-да — барча динларга голиб қилиш учун юборган зотдир. [9:32-33]

ИСЛОМ ВА КУФР ЎРТАСИДАГИ КУРАШ

Ислом тонги ёришган кундан бошлаб, Ислом фикрлари билан куфр фикрлари, мусулмонлар билан кофирлар ўртасида дахшатли кураш бошланд. Росулulloҳ с.а.в пайғамбар қилиб юборилган вақтдан бошлаб то Мадина шаҳрида Ислом давлати, қўшини, исломий қувват ташкил бўлгунга қадар фақат фикрий кураш билангина чекландилар. Мадинада Ислом давлати тикланган кундан бошлаб фикрий кураш билан ёнма-ён қуролли (қонли) курашни бошладилар. Жиход оятлари нозил бўлди. Кураш шундай давом этди. Бундай кураш, яъни фикрий кураш билан бирга қонли кураш то Қиёмат куни – ер юзи ва ундаги инсонлар Аллоҳнинг ўзига қоладиган кунгача давом этажак. Мана шундан куфр Исломнинг, кофирлар мусулмонларнинг душмани бўлиб қолади. Ер юзида Ислом ва куфр мусулмонлар ва кофирлар мавжуд экан бу ҳолат то Қиёмат кунигача давом этаверади. Бу қатъий ва доимий ҳақиқатни мусулмонлар ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида аниқ равшан идрок қилишлари ҳамда уни Ислом билан куфр, мусулмонлар билан кофирлар ўртасидаги алоқалар учун миқёс-ўлчов қилиб олишлари лозим.

Росулulloҳ с.а.в.нинг Макка шаҳрида олиб борган фикрий курашлари машаққат ва қийинчиликлар билан 13 йил давом этди. Бу давр ичида Ислом фикрлари куфр фикрлари устидан ғалаба қозонди. Аллоҳ Таоло Исломни барча динлар устидан ғолиб қилди. Мадинада мусулмонларнинг обрў-ҳурмати, Иломнинг дахилсизлигини ҳимоя қиладиган,жиход йўли билан одамлар орасида ҳидоят - тўғри йўлни тарқатадиган Ислом Давлати вужудга келди. Шу кундан бошлаб Ислом билан куфр, мусулмон қўшинлари билан кофир қўшинлари ўртасида тинмсиз қакшатқич урушлар бошланди. Бу урушларнинг барчасида мусулмонларга зафар ёр бўлди. Мусулмонлар гарчи баъзи бир жангларда енгилган бўлсалар ҳам, лекин улар урушларда албатта ғалаба қозонар эдилар. Мусулмонлар 6 аср давомида барча жангларда ғалаба қозондилар. Бу муддат давомида Ислом Давлати оламда ягона етакчи давлат бўлиб қолди. Бундай улкан ғалаба инсоният тарихида мусулмонлардан бошқа ҳеч кимга, Ислом Давлатидан бошқа бирон бир давлатга насиб этган эмас. Лекин кофирлар хусусан Европа давлатлари Исломга барҳам бериш ва мусулмонларни йўқ қилиб юборишдан ғафлатда эмас эдилар. Шунинг учун ҳам улар имконият туғилиши биланоқ мусулмонларга ҳужум қилар ёки бирон-бир хийла ўйлаб топишар эди. 6-ҳижрий (11-мийлодий) асрларнинг охири ва 7 хижрий (12-мийлодий) асрларнинг бошларига келиб вилоятларнинг Ислом Давлати жисмидан ажралиши, ҳокимият ички ишларининг энг муҳимлари - қўшин, молия, салтанат ва бошқаришда волийлар мустақил бўлиб олишлари каби ишлар содир бўлади. Буларнинг оқибатида Ислом Давлати яхлит битта давлатдан “давлатлар ўртасидаги иттифок” кўринишидаги давлатга ўхшаб қолди. Баъзи вилоятларда – минбарларда халифани дуо қилиш, унинг номи билан пул чиқариш ва маълум миқдорда пойтахтга хирож йўллашдан бошқа Халифа учун ҳеч нарса қолмади.

Буни сезган Европа давлатлари мусулмонларга қарши “Салбчилар юриши” ни бошлади. Бу урушлар тахминан бир аср давом этди. Бу урушларда мусулмонлар

мағлуб бўлдилар. Кофирлар Шом ўлкасининг ҳаммасини, чунончи Фаластин, Ливан, Сурия мамлакатларини бир неча ўн йиллаб, Триполи шаҳри ва баъзи жойларни эса 100 йил эгаллаб туришди. Гарчи бу 100 йил муддат ичида мусулмонлар билан салбчилар ўртасидаги урушлар ҳам мусулмонларнинг салибчилар томонидан босиб олинган нарсаларини қайтариб олишга бўлган ҳаракатлари ҳам тўхтамаган бўлсада, лекин бу урушлар Ислом умматини заифлаштириб, Ислом Давлатининг мартабасини пасайтириб юборди. Бу урушларда куфр Ислом устидан фикрий ва руҳий жиҳатдан ғолиб бўла олмаган бўлса ҳам, мусулмонлар кофирлар олдида мағлуб бўлдилар. Ғалаба кофирлар тарафида бўлди. Бундан мусулмонлар инсон ҳаёлига келмаган хорликларга учрадилар. Шунинг учун ҳам бу давр, яъни “Салибчилар юриши” даври мусулмонларнинг мағлубияти даври деб эътибор қилинади. Чунки мусулмонлар пировард натижада салибчилар устидан ғалаба қозониб, уларни Ислом юртларидан қувиб чиқарган бўлсалар ҳам, лекин исломий фатҳларни, яъни кофирлар билан бўладиган жангларни қайтадан бошлай олмадилар. Салибчилар урушлари тугаб-тугамай (656х – 1258м. Йилларда) мўғил босқинчилари бостириб келди. Улар Бағдод шаҳрида қирғин қилди. Шу мийлодий йилнинг 3 сентябрь куни “Айни Жолут” даги жангда мусулмонлар мўғуллар устидан тўла ғалаба қозонишди, кейин мўғуллар салтанати тугатилди. Мўғуллар устидан қозонилган ғалаба сабабли мусулмонларда жиҳод туйғулари кўзғалиб, бутун оламга Ислом давлатини ёйиш ҳисси қайтадан уйғонди. Мусулмонларнинг кофирларга қарши ғазотлари бошланди. Византияликларга қарши жиҳод бошланди. Кофирлар билан жанглар бўлиб, бирин-кетин ғалаба қўлга киритила бошланди. Бу 7х. (13м) аср охирида эди. Ислом Уммати фатихларни қайта бошлади. Урушлар давом этиб, жанглар бир-бирига уланиб кетди. Бу урушларда ғалаба доимо мусулмонлар тарафида бўлди. Улар – гарчи баъзи жангларда енгилган бўлсаларда – урушларда ғалаба қозонишар, мамлакатларни фатҳ қилишарди. Ислом Давлати оламда яна биринчи давлат мақомини эгаллаб олди. Бу ҳол 4 аср, яъни 12х (18м) аср ўрталаригача, яъни Европада саноъат инқилоби очиқ ва давлатнинг кучларига таъсир кўрсатадиган даражада рўй бергунга қадар давом этди. Мусулмонлар бу инқилоб олдида ҳайрон бўлиб қолдилар. Оламда кучлар мувозанати ўзгарди. Ислом Давлати оламда биринчи ва ягона давлат мартабасидан аста-аста тушиб, кофирларда унга нисбатан тамаълар пайдо бўла бошлади. Ислом Давлати фатҳ қилган ва унга бўйсунган мамлакатлардан мусулмонлар қувиб чиқарилди. Кофирлар аста-аста Ислом Давлатидан мусулмонларнинг юртларини тортиб ола бошлади. Энди бутун оламга кенг қулоқ ёйган Ислом орқага чекина бошлаган эди. Шундан кейин Европа давлатлари Ислом Давлатини давлат сифатида вужудини йўқ қилиш, ҳамда Исломни умуман ҳаёт майдонидан ва одамлар ўртасидаги алоқалардан йўқ қилиб ташлаш, яъни иккинчи “салиб урушлари” ҳақида фикр юрита бошлади. Лекин бу сафар биринчи “салиб урушлари” да бўлгандек мусулмонларни енгиб, Ислом Давлатини мағлуб қилш эмас, балки ундан кўра чуқурроқ ва даҳшатлироқ – Ислом Давлатининг ҳеч қандай изини ва қайта ўсиб чиқадиган бирорта илдизини қолдирмасдан қўпориб ташлайдиган ҳамда мусулмонларнинг қалбларидан Исломни ўчириб, руҳий ибодатлар сувратидагина қолдирадиган – салб уруши ҳақида фикр юрита бошлади.

ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТИГА ҚАРШИ КЕЛИШУВИ

Кофирлар гарчи мусулмонларнинг юртларини ўзаро тақсимлашда бир-бирлари билан ўзаро келиша олмаган бўлсалар ҳам, Ислони таг-томир билан қуритшга бўлган интилишлари бир эди. Улар бу мақсадларини амалга ошириш учун бир неча йўлларни қўллашди: Европа давлатларида (яъни Ислом Давлатига бўйсунувчи Европадаги давлатлар) чунончи Юнон ва Серб диёрларида бўлгандек, миллатчилик ва мустақилликка интилиш туйғуларини қўзғаб, халқни Ислом Давлатига қарши ғалаён қилшга қизиқтирди ва уларни қурол-яроғ ва пул билан таъминлаб турди. Ислом Давлатига ортдан зарба бериш мақсадида Франция 1798 йилнинг июль ойида Мисрга хужум қилиб уни эгаллаб олди. Кейин Фаластинга хужум қилиб уни ҳам эгаллаб олди. Кейин бутун Шом ўлкаси эгаллаб олиб, Ислом Давлатига ҳал қилувчи зарба бермоқчи бўлди. лекин у бу урушда мағлуб бўлиб Мисрдан чиқиб кетди ва Ислом Давлати ерларини топширди.

Ваҳобийларнинг пайдо бўлиши. Суъудийлар ҳукумронлиги.

Англия эса ўз малайи Абдул-Азиз ибну Муҳаммад ибни Суъуд орқали Ислом Давлатнинг ичидан зарба бермоқчи бўлди. Ислом Давлатининг ичида Муҳаммад ибну Суъуд (вафоти 1765й) кейин унинг ўғли Абдул-Азиз (1720-183й.й.) бошчилигида ваҳобийлик мазҳаби мавжуд эди. Англия уларни қурол-яроғ ва пул билан таъминлаб турди. Улар эса мазҳабчилик асосда халифалик қўл остидаги мамлакатларни эгаллаб олишга интилдилар. Яъни Ислом лашкарлари – амиру-л-мўъминин лашкарига қарши қурол кўтариб. Англия тарафидан келаётган қурол-яроғ ва мададлар ёрдамида халифа қўл остидаги мамлакатларни эгаллаб, у ерларда ўз мазҳаби билан ҳукм юргизиб, бошқа Ислом мазҳаблари чиқарган ҳукмларни куч ва қурол билан йўқотишга уриндилар. Шу мақсадда 1788 й. Қувайтга хужум қилиб уни эгаллаб олишди. Кейин шимол тарафга юриш қилиб, Бағдодни қамал қилишди. Улар Карбало шаҳрини эгаллаб, Ҳусайн р.а. қабрини бузиб ташлаш ва у ерга зиёрат қилинишини манъ қилишни хоҳлар эдилар. 1803 йили Макка шаҳрига хужум қилиб уни ҳам эгаллаб олишди. 1804 йил баҳорда Мадинаи Мунавварани қўлга киритишди. Бу ерда Росулulloҳ с.а.в.нинг қабирларига соя солиб турган улкан гумбазни вайрон қилиб, у ердаги қимматбаҳо безакларни улоқтириб ташлашди. Ваҳобийлар Ҳижозни тўла қўлга киритканларидан кейин, Шомга қараб юриш қилдилар ва Ҳимс шаҳрига яқинлашдилар. 1810 йили Дамашқ ва Нажаф шаҳарларига иккинчи маротаба хужум қилдилар. Дамашқ шаҳри ўзини жуда кучли ҳимоя қилди, лекин ваҳобийлар Дамашқни қамал қилиб туриш билан бирга шимол тарафларга бориб ўз салтанатларни Сурия ерлари ва Ҳалаб шаҳарларигача ёйиб юбордилар. Ваҳобийлар юришлари Англия тарафидан бошқарилаётгани маълум эди. Чунки Суъуд хонадони Англиянинг малайи бўлиб, улар ваҳобийлик мазҳабларидан – (Ваҳобийлик мазҳаби Ислом мазҳабларидан бўлиб, унинг асосчиси имом Муҳаммад ибну Абди-л-Ваҳҳоб. 1115-1206 ҳижрий, 1703-1792

мийлодий йиллар. Ислом мужтахидлардан бири). – сиёсий ишлардан фойдаланиб Ислом Давлатига зарба бериш ва ваҳҳобийлик мазҳабини бошқа мазҳаблар билан тўқнаштириб, Усманийлар Давлати ичида мазҳаблараро урушларни кўзгаш мақсадида фойдаландилар. Бу ишлардан Муҳаммад ибн Абди-л-Ваҳҳобнинг ўзи ҳам, унинг йўлига эргашганлар ҳам беҳабар эди. Лекин суъудий амир (Абду-л-Азиз ибн Муҳаммад) ва суъудийлар хонадони бу ишларни ҳаммасидан хабардор эди. Чунки Англия ваҳҳобийлик мазҳабининг асосчиси Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб билан эмас, балки Абду-л-Азиз ибн Муҳаммад ибн Суъуд, кейинчалик эса Абду-л-Азизнинг ўғли Суъуд билан алоқада эди.

Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб Ислом мазҳабларидан Ҳанбалий мазҳабига мансуб бўлиб, баъзи масъалаларда ижтиҳод қилган мужтахид олимдир. У бошқа мазҳаблардаги мусулмонларнинг тутган йўли унинг бу масъалалардаги раъйига хилофлигини кўрди. Шунинг учун у ўз фикрларига мусулмонларни чақириб, шу фикрлар асосида иш юритиб, бошқа исломий фикрларга қарши каттиқ ҳужум бошлади. Натижада олимлар, амирлар ва обрў-эътиборли кишилар тарафидан қаршиликка учради. Чунки унинг фикрлари бошқа мазҳабларга мансуб мусулмонларнинг Қуръон ва Суннатдан олган фикрларига тўғрикелмас эди. Масалан: Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб Росулulloҳ с.а.в.нинг қабрларини зиёрат қилишни ҳаром ва гуноҳ деб эътибор қилади. Ҳатто Росулulloҳнинг қабрларини зиёрат қилиш мақсадида сафарга чиққан одам, ушбу сафарда намозни қаср қилиб ўқиши мумкин эмас. Чунки бу сафар гуноҳ учун қилинган сафардир, - дейди. Бу фикрга Росулulloҳ с.а.в.нинг: - “Фақат учта масжидга: Менинг масжидим, Масжиду-л-Ҳаромга ва Масжиду-л-Ақсога зиёрат қилиш учун бориш мумкин” – деб айтган сўзларини далил қилиб келтиради. Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳобнинг фикрига кўра Росулulloҳ ушбу уч масжиддан ўзга масжидлар зиёрати учун сафар қилишдан қайтарганлар. Агар Росулulloҳнинг қабрларини зиёрат қилиш учун сафар қилинса. Бу уччала масжиддан ўзга ерни зиёрат қилиш учун сафар қилинган бўлади ва бу сафар ҳаром ва гуноҳ ҳисобланади, дейди.

Бошқа мазҳабларнинг олимлари эса, Росулulloҳ с.а.в.нинг қабрларини зиёрат қилишни суннат ҳисоблаб, ўз фикрларига Росулulloҳнинг – “Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди қабрларни зиёрат қилаверинглар”, - деган сўзларини далил қилиб келтирадилар. Улар Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб ўз фикрига далил қилиб келтирган ҳадис ҳақида: - “Бу ҳадис фақат масжидларга хос бўлиб, унинг мавзуси ушбу уч масжидга сафар қилишдан иборатдир. Шунинг учун муслим Аё Суфиё масжиди ёки Дамашқдаги Умавий масжидини зиёрат қилиш мақсадида сафар қилиш мумкин эмас. Чунки Росулulloҳ ушбу уч масжиддан бошқа масжидларни зиёрати учун сафар қилишдан манъ қилганлар. Аммо бу ҳадис тижорат, зиёрат, саломатлик, саёхат ва бошқа мақадларда қилинадиган сафарни манъ қилмайди. Чунки Росулulloҳ фақат ушбу уч масжидни зиёрати учунгина сафар қилишга руҳсат берганлар”, - дейишади. Шунингдек Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳобнинг ҳамма фикрларини бошқа мазҳабларга эргашган мусулмонлар ўзларининг Китоб ва Суннатдан тушуниб олган фикрларига зид деб ҳисоблайдилар. Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб билан бошқа мазҳабларга эргашган мусулмонлар ўртасида ҳусумат кучайди ва у мамлакатдан қувғин қилинди.

1740 йил Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб Анза қабиласининг сардори Муҳаммад ибн Суъуд олдига паноҳ сўраб борди. (Муҳаммад ибн Суъуд Уяйна қабиласи сардорининг душмани бўлиб, ўзи Диръийя шаҳрида истикомат қилар эди. Диръийя шаҳри Уяйна қабиласидан 6 соатли йўл эди. Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб Муҳаммад ибн Суъуд томонидан самимий кутиб олинган, Диръийя ва унга яқин ерлардаги одамлар орасида ўз фикрларини тарқата бошлади. Оз фурсат унинг фикрларини қўллаб қувватловчилар пайдо бўлди. Амир Муҳаммад ибн Суъуд ҳам бу фикрларга мойил бўлди ва шайх Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳобга яқинлаша бошлади.

1747 йил амир шайхни фикрларини қабул қилганлигини ва уни ва фикрларини қўллаб қувватлашини эълон қилдию мана шу келишув сабабли ваҳҳобийлик ҳаракати бошланиб, у даъват ва ҳукм (ҳокимят) шаклида зоҳир бўлди. Шайх ўз фикрларига даъват қилар ва шу фикрлардан балқиб чиқаётган ҳукмларни татбиқ қилар эди.

Шундай қилиб бу фикрлар Диръийяга қўшни шаҳар ва қабилалар орасида даъват ва ҳукм шаклида ёйила бошлади. Муҳаммад ибн Суъуднинг ҳокимияти ҳам кенгайиб, 10 йил муддатда ўз салтанати ва янги мазҳабга 30 кв.мил ерни бўйсундиришга мувафак бўлди. Лекин бу ёйилиш даъват ҳамда Анза қабиласи сардорининг салтанати орқали бўлган эди. Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳобга ҳеч ким қаршилик ва душманлик қилмади. Ҳатто уни Уяйнадан қувиб чиқарган Аҳсо амири ҳам бу ёйилишда ўз душманига қаршилик қилмади ва унга қарши куч тўпламади. 1757 йилда Аҳсо амири куч тўплаб Муҳаммад ибн Суъудга қарши уруш бошлади. Лекин бу урушда мағлуб бўлди ва Муҳаммад ибн Суъуд унинг ҳокимиятини эгаллаб олди шу кундан бошлаб Анза салтанати, яъни Муҳаммад ибн Суъуд салтанати ва янги мазҳаб салтанати Диръийя ва унга қўшни шаҳарлар ва Аҳсо шаҳрида ҳукмронлик қила бошлади. Бу ўлкаларда ваҳҳобийлик мазҳаби салтанат кучи билан ижро қилинар эди.

Лекин бу ҳаракат, бу ёйилиш Аҳсо амири билан тўқнашув ва Аҳсо шаҳрини эгаллаб олиш билан тўхтаб қолди. Муҳаммад ибн Суъуд ҳам, ваҳҳобийлик мазҳаби ҳам шу ерда тўхтаб, ҳаракат тамоман сўнди.

1765 йил Муҳаммад ибн Суъуд вафот этди. Ўғли Абду-л-Азизни Анза қабиласини сардори этиб қолдирди. Абду-л-Азиз отаси вафотидан кейин отасининг қўл остидаги ерларда ҳукмронлик қила бошлади. Лекин у ваҳҳобийлик ҳаракатини кучай тиришга ҳам, қўшни шаҳарларга ёйишга ҳам ҳисса қўшмади. Ҳаракат яна сўниқ ҳолатида қолаверди. У ҳақида ҳеч нарса эшитилмай қолди. Ҳатто қўшни ўкаларда бу ҳаракатни эслаш ёки уни бостириб келишидан қўрқиш ҳисси тамоман йўқ бўлиб кетди.

Лекин ваҳҳобийлик ҳаракати бошланганидан 41 йил кейин, яъни 1747 йилдан то 1788 йилгача ва бу ҳаракат 31 йил тўхтаб, сўниб тургандан кейин, яъни 1757 йилдан 1787 йилгача қўқисдан яна кучая бошлади ва ваҳҳобийлик мазҳабини янгича бир

услугда тарқата бошлади. Унинг овозаси Ислом Давлатининг ҳамма тарафларида ҳам, катта давлатларда ҳам кучли шакилда эштила бошлади. Бу ҳаракат кўшнилари, балки бутун Ислом Давлатини машғул қилиб изтиробга сола бошлади.

1787 йил Абду-л-Азиз подшоҳлик хонадонини ёки валиаҳдлик тартибини таъсис қилишга киришди. Бундан мақсад ўғли Суъудни ўз ўрнига қолдириш эди. Шайх Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб бошчилигида жуда катта жамоат йиғилди. Бу йиғинда Абду-л-Азиз подшоҳлик ҳуқуқи ўз хонадониди, подшоҳга ўрин босарлик ҳуқуқи эса авлодларида бўлишини таъйин қилди ва ўғли Суъудни ўз ўрнига қолдиражагини эълон қилди. Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб бошчилигидаги бу катта жамоат бунга рози бўлиб, тасдиқлашди. Шундай қилиб битта қабила ёки бир неча қабилалар учун эмас, балки давлат учун подшоҳлик хонадонига асос солинди. Шунингдек ваҳҳобийлик мазҳабида ҳам ўринбосарлик Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб хонадониди этиб босарлик тартиблари таъйин қилнгандан кейин, ҳаракат фатҳ қилиш ва ёйилишда яна ҳам кучайиб, ваҳҳобийлик мазҳабини уруш йўли билан ёя бошлади. 1788 йили Абду-л-Азиз жуда катта таёргарлик билан Қувайтга ҳужум қилди ва уни эгаллаб олди. Англия ҳам Қувайтни Усманий Давлатдан тортиб олишга ҳаракат қилган, лекин буни урдасдан чиқа олмаган эди. Чунки Германия, Россия ва Франция каби давлатлар инглизларни йўлини тўсиб турар, халифалик давлати ҳам бунга йўл қўймас эди. Ваҳҳобийларнинг Қувайтни Усманий Давлатдан ажратиб олишлари ва уни ҳимоя қилиш мақсадида шимолга қараб юришлари Россия, Германия, Франция каби катта давлатлар ва Усманий Давлатнинг назарини ўзига жалб қилди. Чунки ваҳҳобийлар уруши мазҳабчиликка асосланган бўлиб, у диний туйғуларни кўзғар эди.

Шундай қилиб ваҳҳобийлар бир неча ўн йил давом этган сокинликдан кейин кўкқисдан ҳаракатга келдилар. Бу ҳаракатни янгича услуб билан, яъни мазҳабни уруш ва фатҳ йўли билан тарқатиб, бошқа мазҳабларни тамоман йўқотиб, уларнинг ўрнига ўз мазҳабларини ўрнатиш услуби билан бошладилар. Бу ҳаракат Қувайтга ҳужум қилиб, уни босиб олиш билан бошланиб кетди. Кейин бу ҳаракатни ёйишга бўлган урушларни кучайтирдилар. Улар Арабистон ярим оролидаги кўшниларнинг, Ироқ, Шом ўлкалари ҳамда Халифалик Давлати сифатида Усманий Давлатнинг безовталанишлари, хаёжон ва изтиробларига сабабчи бўлдилар. Улар мусулмонлар бошқа мазҳаблардан олган фикрларини ташлаб, фақат ваҳҳобийлик мазҳаби фикрларини қабул қилишлари учун уларга ва халифага қарши қурол кўтардилар ва Ислом ўлкаларини фатҳ қила бошладилар. 1792 йил Муҳаммад ибн Абду-л-Ваҳҳоб вафот этди. Суъуд отаси Абду-л-Азизнинг ўрнини эгалаганидек, давлатда ваҳҳобийлик эгаллаган мансабни унинг ўғли эгаллади. Шундай қилиб Суъуд хонадонининг амирлари ваҳҳобийлик мазҳабини Халифалик Давлати бўлмиш Усманий Давлатга зарба бериш ва мусулмонлар орасида мазҳаблараро урушларни кўзгаш мақсадида сиёсий қурол қилиб олдилар.

Ислом Давлатига қарши ингилизлар фитнаси

Суъуднинг авлоди ингилизларнинг малайлари ва дўстлари эканлиги ва улар тарафидан бошқарилаётганлиги, Халифалик Давлати ва Германия, Франция, Россия каби бошқа давлатларга ҳам маълум эди. Ингилизлар ҳам давлат жиҳатидан Суъудийлар тарафдори эканлигини яширмас эдилар. Бундан ташқари ваҳҳобийларга Ҳиндистон орқали етказиб берилаётган курол-аслаҳа ва қўшинни жихозлаш учун ишлатилаётган маблағ ингилизларники эди. Шунинг учун Европа давлатлари, хусусан Франция ваҳҳобийларнинг хужумларини ингилизларни хужуми деган эътибор билан унга қарши эдилар Халифалик Давлати ваҳҳобийларга зарба бериб уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин уддасидан чиқа олмади. Мадина, Бағдод ва Дамашқ шаҳарларидаги халифанинг волийлари ҳам ваҳҳобийларнинг йўлини тўса олмадилар. Шундан кейин Халифалик Давлати Мисрдаги волийси Мухҳамад Алийдан ваҳҳобийларга қарши қўшин тайёрлашни талаб қилди. У аввалда бироз суствлик қилди, чунки у Франциянинг малайи эди. Франция Мухҳамад Алийни Мисрда инқилоб қилиши ва ҳокимият устига чиқишида ёрдам берган ва уни эътироф қилишга халифаликни мажбур қилган эди. Мухҳамад Алий Франция билан келишган ҳолда ва унинг тарғиби билан 1811 йил Халифанинг буёруғига биноъан ўғли Тусунни ваҳҳобийларга қарши урушга юборди. Ваҳҳобийлар ва Миср қўшини ўртасида бир неча жанглар бўлди. 1812 йил Миср қўшини Мадинани фатҳ қилди. 1816 йил август ойида Мухҳамад Алий ўғли Иброҳимни Қоҳирадан ваҳҳобийларга қарши жангга юборди. У ваҳҳобийларни янчиб ташлади. Ваҳҳобийлар орқаларига қочиб, пойтахтлари Диръийяга яшириндилар. Иброҳим 1818 йил апрель ойидан бошлаб Диръийяни ёз ичи қамал қилиб турди. 1818 йил 9 сентябрда ваҳҳобийлар таслим бўлдилар. Иброҳимнинг лашкари Диръийяни вайрон қилиб ташлади. Ҳатто ундан ном-нишон ҳам қолдирмади. Шундай қилиб ингилизларнинг ҳаракатлари ниҳоясига етди.

Франциянинг Ислом Давлатига зарба бериш ҳаракатлари

Франция ўз малайи ,Миср волийси Мухҳамад Алий воситасида Ислом Давлатига орқадан зарба бермоқчи бўлди. Бунинг учун Мухҳамад Алийни давлат ва сиёсий жиҳатлардан очиқ қўллаб қувватлаб турди. Мухҳамад Алий Халифалик Давлатидан ажраб, халифага қарши уруш эълон қилди. 1831 йил Шомга юриш қилиб, Фаластин, Лубнон ва Сурияни босиб олди ва Андолуз шахрига қараб кела бошлади. Лекин Халифа Мухҳамад Алийга қарши жуда кучли қўшин юборди. Европа давлатлари чунончи Англия, Россия ва икки немис давлати (Германия ва Австрия) ҳам Мухҳамад Алийга қарши ҳаракат қилиди. 1840 йил июль ойида улар ўзаро битим имзоладилар. Бу битимга биноъан ушбу давлатлар Усманий Давлат ерларининг бир бутунлиги (яхлитлигини) ҳимоя қилиб, Мухҳамад Алийни керак бўлса куч билан Сурияни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилмоқчи бўлдилар. Европа давлатларининг бундай ҳаракатлари Халифани Мухҳамад Алийнинг юришларини тўсиб ва уни Сурия, фаластин ва Лубнондан қувуб чиқариб, охири Мисирга қайтишга мажбур қилиб. Кейин у Халифага тобеъ волий бўлишга рози бўлади.

МИЛЛАТЧИЛИК НАЪРАЛАРИ ВА МУСТАҚИЛЛИККА ИНТИЛИШЛАРНИ ҚЎЗГАШ

Европа давлатлари, хусусан Англия, Франция ва Россиянинг Ислом халифалигини йўқ қилиш учун олиб борган ҳаракатлари шундай давом этаверади. Лекин уларнинг Ислом Давлатига мунтазам урушлар, лашкар ва жанглар билан орқадан зарба бериш ҳаракатлари муваффақиятсизликка юз тутди. Уларнинг мувоффақиятсизлиги халифада мавжуд бўлган ҳимоя қувватининг кучлилиги сабабли эмас, балки аввало давлатлар ўртасидаги муносабатлар ва ўлжаларни тақсимлашда ўзаро келиша олмаганликлари сабабли эди. Аммо бу Европа давлатларининг Европада Сербия, Венгрия, Болгария, Юнон ва бошқа мамлакатлардаги ҳаракатлари муваффақият қозонди. Чунки улар бу мамлакатларда миллатчилик, мустақилликка интилиш туйғуларини қўзғаш йўли билан ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам Европа давлатлари бу услубни, яъни миллатчилик ва мустақилликка (яъни ажралишга) интилиш услубини ихтиёр қилди ва Ислом байроғи хилпираб турган ва мусулмонлар халифаси ҳукумрон бўлган мамлакатларда шу услуб билан ҳаракат қила бошлади. Хусусан араб ва туркларда бу услубни қўллашга бор имкониятларини қаратди. Истанбул ва Ислом Давлатининг бошқа шаҳарларидаги Англия ва Франциянинг элчихоналари миллатчилик наъралари ва мустақилликка интилиш туйғуларини қўзғай бошлади. Уларнинг бу фаёлиятлари Бағдод, Дамашк, Байрут, Қоҳира ва Жидда шаҳарларида ошқора сувратда олиб борилди. Бу муҳим ишни амалга ошириш учун иккита асосий марказ: Истанбул шаҳри ҳамда Ислом Давлати қўл остидаги мамлакатлар, хусусан араб тилида сўзлашадиган мусулмонлар яшайдиган мамлакатларда зарба бериш мақсадида Байрут шаҳри ихтиёр қилинди.

Халифаликка қарши ҳаракатда Байрут марказининг аҳамияти

Исломга ва Ислом Давлатига зарба бериш мақсадида ихтиёр қилнган Байрут маркази учун натижаси узоқ муддатларда амалга ошадиган режа тузилди. Шунинг учун ҳам Байрут маркази одамларга захри қотилдек бўлди. Минглаб мусулмон фарзандларини кофирларга ва барча исломий алоқаларни куфр ҳукмига мувофиқ юритиладиган алоқаларга айлантирди. Биринчи жаҳон урушида кофирлар билан аралашув асносида Ислом Давлатига зарба беришда бу марказнинг таъсири даҳшатли бўлган.

Ғарб кофирлари сиёсий ишларини Иброҳим бошо Шом ўлкаларидан ажралгандан кейин Байрутда ошқора сувратда бошладилар. 1842 йилда америкаликларнинг топшириқ ва режаларига мувофиқ бир илмий жамъийятга асос солиш ғояларига эришиш учун 5 йил ҳаракат қилди ва ниҳоят у “илмлар ва фанлар жамъийяти” номли жамъийятга асос солди. Унга инглизларнинг энг хатарли малайларидан Бутрус Бустоний ва Носиф Ёзижий номли икки насроний малайи ва инглизлардан Колонел Черчел, америкаликлардан Эйли Смит ва Корнелус ван Диклар бошчилик қилди. Бу жамъийятнинг ғоялари бошланишда яширин сувратда бўлсада, лекин катта ёшдагилар ва мактабларда ёшлар орасида илм тарқатиш ҳамда катталар ва ёшларни ғарб сақофати (илм-маъорифи) ни олишга мажбур қилиш, ғарб фикрларини

бериш билан уларни махсус йўналишга йўналтириш сувратида намоён бўлди. Лекин бу жамъийят кишиларининг ғайрати ва катта меҳнатлар сарфлашларига қарамасдан унга 2 йил исиди бутун Шом ўлкасидан бор йўғи 50 та аъзо қўшилди. Бу қўшилганларнинг барчаси насронийлар бўлиб, кўпчилиги Байрут аҳолисидан эди. Унга мусулмонлар ва друзлардан биронта аъзо қўшилгани йўқ. Шунинг учун ҳам 1850 йили “Шарқ жамъийяти” номли янги жамъийятга асос солди. Бу жамъийятнинг ҳам барча аъзолари насронийлар эди.

1857 йили эса янги услубда жамъийят тузилди. Унинг бошқалардан фарқи – унга ажнабийлардан ҳеч ким аъзо бўлиши мумкин эмас, балки барча аъзолари туб аҳоли ва араблардан иборат бўлиши керак эди. Бу билан унга баъзи мусулмонлар ва дурузлар ҳам қўшилишига имкон яралди. Чунки улар ҳам араб деб эътибор қилинар эди. Бу жамъийятга кўпчилик қўшилиб уларнинг сони 150 тага етди. Уни бошқарувчилар орасида араблар ичида кўзга кўринган машҳур шахслар – дурузлардан Муҳаммад Арслон, мусулмонлардан Хусайн Байҳам, насронийлардан Иброҳим Йозижий ва Бутрус Бустонийнинг ўғли бор эди. Бу иккиси жамъийятнинг фикрат-мафкурасини бошқариш ва шу фикрат асосида иш юритишга бошчилик қилар эди. Бу жамъийятнинг муваффақиятлари кофирларнинг яширин ва алдов сувратлардаги миллатчилик ва мустақилликка интилиш ҳаракатларини энди ошкора сувратда амалга оширишга руҳлантирди.

1875 йил Байрутда яширин бир жамъийят тузилди. Унга Байрутдаги протестантлар (насроний динидаги бир оқим) университетидида таълим олган 5 нафар йигит асос солди. Уларнинг ҳаммаси насроний бўлиб, ўз жамъийятларига бир неча одамларнигина қўшдилар. Бу жамъийят араблаштириш ва миллатчиликка чақирар. Усманий Давлатни турк давлати деб номлаб, унга қарши адоватларни кўзлар, динни давлатдан ажратиш ва араб миллатчилигини асос қилиш мусулмонларнинг ораларидаги исломий эътиқоддан келиб чиққан бир-бирларига бўлган муҳаббатни фақат араб миллатчилигидан келиб чиқадиган қилиш мақсадларида ҳаракат қилар эди. Бу жамъийят ҳар хил мақолалари чиқариб, уларни яширинча тарқатар эди. Унинг аъзолари ва бошқарувчилари Исломга адоватли насронийлардан бўлсалар ҳам, уларнинг баъзи бир мақолалари Туркияга нисбатан тухматларни яъни – уларнинг таъбирича – Туркия араблардан халифаликни зўрлик билан тортиб олган, Исломнинг покиза шарийъатига тажовуз қилган ва динда сузлик қилган, каби тухматларни ўз исига олган эди. Шундан кейин миллатчилик ҳаракатлари ва миллатчилик наъралари тарқала бошлади. Аммо Европа давлатларининг Байрут марказида олиб борган фаолиятларининг натижаси жосусларни тайёрлаш, фикрларни бузиш, одамларни ўлдириш каби ишларни бажаришдан иборат бўлди. Бу йўл фикрий жиҳатдан таъсири даҳшатли бўлган бўлса ҳам, лекин сиёсий жиҳатдан жуда паст даражада эди.

Халифаликка зарба беришда Истанбул марказининг аҳамияти

Булар Байрут марказининг фаолиятларидир. Аммо ғарб кофирлари Ислом Давлатига унинг пойтахтида ва ҳокимият устида ўтирган шахслар орқали зарба

бериш мақсадида уюштирган Истанбул марказида жуда кўп ишларни амалга оширишди. “Ёш Туркия” ёки “Бирлик ва тараққиёт” жамъийятини вужудга келтириш бу марказ олиб борган ишларнинг энг муҳим ва натижаси энг дахшатлиси бўлди. Бу жамъийятга Парижда асос солинди. Унинг асосчилари Франциянинг фикрлари билан суғорилган ва Франция инқилобини чуқур ўрганган турк ёшлари эди. У яшир инқилобий жамъийят сифатида юзага келди. Жамъийят раиси Аҳмад Ризобек бўлиб, у одамлар ўртасида кўзга кўринган шахслардан эди. Унинг мафкураси ғарб дунёқарашининг ўз юрти – Туркияга олиб кириш эди. Бу жамъийятнинг Берлин, Солоники ва Истанбулда ҳам бўлимлари бўлган.

Париж бўлими жуда пухта тузилган ва программали экстремистик кайфиятда, тарғибот воситалари эса жуда кучли ва мустаҳкам эди. Унинг “Ал-анбаъ” номли газетаси бўлиб, бу газета Истанбулга Европа почталари орқали яширинча келтирилди, унинг Туркиядаги аъзолари бу газетани яширинча тарқатар эдилар. Жамъийят турли сиёсий варақалар чиқарар, улар ҳам шу услубда келтирилиб, тарқатилар эди.

Бу жамъийятнинг Берлин бўлими мўътадил (бетараф)лар. Усманий Давлатининг собиқ вазирлари ёки ундан юқори мансабда бўлганлар ва сиёсий қобилият эгаларидан таркиб топган бўлиб, улар давлат ишларини Германия ҳукуматининг услубида ислоҳ қилиб. Усманий Давлатда яшаётган турли миллат ва халқларни Германия иттифоқига ўхшаш бир давлатга бирлаштиришни талаб қилишар эди.

Аммо Солоники бўлимининг кўпчилик аъзолари қўшинда кучли нуфузга эга бўлган ўқувчи зобитлардан иборат бўлиб, улар инқилоб қилиш учун жиддий тайёргарлик кўришар эди. Бу бўлимга кейинчалик вазирликка раис бўлган Талъат каби юқори лавозимда ишловчи ёшлар ва баъзи бир шайхлар – уламолар қўшилди. Натижада уларнинг қуввати яна ҳам зиёда бўлди. Лекин шунга қарамасдан бўлимдагилар Париж марказига бўйсунар ва унинг маслахатидан ташқари иш юритмас эдилар. Париж маркази уларни ғарб назариялари ва фикрлари билан бошқарар, уларда кураш ва фидойликка бўлган интилишларни пайдо қилар эди.

Масонлар ташкилоти, ҳусусан Солоникидаги Италия масонларининг энг катта ташкилоти бу жамъийятни қутлар ва адабий жихатдан унга катта ёрдамлар бериб турар эди. Унинг йиғинлари ҳеч бир жосус ҳар қанча урунса ҳам қира олмайдиган масонлар йиғиладиган жойларда ўтказилар эди. Масонлар ташкилотининг кўпчилик аъзолари “Бирлик ва тараққиёт”, жамъийятига аъзо эди. Мана шундай воситалар ва олаётган ёрдамлари туфайли жамъийят ўз аъзоларининг сонин кўпайтирди ва нуфузи яна ҳам кучайди. Бундан ташқари “Бирлик ва тараққиёт”, аъзолари Истанбул билан боғланиш, балки қасрга яқинлашиш ишларида ҳам масонларнинг услубидан фойдаланар эди.

Бу жамъийят (“Ёш Туркия” ёки “Бирлик ва тараққиёт” жамъийяти) яширин мажлислар уюштирар ва ўз аъзоларини инқилобга қизқтириб тайёрлар эди. Нихоят 1908 йил инқилоб бўлди ва бу жамъийят ҳокимиятни эгаллади ва унинг қуввати кўриниб қолди. Европа ундан миннатдор эканлиги очик кўриниб турар эди. 1908

йилнинг куз ойларида парламент очилишидан бир оз олдинроқ Салоникидаги жамъийят аъзоларининг съезди бўлиб ўтди. Бу съезд жамъийятнинг ўз кучлари ва ютуқлари билан фахрланиш кўринишида ўтказилган биринчи съезди бўлди. Бу даврда унинг раиси Париждаги асосчиси Ахмад Ризобек эди. У съездда сўзга чиқиб, фахр билан жамъийятнинг ютуқларидан хурсанд ва рози эканлигини ҳамда Европадаги Ислом Давлатига қарашли мамлакатлар ватанпарварлик ҳаракатига нисбатан яхши ниятда эканлигини ва мамлакатдаги аҳволдан ҳам розилигини билдиришганини таъкидлаб ўтди.

Шу вақтда, яъни 1908 йил кузида Англия Истанбулга янги элчисни таъйинлади. У Истанбулга етиб келганида “Бирлик ва тараққиёт” жамъийятининг бир гуруҳ аъзолари унга пешвоз чиқиб, жуда катта хурмат билан кутиб олишди. Ҳатто аравани тортиб келаётган отларни аварадан бўшатиб, отлар ўрнига ўзлари аравани тортиб бордилар. Бу ишлар “Бирлик ва тараққиёт” жамъийятининг ишлари эди. Унинг аъзолари ғарбнинг сохта фикрларидан жуда қаттиқ таъсирланган эдилар. Ҳатто ғарб фикрлари ўзлари ҳукм юритадиган давлатларни воқеъига зидлигини, қолаверса Исломга ҳам зидлигини англай олмадилар. Буларнинг калтафаҳмлиқ ва кўр-кўроналик билан олиб борган ишлари европаликларнинг назарини уларнинг жохил (онгсиз) ликларига қаратади. Ҳатто ўша даврда Истанбулда яшаган дипломатлардан бири улар ҳақида: - “Улар кўпинча биринчи қадамдан олдин иккинчи қадамни босадилар”, - деган эди. “Бирлик ва тараққиёт” кишилари ғарб фикрлари ва қонунларини пухта ўрганган шахсларга ҳокимимияни топширишга ошиқдилар. Шундай қилиб “Ёш Туркия” номли сиёсий гуруҳ ичида уларнинг қўли баланд бўлиб қолди.

“Бирлик ва тараққиёт” аъзолари қўшин кимнинг қўлида бўлса, барча кучга эга бўлишини аниқ билганларидан кейин, астойдил ҳаракат қилдилар, ҳатто ҳукумат қўшинга янги таъйинлашларида бу жамъийятнинг сиёсатига мувофиқ иш қиладиган бўлиб қолди. Ҳамма зобитлар бу сиёсий жамъийятнинг аъзолари бўлиб, уларнинг кўпчилиги фан билан шуғулланувчилар ва ҳарбий шахслар эди. Унинг сиёсий ишларидан бири шуки: Усмони Давлат фуқароси бўлган ҳар бир шахсга қонун турклар фойдаланаётган ҳуқуқларга ўхшаш ҳуқуқлардан фойдаланишларига руҳсат бериши ва халқнинг зиммасида турклар зиммасидаги талабларидан ортиқча талаблар бўлмаслигига эришди.

Охир оқибат бу жамъийят бутун давлатда ҳозирда ҳам, келажагида ҳам ҳукм юргиза бошлади. Шундай қилиб ғарб Ислом Давлати ва Исломни емириш учун курул қилиб олган мафкураси ҳукмрон сиёсий гуруҳ ва унинг ёрдамчиларида гавдаланган холда ҳокимиятга эришди. Бу гуруҳ ва ёрдамчиларнинг фикрига кўра Ислом ҳозирги замонга муносиб эмас, балки ғарб фикрлари ва дунёқараши айнан бугунги кун талабларига жавоб беради, қолаверса турк миллатчилигини ҳимоя қилиш энг зарур ишлардан. Бу жамъийят ватанпарварлик ғоялари билан фахрланар ва унга катта аҳамият берар, Туркияни бошқа исломий ўлкалардан, туркни эса мусулмонлардан устун кўяр эди.

“Ёш Туркия” ёки “Бирлик ва тараққиёт” ҳизби (сиёсий гуруҳ)ни тузиш ғарб империалистлари Ислом Давлати ва Исломга зарба бериш учун қўллаган ишларининг энг даҳшатлиси бўлди. Бу ишдан кўзланган мақсад жуда тез амалга ошди. Бу гуруҳ ҳокимиятни эгаллаши биланоқ Ислом Давлати ичида емириш ишларини ва унда яшовчи халқлар орасида устига кўприк қуриб бўлмайдиган жарликларни пайдо қила бошлади. Чунки миллатчилик одамларни бир-биридан ажратадиган ва улар орасида адоват ва урушларни келтириб чиқарадиган энг хатарли нарсадир. “Бирлик ва тараққиёт” жамъийяти ўз таркибига Ислом Давлатидаги ҳамма халқлар ва миллатларни қабул қилишга қарамасдан, давлатдаги уларнинг миллатчилик сиёсати Усманий Давлат таркибидаги халқларда ҳам миллатчилик фикрларини кўзғади. Шунинг учун Константинополда албанлар ўзларининг миллий жамъийятларини тузишди. Буларнинг орқасидан черкес ва курдлар ҳам ўз миллий жамъийятларини тузди. Румликлар ва арманлар олдинроқ тузилган яширин жамъийятларини қонуний қилиб очиққа олиб чиқишди.

Араблар ҳам Константинополда “Усманий араблар биродарлиги” номли жамъийят тузиб, унинг биринчи мажлисини шу ном билан очдилар. Лекин “Бирлик ва тараққиёт” жамъийяти хусусан арабларнинг ушбу жамъийятига қаршиликлар қилди. “Бирлик ва тараққиёт” жамъийяти ҳамма миллатларга ўз миллий ҳизбларини тузишга рухсат берди. Лекин араб миллий жамъийятларига қарши туриб ва арабларни бу миллий жамъийятларини тарқатиб, давлат номи билан уларнинг қароргоҳларини беркитиб. Қўшинда ҳам миллатчилик ишларини олиб боришди. Араб ўлкаларидан араб зобитларини Истанбулга чақиртириб, уларни Германияга зобитлар ўқишига боришдан манъ қилди. “Бирлик ва тараққиёт” жамъийяти таркибидаги арабларни унинг марказий комитетига киргизмаслик ҳақида қарор чиқарди. У аввалда Усманий Давлатидаги ҳамма миллатлар, чунончи турк, араб, албан, черкес ва бошқа миллатлардан таркиб топган бўлишига қарамасдан, жамъийят ҳокимиятни эгаллаши ва турклар нуфузли бўлиши биланоқ зўравонлик қила бошлади, бу жамъийятда араб миллатини унинг эътиборли марказларидан маҳрум қилиб, бу марказларни туркий жамъийятларга топшира бошладилар. Бунинг натижасида ҳокимиятда жуда кўп ишлар амалга оширилди. Масалан: вақфлар вазири араб бўлганлиги учун уни ишдан бўшатилиб, ўрнига турк вазири сайланди. Ички ва ташқи ишлар вазирлари ҳам араблардан эмас, балки доимо турклардан сайланишига ҳаракат бошланди. Араб юртларига мутлақо араб тилини билмайдиган турк миллатига мансуб ҳокимларни қасдан юбориш ва бу ишлар орқасидан турк тилини расмий давлат тили деб эълон қилиш ишлари ҳам шулар жумласидандир. Ҳатто арабларга араб тили қоғидаларини ҳам турк тилида ўргата бошладилар. Араб тилини ҳаётдан четлатиш шу даражага етиб бордики, Вашингтондаги Усманий давлат элчиси 1909йили Америкадаги Усманий давлат фуқаролари элчихона ишларидан турк тилидан бошқа тил билан алоқа қилишлари мумкин эмаслигини эълон қилди. Ҳолбуки ўша даврда Америкада Усманий давлат халқларидан ярим миллионга яқин одам яшар ва улардан биронтаси ҳам турк тилини билмас эди.

Араб ва турк миллатчилиги қўшинда ошкора кўрина бошлади. “Бирлик ва тараққиёт” жамъийятининг турк миллатига мансуб зобитлари муъомалаларида, хизматда силжиш ва қўшинда катта мансабларни эгаллашларида миллатчиликни

яққол намоиш қилар эдилар. Араб зобитлари турк зобитларига қарши норозиликларини изҳор қилишди. Лекин миллат учун эмас, балки давлат учун қайғуриш вожиблиги уларнинг ҳаёлига келмас эди. Чунки бу ерда масъала араб ва турк миллатини бирлаштириш масаласи эмас, балки “Ислом Умматининг яхлитлиги”, “Аллоҳ таоло итоъат қилишни вожиб қилган, осий бўлишни эса ҳаром қилган, унга осий бўлиш билан баробар бўлган Истанбулдаги Халифа” ҳамда “муслим – муслимнинг биродари, уни душманга топшириб ҳам қўймайди, унга зулмҳам қилмайди” мана шулар асосий масъалалар эди. Шунинг учун ҳам араб зобитларининг баъзилари бу вазъиятдан тасирланиб, 1909 йил охирларида “Бирлик ва тараққиёт” жамъийятининг аъзоларидан бир гуруҳ фикрларини учрашувга чақирдилар. Улар бу учрашувга розилик билдириб, Истанбулда узоқ давом этган учрашув бўлиб ўтди. Унда араб ва турклар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг тамоман олдини олиш тадбирлари кўриб чиқилди. Бу учрашув бирликка қайтиш ва миллатчиликни тарк қилиб, ёлғиз Ислом ақидаси остида бирлашишга олиб боришига оз қолди. Лекин турк миллатчилигига бўлган эътиқоди Исломга бўлган эътиқоддан юқори бўлган Аҳмад Оғабек ва Юсуф Оқшурбек каби баъзи турк ёшларига миллатчилик эътиқодларини тарк қилиб, фақат Ислом эътиқодига садоқатли бўлиш оғир кўринди. Шунинг учун ҳам улар бу ишга аралашиб, арабларга қарши ва туркларни улуғлашлик ҳақида қаттиқ гапларни гапиришди. Бу нарса учрашувни тарқалиб кетишига ва уни учрашувдан олдинги ҳолатидан ҳам ёмон ҳолатга тушиб қолишига олиб келди.

“Бирлик ва тараққиёт” жамъийяти миллатчилигида давом этиб, ниҳоят жамъийятдаги бутун ишлар турклар қўлига ўтганидан кейин, унинг программасини ўзгартириб, уни соф туркия жамъийятга айлантириб олди. Бу ўзгартириш сабабли ундан барча араб, албан ва арманлар ҳамда Ислом эътиқодига суяниб, миллатчилик эътиқодидан воз кечган баъзи турклар ҳам ажралиб чиқди.

Араб миллий жамъийятлари ва гуруҳларнинг тузишда Европа элчихоналарнинг фаолиятлари

Бу ишлар натижасида Европа давлатларининг элчихоналари араблар билан боғланиш ва ҳар-хил жамъийятлар, сиёсий гуруҳлар тузишга астойдил киришдилар. Улар “Маркашлашмаган ҳизб” сиёсий гуруҳни тузиб, марказини Қоҳира, раиси этиб Рафику-л-Аъзамни тайин қилдилар. “Ислоҳ жамъийяти” тузилди, унинг маркази Байрут эди. “Абадий кулб” ва бошқа бир қанча жамъиятларда асос солинди. Шундай қилиб, ингиллиз ва французлар миллатчиликни олға сураётган ва уларга ўз юртларининг ҳазиналарини очиб бераётган арабларнинг сафларига янада ичкари кириб боришди. Бунинг натижасида 1913 йил 18 июнда араб ёшлари Парижда Франция бошчилигида катта бир конференция ўтказдилар. Бу конференция араб миллатчилари ўзларини Усманий Давлатдан ажралиб, Англия ва Франция билан бирлашганлигининг биринчи эълони бўлди.

Бу ишдан ҳабар топган “Бирлик ва тараққиёт” кишилари “Турк ўчоғи” (яъни “Турк оиласи”) номли янги жамъият тузишди. Унинг асосий ғояси, Исломни ҳаётдан

тамоман ўчириб ташлаш, “усмоний” деган миллатни турклаштиришдан иборат эди. Шунинг учун ҳам бу жамъийят худосзликка чақирадиган газета-журналларни чиқаришни қўллаб-қувватлади. Машхур турк ёзувчиси Жамол Нурибекнинг “Келажак тарихи” номли китоби ана шулар жумласидандир. Унда куйдаги сўзларни учратамиз: “Маслаҳат Константинополь ҳукуматига сурияликларни ўз ватанларини тарк қилишга мажбур қилишни ва келажакда дин тили бўлиб қолажак турк тилини таркатиш учун бутун араб ўлкалари хусусан Ироқ ва Яманни Туркияга қарам ерларга айлантириш зарурлигини тақазо қилади. Биз ўз вужудимизни ҳимоя қилиш учун бутун араб ерларини турк ерларига айлантиришимиз зарур. Чунки ҳозирги араб ёшлари миллатчиликни ҳис қила бошладилар. Бу – биз ҳозирги кунда жуда эҳтиёт бўладиган ва бизга таҳдид солаётган катта мусибатдир”. Миллатчилик ва ватанпарварлик дилларга қаттиқ таъсир қилиб, Исломга бўлган садоқатни миллатчиликка ва ватанга буриб юборди. Бу нарса Исломнинг миллатчилик ва ватанпарварликни айблаган ҳукмларига қарши курашишга олиб борди. Натижада ҳокимиятни бошқараётган шахсларнинг ўлчови, ҳатто араб ва турк халқларини бирлаштиришга бўлган даъватнинг ўлчови ҳам Ислом эмас, балки миллатчилик ва ватанпарварлик бўлиб қолди.

Ҳатто Жамол бошо Сурияда бўлиб, у ердаги ёшларни давлатга қарши хиёнат қилаётганликлари ва Франциянинг кўрсатмалари, Англиянинг буйруқлари билан иш юритаётганликларини кўриб, бу ишлар ҳақида Дамашқдаги Франция элчихонасидаги хужжатлар орқали аниқ ишонч ҳосил қилиб олгач, арабларни Ислом Давлати халқлари ўртасида бирликни муҳофаза қилишга қаратмоқчи бўлди. Шу мақсадда Дамашқда катта мажлис уюштириб унга бутун араб бошлиқларини йиғди ва уларни бирликка тарғиб қилиб маруза қилиб, шундай сўзларни айтди: - “Ҳозирга кунда Константинополь ва турк миллати яшаётган бошқа ерларда авж олган турк ҳаракатлари арабларни ҳаракатлари билан бир хилдир. Усмонийлар империясида булғор, юнон ва арман миллий ҳаракатлари борлигини сизлар аниқ биласизлар. Ҳозирги кунда ҳам араб миллий ҳаракатлари ҳам пайдо бўлиб қолди. Аммо турклар умуман ўз вужудларини унутган, ҳатто турк миллати тамоман йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолган эди. Бу хатарнинг олдини олиш мақсадида “Ёш Туркия” ёки “Бирлик ва тараққиёт” жамъийятининг аъзолари енг шимариб астойдил ишга киришдилар ва туркларга ватанпарварлик руҳини ўргата бошладилар...”, “Бугунги кунда мен аниқ ишонч билан айта оламанки, турк ва араб орзулари бир-бирига зид эмас. Турк ва араблар ватанпарварлик ғояларида ўзаро биродардирлар...”, “Қисқача қилиб айтганда “Ёш Турк” ёки “Бирлик ва тараққиёт” жамъийятларининг орзулари туркия халқини бутун ер юзидаги халқлар ичида ҳурматга сазовор халқга айлантириш ва 20 аср бўсағасида бошқа халқлар қатори ёнма-ён бирга яшай олишлигини исботлашдан иборатдир”.

Жамол бошо Ислом халифалиги остидаги мусулмонларни бирлаштириш ва арабларни турклардан яъни халифаликдан ажралиш учун қилаётган ишларининг олдини олиш ва уларнинг кофир ингилиз ва французлардан мадад сўрашни тўхтатиш мақсадида ушбу сўзларни гапди.

Тўғри Жамол бошо гарчи миллатчилик йўлида иш қилаётган бўлса ҳам, Англия ва Франция билан тилбириктириб иш қилаётган ҳар қандай “муртад мусулмон” ва кофирнинг хиёнатини гапириш, ҳатто бундай хоинларни қатл қилишга ҳам ҳақлидир. Аммо унинг ўзи ўша кофирлар билан ва уларнинг буйруқларига биноъан халифаликка қарши иш қилаётган бўлсачи? Жамол бошо ва “Брлик ва тараққиёт” жамъийяти миллатчилик фикрларини олға сургани учун жазога лойиқдир. Унинг мароса ва юпатиш учун қилагн маърузаси хатогина бўлиб қолмай, балкаи у нотўғри эътиқоддан ва Исломгина давлатнинг барча халқларни бирлаштириб туришлигини ва фақат Ислом билан халифалик барпо бўлишини эътиборга олмасликдан келиб чиқан гапдир.

Жамол бошо бу ўринда, Ислом эътиқодигина бизнинг таянчимиз бўлиши бутун садоқатимиз фақат Исломгина барча амалларимизнинг ўлчови бўлиши керак, деган сўзни айтиши лозим эди. Лекин у бундай дейиш ўрнига араб тилида сўзлашувчи мусулмонларни тинчлантириб қўйидаги сўзларни айтди: - “...араблар ва туркларнинг орзулари бир-бирга зид эмас”, “Ёш Туркия жамъийятининг бирдан-бир орзуси турк халқини бутун ер юзидаги халқлар ичида ҳурматга сазовор халққа айлантириш 20 аср бўсағасида бошқа халқлар қатори ёнма-ён бирга яшай олишлигини исботлашдан иборатдир”. Бошқа халқлардан мурод ингилиз, француз, италян ва юнонлар яъни кофирлар “билан ёнма-ён бирга яшай олишини исботлашдир” – каби сўзларни айтди.

ТАБШИРИЙ ВА САҚОФИЙ ҲУЖУМ

Миллатчилик ва ватанпарварлик туйғуларини қўзғатиш услуги халифалик пойтахтида мана шундай натижаларга олиб борди. Европа давлатлари, хусусан Англия ва Франция Ислом Давлатига мана шундай дахшатли зарба беришда муваффақиятга эришди. Лекин Европа давлатлари, хусусан Англия бу услубга, гарчи унинг натижалари ҳар қанча дахшатли ва айанчли бўлишига қарамасдан, қаноъатланмади балки улар XVI аср охирида Исломга қарши бошқача услубни қўлладилар. Чунки уларнинг кўнглида ғалаён қилаётган душманлик, қалбларни кемираётган гина адоват фақат Исломга, унинг фикрлари ва ҳукмларига қаратилган эди. Шунинг учун улар Ислом Ақидалари ва қонунчилигига зарба бериш мақсадида бу услуб билан бирга яна бошқа бир услубни қўллашди. Истамбул ва Байрут бу янги услубни амалга ошириш учун танланган таянч нуқталари бўлди. Қохирани ҳам бу иш учун марказ қилишга ҳаракат қилишди.

Байрут маркази учун Исломга қарши ёшларни тарбиялаб чиқишди ва мусулмонларнинг фикрларига таъсир қилишда таъсири узоқ вақтларгача давом этадиган режа тузилди. Улар бу мақсадларни амалга ошириш учун илм ниқоби остида табшир – миссионерлик (ерли халқни христиан динига ўтишга тарғиб қилиш иши) ва маъориф йўлини танладилар. Бу йўлни амалга ошириш учун жуда катта маблағ ажратиб, миссионерлик жамъийятларини туздилар. Буларнинг энг катталари Англия, Франция ва Америка жамъийятлари эди. Христиан динига мансуб ерли халқни ўзларига қаратиш, мусулмонларда Ислом динига нисбатан шубҳалар қўзғаш ва ақидаларига футур етказиш учун маъориф ҳужумини миссионерлик йўли билан ва миссионерлар орқали амалга оширдилар.

Табширий (миссионерлик) ҳужумида Мальта марказининг тутган ўрни

XVI асрнинг охирида миссионерлик учун Мальтада жуда катта марказ ташкил қилиб, уни Ислом мамлакатларига қилинажак ҳужумлар учун марказ этиб таъйин қилишди. Айнан шу марказдан бутун атрофга миссионерлик кучлари юборилар эди. Миссионерлар Мальтада бир қанча вақт туриб ўрнашиб олганларидан кейин, ўз фаъолиятларини кенгроқ ёйиш зарурлигини сезишди ва 1625 йилда Шом ўлкаларига кўчиб, у ерларда миссионерлик ҳаракатларини вужудга келтиришга уриндилар. Лекин уларнинг фаъолиятлари чекланган бўлиб баъзи кичик мактаблар очиш ва баъзи бир диний китоблар нашр қилишдан нарига ўта олмади. Мусулмон ва насронийлар тарафидан жуда каттик қаршилик ва қувғинларга дучкелдилар. Лекин улар 1773 йилгача бу ерларда туришди, охир оқибат ясувийларнинг миссионерлик жамъийяти бекор қилинди ва озарийлар (христианликдаги бир оқим) миссионерлик жамъийятларидан бошқа ҳамма жамъийятлар тамоман беркитилди.

Шом ўлкаларида миссионерлик ташрифларининг ёйилиши

Гарчи озарийларнинг миссионерлик жамъийяти мавжуд бўлса ҳам миссионерларнинг таъсири тўхтаб қолди. Улар Мальтадагина қолишди. Лекин 1820 йилда уларнинг фаъолияти янгидан бошланди ва Байрутда миссионерлик жамъийятининг маркази ташкил қилинди. Бу жамъийят бутун эътиборини диний маъриф ва миссионерликка қаратиб, таълим ишларига кам эътибор берди. Иброҳим бошонинг бу жамъийятни раъбатлантириши, миссионерлар олдида барча Шом ўлкасининг эшикларини кенг очиб бериши ва уларни Франция таъсири ва мадади билан қўллаб қувватлаши натижасида йилда барча Шом ўлкаларида миссионерлик ташрифлари кенг қулоч ёйди. Чунки Иброҳим бошо бу вақтга келиб Шом ўлкалари: Фаластин, Ливан (Лубнон) ва Сурияни босиб олган эди. Француз, инглиз ва америкалик миссионерлар Иброҳим бошо ҳукумати тарафидан қўллаб қувватланиши уларнинг фаъолиятини яна ҳам кучайтирди. Бу жамъийят Ливаннинг Айнтура қишлоғида университет очди. Америка ваколатхонаси ҳам китоблар босиб чиқариш ва тарқатиш мақсадида Мальтадаги босмахонасини Байрутга кўчирди. Бу ишда америкалик машхур миссионер Эйли Смит катта фаъолият кўрсатди. У Мальтадаги миссионерлик жамъийятида кўнгилли равишда ишлар ва ваколатхона босмахонаси ишларини бошқарар эди. У 1827 йили Байрутга келди. Лекин бир йил турмасданок уни мусулмонлардан кўрқиб хаёллари эгаллаб олди ва ишнинг муваффақиятсизлигидан зеркиб, сабри етмай Мальтага қайтиб кетди. 1834 йили Муҳаммад Алий ва ўғли Иброҳим востаси билан Байрут Франция қўл остига ўтгандан кейин яна Байрутга қайтиб келди. У ерда хотини билан аёллар учун мадраса очди. Эйли Смитнинг ишлари юришиб кетди. У бутун ҳаётини Байрут ва Шом ўлкаларидаги ишларга сарф қилди. Шундай қилиб бу урунларнинг миссионерлик ҳаракати кенг тарқалишида катта таъсири бўлди.

Иброҳим бошо Сурия ва Ливияда қўллаётган ва Франция таълим программасидан олинган таълим программасини Мисрда ҳам қўллаши миссионерлар учун қўл келди. Улар бу программадан фойдаланиб, уни кофирлар режалаб берган миссионерлик нуқтаи назаридан олиб бораётган таълим ҳаракатларида, кейинчалик эса босмахаон ҳаракатида ҳам қўлладилар. Шундай қилиб миссионерлик фаъолияти кучайди ва таълим ҳаракати билан бирга қўллана бошлади.

Шомда аҳоли ўртасида фитналар қўзғаш

1840 йил Иброҳим бошо Шом ўлкаларидан кетгач у ерда нотинчлик, қонунга бўйсунмаслик ва безовталиклар кенг тарқалди. Чет эл делегациялари, хусусан миссионерлик жамъийяти аъзолари Усманий Давлатнинг нуфузи заифлашиб қолганидан фойдаланиб халқ орасида фитна ўтини ёқа бошладилар. Натижада 1860 йили қирғин бўлди. Бу қирғиндан кейин ғарб давлатлари Шом ўлкаларининг ички ишларига аралашиб, унинг соҳилларига ўзларининг ҳарбий кемаларини юбордилар. Франция Байрутга пиёда аскарларини туширди. Шу сабабли миссионерларнинг нуфузи кучайиб мадраса ва университетлар очишда катта фаъолият кўрсатдилар. Ясуъийлар ўзларининг мадраса ва университетларини очишди. Жумладан

“Муқаддас Юсуф Ясуъий” номи билан машхур университет очилди. 1866 йили америкаликлар ҳам ҳозирги кунда Байрутда протестант мазҳаби асосида “Америка университети” номи билан машхур бўлган университет очдилар. Бу университет Ислом мамлакатларида куфрнинг энг даҳшатли муассасаси ҳисобланади. У Ислом фикрлари ва Исломга жуду қаттиқ зарбалар бериб, минглаб мусулмон фарзандларнинг фикрларини куфр фикрларига айлантирди.

Миссионерлик гуруҳларнинг сиёсий нуқтаи назарлари ва ўз давлатлари манфаъати учун қўллаётган сиёсий йўллари бир-биридан фарқли бўлса ҳам, улар асосий мақсадда бир эдилар, яъни бутун Шарқда ғарб маъорифини тарқатиш ва динни давлатдан ажратиш ақидасини мусулмонларнинг ақидасига айлантириш, мусулмонларда Ислом динига нисбатан шубҳалар уйғотиш, уларни ўз динларидан норози бўлишга, тарихларини таҳқирлашга, ғарбни ва унинг маданиятини улуғлашга мажбур қилишдан иборат эди. Бу ишларнинг барчаси Ислом ва мусулмонларни ёмон кўриш ҳамда уларни таҳқирлаш билан бирга олиб борилар эди.

Миссионерлар мадраса ва университетлар очиш билан бирга, одамларни араб тилига қизиқтирадиган ҳаракатларни ҳам олиб бордилар. Бундан мақсад бу ҳаракат орқали одамларни Исломдан араб миллатчилигига буриш эди. Бу ҳаракат байроғини – Қуръон балоғатини ҳис қилишдан бебаҳра бўлгани учун араб тилини идрок қилишдан узоқ бўлишларига қарамасдан – насронийлар кўтариб чиқишди. Маворина оқими (католик христианларини бир оқими) – гарчи уларнинг кўпи миссионерлик гуруҳларининг хизматида бўлсалар ҳам, - қадимги араб адабиётини тиклаш, фасих араб тилига қайтиш ҳақида мунозаралар олиб борар эдилар. Носиф Ёзижий ва ал-Аб Луис Шийху шулар жумласидандир. Шундай қилиб насронийлар араб миллатчилигини кенг тарқатиш, одамларни араб миллатчилиги ва араб тилигагина мажбуран чеклаш ишларига бош-қош бўлдилар. Бундан ташқари ғарб фикрлари ҳақида китоблар босиб чиқара бошладилар. Бутун мамлакатда араб миллатчилигига чақирадиган, Ислом ва Ислом фикрларига қарши тўлқинлар кенг тарқалди. Шундай қилиб Байрут марказида Ислом эътиқоди ва фикрларига зарба бериш, одамларни ғарб фикрларига буриб бериш ишларини амалга оширишда жуда даҳшатли натижаларга эриша олди. Исломни одамлар ўртасидаги алоқалар, муъомлар ва яшаш йўлларида чикариб ташлаш ва Ислом Давлатини йўқ қилишда бу натижаларнинг катта таъсири бўлди.

ҒАРБ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚОНУНЛАРИНИ КИРИТИШГА ҲАРАКАТ

Истамбул марказининг фаъолиятлари:

Ғарбдавлатлари мусулмон фарзандларини мадраса, институт ва хилма-хил тарғиботлар орқали йўлдан оздириш билан кифояланмадилар, балки улар ҳукумат бошқарув низоми ва Шаръий ҳукумларни ўзгартириб, унинг ўрнига ғарб қонунларини қўйиб, давлатни эгаллашга интилдилар. Бу мақсадларни амалга ошириш учун бир неча услубларни қўлладилар. 1839 йил халифалик тахтига Абдулмажид I ўтирди. У бор йўғи 16 ёшда эди. Бу вақтда Рашид бошо Усманий давлатнинг Лондондаги махсус элчиси эди. Абдулмажид халифалик тахтига ўтириши билан Рашид бошо Истамбулга етиб келди ва ташқи ишлар вазири этиб тайинланди. У янги мансабини эгаллаган заҳоти конституцион парламент асосига кўра ҳукумат бошқарув низомига тарғиб қила бошлади. Ватандошларнинг ҳуқуқларини баён қилиб берадиган ва давлатда кўпроқ кўриниб турган ёманликларни бекор қилишни эълон қиладиган конституция орқали Усманий Давлатни ривожланган давлатлар сафига кўтаришга азму қарор қилганини маълум қилди. Рашид бошо жуда осонлик билан ўз режасини ёш султон тарафидан қўллаб-қувватланишига эришди. Конституция васикаси эса ўта яширин тарзда таёрланди.

1839 йили 3 ноябрида халифаликни бутун олимлари, Истамбул аҳолиси вакиллари, Европадаги Ислом Давлатига қарашли ерларда яшовчи халқларнинг вакиллари ва дипломатие тизим аъзолари Мармара денгиз соҳилидаги қасирларнинг жанубий тарафига жойлашган кошонага “Гулхон” исми билан машҳур бўлган мактубни ўқилишини эшитишлари учун чақирилдилар. Тўпланганларга конституцион ҳужжат ўқиб эшиттирилди. Бу ҳажжатда Ислом ҳукмларини риёоя қилишга ҳаракат қилинган ва шу билан бирга Европа фикрлари ҳам киритилган эди. Бу иш давлат қонунларига ғарб конституцион қонунларини киритишга бўлган биринчи уриниш эди. Лекин бу ҳужжат ҳаётга татбиқ қилинмасдан қоғозларда қолиб кетди. 1855 йил Европа давлатлари, хусусан Англия Усманий Давлатдан конституцион тузатишлар киритишни қаттиқ талаб қилиб туриб олди. Европа давлатларини тазйиқи туфайли султон февраль ойининг бошида конституцион ислоҳ варақасини чиқарди ва у “Хатти Хумоюн” номи билан танилди. Ёш султон бунда “Гулхона” номи билан машҳур бўлган хатида давлат фуқароларига берган ҳуқуқларини таъкидлаб ўтди.

Насронийларга муъайян ҳуқуқлар берилди:

1. Маданий ишларни бошқариш зиёлилар ва черков кишиларидан тузилган хайъатга топширилсин. Бу хайъат халқ тарафидан сайлансин.
2. Насроний динини қабул қилган мусулмонни Ислом динига қайтишига мажбур қилинмасин, балки ҳар қандай мусулмон Ислом динини тарк этиб, насроний динини қабул қилиш манъ қилинмасин.
3. Мусулмонлар учун бўлган мажбурий ҳарбий хизмат насронийлар учун ҳам мажбурий қилинсин. (Авваллари мажбурий ҳарбий хизмат фақат мусулмонларга хос эди).

4. Чет давлатларнинг фуқаролари ҳам Усмоний Давлатда ўз ерларига эга бўлишдан манъ қилинмасин.

Бу варақа халқ тарафидан қаттиқ қаршиликларга учради. Чунки мусулмонлар ундаги қонунларни Ислом шариятига зид деб ҳисобладилар. Ҳатто насронийлар ҳам бу варақанинг ижро қилинишига ишонишмас эди. Лекин Европа давлатлари ислоҳ қилиш деган ҳужжат билан бу варақани доимо кузатиб туришларига қарамасдан, иттифоқчилар ва Ислом Давлати ҳам бу конституцион ҳукмларни, то давлат бошқарув апаратида Мидхат бошо (1822-1884. 1872-1877 йилларда бош вазир, конституция қонунларини киритиш учун иш олиб борган. Халифа Абдулҳамид ишдан четлатган. Қамокда бўғиб ўлдирилган) шахси пайдо бўлгунча ижро қила олмадилар. У ғарб фикрларига қониқиш ҳосил қилган, ғарб дунёқарашини яхши кўрадиган шахс эди. У ғарб давлатларини рози қилиш ва Ислом Давлати ғарб давлатлар сафида юриши учун Ислом ўлкаларида ғарб фикрларига мос келадиган конституцияни вужудга келтиришга жиддий киришди.

МИДХАТ БОШОНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТИ УЧУН ҒАРБ ҚОНУНЛАРИ АСОСИДА КОНСТИТУЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ

Мидхат бошо Абду л-Азизнинг халифалик кунларида Мухаммад Рушдий бошонинг вазирлигида адлия вазири бўлиб ишлар эди. У халифани Ислом Давлати учун ғарб демократик қонунлари асосида ишлаб чиқилган конституция тузиш ҳақида қаноъатлантиришга ҳаракат қилиб, унга янги конституция тузиш орқали давлатдаги вазъиятни ислох қилишни талаб қилиб хат ёзди. Хатда давлатни баъзи камчиликларни баён қилганидан кейин, шундай деди:

- “Олий хазратларига маълумдирки бу касалликнинг бирдан бир шифоси, унга сабаб бўлган биз аниқ билган ҳамма сабабларни таг-томири билан олиб ташлашдир.

Сабаблари йўқ қилинса касаллик ҳам бартараф бўлади.

1. Олий хазратлари “Хатти Хумоюн” ни эълон қилиб, ундаги қонун ва низомларга эргашиш вожиб деб фармон берсалар;

2. Қонун олдида камбағалу-бой, каттаю-кичик ҳамма баробар бўлса;

3. Хайрийя иншоотларини ўз эгаларига қайтарсалар;

4. Пулларни вақф қилувчиларнинг ўзлари таъйин қилган жойларга сарф қилсалар;

5. Давлат ишларини бошқаришни вазирликка юкласалар, улар ҳар бир масъала бўйича қарорларни ишлабчиқиб, ҳазрати олийларига тақдим қилишса;

6. Олий хазратлари давлатнинг молиявий ва мулкый ҳуқуқларидан бирортасини ўзлари учун ихтиёр этмасалар;

7. Бирор танга ҳам вазирликнинг маслаҳатисиз сарф қилинмаса;

8. Катта ва кичик лавозимдаги шахсларнинг иш доираси белгилаб қўйилса, вазирлар уларнинг ишларининг натижасига масъул бўлишса;

9. Бу буйруқ сизнинг хос аъёнларингизга ҳам, атрафингиздаги одамларга ҳам вожибдир деб таъйин қилинса Аллоҳ таолонинг мадади билан кўзланган натижа ҳосил бўлади ва давлат Олий хазратилари хоҳлаган йўлга етади.”

Мидхат бошо хатни халифага тақдим қилишдан олдин уни вазирликка тавсия қилди ва вазирлик билан келишиб олди. Бош вазир халифа Абду л-Азиз билан учрашиб, хатни топширди. Халифа бу хатдан жуда қаттиқ ғазабланиб, ўша заҳотиёқ Мидхат бошони вазирликдан четлатиб Солоники шаҳрига волий этиб таъйинлаганлиги ҳақида фармон чиқарди. Лекин у Солоникида узоқ турмасдан Истамбулга қайтиб келди ва давлат ҳарбий кўмондони Хусайн Авний бошо

билан Абду-л-Азизни халифаликдан четлатиш ҳақида келишиб олди. Кейин денгиз ишлари нозирини ва Шайхул-Ислом билан алоқа боғлаб, улар билан ҳам Султонни четлатиш ҳақида келишиб олди. Бу мақсадларини амалга ошириш учун аниқ бир кунни ваъдалашиб олишди. Бу воқеъа 1876 йилда содир бўлди. Таъйин қилинган кундан бир оз муддат олдин Мидхат бошо Россиядан бошқа Европа давлатларига яширин баёнот йўллади. Унда, Ислом Шарияти давлат бошлиғи тўла ақлий қувватга эга шахс бўлишини такозо қилгани учун ҳам, Султонни халифаликдан четлатилиши Ислом Шариятига кўра вожиб иш бўлиб қолганлигини билдирди.

1876 йил 30 май куни кечқурун ҳарбий кемалар “Зулма боғоч” саройи олдига келди. Аскарлар жамланиб саройни ўраб олди. Султоннинг олдига бирнеча одам кириб, Шайхул-Ислом фатвосига кўра унинг тахтдан четлатилганлиги ҳақидаги хабарни билдирди. Султонни саройдан туширдилар. Ўша кечадаёқ тахтга Мурод 5 чиқиб ўтирди.

Шундай қилиб Мидхат бошо Россиядан бошқа Европа давлатлари, хусусан Англия, Германия ва Франция билан келишиб, халифани кулатди. Чунки халифа Ислом Давлати учун ғарб демократик қонунларидан ишлаб чиқилган конституция тузишга рози бўлмаган эди.

Мусулмонлар учун шундай бир халифа таъйин қилиндики, у орқали ғарб қонунлари асосида конституция ишлаб чиқамиз, деб ўйлашди. Абдул-Азиздан кейин халифа бўлган Мурод Европа услубида тарбия топиб ўсган, билимдонлиги билан машҳур шахс эди. У орқали конституция тузиш ва ижро қилишни умид қилса бўлар эди. Лекин унинг саломатлиги ақлнинг хиралашуви сабабли заифлашиб қолган эди. Шу сабабли Мидхат бошо фурсатдан фойдаланиб, тезроқ конституцияни эълон қилишга ҳаракат қилди. У халифа Мурод касаллиги вақтида тарафдорлари билан тўпланиб, Европа қонунлари ва тузумларини ўрганди ва конституция устида ишлаб уни охирига етказди. Лекин Муроднинг телба бўлганлиги ошқор бўлиб қолгандан кейин, уни тахтдан тушириш лозим бўлиб қолди. 1876 йил 31 августда шайхул-Ислом халифа Муроднинг тахтдан туширилганлигини эълон қилди.

Сентябрь ойининг бошларида Мурод 5нинг укаси Абдул-Ҳамид (1842-1918 йиллар. 1876 йил тахтга ўтириб, 1909 йил туширилган) тахтга ўтириб ва мусулмонлар халифасига айланди. Оз фурсат ичида Мидхат бошо бош вазирлик лавозимини эгаллади. Бу ишлардан кейин Англия Истамбулдаги катта давлатларнинг элчилари учун конференция ўтказишни таклиф қилди. Бундан мақсад, сулҳ ижро қилиш учун янги таклифлар киритиш йўли орқали Балқонда тинчликни мустаҳкамлаш эди. Конференция бўлиб ўтди ва Усманий Давлатни ислохотларни ижро қилишга мажбур қилди. Мидхат бошо ҳам ички ислохотлар ижро қилишга астойдил киришди. Шу мақсадда 16 та катта лавозимдаги ҳарбий бўлмаган кишилар, 10 та олим ва 2 та саркардалардан таркиб топган ҳайъат тузди. Унга давлат конституция лоихасини ишлаб чиқишни топширди. Ҳайъат жуда катта машаққатлардан кейин Белгия конституциясидан руҳланган

конституция лоихасини тасдиқлади. Бу лоиха 23 декабрда “Асос қонун” номи билан нашр қилинди. Натижада булоиха Давлатнинг расмий конституциясига айланди, яъни Белгия конституцияси Исломнинг баъзи бир жиҳатларини риоя қилган ҳолда Ислом Давлатининг конституциясига айланди.

Унга кўра Давлатнинг барча халқлари “усмонийлар деб аталадиган ва уларнинг шахсий эркинликлари эътироф қилинадиган бўлди. Бу конституциядан олдин Ислом динининг ўзи давлат конституцияси эди. Кейин эса Ислом давлат дини деб эътироф қилинадиган бўлди, яъни Давлат маросимлари ва шу каби баъзи ишларда Исломга риоя қилинадиган бўлди. Бундан ташқари шу конституцияга кўра халқ ваколати икки мажлис (палата) да гавдаланадиган бўлди:

1) Депутатлар палатаси. (Вакиллар мажлиси деб аталди).

2) Уламолар палатаси. (Аъёнлар мажлиси деб аталди).

Бу икки палата аъзолари депутатлик дахилсизлигидан тўла фойдаландилар, яъни то улардан дахилсизлик олинмагунча давлат қонунларига ҳам, шаръий қонунларга ҳам бўйсунмаслик ҳуқуқига эга бўладилар. Иккала палата ҳам ҳар йили ноябрь ойининг бошларида тўпланди ва султон хутбаси билан очилди. Бу икки палата таклиф қилган қонунлар, улар тасдиқлагандан кейин ва султонунга рози бўлгандан кейин ижро қилинади. Яъни қонунни асосан шу икки палата ишлаб чиқади. Мийзонийя (бюджет) масаласи депутатлар палатасига топширилди. Олий суд “Аъёнлар мажлиси” аъзоларидан 10 киши, давлат маслаҳатчиларидан 10 кишидан таркиб топган бўлади. Бутун вилоятларда ҳокимият марказга боғланмаган ҳолда бошқариладиган бўлади.

Абдулҳамид Мидхатнинг конституциясига қарши

Бу конституция демократия низоми, яъни куфир низомларидан иборат бўлиб, Исломга ва Ислом ҳукмларига зид бўлгани учун ҳам, агар уни татбиқ қилинадиган бўлса, халифалик тузумини бекор қилишни ҳамда Ислом Давлатини ҳам Белгия сингари Европа давлатининг асоси бўлган куфр низомлари асосида тиклашни билдирар эди. Шунинг учун ҳам сарой уни ижро қилмади. Халифа Абдул-Ҳамид, уламолар ва мусулмонларнинг улуғлари унга қарши турдилар. Вазирлик бу конституцияни ҳамда катта давлатларнинг талабларин ижро қилишдан бош тортди.

Халифа Англиянинг ўйинлари ва хусуматини сезиб қолди. Англиянинг Ислом Давлати кишилари билан боғланишга қилаётган ҳаракатларини мулоҳаза қилиб, Мидхат бошони 1877 йил 5 февралда бош вазирлик лавозимидан четлатиб, жуда катта хиёнатлар қилганлигини эътиборга олиб сургин қилиб юборди. Мидхат бошо ингиллизлар билан алоқада бўлиб, ғарб давлатларига суяниш сиёсатига эргашишга тарғиб қилар эди. Лекин катта давлатлар, хусусан Англия Усмоний Давлатда бўлаётган ишларни, Мидхат бошо ишлаб чиққан конституция ижро

килинишини доимий равишда кузатиб турар эди. Шунинг учун ҳам Англия Балқонни ва Усманий Давлатнинг ички ислохотларини ўрганиш мақсадида конференция ўтказишга ҳаракат қилди.

1878 йил 13 июнда катта давлатлар – Англия, Франция, Россия ва Германия ҳамкорлигида Берлин конференцияси бўлиб ўтди. Яҳудий миллатига мансуб Дизроиллий (1804-1881 йиллар. Ингилиз сиёсатдони) Англиянинг бош вазири эди. У бу конференцияда Англиянинг вакили сифатида қатнашди. Бисмарк Германиянинг вакили сифатида қатнашди ва ингиллизларга қаршитуриб, Усманий Давлатнинг тарафини олди. Конференция тўрт ҳафта давом этиб, бир неча қарорлар ишлаб чиқди. Жумладан Усманий Давлатдан ўз низомига ҳозирги замон ислохотларини киргизишни ҳам талаб қилди. Абдул-Ҳамид унинг қарорларига аҳамият бермади, балки бутун куч ғайратини қўшинни ҳарбий тайёргарлигини кучайтиришга қаратди. Ғарб давлатларига суянишга, Исломни ташлаб ғарб тузумларини олишга чақираётган кишиларни қисти-қафасга ола бошлади. Улар Париж ва Женевада ўз ҳаракатларига янги марказлар очиш учун юртларни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

Абдул-Ҳамид мусулмонлар олдида Ислом йўли орқали халифалик марказини мустаҳкамлашга ва Исломни Европа фикрларига қарши қўйишга ҳаракат қила бошлади. Лекин у бу ишларда муваффақиятга эриша олмади. Европа давлатлари, гарчи ғарб қонунларини Ислом Давлатига киргиза олган бўлсалар ҳам, демократия тузумини унга киргизи олмадилар. Лекин улар 1908 йил “Ёш Туркия” партияси султонга қарши кўзғалон қилгунча халифалик давлатида содир бўлаётган воқеъларни доимо кузатиб туришди. 1908 йил 21 июлда “Ёш Туркия” партияси Солоникада конституцияни эълон қилди. Шу ойнинг ўзидаёқ Истамбулга бостириб бориб уни эгаллаб олишди ва халифа Абдул-Ҳамидни конституцияни тан олишга ва ўзларига маъқул бўлган вазрларни таъйинлашга мажбур қилишди.

1908 йил 17 декбрида Усманий Давлат парламенти жуда осонлик билан очилди. Абдул-Ҳамид вақтинча “Ёш Туркия” хизбига бўйсунди. Лекин у конституцияни бекор қилиб, Ислом шарийъатига қийтишга жиддий қасд қилиб қўйган эди.

13 апрель 1909 йил янги ҳокимларга қарши кўзғалон кўтарилди. Аскарлар ўз зобитларига қарши кўзғалиб, уларни қамал қилиб олишди ва “Ёш Туркия” қулатилсин! “Ёш Туркия” қулатилсин! Дея қичқира бошладилар. Янги бидъатларга қарши уруш эълон қилинди. Кўпчилик халқ жидди-жаҳд билан конституцияга қарши турди.

15 апрель султон Тавфиқ бошони бош вазир этиб таъйин қилди ва унга Ислом шарийъати ва шаръий ҳукмларни кучга киритиб, конституцияни бекор қилиш вазифасини топширди. Лекин Солоникадаги қўшин қайтиб келиб, иккинчи марта султонга қарши кўзғалон қилиб, ҳокимиятни эгаллади ва вазирликни ишдан четлатди.

26 апрелда Сан Стефано шахрида ватанпарварлик жамъийяти тузилди ва шайхул-Ислом фатвосига кўра султон Абдул-Ҳамидни тахтдан тушириш ҳақидаги қарорни қўлга киритди. Тахтга Абдул-Ҳамиднинг укаси Муҳаммад Рашод (1844-1918й.й.) ўтирди. Конституция ижро қилишга қайтарилди. Шундай қилиб Усманий Давлатнинг ҳукумат бошқарув низоми ўзгариб, халифалик низомидан конституцион парламент низомига айланди. Бу конституцияда Ислом низомидан: “Давлат раиси Халифа, салтанат Халифа кўлида-дир”, деган иборалардан бошқа бирон бир Исломий қонун қолмади. Парламент ва вазирлик вужудга келди. Қонунларни парламент ишлаб чиқадиган бўлди. Ҳокимиятни бошқариш ва қонунлар ишлаб чиқишда шаръий ҳукмлар даври тугади.

Биз юқорида айтиб ўтган ишлар конституция ҳукмига оид ишлардир. Аммо қозийлар ҳукм қиладиган шаръий ҳукмларга келсак, уларнинг “қонун”ларга ўзгартирилиши анча олдин (1856 йилдан бери ғарб қонунларини олишга ҳаракат) бошланган эди. Чунки ғарб Давлатлари, хусусан инглиз ва французлар, уларнинг малайлари ва ғарбга берилиб кетган баъзи мусулмонларнинг қаттиқ урунишлари билан Давлат ғарб қонунларини Абдул-Мажид (1839-1861 йилларда халифа бўлган) халифалиги кунларидаёқ олиб киргизган эди. Бу қонунлар қонуний кучга эга бўлиб, қозийлар улар билан ҳукм қилишар эди. 1275 ҳижрий-1857 мийлодий йилда Давлат “Усманий жазо қонуни”ни, 1276 ҳ.-1858м. йилда эса “Ҳуқуқлар ва тижорат қонуни”ни чиқарди. 1288 ҳ.-1870 м. йилда эса маҳкамалар иккига бўлинди: шаръий маҳкама ва низомий маҳкама. Бу икки маҳкама учун алоҳида низом ишлаб чиқилди. 1295ҳ.-1878м. йилда эса “Ҳуқуқий ва жазоий маҳкамаларнинг қонуни” ишлаб чиқиди. Булар ҳақида шайхул-Ислом ва уламолар тарафидан ҳақиқатда бу ишлар Ислом шариятига зид эмас, шунинг учун ҳам уларни қўллаш жоиздир, деган фатволар чиқарилди. 1286ҳ.-1868м. йилда уламолар маданий қонунларни Давлатга киритишни оқлашга ҳеч нарса топа олмаганларидан кейин “Мажалла” (“Кодекс”) китобида Франциянинг қадимги маданий қонунларига тақлид қилинган эди. Маданий қонун ўз ичига олган ишларни ва улардан олиш мумкин бўлган ҳукмларни риоя қилиш билан бирга, агар унга мавофиқ келадиган фикҳий сўз топилса, фикҳ китобларидан олинди. Ҳатто француз маданий қонунининг асоси – руҳий интилиш ёки қонуннинг ўзи эмас руҳи деб номланади. Шу асос ҳам олиниб, унинг учун алоҳида модда ишлаб чиқилди, яъни “Аҳдларда асослар ва лафзларга эмас, балки мақсадлар ва маъноларга эътибор берилди”.

ҒАРБ ҚОНУНЛАРИНИНГ ОЛИНИШИ

Мана шундай қилиб шарият ҳукмлари ва Ислом фикҳи тарқ қилиниб, ғарб қонунлари ва ғарб фикҳи олинди. Мусулмонлар бу қонунларни хилма-хил йўллар билан олдилар. Баъзи ғарб қонунлари Ислом фикҳида мавжудлиги ва мавжуд эмаслигига мутлақо риоя қилинмасдан, шарият ҳукмларига мувофиқ ва мувофиқ эмаслиги ҳақида фикр юритилмай ҳукм ва матн шаклида қабул қилинди. Масалан ҳадлар (жиноят учун белгиланган шаръий жазо чоралари)ни бекор қилган “жазо қонуни” каби. Баъзи қонунлар эса – гарчи уни номаълум мужтаҳид ёки мужтаҳидлик даражасига етмаган олим ижтиҳод қилган бўлса ҳам – Ислом фикҳида мавжудлигини риоя қилиниб, фақат ҳукм шаклида олинди. Яъни, агарда бу ҳукм фикҳ китобларида ёки уламоларнинг фикрларида бўлса олинди, агар бўлмаса олинмади. Масалан, муҳокамаларнинг аослари каби. Баъзи қонунларда эса шаръий ҳукмларни фақат қонуннинг асосий моддаси қилиб олинди. Қонун шаклига келтириш, бобларга бўлиш ва ҳар хил масъалаларда эса тақлид қилинди. Масалан, “Қонун мажмуъаси”. Бу мажмуъа Франциянинг гражданлик қонунларига тақлид қилиниб ишлаб чиқилган шаръий ҳукмлардан иборатдир. Шундай қилиб қозийлар ҳукм қилаётган қонунлар – гарчи бу қонунларнинг баъзи бирлари шаръий ҳукмлар бўлса ҳам – Ислом шарияти эмас, балки ғарб қонунлари бўлиб қолди.

Ғарб қонунларини киритишда фатволарнинг таъсири

Демократия тузумининг ҳукмларини Ислом Давлатига дустур (конституция) шаклида критишга ва ғарб қонунларининг ҳукмларини Халифалик Давлатидаги исломий маҳкамаларда татбиқ қилинадиган қонун шаклида киритишга уламоларнинг, хусусан шайхул-Исломнинг бу ҳукм ва қонунлар Исломга зид эмас, деб чиқарган фатволари имконият яратиб берди. Демократия тузуми Исломга зид эмас, Ислом демократик диндир, деган фатволар берилди. Шайхул-Ислом тарафидан ғарб қонунларини олиш ва уларни маҳкамаларда мусулмонларга татбиқ қилишнинг жоизлиги ҳамда уларни олишни Ислом манъ қилмаслиги ҳақида фатволар берилди. Шунинг учун ҳам демократия тузумининг ҳукмлари Ислом Давлатининг дустури этиб таъйин қилинди. Демократиянинг ҳокимият бошқарув низоми бутун мусулмонлар назарида, модомики давлат раиси Халифа деб номланар экан, гарчи қўлланаётган ҳукмлар Ислом ҳукмлари бўлмаса ҳам, бу низом халифалик низомидир, деб эътибор қилина бошлади. Шунинг учун ҳам ғарб қонунлари Ислом Давлатининг маҳкамаларида татбиқ қилинадиган ва Ислом қонунлари деб эътибор қилинадиган бўлди. Давлат ҳам – гарчи у амалда қўллаётган қонунлар ғарб қонунлари бўлсада – Исломни татбиқ қилаётган Ислом Давлати деб эътибор қилинадиган бўлди. Модомики бу қонунларга Ислом ижозат берган бўлса бўлди. Ҳокимият бошқарув низомида демократия низоми ва маҳкамаларда ғарб қонунларининг татбиқ қилиниши бутун

мусулмонлар назарида – модомики бу қонунларни олишдан Ислом манъ қилмас экан – уларни татбиқ қилиш давлатнинг исломийлигига ва қонунларнинг исломийлигига ҳеч қандай футур етказмайди, деган эътибор билан қаралади. Кўпчилик мусулмонлар бу қонунларни қабул қилдилар. Баъзилар эса, уларнинг қабул қилинишига давлатни ислоҳ қилиш деган эътибор билан қарадилар. Биронта мусулмон бу қонун ва ҳукмларни куфр қонун ва ҳукмлари деб ҳисобламади, балки бу қонунларга рози бўлиб, улар ҳақида лом-мим демади. Мободо бирон-бир мусулмон бу қонун ва ҳукмларни тан олмаса ҳам, халифага айтиб қаршилиқ қилмади ва ундан ҳеч нарса талаб қилмади. Ҳадларнинг бекор қилинишини тан олмаган кишилар ҳам, халифага ҳадлар бекор қилинганлигига қаршилигини ошкор айтиб ундан ҳадларга қайтишни талаб қилмади.

Шайхул-Ислом ва баъзи уламоларнинг демократия ҳукмлари ва ғарб қонунларин олиш ҳақида чиқарган фатволари асосан учта сабабга кўра содир бўлди:

1. Ўша даврдаги мусулмонларнинг, ҳатто ҳозирги кундаги мусулмонларнинг ҳам зеҳинларида қайси бир ҳукм Исломга зид бўлмаса ва у ҳукмдан қайтариш ҳақида нусус (Оят ва Ҳадис) келмаган бўлса, у ҳукмни олиш жоиздир, деган фикр мустаҳкам ўрнашган эди. Улар бу фикрларга Пайғамбар а.с. одамлар орасида жоҳилият давридаги аҳдларни давом этиб келаётганини кўриб, уни тасдиқлаганликларини ва тасдиқламаганликларидан эса қайтарганликларини далил қилишиб, Росулulloҳ с.а.в. тасдиқлаган иш тўғри қайтарган иш эса ҳаромдир деб, далил келтирадилар. Шунинг учун ҳам Исломга зид бўлмаган ва у ҳақида наҳий келмаган ҳар қандай фикр ёки ҳукм ёки қонунни олиш жоиздир, дейишади.

2. Қайси нарса манъ қилинмаган бўлса, у мубоҳдир. Бирор нарсанинг манъ қилинмаганлиги унинг мубоҳлигига далилдир. Бинобарин наҳий ҳукми келмаган нарса мубоҳдир. Бундан ташқари шарият бу нарса ҳақида сукут қилиб, унинг ҳукмини баён қилмагандир. Шарият нима нарса ҳақида сукут қилган бўлса, у нарса мубоҳдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-саломдан шундай ровоят бор: У зот айтдилар: “Аллоҳ таоло сизларга кўп фарзларни фарз қилган, уларни зое қилиб қўйманглар. Кўп нарсалардан қайтарган, улардаги ҳурматни (яъни уларнинг манъ қилинганлигини) бузманглар, маълум ҳад (чегара) ларни белгилаган улардан тажовуз қилманглар ва баъзи бир нарсалардан эса – унутиб эмас – бизга меҳрибонлик қилиб афв қилгандир, уларнинг ҳукмини ахтарманглар”. Яна бир ривоятда: “Шарият нима нарса ҳақида сукут қилган бўлса, демак у шария тарафидан биз учун афвдир”. Мана шу далилларга биноъан, шарият қайси нарса ҳақида нусус келмаган бўлса, шарият қайси нарсадан қайтармас экан, демак у нарса мубоҳдир. Қайси нарса ҳақида нусус келмаган бўлса, шарият ҳам у нарса ҳақида сукут қилган бўлади, демак у нарса мубоҳдир. Шариятда келмаган ва шарият ундан наҳй қилмаган ҳукм ва қонунларни олиш мубоҳ – саналади. Чунки бу нарса ҳақида наҳй йўқ ва шариятда бу нарса ҳақида ҳукм йўқ бўлиб, шарият у нарса ҳақида сукут қилгандир.

3. Ўша вақтларда ҳам ва ҳатто ҳозирги кунгача демократия Исломдандир: - “Зеро, демократия шувро (маслаҳатлашиш), адолат, тенглик ва салтанатни халққа бериш асосига қурилган бўлиб, Ислом ҳам айнан шу нарсаларни олиб келгандир. Ислом бой билан камбағални, ҳуқуқлар ва бурчларни, вазир билан чўпонни тенг қилади ва уларнинг ўрталаридаги ишлар маслаҳатлашиш асосида бўлишини таъйин қилади. Ислом “Амру-маъруф ва наҳй-мункар” (яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш) ни ўзининг асосий қоидаларидан қилиб таъйин этган. Исломдаги “Шувро” ҳозирда европаликлар айтаётган парламент низомининг айнан ўзидир. Амру-маъруф ва наҳй-мункар эса, ҳозирги янги маданиятда газеталарда эркин танқид қилиш, китоб ва газеталарни босиб чиқаришдаги шахслар ва жамоаларнинг эркинлиги, фикрларни ошкор билдириб, хоҳлаган гапни гапиришликда намоён бўлмоқда. Ҳеч ким маъсум (гуноҳдан ҳимояланган) эмас, ҳукумат ҳам, волий ҳам маъсум эмас. Уларни омма фикрининг уйғоклиги ҳамда танқид эканлиги ўнглайди, кўрқитади ва уларни кенг тўғри йўлда юришга мажбур қилади. Қуръонда зикр қилинган бир-бирини ҳаққа чақириш айнан шу ишлардан иборатдир. Ушбу асога кўра демократия Исломдандир. Қуръон олиб келган ва Пайғамбар алайҳи-с-салом буюрган дин демократиянинг айнан ўзидир”, - деган фикр кенг тарқалган эди.

Фатволарнинг хатоси

Ушбу асосларга кўра демократия дустури ва ғарб қонунларини олишга фатволар берилди. Давлат халифалик низомига биноъан иш юргизаётган Ислом Давлати деб эътибор қилинаверади. Қонунчилик ҳам Ислом қонунчилиги деб эътибор қилинаверади ва ғарбдан олинган қонунларнинг барчаси Ислом қонунари бўлиб қолади.

Хато ҳамда тўғри йўлдан тойиш айнан шу ердан бошланди. Чунки бу уччала ишдаги фикрлар Исломни нотўғри тушунишга олиб борди. Бунинг бир неча сабаблари бор:

1) Эътиқод ва шаръий ҳукмларга алоқадор фикрлар билан илм-фан, ишлаб чиқариш, ихтиро ва шунга ўхшаш ишларга алоқадор фикрларнинг ўртасида фарқ бор. Илм-фан ва шунга ўхшаш ишларга алоқадор фикрлар, агар Исломга зид бўлмаса, уларни олиш жоиздир. Аммо эътиқод ва шаръий ҳукмларга алоқадор фикрлар фақат Росулulloҳ с.а.в. келтирган Китоб ва Суннатдан ёки Китоб ва Суннат йўллаган нарсдан (саҳобалар Ижмоъи ва Қиёсдан) олиниши керак. Бунга имом Муслим ривоят қилган ушбу ҳадис далилдир: “Мен ҳам сизлар каби инсонман, агар мен сизларга дин ишларидан бироринарса буюрсам уни олинглар, агар дунё ишларидан бирор ишга буюрсам, мен ҳам сизлар каби инсонман” (яъни мен ҳам дунё ишларида хато қилшим мумкин. Яна Пайғамбар а.с.нинг хурмо дарахтини чанглатиш воқеъаси зикр қилинган ҳадисда: “Сизлар дунё ишларини мендан кўра яхшироқ билгувчисизлар”, деб айтган сўзлари ҳам далилдир. Демак, шариятдан яъни Ақида ва шаръий ҳукмлардан бўлмаган нарсалар агар Исломга зид бўлмаса уни олиш жоиз. Аммо шарият – Ақида ва шаръий ҳукмлар эса

Росулуллоҳ с.а.в. олиб келган Китоб ва Суннатдан бошқа манбаъдан олинмайди. Демократия ҳукмлари ва қонунлари инсон муъаммоларини муъолажа қилиш учун олинган ҳукмлар бўлиб, бу эса “қонун ишлаб чиқиш”дир. Инсон муъаммоларини муъолажа қилиш учун ишлаб чиқариладиган қонун фақат Пайғамбар а.с. олиб келган Китоб ва Суннатдан истинбот қилинган (ишлаб чиқилган) шаръий ҳукмлардангина олинishi мумкин.

2) Росулуллоҳ с.а.в. бизларни ўзлари олиб келган Китоб ва Суннатдан бошқа манбаълардан ҳукм ва қонун олишдан манъ қилинганлар. Имом Муслим Оишадан (Аллоҳ ундан рози бўлсин!) ушбу ҳадисни ривоят қилинганлар: “Росулуллоҳ с.а.в. айтдилар: “Кимда-ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган бирон-бир ишни қилса, у иш мардуддир”. Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан (Аллоҳ ундан рози бўлсин!) у Пайғамбар а.с. ушбу ҳадисни ривоят қилади: “Менинг умматим ўзидан олдин утган умматларнинг тутган йўлларини қаричма-қарч ва қулочма-қулоч олмагунларича Қиёмат бўлмайди”. Росулуллоҳдан – “форс ва румликлардек?” – деб сўралган эди, - “Улардан ўзга ким ҳам бўлиши мумкин”, - деб жавоб бердилар. Яна Бухорий Ибу Саид Худрийдан, у Пайғамбар а.с.дан ривоят қилади: “Ўзларингиздан олдин ўтган умматларга қарисма-қарис ва қулочма-қулоч эргашасизлар. Ҳатто улар калтакесак инига кириб олсалар, сизлар ҳам улар ортидан кирасизлар”. Мен Росулуллоҳга – “Яҳудий ва насронийлардекми?” – деб айтган эдим, - “Улардан бошқа ким ҳам бўлиши мумкин”, - дедилар. Ушбу ҳадислар шарифатдан бошқа йўллар (манбаълар)дан ҳукм олиш манъ қилинганлигининг очиқ далиллари дир, аввалги ҳадис иккала ривоятда ҳам очиқ наҳийни ва “Умардуддир”, сўзи билан эса ўзга йўлдан ҳукм олувчини мазаммат қилнаётганини англатмоқда. Кейинги икки ҳадис эса наҳий маъносини ўз исига олган. Исломдан ўзга йўлдан ҳукмлар ва қонунларни олиш мавзусига бу наҳий тўғри келади, чунки бу нарса биринчидан: ишимизда унда бўлмаган нарсаларни пайдо қилиш, балки ўзгалардан олиш демакдир. Иккинчидан эса форс ва румликларга ўхшаган ингиллиз ва французларга – булар ҳам румликлар тоифасдандир – эргашишдир. Шунинг учун бу ҳукмларни олиш харомдир.

3. Пайғамбар а.с. пайғамбар бўлишларига қарамасдан, агар ваҳий нозил бўлмаган бирон ҳукм тўғрисида савол берилса, то Аллоҳ ўша ҳукмни нозил қилмагунча кутиб жавоб бермас эдилар. Бухорий ибни Масъуддан ривоят қилади: “Пайғамбар а.с.га руҳ ҳақида савол берилди. У зот то “руҳ” ҳақида оят нозил бўлгунча сукут қилиб жавоб бермадилар”. Яна Бухорий Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади: “Мен касал бўлиб қолдим, Росулуллоҳ с.а.в. ва Абу Бкр пиёда мени кўргани келдилар. Улар келган чоғда мен хушимдан кетган эдим. Росул а.с. таҳорат қилиб, таҳорат сувларини бошимдан қуйганларида ўзимга келдим ва Росул а.с.га молу-дунёларимни нима қилай, деб такрор-такрор айтдим. Росул а.с. то “мерос” ояти нозил бўлгунча жавоб бермадилар.

Бу ҳадислар ваҳий келтирмаган ҳукмларни олиш жоиз эмаслигини кўрсатиб турибди. Росул а.с. то ваҳй нозил бўлгунча бирор фикр баён қила олмаган

эканлар, демак бу нарса ваҳй олиб келган ҳукмлардан ўзга ҳукмларни олиш жоиз эмаслигига далилдир.

4. Аллоҳ таоло бизларни Росул а.с. буюрган ҳукмларни олишга, қайтарган ҳукмлардан қайтишга ва Росулulloҳ с.а.в.га, яъни у зот олиб келган Қуръон ва Ҳадисга ҳукм сўраб мурожаат қилшга буюрган:

Аллоҳ таоло айтади:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمُ عَنْهُ

- “Росуллоҳ (Соллalloҳу алайҳу ва олиҳи ва саллам) нимани олиб келган бўлса, уни олинглар, нимадан қайтарган бўлса ундан қайтинглар”. {59:7}

яъни Росул а.с. олиб келмаган ҳукмларни олмаймиз. Аммо “...нимадан қайтарган бўлса, ундан қайтинглар”, оятининг маъносидан тушунилиши мумкин бўлган унинг мухалиф маъноси, яъни – қайтармаганларини олинглар – маънога келасак, унга амал қилинмайди. У Ислом шариятидан бошқа манбаълардан бирон нарса олишга рухсат бермаган оят ва ҳадисларда келаган умумий ҳукмларга биноъан бекордир.

Аллоҳ таоло айтади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ يُدَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

- “Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўъмин бўлмайдилар”. {4:65}

Яна Аллоҳ таоло айтади:

يُرِيدُونَ أَن يُتَدَاكُمُوهَا إِلَى الطَّاعُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَن يَكْفُرُوا بِهِ

- “Улар тоғутга – шайтонга ҳукм сўраб боришни истайдилар. Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди”. {4:60}

Росул а.с. айтадилар: “Кимда-ким бизнинг буйруғимиз бўлмаган бирон-бир ишни қилса, у иш мардуддир”. Ҳар қандай мухалиф маъно (яъни оят ва ҳадисда келган маънонинг акси унинг мухалифи дейилади) агар унинг зиддига Китоб ва Суннатда ҳужжат келган бўлса у маънога амал қилинмайди.

Масалан Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَذَكَّرْهُوَ فَتَيَاتِكُمْ عَلَى الْإِبْغَاءِ إِنَّ أَرْدَنَ تَدَاوُلًا

- “Покликни истаган чўриларингизни зино қилишга мажбурламанглар”. {24:33}

Бу оятнинг мазмунидан унинг муҳолиф маънос яъни агар чўриларингиз покликни хоҳламасалар, уларни зинога мажбур қилиш жоиздир, деган мазмунни тушуниш мумкин. лекин оятнинг бу муҳолиф маъноси зинонинг ҳаромлигини баён қилган ушбу оятдаги умумий ҳукм билан бекор қилинади:

Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَقْرُبُوا الزِّنَىٰ

- “Зинога яқинлашманглар”. {17:32}

Шунга биноъан оятнинг маъноси Росулulloҳ с.а.в. буюрган ишни қилиш, қайтарган ишдан қайтиш ва ҳамма ишларда фақат мана шу буйруқ ва қайтарувларга боғланишдан иборатдир. Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳалол деймиз, ҳаром қилган нарсани ҳаром деймиз. Росулulloҳ олиб келмаган нарсаларни олмаймиз ва бизларга ҳаром қилмаган нарсаларни ҳаром дея олмаймиз. Лекин бирон нарса ҳақида наҳй (қайтарув) нинг йўқлиги у нарсани олишнинг жоизлиги-ни билдирмайди, балки Аллоҳ ҳаром қилмаган нарсани ҳаром қилиш мумкин эмаслигини билдиради. Чунки ҳукм фақат шариятдан олинади. Оятнинг маънос мана шу.

Агар “Росулulloҳ нимадан қайтарган бўлса ундан қайтинглар”, ояти Аллоҳ таолонинг:

فَلْيَدْرِكِ الَّذِينَ يَخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ يُطِئُونَ بِهَا أَلْيَمٌ

- “Аллоҳнинг амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна (қулфат) етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан эҳтиёт бўлсинлар”. {24:63}

ояти билан ёнма-ён қўйилиб солиштириб қўрилса, “Росулulloҳ олиб келган нарса” ва “Росулulloҳ қайтарган нарса” оятдаги “нарс” сўзи умумийликни ифода қилаётгани билинади. Демак, Росулulloҳ олиб келган шариятдангина ҳукм олишнинг вожиблиги ҳамда Росулulloҳ олиб келган шариятдан бошқа йўлдан ҳукм олиш гуноҳ ҳисобланиб, бу ишни қилган одам аламли азобга гирифтор бўлиши очиқ равшан бўлади.

Аллоҳ таоло айтади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ إِذْ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

- “Йўқ Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўъмин бўлмайдилар”. {4:65}

Бу оятда Аллоҳ таоло – ўз ишларида Росулulloҳдан бошқани ҳакам қилган кимсада иймон бўлмаслигини баён қилганлиги фақат Росулulloҳ олиб келган шариятгина ҳакам қилиниши зарурлигига қатъий далилдир.

Бундан ташқари Қуръон Росулulloҳ с.а.в. олиб келган шариятдан ўзга йўллардан ҳукм олишни хоҳловчи кимсаларга ҳалок бўлишлари хабарини беради:

Аллоҳ таоло айтади:

أَيُّكُمْ تَوَلَّى آلَتَهُمْ آمَنُوا بِمَا نُزِّلَ إِلَيْكَ وَمَا نُزِّلَ مِنْ بُرُوقِنٍ أَنْ يَتَّخِذُوا إِلَى
الطَّاغُوتِ مَوْرًا أَنْ يَكْفُرُوا بِرُؤُوسِ الشَّيْطَانِ أَنْ يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا

- “Эй Мухаммад, ўзларини сизга нозил қилган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб, ҳисоблайдиган айрим кимсаларнинг тоғут (шайтон)га ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. Шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истади”. {4:60}

Бу оят Росулulloҳ с.а.в. олиб келган шариятдан бошқа йўлдан ҳукм олиш заллат эканлигини билдирипти. Чунки бу иш тоғут – шайтондан ҳукм сўрашдир.

5. Бандаларнинг феълларига таълуқли бўлган Аллоҳнинг хитоби шаръий ҳукм дейилади. Мусулмонлар барча феълларида Аллоҳнинг хитобини ҳакам қилишга ва барча ишларини Аллоҳнинг хитобига мувофиқ юргизишга бюрулгандирлар. Агар мусулмонлар бирон-бир феъллари ва ишларида Аллоҳнинг хитобига зид бўлмаган ҳукми олсалар, улар шаръий бўлмаган ҳукми олган ҳисобланадилар. Чунки улар бу ҳукми Аллоҳнинг ҳукми бўлганлиги учун эмас, балки Аллоҳнинг ҳукмига зид бўлмаганлиги учун оляптилар. Демак уларнинг бу ҳукми олишлари шаръий олиш ҳисобланмайди. Ҳатто шаръий ҳукмга мувофиқ бирон-бир ҳукм Китоб ва Суннатдан ўзга йўлдан олинса, бу иш ҳаром ҳисобланади. Чунки бу олиш шаръий ҳукми олиш эмас, аксинча шаръий ҳукмга мувофиқ бўлган ўзга ҳукми олишдир. Демак, бу ҳукм Росул а.с. олиб келган шариятни ҳакам қилиш эмас, балки ундан бошқа йўлларни – гарчи унга мувофиқ бўлиб қолган бўлса ҳам – ҳакам қилишдир. Ҳолбуки ҳар бир мусулмон фақат шаръий ҳукмларни олишга буюрилгандир. Масалан, никоҳ аҳди – шаръан – икки муслим гувоҳнинг ҳозирлигида, қизнинг розилиги ва йигитнинг қабули билан амалга ошади. Агар муслим йигит ва муслима қиз черковга боришса, у ерда руҳоний икки муслим гувоҳлигида насроний қонунга мувофиқ қизнинг розилиги ва йигитнинг қабул қилганлигини олиб никоҳ аҳдини расимлаштиради, бу никоҳ шаръий ҳукмга мувофиқ адо қилинган бўладим ёки йўқми? Буикки ёш Росулulloҳ с.а.в. олиб келган шариятни ҳакам қилган бўладим ёки бекор қилган ва тамоман ўзгартирилиб юборилган насроний динини ҳакам қилган бўладими? Яна бир мисол, бир насроний одам вафот қилса, унинг фарзандлари ўрталарида меросни – Ислом ҳукмлари адолатли ва фойдали бўлгани учун – Ислом ҳукмларига биноян тақсимламоқчи бўлишиб, шаръий маҳкамага келишиб, у ердан меросга оид қонунни олишса шаръий ҳукми ҳакам қилишган

бўладими ёки адолатли ва фойдали қонунни олишган бўладиларми? Улар, ҳеч шак-шубҳасиз, шаръий ҳукмни олган бўлмайдилар. Чунки шаръий ҳукмни Росулulloҳ с.а.в. олиб келганлиги учун, яъни Аллоҳнинг амру-наҳийлари бўлгани учун олингандагина шаръий ҳукм олинган бўлади. Аммо бир ҳукмни адолатли ва фойдали бўлгани учунгина олинши, шаръий ҳукмни олиш ҳисобланмайди. Чунки оят “Сизни ҳакам қилмагунларича”, ёки “Росулulloҳ сизларга олиб келган нарсаларни олинглар”, яъни Росулulloҳ олиб келган, деган эътибор асосида олинглар, деб қатъий буйруқ қилипти. Қайси бир ҳукм – шариятга мувофиқ келса ёки келмаса ҳам – бу асосга биноъан олинмаса, бу ҳукм шаръий ҳукм ҳисобланмайди. Ҳатто шаръий ҳукмнинг айнан ўзи бўлса-ю, лекин Росулulloҳ олиб келгани учун эмас, балки адолатли ва фойдали бўлгани учун олинса, бу ҳукм шаръий ҳукм ҳисобланмайди.

6. Росул а.с.нинг куфр аҳдларини тан олишлари, бу фақат Росул а.с.га – Росул (Аллоҳнинг элчиси) булганликлари учунгина – хос бўлган ишдир. Чунки Росул а.с.нинг бир ҳукмни тан олишлари (тасдиқлашлари) ҳам айтган сўзлари ва қилган амаллари каби шариятдир. Қонун жорий қилишга Росул а.с.дан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бинобарин у зотнинг қилган ишлари, айтган гаплари ва тасдиқлаган ишлари шарият бўлиб, булар барчаси ваҳий орқали бўлгандир. Росул а.с.дан бошқа ҳеч кимга қонун ишлаб чиқиш ҳуқуқи берилмаган. Демак, Росул а.с. тасдиқлаган аҳдлар – гарчи жоҳилият давридаги аҳдлар бўлса ҳам – улар шаръий ҳукмга айланди. Чунки Росул а.с.нинг бу аҳдларни тан олишлиги – гарчи улар ибодатларга таъллуқли бўлса ҳам – уларнинг шаръий ҳукм эканлигига далилдир. Жоҳилият давридаги аҳдлар ҳақидаги шаръий ҳукм уларни тан олганлиги (тасдиқлаганлиги) асосида олинапти. Саҳобалар – Аллоҳ улардан рози бўлсин! – Росул а.с.нинг бирор ҳукм устида сукут сақлашларини унинг шаръий ҳукм эканлигига далил қилишар эдилар. Ибну Аббосдан ривоят қилинади: “Росул а.с.нинг дастурхонида калтакесак кйилди. Росул а.с. эса емадилар”. Ибну Аббос Росул а.с.нинг сукутларидан калтакесак ейишга рухсат берганликларига далил олдилар. Гарчи Росул а.с. ундан емаган бўлсалар ҳам. Шунга ўхшаш Росул а.с.нинг сукутлари шаръий ҳукм учун далил бўлган ҳодисалар жуда кўп.

7. Қайси нарсада ҳараж (гуноҳ) йўқ бўлса, у нарса мубоҳ бўлиб қолмайди. Бир ишни қилиш ва қилмасликда ҳараж йўқлиги уни шаръан мубоҳ қилиб бермайди. Ҳараж йўқлигидан у ишга ихтиёр берилганлиги ҳам лозим бўлмайди. Чунки бир ишни қилишдан қайтариш бу ишнинг зиддига буюришни англазмаганидек, бир ишни қилишга буюриш ҳам бу ишни зиддидан қайтаришни англамайди. Ҳараж йўқлиги баъзида вожиб амалларда бўлиши мумкин:

Аллоҳ таоло айтади:

فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَّوَّفَ بِهِمَا

- “Ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тоғ (Соф ва Марва) орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир”. {2:158}

Чунки ҳаж ва умрада тавоф қилиш яъни Сафо ва Марва тоғлари орасида саъй қилиш мубоҳ эмас, вожиб амалдир.

Ҳажарнинг йўқлиги гоҳида рухсат амалда бўлиши ҳам мумкин:

Аллоҳ таоло айтади:

فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ

- “Намозингизни қаср қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир”. {4:101}

Демак бир ишни қилишда ҳараж (гуноҳ) йўқлиги ўша ишнинг мубоҳлигини англатмас экан. Шунга кўра қайси нарсада ҳараж йўқ бўлса у мубоҳ бўлиб қолмайди, балки Аллоҳ таоло бир ишни қилиш ва қилмаслик ҳақида бандаларга ихтиёр берганлиги тўғрисида самъий далилнинг (Қуръон ва Ҳадиснинг) келиши у ишнинг мубоҳлигини англатади. Бундай ихтиёр бериш гоҳо нусусда (Қуръон ва Ҳадисда) очик келади.

Масалан, Аллоҳ таоло Қуръонда айтади:

نِسَاءُكُمْ حَرِّثُ لَكُمْ فَاخْتَرْتُمْ أَمْ لِي شِدَّةٌ

- “Хотинларингиз экинзорларингиздир, бас, экинзорларингизга ўзларинг хоҳлаганларингдек келаверинглар”. {2:223}

Аллоҳ таоло айтади:

وَكَأَلَّا مِنْ غَلَّتِ حَيْثُ شِدَّةٌ مَا

- (Эй Одам), ундан (жаннатдан) хоҳлаган жойларингизда бемалол овқатланинг”. {2:35}

Гоҳида ихтиёр берилганликни оят мазмунидан англаш ҳам мумкин:

Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذَا دَلَلْتُمْ فَاصْطَادُوا

- “Иброҳимдан чиқиб ҳалол бўлгач ов қилаверинглар”. {5:2}

Аллоҳ таоло айтади:

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا

- “Қачон намоз (жумъа намози) адо қилинган тарқалаверинглар”. {62:10}

Аллоҳ таоло айтади:

كُلُّوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ

- “Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар”. {2:57}

“Мубоҳ” шаръий ҳукмлардан бўлиб, шаръий ҳукм Аллоҳ таолонинг бандаларнинг ишларига таъаллуқли бўлган амридир. Бир иш мубоҳ саналиши учун унинг мубоҳлигини англатадиган “самъий далил” бўлиши зарур. Шунга кўра бирор ишнинг вожиб, суннат, ҳаром ёки макруҳ эканлигига шаръий далил келмаганлиги унинг мубоҳлигига далил бўлмайди. Балки унинг мубоҳлигини англатадиган шаръий далил бўлиши зарурдир. Аммо шарийъат келмасидан олдин – хоҳ аҳдлар бўлсин, хоҳ муъомалалар бўлсин – мубоҳ саналган ва шарийъат келганидан кейин ҳам уларнинг мубоҳлиги давом этиб келаётган байъ (савдосотик) ижара ва бошқа шу каби ишлар ва нарсаларнинг мубоҳлиги шарийъат келишидан олдин ҳам мубоҳ ишлар саналгани учун эмас, балки шарийъат олиб келган нусус (қатъий ҳужжат)га биноъан мубоҳ саналгандир. Масалан, байъ Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларига биноъан мубоҳ бўлади:

وَأَحْلَلْنَا لَكَ الشَّيْءَ وَحَرَّمَ الرَّبَّاءَ

- “Аллоҳ байъни ҳалол, рибо (судхўрлик)ни эса ҳаром қилди”. {2:275}

Ижора эса Росулulloҳ с.а.в. қилганлари чун мубоҳ бўлди. Ривоят қилнадики “Росул а.с. Бану Дайл қабиласилик моҳир йўл кўрсатуви бир одамни ижорага олдилар”. Демак, байъ ва ижоранинг мубоҳлиги уларнинг жоҳилият кунларидан бери давом этиб келаётганлиги учун эмас, балки шаръий Далил асосда мубоҳ саналаётганлиги чун – мубоҳ бўлди.

Қуръон оятлари ва Росул а.с.нинг айтган сўзлари, қилган ишлари ва сукут (тасдиқ)лари шаръий нусуслардир. Жоҳилият кунларидан то Ислом кунларигача давом этиб келаётган ва мусулмонлар қилиб юрган ишлар ва нарсалар, аҳдлар ва муъомалалар – жоҳилият кунларидан бери давом этиб келаётганлиги уун эмас, - ушбу нарсаарнинг мубоҳлиги ҳақида Қуръон оятларидан ёки Росул а.с.нинг сўзлари ёки қилган ишлари ёки сукутларидан иборат шаръий далил келганлиги чунгина давом этиб келмоқда. Қайси бир иш жоҳилият даврида қилган бўлса-ю, бу иш ҳақида Қуръон оятлари ёки Росул а.с.нинг сўзлари ё қилган ишлари ё сукутларидан иборат далил келмаса, гарчи уни қилишдан қайтарадиган наҳй (қайтарув) келмаган бўлса ҳам, уни қилишда давом этилмайди ва уни олинмайди ҳам. Балки унинг учун шаръий далил излаб топилиши зарур. Демак, шарийъат келишидан аввал бўлган ва шарийъат келганидан кейин ҳам давом этаётган ишлар уларга таъаллуқли шаръий далил келганлиги учун мубоҳ бўлади.

“Шариъат бу нарса хақида сукут қилган, натижада у мубоҳ ҳолида давом этиб келяпти ва шариъат қайси нарса хақида сукут қилиб унинг ҳукмини баён қилмаган бўлса, демак у мубоҳдир”, дейилмайди. Чунки шариъат у нарса хақида сукут қилмай, унинг ҳукмини унга таъаллуқли далил билан баён қилган. Росул а.с.нинг сукутари шариъатнинг сукути (индамагани) эмас, балки шариъат тарафидан қилинган баёндир. Чунки Росул а.с.нинг сукутлари ҳам сўзлари, амаллари ва Қуръони Карим оятлари каби шаръий ҳукм учун баёндир.

Ҳеч бир муслим Аллоҳ таолонинг ушбу:

الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ وَعْدِي لَكُمْ الْإِسْلَامَ دِينًا

- “Бугун сизларга динигизни комил қилдим, неъматимни бепарҳон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун фақат Исломи дин қилиб танладим”. {5:3}

نَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ

- “Ҳамма нарсани баён қилиб берувчи Китоб – Қуръонни Сизга нозил қилдик”. {16:89}

сўзларни ўқигандан кейин Аллоҳ бирон нарсанинг ҳукмини баён қилмаган, деб айтиши лойиқ эмас. Бинобарин ҳеч бир муслим, баъзи бир воқеалар шаръий ҳукмдан холий, яъни шариъат унга бепарволик қилиб Китоб ва Суннатдан бирор далил келтирмаган ёки шариъат очиқ равшан, ё мазмунида ишора бўлган, ё ишлаб чиқилган, ё қиёс қилинган бирор бир шаръий далил келтириб, баъзи бир воқеаларнинг вожиб, ё суннат, ё харом, ё макруҳ, ё мубоҳ эканлигини огоҳлантирмаган, деб айтиши ҳам лойиқ эмас. Албатта бирорта муслим бундай фикрга бориши жоиз эмас. Чунки у бундай фикрга бориш билан шариъатни нуқсонли, деб унга айб етказган, шариъатдан бошқа йўлни ҳакам қилишни жоиз ҳисоблаган ва Аллоҳ таолонинг ушбу оятига қарши чиққан бўлади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُوكُمْ بِحَدِّكُمْ فِي مَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

- “Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўъмин бўла олмайдилар”. {4:65}

Агар шариъат бирор ҳукми олиб келмаган бўлса ва муслим шахс шариъат келтирмаган ҳукми олса, у шариъатдан бошқани ҳакам қилган бўлади. Бу иш муслим учун нолайиқдир. Шариъат барча ҳодисаларнинг ҳукмларини келтирмаганлиги шариъат ўша ишларда бошқани ҳакам қилишга ижозат берганлигидир, деган даъво нотўғри ва пуч даъводир. Бинобарин шариъат қайси ишдан сукут қилган бўлса, у иш мубоҳдир, деган ҳукм ҳам шариъатдан ўзга йўлни ҳакам қилишга рухсат бериш демакдир. Бундан ташқари бу нарса шариъат баъзи

хукмларни индамаган ва келтирмаган, деб уни айблашдир. Буларга илова қилиб шуни ҳам айтиш мумкинки, бу иш воқеъга ҳам хилофдир, чунки шарият бирон нарса ҳақида мутлақо сукут сақламаган. Яъни шарият индамаган нарсанинг ўзи йўқ.

Аммо Росул а.с.дан ривоят қилинган: - “Аллоҳ таоло кўп фарзларни фарз қилган, уларни зоеъ қилиб кўйманглар кўп нарсалардан қайтарган, улардаги ҳурматни бузманглар. Маълум ҳад (чегара)ларни белгилаган улардан тажовуз қилманглар, баъзи нарсалардан эса – унутиб эмас – бизга меҳрибонлик қилиб афв қилгандир, уларнинг ҳукмини ахтарманглар”, - ушбу ҳадисдан мақсад, шарият олиб келмаган хукмларни ўрашдан қайтаришдир. Қуйдаги ҳадис ҳам унга ўхшайди: - “Кимки мусулмонларга ҳаром қийнмаган нарса ҳақида ҳукм сўраса ва у ўша одамнинг сўрови сабабли уларга ҳаром қилинса, у одам мусулмонларнинг энг гуноҳкоридир”.

Бу мазмундаги ҳадислар Росул а.с.дан жуда кўп зкр қилинган. Масалан, Росул а.с. айтадилар: - “Мен сзларга баён қилмаган нарсаларнинг ҳукмларини менга қолдиринглар. Чунки сизлардан олдин ўтган умматлар кўп сўраганликлари ва пайғамбарларига итоъат қлмаганликлари учун ҳалокатга дучор бўлдилар. Мен сизларни нимадан қайтарсам қайтинглар ва нимага буюрсам уни қўлларингдан келганича адо қилинглар”. Яна Росул а.с.дан шундай ривоят бор: - “Росул а.с. Аллоҳ таолонинг ушбу:

وَاللّٰهُ عَلٰى النَّاسِ حَرِيْبٌ اَلْبَيْتِ

- “Одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтуллоҳни ҳажж (зиёрат) қилиш бурчи бордир”. {3:97}

оятини ўқиганда, бир одам Росул а.с.га – “Ҳар йилими?”, деб савол берди. Росул а.с. унга жавоб бермай юз ўгирдилар. У одам яна саволини берди. Шунда Росул а.с.: - “Аллоҳга қасамки, агар ҳа, деганимда эди, ҳар йили ҳаж қилиш вожиб бўлиб қолар эди. Агар вожиб бўлиб қолса, сизлар уни адо қила олмас эдинглар. Агар уни адо қилмасаларингиз кофир бўлиб қолардинглар. Шунинг учун ҳам мен сизларга индамаган нарсалар ҳақида сизлар мендан сўраманглар”, - деб жавоб бердилар. Росул а.с.нинг “баъзи нарсалардан афв қилди”, ёки бошқа бир ривоятда “шарият қайси нарсалардан сукут қилган бўлса, у афвдир”, деган сўзларидан мақсад, Аллоҳ таоло сизларга баъзи ишларни енгиллатди, сизлар улар ҳақида сўраб, ўзларингизга оғирликни юклаб олманглар, худди ҳаж масъаласида бўлгандек, яъни, ҳаж ҳукми умумий шаклда келган эди. Бир одам ҳар йилими, деб сўради. Аллоҳ ҳаж ибодатини бизга енгиллик ва меҳрибонлик қилиб, умрида бир марта адо қилишни фарз қилди. Ҳар йили адо қилинишидан афв қилди. Шунинг учун ҳам унинг ҳукмини ахтарманглар ва сўраманглар. Росул а.с.нинг “Унинг ҳукмини ахтарманглар” ва “баъзи нарсалардан афв қилди”, деган сўзларидан мақсад, Аллоҳ таоло баъзи шаръий ҳукмларни баён қилмаганлиги эмас, балки бу ҳадислар Аллоҳнинг бизларга бўлган раҳмати ва баъзи ишлардан афв қилганлигининг баёнидир. Аммо бошқа бир ривоятда келган: “Шарият нима ҳақида сукут қилган бўлса, у шарият тарафидан

афвдир”, деган сўзларидан ҳам мақсад. Шариъат сукут қилган ва ҳаром қилмаган нарсалар ҳукмини ахтариш ва сўрашдан қайтаришдир. Чунки у нарсаларнинг шариъат тарафидан ҳаром қилинмаганлиги Аллоҳ таоло тарафидан афв эканлигини кўрсатиб турибди. Яъни шариъат қайси нарсанинг ҳаромлигини баён қилишдан сукут қилган бўлса, демак у нарса Аллоҳ тарафидан афвдир, унинг ҳукмини ахтарманглар. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзлари ҳам шулар жумласидандир:

أَيُّهَا الَّذِينَ تَلَّمُوا لَعَنَ أَشِدَّيَاءَ إِنْ تَبَدَّ لَكُمْ تَسْوُكُمْ

- “Эй мўъминлар, очилганда сизларни хафа қиладиган нарсалар ҳақида сўраманглар”, {5:101}

Шу оятнинг давомида:

عَفَا اللَّهُ عَنْهَا

- “Аллоҳ у нарсалардан афв қилиб юборган”. {5:101}

Сўзлари келади.

Демакратиянинг Исломга зидлиги

8. Демократиянинг асослари ҳам, тафсилотлари ҳам Исломга тамоман зиддир. Бу бир неча ўринларда кўринади:

1) Демократия бутун ҳукмронликни халққа бериб, барча ишларни унга топширади ва халқни барча ишларда мурожаъат қилинадиган манбаъ, деб ҳисоблайди. Демократия ҳукмларига кўра халқ салтанат манбаъи, қонун ишлаб чиқиш, ҳукм юргизиш ва ҳукмни ижро қилиш манбаъи ҳисобланади. Халқ қонунларни ишлаб чиқади, қозийларни таъйин қилади ва ҳокимларни тиклайди. Бу эса Исломга тамоман зиддир. Ислом ҳукмронликни халққа эмас, Шариъатга беради. Барча ишлар шариъат кўлида бўлиб, шариъат барча ишларда мурожаъат қилинадиган манбаъдир. Ислом қонун ишлаб чиқишга эгалликни халққа бермади, балки Аллоҳ таолонинг ўзига хос қилди. Ҳамма ишларда – хоҳ ибодатлар, хоҳ муоъмалалар, хоҳ жазо чоралари, хоҳ бошқа ишлар бўлсин, - ҳукмларни қонун қилиб чиқарувчи фақат Аллоҳ таолодир. Ҳеч ким ўзича бирон ҳукм ишлаб чиқиши мумкин эмас. Исломда халқ ҳокимият эгаси ҳисобланади, яъни у ҳокимни сайлаш ва тиклаш, қонунларни ижро қилиш ва ҳокимиятни бошқарувчи шахсни танлаш ҳуқуқи гагина эга бўлиб, у фақат ижроий ҳокимият манбаъи ҳисобланади. Қазобий салтанат (ҳукм чиқариш салтанати) эса халифанинг ёки ўринбосарининг кўлидадир, яъни халифа қозийларни ёки уларни таъйин қиувчи шахсни таъйин қилади. Ҳеч бир шахс ёки жамоъа бирорта қозий таъйин қила олмайди. Чунки бу иш фақат халифа ёки ўринбосарининг ҳуқуқидир.

2) Демократия тузумида етакчилик шахсий сувратда эмас, жамоъий сувратда амалга оширилади. Салтанат ҳам шахсий эмас, балки жамоъийдир. Демократияда салтанат вазирлар маҳкамаси кўлида бўлиб, давлат раиси хоҳ шох, хоҳ жумхурият раиси (президент) деб юритилсин, у шаклан раис ҳисобланса ҳам, ҳукм юргизиш ҳуқуқига эга эмас. Чунки ҳокимиятни бошқариш бевоста вазирлар маҳкамаси кўлидадир. Бу эса Исломга зиддир. Исломда етакчилик жамоъий эмас, балки шахсийдир. Абу Саъийд ривоят қилади: Росул а.с. айтдилар: - “Агар уч киши сафарга чиқса, ўзларига биталарини амир қилиб олсинлар”. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилади: Росул а.с. айтдилар: - “Сахролик ерда уч киши бирга бўлиб қолса, битталарини амир этиб сайласинлар”.

Бу ҳадислардаги “аҳд” (битта) сўзи бир дона маъносини ифодалаб, санокни билдирипти. Яъни кўпчилик эмас, балки бир киши. Бу мазмун “аҳадахум” (битталарини) калимасининг муҳолиф маъносидан ҳам тушуниляпти. Шарифатда муҳолиф мазмунга ҳам амал қилинади. Муҳолиф мазмунни бекор қиладиган бирон Нусус (Оят ёки Ҳадис) келсагина унга амал қилиш бекор қилинади. Бу ерда уни бекор қиладиган Нусус йўқ. Шунинг учун уни бекор қилинмайди. Демак, бу ҳадислардан фақат бир кишини амир қилинлар, кўпчиликни эмас, мазмуни олинади. Чунки бу икки ҳадисдаги муҳолиф мазмун: битадан кўпини амир қилишлари мумкин эмас, мазмунидир. Ушбу асосга кўра амирлик бир кишигагина хос бўлиб, кўпчиликнинг амир бўлиши жоиз эмас. Росул а.с.нинг ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Росул а.с.нинг амир сайлаганлари зикр қилинган ҳамма ҳадисларда фақат бир кишини амир этиб сайлаганлар. Бир жойда бир кишидан ортинини амир этиб сайламаганлар. Бинобарин, ҳукуматни Давлат Раъйиси яъни Амирул-мўъминун ёки Халифа бошқаради. Давлатнинг барча салоҳияти – ҳуқуқлари фақат халифага чекланган бўлиб, фақат угина салтанат ва ҳокимиятни бошқаришда тўла салоҳиятга эгадир. Ҳеч ким бу салоҳиятда халифага шерик бўла олмайди. Шунинг учун ҳам Исломга етакчилик ва ҳокимиятни бошқариш шахсийдир. (Яъни битта шахс кўлидадир).

3) Демократия тузумида давлат битта муъассаса эмас, балки бир неча муъассасалар мажмуъасидан ташкил топган. Масалан, ҳукумат яъни ижро қилувчи орган битта муъассаса ҳисобланади. Шунга ўхшаш, ҳар бир бирлашмада ёки ўрганнинг ўз муъассаси бўлиб, бу муъассаса ўзи қилаётган ишларда тўла ҳукмронлик қилиш салоҳиятига эгадир. Мисол учун Адвокатлар муъассасасини олиб кўрайлик адвокатлар бирлашмаси битта муъассаса бўлиб, адвокатларни ўз касбларини бажаришга рухсат бериш ёки бермаслик, уларни муҳокама қилиш ва уларга алоқали бошқа ишларда тўла бошқариш ҳуқуқига эгадир. Шунга ўхшаш табиблар дори тайёрловчилар, муҳандислар бирлашмаси ва бошқа бирлашмалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўзлари бажараётган ишларда тўла бошқарув ҳуқуқига эгадирлар. Бирлашма ўзига алоқали ишларга нисбатан ҳукмронлик қилишда вазирликдан ҳеч фарқи йўқ. Ҳатто вазирлик ҳам бирлашманинг бошқарув ишларига аралашиниш ҳуқуқига эга эмас. Бу Исломга тамоман зиддир. Исломда Давлат ва Ҳукумат бир бўлиб, Давлат Султон яъни Халифа демакдир. Халифа барча салоҳиятлар эгаси бўлиб, ундан бошқа ҳеч ким бундай салоҳиятга эга эмас. Росулulloҳ с.а.в. айтдилар: - “Имом бошқарувчидир ва у ўз халқидан маъсулдир”. Бу ҳадисдаги “у” замири

(кишилик олмоши) чеклаш ва ажратиш учун келган бўлиб, “у масъулдир” сўзи эса масъулиятни фақат Имом (Халифа)га чеклаб бермоқда. Шунинг учун ҳам Ислом Давлатида Халифадан бошқа бирон бир шахс ёки жамоъа бошқарув ҳуқуқига эга эмас.

4) Демократияда ҳукумат бошқарув ишларида халқ фикрини олиш зарур ҳисобланади. Ҳоким (давлат бошлиғи) халқ фикрини ёки депутатлар палатаси фикрини олиши зарар. Ҳоким халқ топшириғисиз бирон-бир иш қилишга ҳамда халқ фикрига қарши иш тутишга ҳаққи йўқ. Демак демократия низомида халқ фикрини олиш мажбурийдир. Бу эса Исломга тамоман зиддир. Ислом динида “шувро” яъни халқ фикрини олиш фарз (мажбурий) эмас, балки мандуб (тавсия қилинган) ишдир. Халифа ҳам халқ фикрини олиши фарз эмас, балки мандубдир. Аллоҳ таоло “шувро”ни ўз китобида мақтаган бўлса ҳам, уни мубоҳ амаллардагина жорий бўладиган қилди. Шувро мубоҳ амаллардагина бўлиб, бошқаларда бўлмаслиги унинг вожиб эмаслигига далилдир. Чунки шувронинг салоҳият доирасига кирган мавзуй – мубоҳ амаллар бўлиб, буларда эса халқ фикрини олиш вожиб эмас. Мана шу далилларга биноъан халифа халқ фикрини олиши мандубдир. Чунки Аллоҳ таоло шуврони мақтаган. Шунингдек шувро фақат мубоҳ амаллардагина бўлади.

5) Демократияда ҳукумат ҳамма ишларда – хоҳ қонун ишлаб чиқариш, хоҳ бошқаларда бўлсин, - кўпчилик фикрини олишга мажбур. Лекин демократлар кўпчилик деганда гоҳида овоз берувчиларнинг ярмидан битта овоз ортиқлигини шартқилсалар.ю гоҳида эса овоз берувчиларнинг учдан икки қисмини шарт қилиб оладилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларда кўпчиликнинг фикри олиниши мажбурийдир. Бу эса Исломга тамоман зиддир. Исломда ҳамма ишларда ҳам кўпчилик фикри ёқланиб ва мажбурий деб ҳисобланмайди. Балки бунинг тафсилотлари бор. Қуйида ана шунинг баёни:

а) Шаръий ҳукмлар, яъни қонун ишлаб чиқишга доир раъйларда кўпчиликнинг ҳам озчиликнинг ҳам раъйига эътибор берилмайди. Балки ҳамма “Шаръий далил”га бўйсунуши вожиб. Бунга далил Росул а.с. Худайбийя сулҳида ўзларига нозил бўлган ваҳий олдилар. Абу Бакр ва умарнинг раъйини, балки барча мусулмонларнинг раъйини қатъий рад этиб, - улар ғазаблансалар ҳам – ҳаммаларини ўз раъйларига бўйсунушга мажбур қилиб, шундай дедилар: - “Мен Аллоҳнинг бандаси ва элчисидирман. Аллоҳнинг амрига ҳеч ҳам зид иш тутмайман”. Бу воқеъа шаръий ҳукмларда кўпчилик ёки озчилик эмас, балк Ваҳй олиб келган нарса яъни шаръий далил олиниши мажбурий эканлигининг далилидир. Бир неча далил мавжуд бўлган ҳолатларда эса улардан энг кучлиги олинади. Лекин одамларни ҳукмига бўйсундириш ва у ҳукмни қонунга айлантириш фақат халифанинг салоҳиятидан ҳисобланади. Чунки табаний (ҳукмларни танлаб қонуний қилиш) ҳуқуқи фақат халифага берилгандир. Саҳобалар шундай ижмо қилганлар: “Имом (Халифа) муъайян ҳукмларни қабул қилиб унга амал қилишга буюриш салоҳиятига эга. Мусулмонлар унга итоъат қилиб, ўз раъйларини тарк қилишлари зарурдир”. Исломда қуйдаги машҳур шаръий қоидалар ҳам бор: “Имомнинг амри зоҳирда ҳам, ботинда ҳам нуфузlidir”, “Имомнинг амри ихтилофни бартараф этади”, “Султон рўй бераётган муъаммоларга қараб, уларга таъллуқли янги ҳукмларни ишлаб

чиқишга ҳақлидир”. Шаръий таърифлардан ҳам шаръий ҳукмларда бўлганидек кучли далил олинади. Фақат халифагина таъриф ва ҳукмларни танлаб қонунийлаштиради, бинобарин унинг раъйигина устун ва бўйсунилиши лозимдир.

б) Бирор мавзуда муъайян фикрга далил бўладиган раъйдан битта ёки бир нечта амал келиб чиқса бу битта ёки бир нечта амаллар ўша мавзу асосида баҳс қилинади. Бошқача қилиб айтсак, мавзулари яхшилаб тушуниб олиш ва чуқурроқ назар ташлашга муҳтож бўладиган раъй муъайян мавзу ҳақида муъайян фикрга (тушунчага) олиб бориши учун ҳосил қилинган раъй бўлади. Шунда у амални қилиш ё қилмаслик ёки уни қандай қилиш кайфияти маълум бўлади. Яъни раъй “фикр, жанг ва ҳийла” мавзуидаги ишлардан бўлса, бу каби бирор мавзуда муъайян фикрга далил бўлаётган раъйларда кўпчилик тарафи эмас, тўғрилик тарафи қувватланади (олинади). Бунга мисол қилиб умматни уйғотиш мавзуни олиб кўрсак. Умматни уйғотиш учун унинг фикрий савиясини юксалтриш зарурми ёки иқтисодий савиясини кўтариш зарурми? Ёки халифа Абу Бақр даврида қўзғалган муртадлар урушини олиб кўрайлик, бу уруш шаръиёт ҳукмларини бутунлай инкор қилишми ёки қуролли исёнми? Ёки Алий (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин!) халифа бўлган вақтида волийлар ишни ҳал қилишини олиб кўрайлик. Халифа Алий ҳамма волийларни ишдан четлатсинми ёки ҳаммаларини ўз ўрнида қолдирсинми ёки баъзиларини четлатиб, бошқаларини қолдирсинми? Ёки халифа Алий Муъовиянинг ишини ҳал қилиш мавзуини олиб кўрайлик, Алий Муъовияни Шом ўлкасининг волийлигидан дарҳол четлатсинми ёки салтанатни халифалик қўл остидаги ерларнинг ҳаммасида қарор топгунча ўз лавозимида қолдириб турсинми? Ёки Муъовиянинг тарафдорлари халифа Алини билан бўлган жангда Қуръонни найзалар учига илиб кўтарганларида, Қуръонни ҳақиқатда ҳакам қилишни талаб қилишганми ёки ҳийла тарзида қўлламоқч бўлишганми? Ёки Усманий Давлат Истанбул – Бағдод темир йўлини қуриш мавзуини олиб кўрайлик. Усманий Давлат бу йўлни Германия пудратчилари ёрдамида курсинми ёки Белгиа пудратчилари ёрдамида? Ёки Англиянинг 1962 йилда Европа умумий бозорига кириш мавзуини олиб кўрайлик. Англия унга кирсинми ёки кирмасинми? Англиянинг унга кириши унинг давлатлараро мақомини сақлаб қолишига имкон бериб, уни бутун Европадаги бошчилигини сақлаб қоладими ёки ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий зиён келтирадими? Ёки Миср бойлигини ўстириш мавзуини олиб кўрайлик, Миср давлати ўз бойлигини оғир саноатни ривожлантириш билан ўстирсинми ёки Асвон тўғонини қуриш биланми? Ёки Туркиянинг атом қуроли билан қуролланиш мавзуини олиб кўрайлик. Туркия атом қуроли билан ўз бойлиги ва бюджетидан фойдаланиб қуроллансинми ёки ташқи ёрдам йўли биланми? Ёки Усманий Давлатдаги таълим ишларини кучайтириш мавзуини олиб кўрайлик. У таълимни кучайтириш учун мактаб, институт ва университетларнинг сонини кўпайтирсинми ёки таълим программасин қайтанад кўриб чиқсинми? ва ҳоказо.

Демак, қайси бир ишнинг мавзуи устида чуқур фикр юргазишга муҳтож бўлинса, бундай ишда кўпчилик фикри эмас, тўғри фикр олинади. Бунга далил қилиб ушбу ҳадисни келтирамиз: “Росул а.с. ва мусулмонлар Бадр водийсининг сувга яқинроқ жойга тушиб ўрнашганларида, Хуббоб ибну Мунзир бу жойга рози бўлмади. Чунки у жойларни яхши билувчи ва урушдан хабардор шахс эди. Росулulloҳдан: - Эй

Аллоҳнинг элчиси, бу жойга сизни Аллоҳ тушурдими ва бизга бу жойдан олдинга ҳам, орқага ҳам силжишга рухсат йўқми ёки бу жой “фикр жанг ва ҳийла”ми (яъни ўзингиз фикр қилган жанг қилиш ва ҳийла йўлларими?) - деб сўради. Росулulloҳ айтдилар: - Бу жой “фикр, жанг ва ҳийла”дир. Хуббоб айтди: - “Эй Росулulloҳ, бу жой номуносиб жойдир”, деб бошқа жойни кўрсатиб берди. Шунда Росулulloҳ ва у киши билан бўлган ҳамма саҳобалар Хуббобнинг раъйига эргашдилар”. Бу ҳадисда Росулulloҳ ўз фикрларини ташлаб ва мусулмонлар фикрига ҳам мурожаат қилмай фақат тўғри фикрга эргашдилар ва бу мавзу (“фикр, жанг ва ҳийла” мавзуи)да тўғри фикрни битта шахсдан олиш билан кифояландилар. Ҳамма мусулмонларни шу тўғри фикрга эргашишга мажбур қилдилар. Бу ҳадис “фикр, жанг ва ҳийла” кабилидан бўлган ишларда кўпчилик тарафи эмас, балки тўғрилиқ тарафи олинишига далилдир. Тўғри фикрни таъйин қилувчи шахс фақат Давлат Раийси (Халифа)дир. Сунки Бадр жангида тўғри фикрни Давлат Раийси – Росулulloҳ Аллоҳнинг элчиси сифатида эмас, балки Давлат Раийси сифатида таъйин қилдилар.

Фақат мутахассислар идрок қила оладиган фанга оид раъйлар ҳам юқорида баён қилинган муъайян мавзу ҳақидаги фикрга далолат қладиган раъйларга ўхшайди. Чунки бундай раъй яхши тушуниб олиш, чуқур билим ва тажрибага муҳтождир. Бунга далил сифатида Хуббобнинг раъйини келтирамиз. Унинг раъйи стратегик мавзудаги яъни уруш фанига алоқадор раъй бўлгани учун ҳамда стратегик нуқталар ва урушдан хабардор шахснинг раъйи бўлгани учун олинди. Шаръий бўлмаган тарърифлар ҳам – уларни яхши тушуниш ва улар устида чуқур фикр юритишга муҳтож бўлингани учун – шулар жумласидандир.

в) Тажрибали олимлар ва фан мутахассислари тарафидан чуқур назар ташлаш ва яхшилаб тушуниб олишга муҳтож бўлинмайдиган ишларга йўллайдиган раъй. Бу каби раъйларда кўпчилиқнинг фикри қувватланади ва уни олиш мажбурий бўлади. Масалан халифа сайлаш иши, бу киши халифа қилиб сайлансинми ёки у кишимми? Ёки бир ҳодисада икки кишидан бирини ҳакам қилиш иши, буниси ҳакамлик қилсинми ёки унисими? Ёки маданий-маърифий лоиҳалари амалга ошириш ишини кўрайлик, бунинг учун мактаблар кўрилсинми ёки шифохоналарми? Ёки деҳқонларга ёрдам бериш ишини кўрайлик, уларга ёрдам нақд пул сувратида берилсинми ёки техника, уруғ ва ўғитлар сувратида берилсинми? Ва хоказо.

Демак, қайси бир ишда олимлар ва мутахассисларни чуқур фикр юритишларига муҳтож бўлинмаса кўпчилик раъйи олинади ва давлат яъни халифа бу раъйни олиши лозим бўлади. Бунинг далили Росулulloҳ с.а.в. Уҳуд жангида кўпчилик фикрини қабул қилиб, Мадина шаҳридан ташқарига чиққанларидир. Бу воқеъада Росул а.с. катта саҳобалар ҳам, гарчи кўпчилиқнинг раъйи ҳақ эканлигини ва тўғри раъй бунинг зидди, яъни Мадинада қолиш эканлигини билсалар ҳам, кўпчилиқнинг раъйини қувватлаб уни қабул қилдилар. Демак, бунга ўхшаш ишларда кўпчилик фикри қувватли бўлиб, унга амал қилиши лозим бўлади.

Гоҳо баъзиларга мавзу устида чуқур фикр юритиш муҳтож бўлинадиган иш билан чуқур фикр юритиш муҳтож бўлинмайдиган ишни ажратиб олиш қийин бўлади. Лекин ҳар икки ишнинг далилларини чуқур ўрганиб чиқилади уларнинг

ўртасидаги фарқ равшан бўлади. Росул а.с. Хуббобга “Балки бу – фикр, жанг ва хийладир” деб жавоб бердилар. Яъни бу жойга тушиш “фикр” эгаларига мурожаъат қилинадиган ишлардан, фикр юритиш текширишга мухтож “жанг” ишларидан ва душманга қарши қўланаётган ҳамда макр ва хийла қўллашда чуқур ўйланиб кўришга мухтож бўлинадиган “макр-ҳийла” ишларидан эканлигини баён қиладилар. Аммо Уҳуд жангида эса Росул а.с. мусулмонларга қарата: “Агар Мадинани ичида туриб, уларни, яъни Макка мушриклари тушган ерларида қолдиришни хоҳласанглар, улар ўша тушган ерларида турсалар, жуда ёмон жойда қолган бўлишарди. Агар Мадинага бостириб киришса, улар билан шаҳар ичида урушамиз”, дедилар. Шунда кўпчилик мусулмонлар – “Эй Аллоҳнинг элчиси, бизни душманмизга қарши унинг олдига чиқаринг. Душман бизни кўрқоқ ва заиф деб ўйламасин”, дейишди. Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул – Эй Аллоҳнинг элчиси, Мадинада қолинг! Душманнинг олдига чиқманг! Аллоҳга қасамёд қилиб айтаманки, биз қачон душманга қарши Мадинадан чиққан бўлсак, у жангда мағлуб бўлганмиз, душман бостириб кирганда эса, биз ғолиб бўлганмиз. Эй Аллоҳнинг элчиси душманга қарши Мадинадан чиқманг! Агар шаҳарга бостириб кирса, эркаклар улар билан юзма-юз урушади, аёллар ва болалар эса душман тепасидан тошлар ёғдиради. Агар улар урушмасдан қайтиб кетсалар, ноумид бўлиб қайтишади деди.

Бу воқеъада баҳс Мадинадан чиқиш ёки чиқмаслик ҳақида бўлиб, жанг майдонини танлаш ҳақида эмас эди, яъни Мадинада ҳимояланиб шу ерда урушадиларми ёки Уҳуд тоғида ҳимояланадими, мавзуида эмас эди. Балки бунда баҳс мавзуи бостириб келаётган душман эди, яъни душман олдига чиқиб у билан урушамизми ёки душман бизга қарши уруш қилмаса урушмай қўяверамизми? Шунинг учун ҳам бу икки ҳодисанинг воқеъида ҳамда Росулulloҳнинг бу икки жангдаги тасарруфларида фарқ бор бўлиб, буларда Росулulloҳ тўғри тарафини қабул қилган иш билан кўпчилик раъйини ёқлаган иш ўртасидаги, яъни мавзуи чуқур фикр юритишга мухтож бўлинадиган иш билан, мавзуи чуқур фикр юритишга мухтож бўлинмайдиган иш ўртасидаги фарқ аниқ кўринади.

Бу бир томондан иккинчи томондан эса, мавзуи муҳим аҳамиятга эга, ўта қадирли ва уни тушуниш куч сарифлашга мухтож бўладиган иш билан ҳеч қандай мавзуга эга бўлмаган ёки мавзуи аҳамиятга эга бўлмаган ёки кўпчилк-ка маълум бўлган иш ўртасда фарқ бор. Бу икки иш ўртасидаги фарқ ўта нозик бўлсада – мавжуд бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб олиш мумкин дир.

Юқорида баён қилинган далиллардан шу нарса аён бўладики, Исломда кўпчилик фикри фақат бир ҳолатда яъни мавзуи олимлар ва мутахассислар тарафидан чуқур фикр юритишга мухтож бўлмайдиган ишлардагина олинади. Аммо бундан бошқа ишларда кўпчилик фикри олинмайди. Бунга далил қилиб Росулulloҳ с.а.в.нинг Абу Бакр ва Умарга қарата: - “Агар икковингиз бирон-бир маслаҳатли ишда бир фикрда бўлсангизлар, мен сизларга қарши бўлмайман” деб айтган сўзларини келтирамиз. Росулulloҳнинг ушбу сўзлари кўпчиликнинг раъйи қувватланишига далилдир. Лекин Росулulloҳ с.а.в. бу ҳадисда “бемаслаҳатли ишда” деган сўзлари билан уларнинг бу маълум ишдаги иттифоқларини – бир раъйда бўлишларини қайд қилиб кўйяптилар. Аммо бу ҳадисдаги “Мен сизларга қашри бўлмайман”, деган сўзларини,

Худайбия сулҳида Абу Бакр ва Умарга қарши билдирган сўзлари ва Бадр жангда уларни Хуббоб ибн Мунзирнинг раъйини тан олишга мажбур қилганлари билан ёнма-ён қўйиб солиштириб кўрилса, шу нарса маълум бўладики, Росулulloҳ с.а.в.нинг уларга қарши бўлмасликлари маслаҳат қилинадиган ишларда яъни ваҳй олиб келмаган ҳамда “Фикр, жанг ва ҳийла” қабилида бўлмаган ишлардадир. Бу ҳадис шаръий ҳукмлардан бошқалада ва “фикр, жанг ва ҳийла” қабилидан бўлмаган ишлардадир. Бу ҳадис Шаръий Ҳукмлардан бошқаларда ва “фикр, жанг ва ҳийла” қабилидан, бўлмаган ишларда кўпчиликнинг раъйи олиниши ва қувватланишига далилдир.

Мазкур далилларга кўра демократия Исломга тамоман зиддир.

б) Демократияда баъзи шахслар яъни давлат раиси ва парламент аъзолари уларни қонундан ҳимоя қиладиган дахлсизлик ҳуқуқига эгадирлар. Бу дахлсизлик туфайли уларга давлат қонунларининг кучи ўтмайди. Масалан, давлат раийси биронта жиноят қилса, у қонунга дахлсиз шахс бўлганлиги учун уни муҳокама қилинмайди ва у қонунга бўйсунмайди ҳам. Шунга ўхшаш парламент аъзоларидан бири жиноят қилса, то ундан парламент аъзосининг дахлсизлиги олинмагунча уни муҳокама қилиш ва унга қарши қонун қўллаш мумкин эмас. Бу нарса Исломга тамоман зиддир. Ислом Давлати фуқароларидан ҳеч ким, ҳеч қандай дахлсизликка эга эмас. Давлат Раийси “Шувро” мажлиси аъзолари ҳам оддий фуқаролар қатори бирон-бир жиноят қилса, уни муҳокама қилиниб, жинойий жавобгарликка тортилади. Лекин Давлат Раийси ва “Шувро” мажлиси аъзоларининг жинояти унинг турига қараб икки маҳкамада муҳокама қилинади. Агар содир этилган жиноят ҳукуматнинг идорий ишларига таъалукли бўлмаса, унда “Қазоъ маҳкамасида муҳокама қилини, жавобгарликка тортилади. Агар содир этилган жиноят ҳукумат ёки идорий ишларга таъалукли бўлса, унда “Қазоъ маҳкама”-сида муҳокама қилиниб, жавобгарликка тортилади. Агар содир этилган жиноят ҳукумат ёки идорий ишларга таъалукли бўлса, унда “Мазолим маҳкама”сида муҳокама қилиниб жавобгарликка тортилади. Ислом Давлатида бошқа давлатлардан келган элчиларгина дипломатик дахлсизликка эга. Булардан бошқа ҳеч ким дипломатик дахлсизликка эга эмас.

Демократиядаги умумий эркинликлар Исломга зиддир

7) Демократия тузумида умумий эркинликлар деб номланган эркинликлар бўлиб, улар:

- 1) Шахсий эркинлик.
- 2) Мулк эркинлиги.
- 3) Ўтиқод эркинлиги.
- 4) Фикр эркинлиги.

Демократияда ҳар бир инсон хоҳлаган ишини қилиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун зинога қарши жазо йўқ. Чунки зинога қарши жазо белгиланиши шахсий эркинликка аралашув деб ўтибор қилинади.

Ҳар бир инсон ҳар қандай йўл ва восита билан хоҳлаган мулкка эга бўлиш ҳуқуқига эга. Хоҳласа қимор, хоҳласа фирибгарлик, хоҳласа эҳтикор, яъни молни тўплаб қўйиб қимматлаштириш (монополия) йўллари билан мулкка эга бўлиш мумкин.

Ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган ақидани қабул қилиши ва ўзи хоҳлаган фикрни айта олиш ҳуқуқига эга.

Булар эса тамоман Исломга зиддир.

Исломда амалларни бажараётганда бирор нарсага боғламаслик маъносидаги “эркинлик” мавжуд эмас. Балки Ислом ҳар бир муслимни шаръий ҳукмлар билан чамбарчас боғлайди. Ҳар бир муслим қилаётган барса ишларида шарият ҳукмлари билан чамбарчас боғланиши зарур ва барча ишларни фақат шарият ҳукмларига мувофиқ амалга ошириши зарур. Исломда умумий эркинликлар деб номланаётган эркинликлар йўқ.

Исломда шахсий эркинлик йўқ, зинокор эркакми аёлми дарра урилади ёки тошбўрон қилинади.

Исломда мулк эркинлиги йўқ, қимор ёки шаръий ҳукмларга зид бўлган нотўғри ахдлар, шарият ҳаром қилган рибо – судхўрлик, фирибгарлик ва мулкни тўплаб қўйиб қимматлаштириш кабилар билан мулкка эга бўлиш шаръан ҳаромдир.

Исломда эътиқод эркинлиги ҳам йўқ, мусулмон киши агар ўз эътиқодидан қайтса, тавба қилмаса, ўлдирилади.

Аммо фикр эркинлигига келсак, Ислом муслимга – модомики гуноҳ ҳисобланмайдиган бўлса – хоҳлаган фикрини айтишга рухсат беради ва ҳар қандай жойда ва ҳамма вақт ҳақ сўзни айтишни вожиб қилди. Уббода ибн Сомитнинг Росулulloҳ с.а.вга байъат қилгани зикр қилинган ҳадисда шундай дейилади: “Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмасдан, қаерда бўлсак ҳам ҳақни гапиришга байъат қилдик”.

Шу билан бирга Ислом, ҳар бир муслимга ҳокимларга қарата ўз фикрини очик айтишни, уларнинг қилган ишларини муҳосаба қилишни (ҳисоб китоб талаб қилишни) юклади. Росулulloҳ с.а.в. айтдилар: “Шаҳидларнинг саййиди Ҳамза ва золим Имом (Халифа) олдида бориб унга насиҳат қилиб, шу туфайли у золим тарафидан ўлдирилган одам ҳам шаҳидларнинг саййидидир”.

Бу нарса фикр эркинлиги эмас, балки шарият ҳукмларига чамбарчас боғланиш ҳамда баъзи ҳолатларда фикрни айтишга рухсат берилганлиги ва баъзи ҳолатларда эса фикрни айтиш вожиблигининг баёнидир.

Шунинг учун Ислом умумий эркинликлар хусусида демократияга зиддир. Исломда умумий эркинликлар йўқ, бўса ҳам қулни қулликдан озод қилиш маъносидаги эркинлик бор холос.

Мана шу етти сабабга кўра, Исломнинг демократияга тамоман зидлиги, демократия ҳукмлари билан Ислом ҳукмлари ўртасида очиқ қарама-қаршиликлар борлиги ва улар бир-биридан тамоман фарқли эканлиги яққол кўриниб турибди. Демак, демократия Исломдан бутунлай бошқа нарса.

Юқорида зикр қилинган саккиз банддан шу нарса маълум бўлдики, қайси бир нарса Исломга зид бўлмаса ва унинг ҳақида Нусус (Оят ёки Ҳадис)да наҳй келмаган бўлса, ўша нарсани олиш мумкиндир, деган фикр асосидан нотўғри фикрдир.

Далилларни диққат билан ўрганиб чиқишдан ҳам шу нарса маълум бўладики, шарият олиб келмаган ҳар қандай ҳукми олиш куфр ҳукми олиш ҳисобланади. Чунки бу нарса Аллоҳ таоло нозил қилмаган нарсани олишдир. Аллоҳ таоло шариятдан бошқани ҳакам қилишни наҳй қилган. Бу наҳй юқорида зикр қилинган далилларда, масалан Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларида:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُوكُمْ بِإِيمَانٍ فِيكُمْ مَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

- “Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўъмин бўлмайдилар”. {4:65}

ва Росулulloҳнинг ушбу сўзларида: - “Бизнинг буйруғимиз бўлмаган ҳар қандай иш рад қилингандир”, - очиқ кўриниб турибди. Бундан ташқари Аллоҳ таоло ўзи нозил қилмаган ҳукми олишдан очиқ наҳй қилган.

Аллоҳ таоло Росулulloҳга айтади:

وَ أَنْ اذْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ

- “Эй Муҳаммад, улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг”. {5:49}

Ва шу оят давомида айтади:

وَ اذْرَهُمْ أَنْ يَفْتَدُواكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ

- “Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб, фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!”. {5:49}

деб буйруқ қияпти. Аллоҳ таоло буларнинг ўзига кифояланмади, балки Аллоҳ нозил қилган ҳукмлардан бошқалар билан ҳукм юритаётганларга каттиқ танбех бериб, бир оятда:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ لِنِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ

- “Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирдирлар”. {5:44}

Яна бир оятда:

فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

- “Бас, улар золимдирлар”, {5:45}. Яна бир оятда эса:

فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

- “Бас, улар фосиқдирлар”, {5:47}. Деган.

Бу оятлар ҳукм олишда Аллоҳ нозил қилган нарсагагина боғланиб фақат унга чекланиш талаб қилинаётганлигига ҳамда ундан бошқа нарсдан ҳукм олиш қаттиқ манъ қилинганига далилдир.

Ушбу далилларга кўра, ғарб қонунлари ва демократия ҳукмларини олиш хатогина бўлиб қолмай, балки куфр ҳукмини олиш бўлиб, у шарийатга мувофиқ келса ҳам, келмаса ҳам ҳаромдир. Ҳаттоки ҳукмнинг ўзини шарийат олиб келганлиги асосида олинмаса ҳам ҳаромдир.

Шунинг учун муслимонлар ҳозирда ғарб қонунларига мувофиқ келаётган муоъмалалари шарийатга мувофиқ келиши ёки келмаслигидан қатъи назар, модомики, уларни – “Бу ҳукмлар шаръий ҳукмдир”, деган асосга биноъан олишмаса – ҳаромдир.

Ҳатто ишчини ёки уй ёки автомобилни ижарага олаётган одам, бу ишни ғарб ижара қонунларига мувофиқ амалга оширса, бу ижро куфр ҳукмларига мувофиқ бажарилган бўлади. Агар шаръий ҳукмга мувофиқ ижро қилса, - куфр қонунларига мувофиқ келса ҳам, келмаса ҳам – ҳалол ҳисобланади.

ҚОНУН ЧИҚАРИШ ВА МАЪОРИФ СОҲАЛАРИДАГИ ҲУЖУМНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Биз юқорида мусулмонларнинг тойилиши мавзуини кўриб чикдик. Мусулмонлар мазкур ишларда тойилдилар ва натижада ғарб дустур ва қонунларида мусулмонлар учун дустур ва қонун ишлаб чқилди, яъни бунинг натижасида Ислом Давлати ёки мусулмонлар Халифаси тарафидан куфр ҳукмларини олиш келиб чикди. Бутун Ислом ўлкаларига ёйилган бу “маъориф хужуми” ҳамда ҳукумат низоми ва қонунларда давлатга қарши олиб борилган “ташриъий (қонун чиқариш) хужум” мусулмонларнинг эътиқодларини ва кўпчилик мусулмонларнинг дилларидаги Ислом фикрларини кучсизлантириб юборди. Шу билан бирга Ислом Давлатининг вужудига ҳам қаттиқ таъсир қилиб, унинг асосини парчалаб, фақат сувратини қолдирди. Чунки давлатнинг вужудитушунчалар, микёс (ўлчов)лар, қаноъатлар ва одамлардан ташкил топади ва Султон буларнинг барчасини бир-бирига боғлаб туради. Агар мусулмонлардаги бу тушунча, ўлчов ва қаноъатлар ларзага солинса ва буларнинг асоси ўзгартирилса у вужуд парчаланани ёки фақат уни ўраб турган айланаси қолса ҳам, асоси парчаланиб кетади. Шунинг учун кейинчалик бу вужудни парчалаб ташлаш ва бу айланага зарба бериш жуда осон бўлиб қолади. Агар бу маъориф ва ташриъий хужум бўлмаганда эди, кофир давлатлар Ислом Давлатига бундай ҳалокатли зарба бера олмаган бўлар эди. Лекин кофир давлатлар мусулмонларнинг тушунча, ўлчов ва қаноъатларини ларзага солиш ҳамда шаръий ҳукмларни бекор қилиб, уларнинг ўрнига демократия ҳукмлари ва ғарб қонунларини қўйиб, мусулмонларни бу қонунлардан ҳукм оладиган ва халифаликни шу қонунлар устида турадиган ҳолатга келтириб қўйиш билан бирга мусулмонларни миллатларга, хусусан араб ва турк миллатларига бўлиб юбордилар. Улар бу ишларини амалга оширганларида Ислом Давлатидан фақат уни ўраб турган айланаси ва кўриниб турган сувратигина қолганини аниқ билишди. Шунинг учун халифаликни қулатиш ва умуман йўқ қилиб юбориш ҳақида фикр юрита бошлашди. Биринчи жаҳон урушига Усманий Давлатининг Германия билан ёнма-ён кириши Халифалик Давлатини қулатиш вақти етиб келганини кўрсатди. Бу фурсатдан фойдаланган кофир давлатлар Халифаликни қулатиш учун иш бошладилар.

Халифалик Давлатини парчалаш ҳаракатлари

Лекин бутун Европа давлатлари мусулмонлар устидан Исломдан бошқа нарса билан ҳукм юритиш мумкинлигини тасаввур қила олмас эдилар. Шу билан бирга ўзлари уларнинг назарида кофир ҳисобланганлари учун бевосита мусулмонлар устидан ҳукмронлик қила олмасликларини ҳам аниқ билишар эди. Шунинг учун ҳам улар бутун кучларини Ислом Давлатини ўз нуфузлари остида бўладиган бир неча исломий ҳукуматларга бўлиб ташлашга қаратдилар. Бундан кўзланган мақсад эса Халифалик Давлатини заифлаштириш ва уни йўқ қилиб юборишдан иборат эди. Бунга далил: Биринчи жаҳон уруши асносида 1915 йил март ойида Россия, Англия ва Франция ўртасида ўтказилган музокаралар мана шу мақсадга ишора қилган. Россия шу иш хусусида йўллаган баёнотига Англия ва Франция йўллаган жавоб баёнотида шундай сўзлар бор: “Ислом ўлкалари ва араб юртларидаги муқаддас

жойларнинг ҳимояси мустақил Ислом Давлати ҳукми остидадир”. Англия ва Франциянинг таклифларига жавобан Россия йўллаган баёнотда шундай сўзлар бор: “Усманий Давлат қолдиқлари ҳамда Халифалик Давлатидан ажралиш асосида ташкил қилинган исломий давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг келажаги ҳақида катъий қорорга келиш подшоҳ ҳазратлари ҳукуматнинг энг муҳим иши бўлиб турибди”. Ушбу баёнотда қуйдаги сўзлар ҳам бор: “Подшоҳ ҳазратларининг ҳукумати бутун вужуди билан халифалик турклардан олинишига интиляпти ва шу билан бирга бутун вужуди билан ҳаж эркинлигини таъминлаш ва мусулмонларни хафа қиладиган озгина иш билан ҳам ҳажга қаршилик қилмасликни таъминлашга интиляпти”. Лондондаги Россия элчиси Россия ички ишлар вазирига йўллаган телеграммасида Италиянинг баъзи талаблари зикр қилинган: “Италия ҳукумати Россия ҳукуматининг фикрини, яъни тез кунларда Ҳижозда Усманий салтанат қолдиқлари устида тикланадиган ва фақат Британия нуфузи остида бўладиган исломий ҳукуматни Халифаликдан ажратиб ташлаш зарурлигини қўллаб қувватлайди. Италия ҳукумати бутун вужуди билан турклардан Халифаликни тортиб олиш ва агар иш тақозо қилса Халифаликни бутунлай йўқ қилиб ташлаш фикрини ҳам қўллаб қувватлайди”.

Ушбу келтирилган далиллардан яққол кўриниб турибдики, иттифоқчиларнинг асосий мақсадлари Халифаликни заифлаштириш ва уни қулатишдан иборат эди.

Лекин мусулмонлардан ҳеч ким Халифаликни қулатишни хоҳламас ва қулатиш фикрини қабул ҳам қилмас эди. Ҳатто ингилизлар билан бирлашиб кетган мусулмон арабларнинг хоинлари ҳам, Халифалик арабларнинг қўлида бўлишини талаб қилар эдилар. Аммо турклар ҳаммалари Халифаликни жуда маҳкам ушлаган, Халифаликка бўлган муҳаббатлари ва уни маҳкам ушлашлари қалбларида чуқур ўрнашган эди. Ҳатто “Ёш Туркия” жамоъаси ҳам Халифаликни ҳамда Ислом Давлатининг ҳамма қисмлари бутунча қолишини хоҳлар эди. Биронта одам Халифаликни қулатиш учун ишлаш у ёқда турсин, уни қулатишга рози ёки хайрихоҳ эканлиги ҳақида биронта сўз эштилмаган. Шунинг учун ҳам, гарчи бутун Ислом ўлкалари босиб олинган бўлсада, Халифаликни қулатиш жуда оғир иш бўлди. Шу сабабли иттифоқчилар ўзларининг бу мақсадларини яширар ва иш яширинча олиб борилар эди. Улар Усманий Давлатга ичидан зарба бериш мақсадида уни урушдан чиқариш ва ёлғиз у билан сулҳ тузиш учун ҳаракат қилар эдилар. Улар шу фикрларига бутун кучларини қаратиб, уни амалга ошириш учун ҳаракат қила бошладилар.

ИТТИФОҚЧИЛАРНИНГ ЖАМОЛ БОШОНИ ОҒДИРИШГА ХАРАКАТ ҚИЛИШЛАРИ

Лекин Усманий Давлатга урушдан чиқиш ёки унинг ўзи билан сулҳ тузишда қўшин зобитларидан бошқа ҳеч ким таъсир қила олмас эди. Ҳатто ингилиз ва французлар билан бирлашиб кетган арабларнинг хоинлари ҳам сиёсий майдонда бўлмаганликлари учун улардан ингилиз ва француз хўжайинлари давлатда таъсир кўрсата олишларини кутмас эдилар. Бу хоинларнинг асосий ишлари ўз давлатлари – Ислом Давлатига қарши жосуслик қилиш ва қўпоровчилик ишлари билан шуғулланишдан иборат эди. Ҳатто хоинларнинг каттаси Хусайн ибн Алий (1856-1931 й.й Макка ва Ҳижоз волийси)нинг давлатда таъсири йўқ эди. Ингилизлар ундан мусулмонлар ингилизларга душман бўлиб қолмаслиги ва уларга қарши – кофир бўлганликлари сабабли – шариъат вожиб қилган жиҳод эълон қилмасликлари учун Ислом қўшини – Усманийлар қўшинига қарши қўпоровчилик ишларида ва Ислом қўшинидаги шахслар билан умумий фикр вужудга келтириш ишларидагина фойдаланар эдилар. Шунинг учун иттифоқчилар биринчи жаҳон уруши асносида Усманий Давлатнинг урушдан чиқишида бутун диққат эътиборини арабларга эмас, балки турк зобитларига қаратдилар.

Турк зобитлари икки сифат, яъни Германияни ёмон кўриш, Усманий Давлат Германия билан ёнма-ён урушга кирганига қаршилиги ҳамда ҳокимиятни эгаллашга бўлган хоҳиши унга интилиш билан машхур икки зобит бор эди. Улар Жамол бошо ва Мустафо Камоллар бўлиб, Мустафо Камол шухратпараст, ўта хушёр ва давлатга қарши ҳаракат қилишга қарамасдан кичик бир зобит эди. Аммо Жамол бошо эса ҳокимиятга таъсир қила олиш даражасидаги зобит эди. Хусусан бутун Усманий Давлатни уч киши вазирлар раийси Таълат, ҳарбий вазир Анвар ва Сурия ҳокими, 4-қўшин қўмондони Жамол бошо бошқарар эди. Шунинг учун ҳам иттифоқчилар Жамол бошони ўз тарафларига оғдиришга ҳаракат қилдилар. Дарданелл бўғозини қўлга киритиш учун қилинган ҳужум асносида ва бу ҳужум муваффақиятсиз тугаганидан кейин иттифоқчилар Усманий Давлатга қарши исён қилиш учун Жамол бошо билан боғланишга ҳаракат қилдилар. Чунки ингилизлар Истанбулга ҳужум қилишиб, 1915 йил 25 апрелда Ғолибулий шахрини қўлга киритишди. Лекин усмонийлар қўшини уларга қаттиқ қаршилиқлар кўрсатиб, йўлларини тўсиб қўйди. Натижада ингилизлар бир қадам ҳам олдинга силжий олмай жуда катта талофат ва зиён кўрдилар. Ҳатто иттифоқчилар саркардаси генерал Ҳамилтон 16 августда инглиз ҳарбий вазири маршал лорд Кетшнерга қурол-аслаха ва ёрдам сураб телеграмма йўллашга мажбур бўлди. 14 октябрда Англия ҳукумати генерал Ҳамилтонни мансабидан четлатиб, унинг ўрнига генерал Монруни таъйин қилди ва унга Дарданеллга қилинадиган ҳужумни чуқур ўрганиб чиқишни топширди. У 28 августда Дарданеллга етиб келди ва Дарданелл соҳилида жойлашган қўшин штаби билан вазъиятни чуқур ўрганиб чиқиб, ҳарбий вазирга урушдан чиқиш зарурлигини билдириб телеграмма йўллади. Лорд Кетшнер бу телеграммадан изтиробга тушиб қолди ва Дарданеллга ўзи бориб вазъиятни чуқур ўрганишга қарор қилди. У 3 ноябрда генерал Монруга Дарданеллга ҳужум қилиш ҳақида шахсан ўзи фикр юритаётганлиги ва урушдан чиқиш ҳақидаги буюруқларни бекор қилганлиги мазмунида телеграмма йўллади. 9 ноябрда лорд Кетшнер Дарданеллга етиб келди ва

соҳилда жойлашган ҳарбий марказларни, инглиз ва француз аскарлари жойлашган хандақларни ўрганиб чиқиб, иттифоқчилар кўшини ўз марказларини ушлаб тура олади, лекин турклар Германиядан қурол-аслаҳа, тўплаб олишса улар эгаллаб турган ўринлар жуда айанчли ҳолга келиб қолади., деган фикрга келди. Декабрь ойида иттифоқчилар кўққисдан чекиниб урушдан чиқдилар. Иттифоқчилар бошидан кечаётган мана шундай қийин бир даврда ва Дарданеллга қилинаётган ҳужум туфайли улар тушиб қолган оғир вазъият асносида улар Жамол бошо билан боғланиб, у Усманий Даватга қарши исён кўтариш учун музокаралар олиб боришга ҳаракат қилишди. Бу музокаралар амалда бўлиб ўтди. Жамол бошо иттифоқчилар таклифларига кўшилиб, ўз шартларини кўйди. 1915 йил 26 ноябрда Россия ташқи ишлар вазири ўзининг Лондон ва Римдаги элчиларига йўллаган 6391-сонли телеграммасида ушбу сўзлар бор эди: “Истанбулдаги арман жамоъаларидан бизга келаётган хабарларга кўра, Жамол бошо Истанбул ҳукуматига қарши ҳаракатга тайёр, агар қуйдаги шартлар амалга оширилса:

1) Иттифоқчи давлатлар Сурия, Фаластин, Ироқ, Арабистон, Киликия қадимда кичик Армения деб номланган Туркиядаги жойнинг номи), Армения ва Қурдистон давлатларидан таркиб топган Султон бошчилигида Усманий Давлатнинг ҳукумронлигини тан олсалар;

2) Салтанатни Аҳмад Жамол бошо бошқарса, унинг вафотидан кейин эса ўғиллари ва неваралари бошқарса;

3) Аҳмад Жамол бошо ҳозирги Султон ва унинг ҳукумати Германия кўлида асирдир, деб жар солиб, уларга қарши уруш эълон қилади;

4) Жамол бошо ўз исёнини эълон қилиб, ҳукуматга қарши урушга кирганда, иттифоқчилар унинг кўшинини озик-овқат, қурол-аслаҳа ва ҳарбий анжомлар билан таъминлаши зарур;

5) Иттифоқчи давлатлар то уруш тамом бўлгунча Жамол бошони керакли молиявий ёрдам билан таъминлаб туриши зарур;

6) Жамол бошо Истанбул ва бўғозларни иттифоқчиларга қолдиришга рози;

7) Жамол бошо арманларга ёрдам учун йўлни очиб қўяди.

Телеграммада келган шартларнинг матни мана шулардан иборат эди. Россия Англия ва Франция билан музокаралар олиб борди. Аммо улар Аҳмад Жамол бошонинг шартларини қабул қилишмади. Россия эса қабул қилди. 1815 йил 12 декабрда Россия ташқи ишлар вазирлиги қошидаги 2-бўлим маслаҳатчиси Росиянинг Бухарестдаги элчисига 6130-сонли телеграммани йўллади. Унда қуйдаги сўзлар бор эди: “Жамол бошо таклиф қилаётган нарсалар учун ҳар қандай ваъдаларни бериш мумкин. Агар иш тақозо қилиб қолса. Жамол бошонинг талабларини амалга ошириш учун иттифоқчилар тарафидан ҳам ваъдалар олиш имкониятига эгамиз”. Лекин иттифоқчилар келиша олмадилар. 1915 йил 27 декабрда

Париждаги Россия элчиси ўз ҳукуматига телеграмма йўллади. Унда қуйдаги сўзлар бор эди: “6391-сонли телеграммани олдим. Унда ёзилган хабарни жаноб Баренга (бир неча бор вазирлар раийси ва ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаган француз сиёсатчиси) етказдим. У бу хабарга жиддий эътибор билан қараб, вақтни бой бермай, уни эртагаёқ вазирлар маҳкамасига кўрсатишни очик айтди. У менга шу муносабат билан, бу шартлар гарчи бизга мувофиқ келса ҳам ҳеч қачон ингиллизларнинг талабларига мувофиқ келмайди, деди.

Французлар ишни қайта кўриб чиқиб, у шартларни қабул қилишдан бош тортдилар. 1915 йил 29 декабрда Россия элчиси яна телеграмма йўллади. Унда қуйидаги сўзлар бор эди: “Менга маълум бўлишича Франция вазирлар маҳкамаси бу келишувга тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Ҳатто улар бу қаршиликларни ошкор айтишдан ҳам қайтмадилар”. Кейин шундай деди: “Ҳақиқатда французлар сизларнинг баъзи таклифларингизни қадирлашяпти ва шу билан бирга Усманий Салтанатда исён пайдо қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бу исён биринчижаҳон урушида жуда фойдали эканлигини ҳам аниқ билишади. Лекин улар Жамол бошо билан олиб борилган музокарада тақдим қилинган таклифларда фақат ўзларингизнинг Истамбул ва бўғозларга эга бўлиш орзуларингиз ушланишини, лекин Франциянинг Шарқдаги ҳукмронлиги эса кафолатланмаётганлигини айтишмоқда”.

Шундан кейин ингиллизлар бу музокараларда қатнашишдан бош тортганини эълон қилишди. 1916 йил 27 январда Лондондаги Россия элчиси Петербургдаги Россия ташқи ишлар вазирига телеграмма йўллади: Унда қуйидаги сўзлар бор эди: “Николсан менга хабар беришича, Британия ҳукумати масъалани қайтадан ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, бу музокараларда иштирок этмасликни ва шу билан бирга музокаралардан бутунлай чиқишни зарур деб ҳисоблайди”.

Юқорида келтирилган ҳужжатлардан маълум бўляптики, зобитларнинг баъзиларида ҳокимиятга интилиш умидларини кўзғаш ва Туркия урушдан чиқиши ҳақидаги фикрлар иттифоқчиларда бўлган эди. Лекин иттифоқчилар Усманий Давлатни парчалаб ташлаш ва Халифаликни йўқ қилишни хоҳлар эдилар. Аммо Жамол бошо уларнинг олдига қўйган шартлари, гарчи бирлашган давлатлар сифатида бўлса ҳам, Ислом мамлакатларининг бирлигини ва Халифаликни сақлаб қолишдан иборат бўлгани учун ҳам улар Жамол бошонинг шартларини қабул қилмадилар ва у билан музокараларни ҳам тўхтатдилар. Табиийки улар бундан бошқа ҳаракатлар ҳам қилишган эди.

Аммо иттифоқчиларнинг Макка ҳокими Хусайн ибн Алийга қилган ҳаракатлари маълумдир. Лекин бу ҳаракатлар Усманий Давлатнинг урушдан чиқишда ҳеч қандай фойда бера олмас эди. Шубҳасиз улар турк зобитларига ҳам ҳаракат қилган бўлишлари керак, бироқ бирорта турк билан бошқа музокаралар бўлиб ўтганлиги ҳақида далиллар йўқ. Лекин Давлат ичида ингиллизларнинг Ориф бошо ва Фарид домод каби бир нечта малайлари бор эди. Биринчи жаҳон урушидан бир оз олдинроқ Англиянинг ҳарбий атташуси (элчихона ходими) Х.С.Армстронг ўта ғайратли ва ҳаракатчан, алоқалари кўп одам бўлиб, унга тўла ихтиёр берилган эди. У вақтинчалик тузилган сулҳдан кейин Истанбулга қайтиб келди ва иттифоқчилар

қўшини қўмондони Ҳарингтон билан бирга Халифаликни тўнтаришда катта иш қилди. Ҳарингтоннинг ҳам алоқалари, боғланишлари бўлган бўлса керак, - (турк зобитлари ва бошқалар билан) – лекин бу ҳақда бирор нарса маълум эмас.

Мустафо Камолнинг пайдо бўлиши

Мустафо Камол биринчи жаҳон урушидан олдин ғарб фикрларига мойиллиги, немисларни ёмон кўриши билан танилган бўлса ҳам номи чиқмаган кичик бир зобит эди. У Ана Фурта жангида қатнашгандан кейин шуҳрат қозонди ва машҳур бўлиб кетди.

1915 йилнинг баҳорида, яъни биринч жаҳон урушининг иккинчи йилида Германия Франция ерларини эгаллашга бўлган ҳаракатларини тўхтатди. Чунки Германия ҳам, Франция ҳам бир-бирларининг устидан тўла ғалабага эриша олмади. Руслар эса оғир инқирозга учраган бўлиб, агар ғарб давлатлари тезлик билан доимий сувратда Россияни қурол-яроғ билан таъминламаса, у ўзини қайта тиклаб олиши ва урушга яна кириши мумкин эмас эди. Шунинг учун иттифоқчилар тезлик билан кемаларни керакли қурол-яроғ ва озиқ-овқатлар билан тўлдириб Россияга жўнатишди. Лекин бу кемалар Ўрта Ер денгизиде қамалда қолиб Россияга етиб бормади. Уларнинг ўтиб кетиши ва Россияга доимий равишда ёрдам билан таъминлаб туриш учун Истанбулга ҳужум қилиш ва бўғозларни очиш зарур эди. Ўша вақтда Усманий қўшинни бошқариш немис генерали Леймон фон Сандрознинг қўлида бўлиб, у дивизияларнинг бирига полковник Мустафо Камолни қўмондон қилиб таъинлаган эди. Айнан ўша даврда иттифоқчилар Истанбулга ҳужум қилдилар.

1915 йил апрелида иттифоқчилар қақшатқич ҳужум қилишга ҳаракат қилиб, жуда катта тайёргарлик кўришди. Ингилизлар урушни бошлаб, Голибулий шағрига етиб боришди ва Усманийларнинг қўшинларини бўлиб ташлашди. Генерал Сандроз жангда қўмондонлик қилган саркардани мансабидан олиб ташлашга мажбур бўлди ва унинг ўрнига полкавник Мустафо Камолни таъин қилди. У полкавник лавозимидан юқори кўтарилмаган эди. У усмоний қўшинни Ана Фурта ёнида, Дарданеллга яқин жойда энг хатарли жангда бошқара бошлади. Жанг асосан бир тепаликда бўлиб, турклар унинг тепа қисмини, ингилизлар эса пастини эгаллаган эди. Жанг бир неча кун давом этди. Аммо иккала тараф ҳам ғалабага эриша олмади. Вазъият ўзгармасдан, ҳар иккала тараф ҳам ўз жойларини эгаллаган ҳолда жанг қилиб тура вердилар.

Бу ҳолат бир неча ойгача давом этди. Кутилмаганда кечаларнинг бирида, яъни 15 декабрь кечаси, ингилизлар жуда яширин тарзда ўзлари эгаллаб турган Голибулий соҳилини бўшата бошладилар. Ҳарбий кемалар жуда тезликда тайёр қилингандан кейин турган жойларидан сузиб кетишди. Айнан шу нарса жангни тугатди.

Уруш тугагандан кейин Мустафо Камол генерал Сандрозга уруш ҳақидаги хисоботни ва урушда ўқ тегиб синдириб ташланган соатини топширди. Ўқ соатга тегиб унинг ўзига тегмаган эди. Генерал соатни олиб, дарҳол унга ўзининг тилла соатини берди. Чилпарчин бўлган соатни эса эсдалик учун олиб қўйди.

Мана шу жанг туфайли Мустафо Камолнинг юлдузи порлади ва Усмоилар кўшнидан катта шуҳратга сазовор бўлди. Чунки бу жанг жуда катта овоза қилиниб, Мустафо Камолнинг ингиллизлар устидан қозонган очиқ ғалабаси, деб эътибор қилинди. Лекин у биричи жаҳон урушида иштирок этмаслик фикрида эди. У Ана Фурта жангида эришган шуҳратига қарамасдан, давлатнинг урушидан чиқиши ҳақидаги фикрдан қайтмаган эди. У бу фикрида туриш билангина кифояланмади. Балки у кўшин ва одамлар орасида шуҳратга эришгандан кейин, кучли шахсларга шу фикрга ишонишлари учун таъсир кўрсатишга ҳаракат қилди. Лекин уларда суэтик ва норозиликларни кўрди ва ўзи шубҳали шахсга айланиб қолди. Улар бу жангдан кейин Мустафо Камолнинг ҳарбий маҳоратига ишонишса ҳам, лекин улар ичида унинг сиёсий ишларига чуқур киришини қўллаб-қувватлайдиган биронта одам йўқ эди. Балки улар Мустафо Камол сиёсий ишларда амалий равишда иштирок этишга ҳаракат қилмоқчи бўлса, унинг йўлини тўсишар эди. Мустафо Камол ингиллизларни улуғлаш, уларга ишониш ва уларнинг қудратига суяниш фикрини олдинга сураш, ингиллизлар бу урушда албатта ғалаба қозонади, Германия эса мағлуб бўлади, деган фикрда эди. Шунинг учун ҳам у шубҳали шахсга айланиб қолди. Ҳатто у билан кўпроқ алоқада бўлган шахс ҳукуматга ишончсиз ва доимо кузатиладиган қора шахсга айланар эди.

МУСТАФО КАМОЛ УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ УРУШДАН ЧИҚИШИ ВА ИНГИЛИЗЛАР БИЛАН СУЛҲ ТУЗИШ УЧУН ИШ ОЛИБ БОРАДИ.

Мустафо Камол Дарданеллдан Истанбулга ингиллизлар устидан ғалаба қозониб қайтди. Бу ғалабанинг Усманийлар кўшини маънавий жиҳатларига, Усманий Дават соясида яшаётган мусулмонларнинг дилларига ва шунингдек иттифоқчиларга ҳам таъсири катта бўлди. Мустафо Камол ўзи бошқариб зафарга эришган жангдан, одамларда Ислом Давлатининг ингиллизларга қарши уруш қилишга кучи етиши борасида шубҳалар уйғотиш, Давлатни урушдан чиқиб ингиллизлар билан сулҳ тузишини амалга ошириш мақсадида қайтди. Давлат билан ичкарида кураш олиб бориб, Германияни ташлаб ингиллизлар билан бирга бўлишни амалга ошириш учун қайтди. У бу жангда аввал ўз фикрларини яшриб юрган бўла, энди уларни одамлар, хусусан зобитлар орасида тарқатар ва юқори мартабали ва нуфузли шахсларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилар эди. Иш шу даражага етиб бордики, Мустафо Камол вазирларга тўғри бориб ўз фикрларини очиқ айтиб, уларга ҳам таъсир ўтказишга ҳаракат қила бошлади.

Масалан, Мустафо Камол ташқи ишлар вазирининг зиёратига борди. Ўша вақтда ташқи ишлар вазири Насимийбек бўлиб, у Туркиянинг Германия билан бирга урушга қришни таклиф қилганлардан бири эди. Насимийбек уни Ана Фурта қахрамони сифатида жуда шодон қарши олиб, у билан яхши суҳбатлашди. Дарданеллда Ислом Давлатининг иттифоқчилар кўшинини мағлуб қилиб, юртларига қайтариб юбориб, кўлга киритган ғалабаси туфайли бутун суҳбат давомида яхшилик аломатлари кўриниб турди. Ташқи ишлар вазири бу ғалабанинг қанчалар қадирли эканини ва бу мағлубият иттифоқчиларга қай даражада таъсир қилганини билар эди. Чунки бу мағлубият туфайли Россия ўта муҳтож бўлиб турган ҳарбий ёрдамсиз қолар, Франция эса Россияга қурол билан ёрдам бера олмагани сабабли Россия урушга қира олмаганлигидан Германиянинг кучли ҳужумларига дучор бўлар, Германия Шарқ тарафдан келадиган зарбалардан тинч бўлар эди. Бинобарин Германия ва Усманий Давлат иттифоқчилардан устун бўлиб қолар эди. Шунинг учун ҳам ташқ ишлар вазири бу нарсаларни яхшилик аломати деб билар эди. Лекин Мустафо Камол вазирга у нарсаларни ёмонлик аломати қилиб кўрсатишга ва уни ўз фикрлари билан қаноъатлантиришга ҳаракат қилди. Суҳбат чоғида Мустафо Камол вазир келтираётган ҳужжатларнинг кучлилигини сезиб қолди ва унга қарата таҳдид билан деди: “Мен ҳозир сизга айтадиган сўзларимга жуда аҳамият беришингиз зарур. Агар сиз сиёсатчилар сизга ўтказаетган таъсирларида давом этаверишларига индамай тураверсангиз, ўзингиз ва сиз билан бирга сиёсатчилар тасаввур қилаётган маъаммодан ҳам оғирроқ муъаммонинг олдидан чиқиб қоласиз”. Вазир иккиланиб туриб, унга қарата виқор билан: “Мен нимани кўзлаб гапираётганингизни тушина олмай қолдим?”, деди. Шунда Мустафо Камол: “Мамлакат вайронагарчиликка юз тутяпти. Лекин сиз бунинг аксини даъво қиляпсиз. Табиъийки, сиз буни вазир бўлганингиз учун айтишга мажбурсиз. Аммо сизнинг шахсий фикрингиз бунинг акси бўлиши керак. Шубҳасиз, бутун ҳақиқатни, касаллик манбаъи ва бу бало жойлашган ерни ҳам аниқ биласиз”, деди. Вазир унинг бу сўзларига хайрон бўлиб қолди. Кейин унга қараб жиддий оҳангда: “Эй палковник, агар сен мамлакат аҳволи ҳақидаги шубҳаларингни изҳор қилиш учун келган бўлсанг, ҳозир буни вақти эмас,

бу ер шубхалар изхор қилинадиган жой ҳам эмас. Сен бу мақсадда менинг олдимга келиб ҳато қилибсан. Чунк мен ва қўл остимдаги вазирлар ҳаммамиз бош кўмондонга тўла ишонамиз. Сенга ҳам маслаҳатим, ҳозирок бош кўмондон олдига бор. У кўркувларингни ечиб беради ва сени қамраб олган васвасаларни таг-томири билан суғуриб ташлайди”, деб Мустафо Камолни хонасидан чиқариб юборди.

Эртаси куни эрталаб ташқи ишлар вазири Насимийбек бош кўмондога Мустафо Камол билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни етказди ва ундан Мустафо Камолга лойиқ жазо қўллашни талаб қилди. Бош кўмондон уни Кавказга четлатиш ҳақида қарор чиқарди. Мустафо Камол зудлик билан Кавказга четлатилди ва у ерда бир йлдан ошиғроқ вақт бирон-бир муҳим ишни амалга ошира олмай қолиб кетди.

Мустафо Камолнинг ташқи ишлар вазири билан бўлган учрашуви, давлатни урушдан чиқиш ҳамда вазирлар ва зобитларни ўз фикрларига қаноъатлантириш учун қилган ҳаракатининг биринчи расмий кўриниши эди. У бу ҳаракатларини инглизлар билан боғланган ҳолда қилганлиги ҳақида далиллар йўқ. Шунинг учун ҳам бу ишлар унинг шахсий фикри ва ижтиҳоди бўлса керак. Мустафо Камол Истанбулдан четлатилиши билан давлат шунга ўхшаш машъум фикрлардан қутилиб қолди. Лекин кейинчалик бир неча ҳодисалар бўлиб ўтдики, буларда у ўз фикрларини куч билан ўтказишга ва куч билан ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилгани ҳамда унинг хиёнати очиқ кўриниб қолди.

Мустафо Камолнинг давлатга қарши фитналари

Биринчи ҳодиса Мустафо Камол Кавказда юрган кезларида содир бўлди. Давлат тўнтаришига ҳаракат бўлиб, унга Мустафо Камолнинг алоқаси бўлса керак деган тахминлар бор. Ал-Мийжар Якуб Жамилбек ҳам фикрлари билан ҳукуматни тўнтариш учун фитна уюштирди. У дўстларига шундай сўзларни ҳам айтди: “Ўларини жуда улуғ деб ҳисоблаб юрган бу шахслар аслида жуда кичкина шахслардир. Мамлакат уларни эгаллаб турган мансабларидан олинишини ва уларнинг ўрнини улардан кўра ватанпарвар ва ихлосли шахслар эгаллаши зарурлигини талаб қилмоқда”. Унинг ҳамфикрларидан баъзилари эътироз билдириб : “Уларни эгаллаб турган мансабларидан олиш жуда осон. Лекин сен бизга асл ҳолатига қайта оладиган одамни кўрсат”, дейишди. Жамилбек ўша заҳоти: “У Мустафо Камолдир”, деб жавоб берди. Бу фитна фош қилинди ва ал-Мийжар Якуб ва унинг ҳамфикрлари қатл қилинди.

Мустафо Камол бу хабарни Кавказда юрган кезларида эшитди. Бу унга чакмоқдай таъсир қилди. Бу унга ўша фитнада иштирок этиб, Истанбулдан қочиб кетиш имконига эга бўлган доктор Ҳилмийбек орқали етиб келган эди. Истанбул ҳукумати Мустафо Камолдан докторни дарҳол қайтариб юборишни талаб қилди. У ушбу мазмундаги жавоб телеграммасини юборди: “Доктор Ҳилмийбек шу ондан бошлаб менинг ҳимоямда бўлади”. Ҳукумат унинг бу ишига нисбатан ҳеч қандай чора кўра олмади. Чунки у билан тўқнашиш ҳукуматни ёмон оқбатларга дучор қилиш мумкин эди. Мана шу вақеъадан кейин ҳукумат, давлат ва қўшиндаги кўпчилик Мустафо

Камолнинг салтанатга интилаётгани ва урушдан чиқиш мақсади борлигини билди. Шундай қилиб у сиёсий майдонга ўзи кўтариб юрган фикрлари билангина эмас, балки уларни ижро қилиш йўли билан ҳам чиқди. Шунинг учун унинг фикрларига нисбатан эҳтиёт чораларини кўриш керак бўлиб қолди.

Иккинчи ҳодиса. Усманий Давлат Эрзирум шаҳрида мағлуб бўлганида ва 1917 йил мартда Бағдод ингилизлар кўлига ўтганда Мустафо Камолнинг ҳукуматга қарши журъати ошкора кўриниб қолди ва у урушдан чиқишни ошкора талабқила бошлади. Бу ҳодисанинг тафсилоти: Руслар Эрзирумда каттиқ ҳужум қилиб, уни кўлга киритишди. Бу мустаҳкам қалъа бой берилганини унутиш ва бу шармандаликни беркитишга ҳаракат қилиш ҳам мумкин эди. Лекин кутилмаганда ингилизлар Ироққа ҳужум қилиб, Бахдодни эгаллаб олишди. Шунда Давлатнинг заифлиги ва мағлубияти кўриниб қолди.

Ингилизлар ҳиндлардан таркиб топган кўшин билан Ироққа ҳужум қилишди. Усманийлар кўшини уларнинг ҳамласини тўхтатиб қўйди. Шу билан бирга уларга келаётган ёрдамчи кўшинларни ҳам тўсиб қўйди. Қувтул-Аммора шаҳрида камалда қолган Томшнид дивизиясини 1916 йил 29 апрелда таслим бўлишга мажбур қилиб, ҳаммаларини асирга олди. Лекин Ироққа тушган ингилиз кўшинининг қуввати у ердаги Усманий кўшин қувватидан кўп бўлиб, жанг майдонида ингилизларнинг устунлиги кўрина бошлади. Шунинг учун ингилизларнинг яна кўли баланд бўлиб қолди.

1917 йил февралда ингилизлар Қуватул-Амморани қайта кўлга киритишди. 1917 йил мартда эса Бағдод уларнинг кўлига ўтди. Шундан кейин улар Мавсил шаҳрига қарата каттиқ ҳужумни бошлаб юборишди. Бу ишлар вазирликда изтиробларни пайдо қилди. Вазирликда бир овоздан ҳарбий вазир Анварни лавозимидан четлатиб, унинг ўрнига бошқасини қўйиш ҳақида умумий фикр пайдо бўлиб қолди. Ҳатто ҳукумат бошида турган “Бирлик ва таракқиёт” партияси ҳам – гарчи Анвар шу партиянинг кўзга кўринган асосчиларидан бўлсада – уни четлатиш ҳақида қатъий қарорга келди.

Шунинг учун Анвара ўрнига муносиб саркардалардан қайси бирини қўйиш ҳақида баҳс бошланди. Бундай вазъиятда бу мансабга муносиб номзодлар Жамол бошо, маршал Иззат ва Мустафо Камол эди. Лекин Жамол бошо ўзи бошқараётган Сурия иқлимида ожизлик қилаётгани, Иззат бошо эса сиёсий ишларда тажрибасизлиги учун – ҳарбий вазир лавозими сиёсий ишларни чуқур билиш ва сиёсий тажрибага эга бўлишни талаб қилади – бу икковларидан бири Анварнинг ўрнини эгаллаши хато иш бўлар эди. Бу лавозимга муносиб номзод Мустафо Камол қолди.

Лекин у ҳукуматни тўнтариш ва урушдан чиқиш ҳақидаги фикри билан машҳур эди. Шунинг учун ҳам бу лавозимни унга топширишга келаша олмадилар. Чунки у ҳукуматга урушда давом этишнинг ёмон оқибатларидан огоҳлантириб хат ёзар ва Германияни сиёсий жиҳатдан урушни қўлдан бой берди ва у бу урушда ҳарбий жиҳатдан ҳам ғолиб бўла олмайди деган эътиқодда эди. Мустафо Камол Туркияни урушдан четда қолишига шубҳаланар эди. Чунки у шарқдаги шериклари билан

боғланиш имкониятига эга бўлишлари учун иттифоқчи давлатлар ўзларига Дарданелл бўғозини йўл қииб олиши зарур деб ҳисоблар эди. Ҳолбуки Россия Усманий ипериянинг ашаддий душмани эди. Мустафо Камолнинг бу фикрлари маълум ва машҳур бўлиб, уларни ошкор айтар эди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким, агар у бош қўмондонлик лавозимини эгалласа ҳокимият ва унинг сиёсатида инқилоб пайдо қилиши ҳақида шубҳаланмас эди. Шунинг учун Анварни четлатишни зарур деб ҳисоблаётганлар тинчиб қолишди ва Бағдодни тез фурсатда қайтариб олишни талаб қила бошладилар.

Анвар Германия бош қўмондонидан Бағдодни қайтариб олиш учун мадад беришини қаттиқ талаб қилди. Германия иттифоқчиси Анвар ғалабага эришиши ва уни мансабида қолдириш учун қўлидан келган ҳамма ёрдамни берди. Германия қўллаган тадбир генерал Фоленгхейнни ва бир нечта дивизияни Анварнинг тасарруфига бериш бўлди. Фоленгхейн янги кучларни тартибга солиб, уларни “Чакмоқ” номи билан атади. Ҳалаб шахрини бош қўмондонлик штаби қилиб таъйинладилар. Мустафо Камол генерал даражасига кўтарилди ва Фоленгхейн қўл остидаги 4-қўшин саркардаларидан бири қилиб таъйинланди.

Лекин Мустафо Камол бош қўмондонлик немис зобити қўлида бўлганлигига рози эмас, шу билан бирга Бағдодни қайтариб олиш учун қилинадиган ҳаракатлар бекорчи ва фойдасиз бўлиб, унга кириш Усманийлар қўшинига яна катта талофат келтиради, деган фикрда эди. Шунинг учун у Бағдодни қайтариб олишни талаб қилувчиларнинг укувсизликларини, Анварнинг сиёсати бемаънилигини ва бу оқсоқ сиёсатни ижро қилиш сабабли етадиган қийинчиликларни халққа очиқ айта бошлади. Бундан ташқари у ўз нутуқларида Усманий Давлат Германияга бўйсунгани сабабли бошидан кечираётган зарарларни айтар эди. Мустафо Камол немис саркардаси билан келиша олмаслиги табиғий эди. Фоленгхейн уни ҳар хил воситалар билан ўзига мойил қилиш ва рози қилишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин ҳаракатлари зое кетди. Фоленгхейн уни қўмондонлик йиғинларига таклиф қилар эди.

Ҳужум режаси Бағдодга қуруқлик орқали, Сувайш каналига эса ҳаводан зарба беришдан иборат эди. Сувайш каналига ҳужум қилиш билан у ердаги инглиз ҳарбий кучлари Ироқдаги кучларга ёрдам бера олмай қолди. Лекин Мустафо Камол бу режани танқид қилди ва унга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Унинг охири муваффақиятсиз бўлишини очиқ айта бошлади. Лекин немислар унинг эътирозига ва танқидларига парво қилмади. Унинг фикрини Жамол бошодан бошқа ҳеч ким қўллаб қувватламади. Чунки Мустафо Камол билан Жамол бошо немисларни ёмон кўришлари ва Давлатни урушдан чиқишини очиқ айтишлари билан танилган зобитлар эди. Шунинг учун ҳам Жамол бошо қўмондонликка қарши тортишувларда Мустафо Камолни куллаб қувватлар эди. Лекин режа амалга ошрилди. Чунки Фоленгхейн ва бошқа қўмондонлар ушбу режанинг тўғрилиги ва мувоффақиятли эканлигига ишонар эдилар.

Мустафо Камол билан Фоленгхейн ўртасидаги келишмовчиликлар давом этаверди. Кунларнинг бирида ушбу режани амалга ошириш хусусида ҳарбий мажлис бўлди.

Унда қизғин тортишувлар бўлиб, Фоленгхейн Мустафо Камолга қарата тахқиромуз сўзлар айтди. Бунинг натижасида Мустафо Камол ишдан кетиш ҳақида ариза берди: лекин ҳарбий вазир Анвар унинг аризасини қабул қилмай, яна Кавказга қайтаришга буйруқ берди. Лекин у бу сафар ҳарбий вазирнинг буйруғига бўйсунмади ва Кавказга қайтишни рад қилди. Бу ҳолатдан хабар топган Анвар унинг итоатсизлигини беркитиш ва бу хунук ҳолатдан қутилиш мақсадида унга номаълум муддатга “касаллик туфайли” дам олишга ижозат берди. Лекин Фоленгхейн бу ижозатга қаршилиқ билдириб, итоатсиз саркарданинг ишини трибунал орқали ҳал қилишни талаб қилди. Охир оқибат Мустафо Камолга ижозат беришга қарор қилинди. У ўша вақтда Ҳалаб шаҳрида эди. У бу ердан кетмоқчи эканлигини ва пулга бўлган эҳтиёжини билдирди. Унинг ўнта зотдор отлари бўлиб, уларни сотмоқчи бўлди. Жамол бошо унга ёрдам учун 2000 тилло танга берди ва Истанбулга қайтиб келганидан кейин эса яна 3000 тилло танга юборди. Бу ишлардан Мустафо Камолнинг инглизлар билан бирга Усманий Давлатга қарши турганлиги очик кўриниб қолди.

Мустафо Камолнинг ҳокимиятни олишдаги қатъий ҳаракатлари

Аммо учунчи ҳодисада масъала фақат фикрни изҳор қилиш ва саркашлиқ бўлмай, балки Мустафо Камол ҳокимиятни қўлга киритишга астойдил киришди. Мустафо Камол тарафидан бир неча ишлар содир бўлдики, бу ишлардан у ўз фикрларини инглизлар билан боғланиб амалга оширганини хулоса қилиб олиш мумкин эди.

1918 йил 3 июлида султон Муҳаммад Рашод вафот этди. Унинг ўрнига тахтга Муҳаммад 5 номи билан машҳур бўлган Муҳаммад Ваҳиди-д-дин ўтирди. Мустафо Камол ҳокимиятни қўлга олиш фурсати етиб келганини англади. Чунки у Ваҳиди-д-дин валиаҳдлиги вақтида у билан Германияга сафар қилган ва у ерда немис маршали Ҳенденбург билан учрашган эди. Анвар уни валиаҳд Ваҳиди-д-дин билан бирга Германияга бориб, немис ҳарбий қувватини ўз кўзи билан кўриб, шояд фикрларидан қайтар деган мақсадда унга ҳамсафар қилиб юборган эди.

Сафардан қайтганларидан кейинок Муҳаммад Рашод вафот этиб, тахтга Муҳаммад Ваҳиди-д-дин ўтирди. Мустафо Камол бу фурсатдан фойдаланиб, султонни ўз фикрларига қаноъатлантириш ва вазирлик лавозимини эгаллаш мақсадида зудлик билан янги султоннинг зиёратига борди. Султон уни самимий ва дўстона қарши олди. Султонинг унга қилган эҳтироми шу даражага етдики ҳатто султон унинг сигаретига ўз кўли билан олов тутди. Мустафо Камол унинг бу ҳурмат-эҳтиромидан яна ҳам рухланиб, унга ўз фикрларини очик ва дадиллик билан айта бошлади. Мустафо Камол султонга: “Мамлакатга таҳдид солаётган вайронагарчилик жуда яқинлашиб қолди. Шунинг учун сиз кўшинга ҳам бошчилик қилишингиз, Анвар ва немис кўмондонларини мансабларидан четлатиб, номига эмас, ҳақиқий султон бўлишингиз, кўшинга ҳам тўла ҳукумрон бўлишингиз зарур. Сида бу ишни ҳам бошқара олишга етарли истеъдод бор. Агар сиз бу ишларни амалга оширсангиз Туркияни тез кунларда жарга кулаб кетишидан сақлаб қоласиз. Бундан ташқари сиз

немислар билан бўлган иттифокдан чиқишингиз ва фурсатни бой бермай сулҳ тузишингиз зарур”, деди.

Шунда султон ундан: “Сенинг бу фикрларингга шерик бўладиган бошқа зобидлар ҳам борми?”, деб сўради. У: “Ҳазратим, бу фикрларимга шерик бўладиган зобитлар жуда кўп”, деб жавоб берди. Лекин султон унга ҳеч нарса ваъда қилмади. Мустафо Камол унинг олдига иккинчи марта келди. Султон бу сафар ҳам унга ҳеч нарса ваъда қилмади. Мустафо Камол султон олдига учунчи марта келиб, унга мулоҳазаларини баён қилди. Султон уни сўзларини жим тинглаб ўтирди ва у сўзини тугаллагандан кейин унга қарата жиддий ва қатъий оҳангда: “Мен ҳамма ишларимни саъодатманд Анвар бошо ва Талъат бошо билан режалаштирганман”, деди. Кейин уни ҳузуридан чиқариб юборди.

Орадан икки ҳафта ўтмай султон Мустафо Камолни чақиртирди. У султоннинг ҳузурига етиб келганда унинг ҳузурида мулозимлар ва баъзи немис саркардалари ўтирган эди. Султон унга тантанали сувратда пешвоз чиқиб, ҳузуридагиларга: “Бу Мустафо Камолдир. У мен ишонган энг қобилиятли зобитлардан бири”, деди. Кейин унга қараб: “Саъодат соҳиби, мен сизни Сурия тарафга қўмондон этиб таъйин қилдим. Чунки Сурия биз учун жуда муҳим тарафдир. Мен сизни ҳозироқ Сурияга йўл олишингизни ва уни душман қўлига ташлаб қўймаслигингизни хоҳлайман. Мен сизга ишониб топшираётган бу муҳим ишни мукамал адо этасиз деган умиддаман”, деди. Кейин унга бир оғиз гап гапиришга ҳам имкон бермай ҳузуридан чиқариб юборди.

Мустафо Камолнинг Суриядан чекиниши ва уни инглизларга қолдириши

Тўртинчи ҳодиса: Мустафо Камол Сурияга инглизлар билан урушиш учун бориб, инглизларга у ерни топшириб, Анозулга чекинди. Бунинг тафсилоти: У буйруқни олиши биланоқ Суриядаги қўмондонлик қароргоҳига қараб йўл олди ва у ерга 1918 йил август охирларида етиб борди. Бош қўмондон немис Леймон фон Сандрозга ўзини унинг қўл остида хизмат қилиши учун юборилганини айтди. Чунки бош қўмондон Фоленгхейн баҳорда Германияга қайтган эди. Сандроз уни Ана Фурта жангидан танигани учун яхши кутиб олди. Сандроз унга ҳимоя чизиғининг ўрта қисмига жойлашган 7-қўшинга бошчилик қилишни топширди. У бу лавозимни қабул қилиб олгандан кейин буйраклари оғриб қолганини баҳона қилиб, қўмондонлик маркази Наблус шаҳрига 1918 йил сентябрнинг бошларида етиб олди. 1918 йил 19 сентябрда инглизлар хужум бошлади. Мустафо Камол Урдун дарёсига орқа қилиб, урушга кирмай қўшини билан чекинди. Кейин дарёдан кечиб ўтиб, қолган кучларни жамлаб саҳро тарафга қараб кетди. Кейин темир йўл ёқалаб Дамашққа қараб чекинди.

27 сентябрда бош қўмондон Мустафо Камолга Райёқда янги ҳимоя чизиғини вужудга келтиришни буюрди. У бу муҳим ишни амалга ошириш мақсадида Райёққа бориб яна орқасига қайтиб келди ва бош қўмондонга: “Райёқда ҳимоя чизиғини вужудга келтиришнинг фойдаси йўқ, чунки сафларни тартибга солиш кўп

вақт талаб қилади, яхшиси кўшин бутун Сурияни ташлаб, Ҳалабга қараб чекиниши ва у ерда ҳимоя чизигини тартибга солиб, шиддат билан бостириб келаётган бу босқинчилардан Туркияни сақлаб қолиш керак”, деди.

Мустафо Камол ўз фикрини айтиб бўлганда Сандроз: “Мен бу режани амалга оширишга буйруқ бера олмайман. Қолаверса, Усманийлар империясига қарашли катта бир ерни ҳеч қандай қаршиликсиз душманларга тайёр гўшт қилиб ташлаб кетиш масъулиятини кўтара олмайман”, деди. Шунда Мустафо Камол мен бутун жавобгарликни ўз зиммамга оламан деб, душман билан бўладиган ҳар қандай тўқнашув тўхтатилиб, Туркияни ҳимоя қилиш учун Ҳалабга чекинишга тайёргарлик кўриш ҳақида буйруқ бериб, Ҳалабга кетди ва у ерга 6 октябрда етиб борди.

Мана шу вақтда араб бошлиқлари инглиз разветкаси зобити Лоренснинг кизиқтириши сабабли Мустафо Камолдан бор имкониятни ишга солиб, ҳукуматни иттифоқчилар билан сулҳ тузишга қаноъатлантиришни талаб қилди. Мустафо Камол Ҳалабга етиб келганида Искандарун қўлтиғида инглиз кемаларининг ҳаракатлари кўпайиб қолган эди. 14 октябрда учта торпедачи кема Искандарун қўлтиғига кириб келди. Улардан бири оқ байроқ кўтариб, денгизга қайиқ туширди. Унда инглиз ва француз офицерлари қуруқликка сузиб бориб, турк қўмондони билан учрашиб, орқаларига қайтишди. Шундан сўнг торпедачи кемалар қўлтиқни тарк этди.

Мустафо Камол телеграммасига султондан ҳеч қандай рад жавоби олмади. Лекин бир оз вақт ўтгач Анвар ва Талъат лавозимларидан олиниб, Иззат бошо бош вазир этиб таъйинланганлиги ва янги вазирлик аъзолари телеграммада номи зикр қилинган шахслардан ташкил қилинганлиги ҳақидаги хабар келди. Иззат бошо Мустафо Камолга алоҳида телеграмма йўллади. Унда ушбу сўзлар бор эди: “Насиб этса, сулҳ шартлари битилгандан кейин кадрдон дўстлардек учрашамиз”.

Юқорида зикр қилинган ишлардан Мустафо Камол Ваҳиди-д-динни ўз режасига қаноъатлантира олмаган вақтда, уни Сурияга жўнатиб юборилганда у Сурияга урушиш учун кетмаганлиги, балки ўз режасини амалга ошириш учун янги воситалар ахтариб кетганлиги очиқ кўриниб турпти. Мустафо Камол Наблусда касалини баҳона қилиб урушга кирмаслиги, кейин Наблусдан уруш қилмасдан тўғри Дамашққа чекиниши шубҳа туғдиради. Аммо Сурияни инглизларга тайёр гўшт қилиб ташлаб кетиш ва бу ишда бош қўмондоннинг буйруғига итоъат қилмаганлиги, у бу ишларни инглизлар билан келишиб қилганлигини кўрсатиб турибди. Бунга Мустафо Камол билан Лоренс араб бошлиқлари орқали ҳукуматни урушдан чиқиб, иттифоқчилар билан сулҳ тузиши хусусида боғланиши; Ҳалабда Туркияни ҳимоя қилиш учун ҳимоя чизигини тайёрлашни хоҳлаши; ўзи билан фақат турк қўшинини олиб кетиши; Ваҳиди-д-динга йўллаган телеграммаси ҳамда Иззат бошо Мустафо Камолга алоҳида телеграмма йўллаб, унда: “Насиб этса сулҳ шартлари битилгандан кейин кадрдон дўстлардек учрашамиз”, деган сўзи очиқ далил бўлади.

УСМОНИЙ ДАВЛАТНИНГ ТАСЛИМ БЎЛИШИ

Мана шу вақтда давлатни бошқариб турган Анвар кўп жанглардан омон қолиб, ҳар томонларга бўлиниб кетган кучларни йиғишга ва душманга қарши туриш учун уларни пойтахтга келиши ҳақида шошилинич буйруқлар беришга ҳаракат қилди. Лекин унинг атрофидагиларнинг ҳаммаси вақт ўтган деб ҳисоблар эдилар. Ҳатто олдиндан Анврни кўллаб-қувватлаб келаётганлар ҳам у билан бирга бўлиш ва унинг сиёсатига эргашидан бўйин товлашди. Анвар таслим бўлишга мажбур бўлиб, сулҳни талаб қилди. Иттифоқчилар бунга рози бўлишди ва тинчлик битими тузилди. Фақат битим шартларини белгилаш учун музокаралар олиб бориш қолди холос. Шундай қилиб Усманий Давлат таслим бўлди ва уни иттифоқчилар босиб олди.

Лекин бу таслим бўлиш ва иттифоқчилар Усманий Давлатни босиб олишларидан бу давлат энди уларнинг мустамлакасига ёки уларнинг мулкига айланганини ва уларнинг уни босиб олиши абадий босиб олиш эканлигини англамайди. Чунки бу нарса икки давлат ўртасидаги уруш бўлиб, бир томон ғолиб бўлади, ғолиб давлат мағлуб давлатга сулҳ шартларини қабул қилдиради ёки икки тараф шартларга келишади. Мағлуб давлат давлатлараро тутган мақоми, ички ва ташқи ҳукумронлиги сақланиб қолган давлат сифатида қолаверади. Бу бир жиҳатдан. Иккинчи жиҳатдан эса, бу таслим Туркия давлатининг таслим бўлиши ёки уларнинг таъбирича Усманийлар империясининг таслим бўлишидир. Демак мағлуб давлат Халифалик ёки уларнинг таъбирича Усманийлар империяси бўлиб, туркия давлати эмас. Шунинг учун ҳам энди қилинадиган чоралар иттифоқчиларни ғолиб ва Усманий Давлатни мағлуб тараф деган эътибор билан Усманий Давлатга яъни халифалик байроғи соясидаги барча давлатлар ва Халифалик Давлатига таъаллуқли чоралар кўрилиши керак эди.

Ингилизларнинг Халифалик Давлатини парчалаб ташлаши

Лекин ингилизларнинг мақсади Ислом Давлати сифатида Усманийлар Давлатини парчалаб ташлаш ва Халифаликни йўқ қилиш бўлиб, улар бу мақсадга олиб борадиган йўлларга юрдилар. Мағлуб Усманийлар Давлатига нисбатан мағлуб Германияга нисбатан қўллаган муоъмала услубидан бошқа услуб қўлладилар. Ҳолбуки бу икки давлат ингилизларга қарши биргаликда урушган ва иттифоқчиларнинг Усманийлар Давлати устидан қилган ғалабалари Германия устидан қилган ғалабалари сингари бўлгани учун ҳам уларга нисбатан бир хил муоъмала қўлланиши керак эди. Лекин ингилизлар Германияга нисбатан мағлуб давлатга нисбатан қўлланадиган давлатлараро қонунга мувофиқ муоъмала қилган бўлсалар, Усманийлар Давлатига нисбатан эса бошқача муоъмала услубини танладилар. Уруш тугагач Усманийлар Давлати бўлак-бўлақларга бўлиб ташланди. Унинг кўп қисмини ингилизлар эгаллаб олди. Улар эгаллаб олган ерларни уруш асносида режалаштириб қўйишган режага мувофиқ тақсимлашди. Мағлуб Усманийлар Давлати ерларидан кўпроғни қўлга киритиш мақсадида ўз иттифоқчиларига ҳар-хил найранглар қилишди. Бутун диққат эътиборини эса Халифаликни йўқ қиладиган услубларни ахтаришга қаратдилар.

Парчалаб ташлаш учун миллатчилик ва ватанпарварликни асос қилиб олиш

Ингилизлар олдиндан бутун диққат эътиборини қаратган миллатчилик, ватанпарварлик туйғулари Усманийлар Давлатини бўлиб ташлашда қўл келди. Улар бу туйғуларни бўлиб ташлаш учун асос қилиб олдилар. Шунинг учун улар турк тилида сўзлашувчи мамлакатларни бир бўлак қилиб, бевосита ўзларининг нуфузларидан фойдаланиб, турк миллатчилиги ва Туркия мустақиллиги фикрини кўзгадилар. Туркия Ислом Давлатининг ёки уларнинг таъбирича Усманийлар империясининг бошқа бўлаклардан ажралишига жиддий аҳамият бериб, мустақиллик сўзига “мустақиллик бу – иттифоқчилар мустамлакасидан озод бўлиш демакдир”, деган маъноларни кўшдилар. Лекин амалда эса одамларни Ислом Давлатининг бошқа бўлакларидан мустақил бўлишга яъни ажралишга чорлар эдилар.

Араб тилида сўзлашувчи мамлакатларни ҳам бир неча бўлакларга бўлиб ташладилар. Ингилизлар араб мамлакатларининг кўпини босиб олган бўлсалар ҳам, уларни яхлит бир бўлак ҳолида қолдирмасдан, аксинча уруш асносида режалаштириб қўйган хариталарига мувофиқ бўлакларга бўлиб ташладилар.

Шундай қилиб ингилизлар мағлуб давлатни бўлиб ташлашни амалга оширди. Буюк бир давлатни хали сулҳ келишув бўлмади туриб, сулҳ шартларига келшилмай туриб, балки фақат босиб олганликлари сабаблигина бир неча давлатларга бўлиб ташладилар. Ингилизларнинг Ислом Давлатига нисбатан қўллаган бу ишлари давлатлараро қўлланадиган қонунга ҳам, давлатлараро алоқаларга ҳам тўғри келмайдиган ишдир. Чунки урушда ғалабага эришган давлат мағлуб давлатнинг ерларини босиб олишининг ўзиёқ унга босиб олинган давлатнинг ёки ерларнинг келажагини ҳал қилиш ҳуқуқини бермайди. Чунки мағлуб давлатнинг келажагини фақат икки томонлама олиб бориладиган сулҳ шартлари ёки сулҳ битимигина ҳал қила олиши мумкин. Бунга далил, Берлин шаҳри иттифоқчилар томонидан босиб олинганлигининг ўзи унинг келажагини белгилай олмади. Балки унинг келажагини сулҳ шартлари ва иттифоқчиларнинг Берлин ҳақидаги битимлари ҳал қилди.

Шунинг учун ҳам Англиянинг Усманийлар Давлати ерларини босиб олган ва у урушда таслим бўлган вақтда дарҳол Усманийлар Давлатини бўлиб ташлаши давлатлараро битимга зид ишдир. Чунки ингилизлар бу ишни иттифоқчилар билан келишмай, сулҳ шартлари ёки сулҳ битимлари битилмай ёки ҳеч бўлмаганда иттифоқчилар тарафидан оғзаки ишора ҳам қилинмай ёлғиз ўзлари қилишди.

Бундан ташқари бу мамлакатлар буюк бир давлат таркибидаги қисмлар эди. Лубнон, Сурия, Ироқ, Фаластин, Шарқий Урдун, Ҳижоз ва Яман Усманийлар Давлати байроғи остида бўлиб, унинг бир қисми ва вилоятлари ҳисобланар эди. Бу вилоятларнинг бирортаси алоҳида мустақил вужуд эмас, на ички ва на ташқи ишларни ўзлари бошқармас эди. Шунинг учун ҳам бу вилоятлар аҳолисидан бирортаси давлатлараро олиб бориладиган музокараларда қатнашиш ҳуқуқига эга

эмас. Бу вилоятлардаги бирон-бир шахс томонидан қайсидир давлат билан олиб борилган давлатлараро бўладиган ҳар қандай тасарруф қонунсиз, нотўғри бўлиб, эътироф ҳам қилинмайди, эътиборга ҳам олинмайди. Ҳатто ингилзлар ҳукумронлик қилаётган ва ўз ҳимоялари остида ушлаб келаётган Миср ҳам Усманийлар Давлатининг бир бўлаги эди. Миср халқи ингилзлар Мисрдан чиқиб кетишини талаб қиладиган мисрликларнинг яна Ислом Давлати – Усманий Давлат байроғи остига қайтишни талаб қилган эдилар. Мустафо Камол ҳам ингилзлар Мисрдан чиқиб кетишини Миср яна Истанбулдаги Халифалик Давлатига тобеъ бўлишини талаб қилган эди.

Демак, ғолиб иттифоқчилар ушбу мамлакатларга таъаллуқли ҳар қандай ишлар тўғрисида олиб бориладиган музокаралар фақат Халифа билан яъни Истанбулдаги давлат маркази билан олиб борилиши керак эди. Аммо Ҳижоз ва Макка шарифи бошлиғи) Ҳусайн ибн Алийга келсак, гарчи у Халифага қарши исён қилган бўлса ҳам, Халифага тобеъ ҳисобланар ва унинг исёни унга давлат бошлиғи мақомини бермас, балки у ўз давлати ва халқига хиёнат қилган ҳисобланиб, бу хиёнати билан давлат даражасидаги ҳуқуққа эга бўла олмас эди. Аммо Англия ва Франция Дамашқ, Байрут ва Бағдод шаҳарларидаги араб сардорлари деб эътиборга олган Ҳусайн каби хоинлар ҳам, ғолиб иттифоқчилар билан музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эга эмас. Балки улар Ҳусайнга нисбатан таъсир жиҳатидан ҳам, давлатнинг уларга қаратган эътибори жиҳатидан ҳам пастроқ эдилар. Чунки Ҳусайн мағлуб давлат тарафидан Ҳижоз юртига шариф сифатида таъйин қилинган эътиборли шахс ҳисобланар эди. Аммо улар эса ўз халқи ва давлатига хиёнат қилган, душманлар учун жосуслик қилган оддий кишилар бўлиб, уларга музокаралар олиб бориш ҳуқуқи берилиши мумкин деб гумонга боришнинг эҳтимоли ҳам йўқ эди.

Лекин Англия бу нарсаларни тўла била туриб, босиб олган мамлакатнинг халқи билан мамлакатларининг келажаги ҳақида музокаралар олиб борди. Ҳолбуки Англия бу олиб борилаётган музокаралар давлатлараро ҳеч қандай қийматга эга эмаслигини, эътироф қилинмаслиги ва эътиборга ҳам олинмаслигини билар эди. Шундай бўлса ҳам у музокаралар олиб борди ва ана шундай шахсларга ўз мамлакатлари номидан боиб олинган давлат билан биргаликда музокаралар олиб бориш ҳуқуқи берди. Англия олдиндан режалаштириб қўйган режага кўра ва олдиндан бу мамлакатларни тақсимлаб қўйган харитага мувофиқ босиб олган мамлакатларида мустахам ўрнашиб олиш учун бу музокараларни васита қилди. Халифа билан олиб бориладиган давлатлараро расмий музокарани эса, агар Халифани четлатиш имкони бўлмай қолса, сулҳ шартлари битилаётган вақтда юзаки битилади ва бу шартлар Халифага айтиб ёздирилади. Агар Халифани четлатиш имкони бўлиб қолса, унинг ўрнига ўзлари қўйган шахс билан амалга оширса бўладиган иккинчи даражали иш деб кейинга суриб қўйди. Англия мана шу асосга кўра иш олиб борди ва мана шундай ғойиқонуний тасарруфга асосан Ислом Давлатини ингилзлар тарафидан бўлиб ташлаш иши содир бўлди.

Биз юқорида келтирган ишлар ингилзларнинг босиб олган Ислом мамлакатларини майда-майда бўлақларга бўлиб ташлашга доир ишлардир. Ингилзлар ўз иттифоқчиларига нисбатан ҳам хийла-найранг ишлатиш услуби билан кўп ишларни

амалга ошириб, бу билан халифаликни қулатиш ва уни парчалаб ташлаш имконига эга бўлдилар. Шунинг учун ҳам – гарчи бу иш мусулмонлар учун муҳим бўлмасада – бу найранг услубига эътиборни қаратиб, шу билан инглизларнинг сиёсий найранглари билиб олишимиз мумкин.

Иттифоқчилар урушга ҳар-хил ғояларни кўзлаб киришди. Гарчи улар бир сафда туриб урушаётган бўлсалар ҳам, улар бир-бирига душман, бир-бирини ёмон кўрар ва ҳар бири бошқасига қарши махфий равишда ҳийла ишлатар эди. Англия ўша даврда давлатлараро мақомда биринчи ўринда бўлиб, Франция, Россия, Германия ва Италия у билан рақобатлашар эди. Англия Германия ва Усманийлар Давлатига қарши урушга кирганда бошқа давлатларни ўзи билан урушда қатнашишга ёки лоақал ўзи билан урушнинг охиригача туриб беришга қизиқтира бошлади. Шунинг учун у катта давлатлар билан уларни ғалабадан кейин бўлиб олинадиган катта ўлжаларга умидлантириб, яширин иттифоқ тузишга киришди. 1915 йил 26 апрелда Лондонда имзоланган яширин келишув (битим)да Италияга урушга кирганлиги эвазига Туркия иқлими ва Ўрта Ер денгизидаги унга чегарадош иқлимларни ваъда қилди.

Орадан бир йил ўтгач 1916 йилда Англия, Франция ва Россия Усманийлар империясини бўлиб ташлаш ҳақида (Сайкс бийко) номли махфий шартномага келишиб олдилар. Кейинчалик мана шу шартнома асосида Мустафо Камол билан сулҳ шартлари тузилди. Лекин бу махфий шартнома Италиядан сир тutilган, бир қанча муддат сирлигича қолган ва охир-оқибат Италия ундан хабар топиб, Усманийлар империясини бўлиб олиш, ўлжаларни ҳам тақсимлашни қатъий талаб қила бошлади.

1917 йил 27 апрелда Англия, Франция ва Россия ўзаро битим тузишди. Унда Италияга Измир иқлими ва Анозулдан Қуниёгача ғарбий тарафларнинг ҳаммасини беришни ва бу ерлар Италиянинг ваколати остидаги ерлар деб ҳисобланишини ваъда қилди. Биринчи жаҳон уруши тугагач Англия Истанбул ва араб тилида сўзлашувчи ҳамма мамлакатларни босиб олишга шошилди. Франция ҳам келишилган мамлакатларни босиб олишга шошилди ва Лубнони босиб олди. Англия Францияни Сурияни босиб олишдан тўсиб қўйишга ҳаракат қилди. Лекин Франция 1920 йилда унинг қаршилигига қарамасдан Сурияни босиб олди.

1919 йил апрелда Италия Азолия шаҳри ва унга қўшни ерларни босиб олди. Англия бунга қаршилик кўрсатмади, лекин у Измир шағрини босиб олмакчи бўлганида Англия унга қаршилик қилди. Италия келишилган битимга кўра Аназулнинг ғарбий соҳилларини босиб олмоқчи бўлганида англия ва Франция биз келишган бу битимга Россия розилик билдирмади, деб баҳона қилиб, Италияга у ерларни босиб олишга йўл беришмади. Франция ва Англия Россия билан келишилган битимни бекор, деб ҳисоблади. Италия қаршилик қилгани учун Англия юнонларни Измирни иттифоқчилар тарафидан вакил сифатида босиб олишга мажбур қилди. Англия 4 йил муддат давомида ҳар-хил ҳийла-найранглар ишлатиб, ҳамма мақсадларига эришди, яъни босиб олинган ерларнинг катта қисмига эга бўлди, халифаликни йўқ қилди ва давлатлараро майдонда Исломга ўлдирувчи зарба берди. Англия 2-Лузон

конференциясини ўтказди ва бу билан кўзлаган мақсадларини давлатлараро шаклда ниҳоясига етказди.

Ингилизлар халифаликни йўқ қилиш учун унинг пойтахтига эътиборни қаратишади

Аммо ингилизларнинг Халифалик марказига бутун кучларини қаратишларидан мақсади халифаликни йўқ қилишни таъминлайдиган услубларни қўллашдан иборат эди. Улар иттифоқчиларини алдаган ва босиб олган мамлакатларда бутун кучларини сарф қилганларига қарамасдан уларнинг бутун диққат эътибори Туркияга ёки тўғрироғи Халифалик марказига қаратилган эди. Шунинг учун ингилизлар сулҳ эълон қилиниш ҳолатида шошилинич ҳаракатлар қилиб, ҳарбий кемалари Босфор бўғозини, аскарлари эса пойтахтни, Дарданел қалъалари ва Туркия атрофидаги муҳим ҳарбий ўринларни эгаллаб олишди. Француз аскарлари эса Ғалта шаҳрини, Италия аскарлари эса Бийро шаҳри ва темир йўлларни эгаллаб олишди. Ингилиз кўмондони Ҳарингтон Туркияда иттифоқчиларнинг бош кўмондони этиб таъйинланди.

Мана шу сабабларга кўра Ингилиз қўшинлари Туркияни ҳақиқий тўла босиб олган ва Туркия устидан тўла ҳукумронлик қилаётган, Франция ва Италия эса Туркияни рамзий эгаллаб олган ҳисобланади. Бу билан мағлуб давлат ва ғолиб иттифоқчилар ўртасидаги Туркия ички ишларига таъаллуқли ишлар Англия билан боғлиқ ҳал қилинадиган бўлиб қолди. Шундай қилиб Англия Туркиядаги ўйинини ниҳоясига етказди. Иттифоқчиларига Туркиянинг ички ишларига аралаша олиш учун ҳеч қандай ўрин ва таъсир қила олиш ҳуқуқи қолмади.

Ингилизлар сулҳ эълон қилинганидан бошлаб, Халифалик Давлати ёки уларнинг таъбирича Усманийлар империяси устидан ҳукумронлик қилиш учун ҳар-хил сиёсий найрангларни бошлашди. Бутун сиёсий ўйинларини айнан Туркияга, ҳукуматни ўзгартириш ва Халифаликни йўқ қилишга қаратишди.

Шу мақсадда сулҳ эълон қилинган биринчи лаҳзалардан оқ Ислом Давлатини сиёсий тушкунликларга тушуриб қўйишга киришдилар. Усманий Давлатдан сулҳни қабул қилиб олишди, Талъат ва Анвар билан сулҳ битимини тузишди. Ингилизлардан сулҳ шартларига келишиш учун музокаралар олиб бориш талаб қилингандан улар Талъат ва Анвар билан музокаралар олиб бора олмасликларини эълон қилишди. Чунки, Талъат ва Анвар Усманийлар Давлатининг урушга киришда асосий масъул шахслар эканлигини баҳона қилиб, янги вазирлик ташкил қилишни талаб қилишди.

Мустафо Камолнинг Ҳалаб шаҳридан юборган ва унда маршал Иззат бошони бош вазир лавозимини эгаллашини таклиф қилган телеграмма айнан шу вақтда етиб келган эди. Иззат бошо янги вазирликни тузди ва Ҳалабда яшаб турган Мустафо Камол учун хос телеграмма йўллади. Унда жумладан шу сўзларни айтди: “Сулҳ шартлари битилгач икки дўст сингари учрашишни умид қиламан”. Бу ўринда

иттифоқчилар ва Мустафо Камол тарафидан бир вақтда ва бир мавзуда бундай таклифларнинг бўлиши тасодифан бир-бирига тўғри келиб қолгандай кўринади. Лекин кейинчалик бўлиб ўтган ҳодисалар уларнинг тасодифан бир-бирига тўғри келиб қолганини инкор қилади.

Нима бўлганидан қатъий назар, Иззат бошо сулҳ шартларини тузиш учун музокараларни бошлаб юборди. Ўша вақтда агар тезлик билан якка ҳолда сулҳ мамлакат тушиб қолган қийин аҳволдан катта зиёнлар кўрмай туриб қутилиб қолиши мумкин деган фикр ҳукмрон эди. Бундан ташқари Усманийлар Давлати тарафдорлари орасида ингилизларга нисбатан яхши фикрдаги шахлар бўлиб, улар ингилизлар бизнинг тарафимизда туради ва Усманийлар Давлати урушдан чиққанига кифояланиб, тинчлик севар давлат сифатида қолишга рози бўлади. Деб ўйлашар эди. Шунинг учун улар иттифоқчиларнинг шиддат билан бостириб келишларини ва Дарданел бўғозини босиб олишларини тўсиб қўйишга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда улар Қуватул-Аммора шахрида қамоқда ётган ингилиз генерали Товинсондни Дарданел бўғозининг кириш қисмида жойлашган Мудрос ороли портига кириб олган ингилиз флоти қўмондони Калсбурб ҳузурида унинг юришларини то иттифоқчилар билан музокаралар бўлгунча тўхтатиб қўйиш учун уртага восита қилиб қўйдилар. Лекин уларнинг талаблари рад қилинди. Ингилизлардан умидлари ўзилгач таслим бўлишга мажбур бўлишди.

Музокаралар флот адмирали Калсбурб тушган “Субр” номли кемада жуда қисқа вақт ичида, ҳатто иттифоқчи Франция кучлари билан маслаҳатлашиб олишга имкон бўлмайдиган фурсатда олиб борилди. Шундай қилиб ингилизлар иттифоқчиардан ташқари ёлғиз ўзлари Усманийлар Давлати билан сулҳ туздилар. Бу битим 1918 йил 30 октябрда бўлиб ўтди. Шундан кейин ва ингилизлар Туркиянинг муҳим иқлимларини эгаллаб, Франция ва Италияга шерик бўлганлари учун уларга баъзи ерларни номига эгаллаб олишга қолдиргандан кейингина улар иттифоқчилари французларга хабар бердилар.

Сулҳ битими тузилгандан бир ой ўтмасдан ингилизлар Халифадан Иззат бошони вазирликдан четлатиш ва янги вазирлик тузишни талаб қилдилар. Чунки, Иззат бошо бошқарган вазирлик Талъат ва Анвар тўғрисида чиқарилган қарорга масъулдир. Талъат ва Анварни ишдан четлатишгина эмас, балки уларни асир олиш ва иттифоқчилар ихтиёрига топшириш лозим эди. Чунки сулҳ битими шартларида кўрсатилишича, бу урушга жавобгар бўлган шахслар иттифоқчиларга топширилиши керак эди, деб баҳона қилдилар. Шундай қилиб ингилизлар Халифа учун сиёсий тангликларни пайдо қила бошладилар.

ИНГИЛИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА ҚОНУНИЙ ИШЛАР БИЛАН ХАЛИФАЛИКНИ ҚУЛАТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШЛАРИ

Ингилизлар Халифаликни емириш ва ҳеч қандай қуролли қўзғалонсиз қонуний йўллар билан жумҳурият тиклаб, ҳокимият бошқарув низомида тубдан ўзгаришлар пайдо қилиш умидида эканликлари маълум эди. Шунинг учун улар фақат сиёсий услубларни қўллай бошладилар. Халифа Иззат бошони вазирликдан четлатгандан кейин. Тавфиқ бошога янги вазирлик тузишни топширди. Тавфиқ бошо ингилизларнинг гумашталаридан эканлиги ҳаммага маълум эди. У халифа Абдул-Ҳамид даврида катта вазифаларда ишлаган, кейинчалик эса Лондондаги Усманийлар Давлати элчиси лавозимида ишлаб, ингилизларнинг дўстлиги ва розилигини топа олган эди. Лекин у вазирликни тузган вақтда 80 ёшга кирган қария бўлиб, унга юкланаётган бу улкан вазифани бажара олмас эди. Шунинг учун ингилизлар уни вазирлик тузишдан қоникмадилар.

Лекин улар Тавфиқ бошони вазирликдан четлатиб, унинг ўрнига бошқа вазирни олиб келишдан олдин “вакиллар мажлиси” номи билан танилган депутатлар палатасини тарқатиб юбормоқчи бўлдилар. Чунки у Усманийлар Давлати яъни, Халифалик Давлатининг ҳамма вилоятларидан сайланган депутатлардан таркиб топган эди. Демак, у фақат Туркия депутатлари палатаси эмас эди. Қолаверса унинг кўпчилиги аъзолари “Ёш Туркия” ва “Бирлик ва тараққиёт” яъни, Талъат, Анвар ва Жамол партияларига мансуб шахслар эди. Бу партиялар Халифаликни ва бутун Усманийлар империясини яъни бутун Усманийлар Давлатини сақлаб қолиш истагида бўлиб, Халифаликни йўқ қилиш ва Туркиядан бошқа вилоятларни ажратиб юборишга рози бўлмас эди. Бундан ташқари ингилизлар Ислом мамлакатларида сиёсий бўшлиқни пайдо қилмоқчи бўлдилар. Парламентни тарқатиш айнан мана шу сиёсий бўшлиқни вужудга келтиришга ёрдам берар эди. Шунинг учун улар парламентни тарқатишга астойдил киришдилар. Ингилизлар аввалда парламентни султон тарафидан бўлган ҳукм орқали эмас, балки конституцион йўл билан тарқатиб юбормоқчи бўлдилар. Айнан шу ўринда Мустафо Камол бу ишга конституцияга асосланган ҳолда ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бу уруниш мувоффақиятсиз тугади. Шундан кейин султон кутилмаганда парламентни ҳукм чиқариб тарқатиб юборди. Султон бу ишни ингилизлар ундан қилган талабга қаноъатланганидан ёки мажбур бўлганидан қилгани кўриниб турибди.

Бунинг тафсилоти қуйдагича” Тавфиқ бошо вазирлик тузгандан кейин конституцияга кўра парламентнинг ишончини қизониши керак эди. Ишонч қозониш мажлиси чақирилиши арафасида Мустафо Камол Ҳалаб ва Анзадан Истанбулга қайтиб келиб, депутатларни вазирликка ишонч билдирмасликка қаноъатлантириш умидида шошилиш ишга киришди. Унинг депутатлар палатасининг кўпчилигини ташкил қилган “Бирлик ва тараққиёт” партияси аъзоларидан дўстлари бўлиб, булар орасида Фатҳийбек нуфузли ва ҳукумрон эди. Шунинг учун у ишонч қозониш мажлисига тезроқ етиб боришга ошиқди. Фатҳийбек унга бир неча депутатларни йиғиб берди. Мустафо Камол улар билан мажлислар залига кўшни хонада маслаҳатлаша бошлади. Мустафо Камол уларга ўз таклиф ва мулоҳазаларини, яъни вазирликка ишонч билдирмасликка овоз беришни айтди. Лекин улар вазирликка

ишонч овозини бермаслик охир оқибат парламентни тарқатиб юборишга олиб боришини айтиб, қаршилиқ қилишди. Шунда у мақсадини яшира олмасдан: “Дарҳол парламентни тарқатиб юбориши жуда яхши бўлади. Биз бу йўл билан вақтдан ютамиз ва ўзимиз хоҳлаган вазирликни ташкил қилиш учун ҳозирлик кўрамиз”, деб жавоб берди.

Шу вақт мажлис қўнғироғи чалинди ва депутатлар мажлислар залига кириб кетишди. Кейин овоз бериш вақти бўлди ва мажлис раиси натижани эълон қилди. Кўпчилик овоз Тавфиқ бошони, вазирлигига ишонч билдириш тарафида эканлиги маълум бўлди.

Мустафо Камол бундан хабар топгач, парламент биносини тарқ этди ва уйига қараб йўл олди. Йўлда қасрга телефон қилди ва мумкин қадар тезроқ султон билан учрашишни илтимос қилди. Султон Ваҳиди-д-дин унинг фикрларидан хабардор ва у ҳокимиятни қўлга киритиш илинжида юрганини ҳам билар эди. Лекин султон Мустафо Камол тарафида катта куч борлигини сезар ва қўшин ичида ҳам кучли таянчлари бор, бу таянчлари орқали қўшинга ҳам таъсир қила олади, деб ўйлар эди. Ваҳиди-д-диннинг бирдан бир ғами тахтини сақлаб қолиш бўлиб, унга кўпроқ Мустафо Камол тарафидан хатар бор деб, ҳавотирда эди. Шунинг учун ҳам у учрашувни талаб қилганда дарҳол учрашувга рози бўлди. Лекин султон учрашув кунни биринчи жумъа кунига таъйин қилди. Унинг бу кунни ихтиёр қилишидан мақсади, жумъа кунни халифа халқ билан учрашадиган кун ҳисобланар эди. Мустафо Камол халқ олдида султон билан бирга эканлигини эълон қилади ва ҳозир бўлганлар олдида халифага дўстлигини намойиш қилади ва у билан бирга Жумъа намозини ўқийди шундан кейингина халифа унинг гапларини яъни ўзига маълум гапларни ёлғиз ҳолда эшитади.

Жумъа намози ўқиб бўлингач, султон уни бирга салонга боришга таклиф қилди ва у билан бўладиган учрашувни чўзишга қасд қилди. Учрашув роппа роса бир соатга чўзилди. Султон ундан: “Мен аниқ биламанки, қўшиндаги қўмондон ва зобитлар сенга катта ишонч билдиришади. Сен қўшин менга қарши чиқмаслигига кафил бўла оласанми”, деб сўради. Мустафо Камол: “Султоним менкелажак ҳақида ҳеч нарса дея олмайман. Лекин ҳозирги кун ҳақидаги фикрим, қўмондон ва зобидарнинг тахтингизга қарши чиқишга ҳеч қандай асослари йўқ ва яна шу нарсани аниқ ва қатъий айта оламанки, сиз қўшиндан хавфсирашингизга ҳеч қандай асос йўқ”, деб жавоб берди. Шунда султон: “Мен сендан бугунги кун ҳақида сўраётганим йўқ, балки мен келажакда нима ишлар содир бўлиши ҳақида билишни хоҳлайман”, деди. Мустафо Камол бу саволга нима деб жавоб берганлиги маълум эмас. Лекин шу нарса маълумки, Мустафо Камол султонга баъзи гапларни гапириб, унинг қўнглини хотиржам қилган. Бу султоннинг унга қарата: “Сен ақилли сарқардасан, сен дўстларингни хотиржамлик ва ақл билан иш тутишга чақириб, уларга таъсир қила олиш имкониятига эга шахссан”, деб айтган сўзларидан кўриниб турибди.

Султон билан Мустафо Камол ўртасида алоҳида ёлғизликда бўлиб ўтган бу учрашув қасирдагиларнинг диққат эътиборини ўзига жалб қилди ва улар ундаги сирлардан огоҳ бўлишга ҳаракат қилишди. Лекин халифа Мустафо Камол билан

учрашув ўтказган кун, гарчи у кун жумъа куни бўлишига қарамасдан ва учрашув Жумъа намозидан кейин бўлган бўлса ҳам, парламентни тарқатиб юбориш ҳақида – янги парламентни сайлаш кунини таъйин қилмасдан – фармон чиқарди. Бу фармон ҳамма учун ҳам кутилмаган ва ҳеч бир асоссиз иш бўлди. Уни тарқатиб юбориш учун ҳеч қандай асос ва қонуний сабаб кўрсатилмади. Шунинг учун одамлар Мустафо Камол султонга маслаҳат бериб, унга таъсир ўтказа олган ва султон парламентни тарқатиб юборди, деган хаёлга боришди. Чунки унинг султон билан учрашишини талаб қилиши, у парламентни тарқатилиб юборилшига олиб борадиган ҳаракати, яъни парламент аъзоларини парламентга ишонч билдирмасликлари учун ҳаракат қилганидан кейин содир бўлди. Лекин парламентни тарқатиб юборилишида содир бўлган воқеълар унинг тарқалиши Мустафо Камолнинг таъсири билан амлга ошмаганлигини кўрсатиб турибди. Яъни парламентни тарқатиб юборилиши султон Мустафо Камол билан учрашган куни амалга оширилган бўлса ҳам, у билан султон орасида бўлиб ўтган гаплар туфайли парламент тарқатиб юборилиши мумкин эмас эди. Чунки парламентни тарқатиб юбориш аввалдан тайёрлаб қўйиладиган тартибларга муҳтож бўлади. Қолаверса учрашув жумъа куни, яъни дам олиш куни содир бўлган. Бундан ташқари Мустафо Камол султон билан уруш тугаб, сулҳ тузилгандан кейин биринчи маротаба учрашди. У султонга ҳар қанча таъсир ўтказа олган бўлса ҳам, султон унинг талабларига бу даражада тез рози бўлиши мумкин бўлмаган ишдир.

Шунинг учун ҳам воқеълар шуни кўрсатиб турибдики, парламентни тарқатиб юбориш учрашувдан олдин тайёрлаб қўйилган ва парламент қатъий ҳукм орқали тарқатиб юборилиши султоннинг хоҳшидан ташқаридаги куч орқали яъни ингиллизлар тарафидан содир бўлган. Чунки улар халифа устидан ҳам, мамлакат устидан ҳам – босиб олганликлари сабабли – бевосита ҳукмрон эдилар.

Нима бўлганда ҳам парламент тарқатиб юборилиши мамлакатда катта шов-шув ва ташвишларни пайдо қилди. Одамлар орасида “Бирлик ва тараққиёт”чилар ўз тарафдорларини Кичик Осиёда инқилоб қилиш учун қуроллантиришмоқда, деган гап сўзлар авжига чиқди. Бу гаплар “Бирлик ва тараққиёт”чилар учун қақшатқич зарба бўлди. Бу тўполон орасида Тавфиқ бошо ғоиб бўлди ва унинг ўрнига “ингиллиз жентелмени” номига сазовор бўлган Домод Фарид бошо ўтирди. Домод Фарид бошо султоннинг кўёви эди.

Аммо Мустафо Камол Бийро шахрининг чеккасига жойлашган Шайлий шахрида бир уйни ижарага олиб, оддий фуқародек яшай бошлади. Сиёсатдан тамоман четга чиқиб, жим юрди. Баъзи йиғинларда зиёлилар орасида кўриниб қолар, лекин доим ўзини жуда эҳтиёт қилибюрар эди. Унинг гаплари бирон ишга далолат қилмас ва бирорта одам уни султон биланми ёки унга қаршилигини билмас эди.

Лекин султон унинг фикр ва ғояларидан хабардор бўлгани учун унинг мақсадларидан огоҳ эди. Шунинг учун султон гоҳо унга қаршилиқ қилар, гоҳо ўз атрофидаги одамларга қарата: “Мустафо Камол туркларни султон хонадонидан нафратлантириш ва уни тахтдан тушириш мақсадида мен билан халқ ўртасида душманчилик пайдо қилишни хоҳлайди”, деб унга қарши ҳужум қилар, лекин унинг

сиёсий ишларидан четга чиқиб олгани султонни унга қарши чора кўршга йўл бермас эди. Шунинг учун кўпчиик Мустафо Камолга қарши душманчилик йўлини тутгани учун султонни қоралар эди.

Домод Фарид бошо вазирликни тузгач ва инглизлар ундан розиликларини ва уни қабул қилганликларини изҳор қилагач, султоннинг тахтига бўлган хавфи орта боргач у ўз тахтини фақат инглизлар мадади билан сақлаб қола оламан, деб ўйлай бошлади. Бу ишдан менга фақат домод Фарид бошо ёрдам бера олади, деб ўйлади. Султон ва Фарид бошо инглизларни рози қилиш учун барча воситаларни қўллашди. Шу мақсадда “Инглиз дўстлари” номли жамъийят тузишди. Ҳукумат бу жамъийятга ҳар қандай ёрдамни аямас эди. Инглизлар ҳам ўз тарафларидан бу жамъийятни тиллалар билан тўлдириб ташлашди. Лекин ҳама одамлар, ёшларнинг кўпчилиги, қўшин зобитларининг кўпчилиги инглизларни ёмон кўрар ва босқинчидан ўч олишни истар эдилар.

Шундай қилиб султон ва бош вазир ўзларини инглизлар бағрига отишди ва уларга тўла суяниб қолишди. Инглизлар иттифоқчилар армияси бош қўмондон инглиз генерали Ҳарингтоннинг ёнига мамлакатдаги сиёсий ишларни бошқариб туриш учун Истанбулда олий вакил таъйин қилишди. Инглизлар Султонга ўз фикрларини айтиб қилдирар ва уни ўзлари хоҳлагандай бошқарар эдилар. Султон сиёсий салтанатини йўқотиб, гўё қамоқда ёки қуршовда қолган одамнинг ҳолига тушиб қолди. Амалда эса салтанат иттифоқчилар, тўғрироғи – Биритания олий вакили ва генерал Ҳарингтон сиймоларида – инглизларнинг қўлида бўлиб қолди.

Сиёсий бўшлиқ пайдо қилишда инглизларнинг иши

Инглизлар мамлакатда сиёсий бўшлиқни вужудга келтириб, уни ўзлари хоҳлагандай тўлдирмоқчи бўладилар. Улар бу мақсадларига эришиш учун зоҳирда мамлакатдаги сиёсий ишларни аҳолининг ўзига ташлаб қўйгандай кўринсаларда, аслида малайларни сиёсий ишларни амалга ошириш учун ишга солдилар. Ерли халқ мамлакатни бошқара олмаслиги очиқ кўриниб қолиши натижасида сиёсий бўшлиқ вужудга келтириш учун ўзлари парда ортига ўтиб олиб, мамлакатда изтироб ва сиёсий беқарорликни вужудга келтириб турдилар. Бўшлиқ бу ҳеч қандай иш қила олмаслик ва мустаҳкам тура олмаслик маъносида, яъни куч-қувват бору лекин бу қувват ўзига лойиқ кўринишга ва ўзига муносиб қудратга эга эмас маъносидадир.

Бўшлиқ уч хил бўлади: сиёсий бўшлиқ, ҳарбий бўшлиқ, стратегик бўшлиқ.

Агар давлат беқарор ва тартибсиз бўлиб, унда сиёсий изтироб ва беқарорликлар ҳукмрон бўлса, давлатга куч қувватни ҳамда ишлай олиш ва мустаҳкам туришга қудратни бериш учун бу бўшлиқни тўлдириш жуда ҳам зарур бўлиб қолади. Буни сиёсий бўшлиқ дейилади. Инглизлар Усманийлар Давлатини босиб олганларидан кейин уни Туркия иқлимига чеклаб қўйдилар ва уни шу иқлимнинг сиёсати ва ишларини бошқарадиган қилиб қўйдилар.

Бу билан мамлакатда сиёсий куч мавжуд бўлди. Лекин ингиллизлар бу сиёсий кучни давлатга лойиқ кўринишда ва унга муносиб қудратга эга эмас қилиб кўрсатадиган ҳамда уни ҳукумат бошқарув юкини кўтара олмайдиган ва мустаҳкам тура олмайдиган қилиб кўрсатадиган ишларни қила бошладилар. Мана шу сабабдан улар изтироб ва беқарорликни вужудга келтириш учун парламентни тарқатиб юбориш хийлаларини амалга оширишди.

Кейин одамларни номутаносиблик ва беқарорликларни пайдо қиладиган сиёсий ишлар билан машғул қилиб қўйишди. Ҳақиқатан ҳам парламентни тарқатиб юбориш изтироб ва тўс-тўполонга сабаб бўлди. Одамлар ҳукуматни бошқариш юкини давлат кўтара олмаётганини сеза бошладилар. Шу сабабли мамлакатда кўзга кўринган шахслардан таркиб топган бир жамоъа бу ҳолатни қутқариб қолишга ҳаракат қилди.

1918 йил 29 ноябрда яманлик табиб ва сиёсий ишлар билан шуғулланувчи доктор Асъад пойтахтда ватанпарварлик конференциясини ўтказишга даъват қилди. Бу конференция 8 та сиёсий партия ва жуда кўп майда гуруҳларни мамлакатдаги аҳвол ҳақида баҳс қилиш учун жамлади. Унда бир нечта мажлислар ўтказилди. Кейин ҳеч қандай натижасиз тарқалиб кетди.

Собиқ вазирликдан 30 киши ва катта мартабали шахслардан таркиб топган “Ватан бирлиги” номи билан уюшма тузилди. Бу жамоъа собиқ депутатлар мажлиси раиси лавозимда ишлаган ва “Ёш Туркия” жамоъасига асос солган Аҳмад Ризо атрофида тўпландилар. Лекин бу жамоъа ҳам ҳеч қандай натижага эриша олмади.

“Бирлик ва тараққиёт” партияси аъзолари ҳам кўзга кўринарли ишлар қилишди. Лекин бу ишлар ҳам ҳеч қандай натижа мермади. Шундай қилиб одамлар давлатнинг борлигини, лекин у ҳукумат ва сиёсат ишларини бошқара олмаётганини сеза бошладилар. Сиёсат билан шуғулланувчилар бир нечта жамоъалар ва шахсларга айланиб қолдилар, лекин улар ўртасида мутаносиблик ва бирлик йўқ эди. Натижаси кўзга кўринадиган сиёсий ишларни амалга ошириш учун жуда кўп ҳаракатлар қилинди, лекин улар муваффақиятсиз тугар ва охир оқибат тўхтаб қолар эди.

Мамлакатда сиёсий бўшлиқ очик кўриниб қолди ва уни ҳар қандай инсон сеза бошлади. Мутаносибликни вужудга келтириб, султоннинг мамлакат ишларини олиб бориши ва сиёсий юкларни кўтаришга ёрдам берадиган, султон маслаҳат ва фикр олиш учун марожаъат қиладиган Уммат намояндаларидан ташкил топган мажлис йўқ. Уммат билан боғанадиган, сиёсатчиларнинг ишлари ва одамлар билан мутаносибликда иш олиб борадиган ҳамда сиёсат ва мамлакат ишларини қиладиган вазирлик ҳам йўқ. Одамларни фикрда ўзи билан шерик қиладиган, хатти-ҳаракатларни тартибга соладиган ва сиёсий ишларни вужудга келтирадиган Халифа ҳам йўқ. Чунки парламент тарқатиб юборилган, вазирлик фаъолиятсиз, халифа эса қамокдаги каби ҳолатда эди. Шунинг учун сиёсий бўшлиқ кўриниб қолди, яъни давлатнинг борлигини, ҳокимларнинг борлигини одамлар сезиб турган бўлсалар ҳам, давлатнинг иш юрита олмаслиги ва мустаҳкам тура олмаслиги кўриниб қолди.

Мутаносиблик йўқлиги изтироблар ва сиёсий беқарорликлар ҳам кўриниб қолди. Мамлакатда кўзга кўринган кишилар кўпчилигига қарамасдан ўзаро фикрлар ва манфаъатларда ихтилофлар борлиги сабабли сиёсий бўшлиқни тўлдира олмадилар. Чунки мунозаралар ва чақириқларнинг ўзи агар натижа бермаса, сиёсий вужудни пайдо қила олмайди ва сиёсий бўшлиқни тўлдира олмайди. Натижа эса ё давлатни унинг устига ташланган юкларни кўтаришга мажбур қилиш, иш юрита оладиган, мустаҳкам тура оладиган қилиш билан бўлади ёки ҳокимиятга етишиб, масъулиятни тўлалигича ўз устига олиш билан ёки иш юрита олишни ва мустаҳкам тура олишни кўрсатиш билан бўлади. Аммо натижасиз сиёсий чақириқ ва музокараларнинг ўзига чекланиб, давлатни мана шундай ожиз аҳволда, мамлакатни эса мана шундай изтироб ва беқарорлик вазъиятида ташлаб қўйиш, бундай ҳолатда сиёсий чақириқ ва музокаралар тегирмонни айлантираётган эшакнинг айланишига ўхшаган бир нуқта атрофидаги айланма ҳаракат ва самарасиз меҳнат бўлиб қолаверади. Ҳеч қанча ўтмасдан унинг муваффақиятсизлиги кўриниб, очилиб қолади.

Шунинг учун мамлакатда кўзга кўринган кишиларнинг уринишлари ва партияларнинг ҳаракатлари натижа бермади. Бу даҳшатли сиёсий бўшлиқ ҳолати 6 ой – 1918 йил ноябрдан 1919 йил апрелининг охиригача давом этди.

Бу вақт асносида ингилизлар мамлакатда мустақиллик мафқурасини, мустақиллик халқнинг ҳуқуқларидан бири; Америка америкаликларники бўлгандек Туркия туркларники бўлиши керак; янги давлат замонавий асос ва таянчлар устига қурилиши керак, каби фикрларни кўзгашиди.

Бу фикрлар одамлар ўртасида – хусусан Истанбулда – ёшлар ва зобитлар ўртасида тарқатилар эди. Ингилизларнинг бу фикрларни тарқатиш ва уларни қўллаб-қувватловчиларни вужудга келтиришдаги қудратини билиш учун Усманий Давлат бор вақтда қилган ишларни кўриб чиқиш лозим. Ўша вақтда улар миллатчилик наъраларини ва мустақиллик номи билан ажралиб чиқиш интилишларини тарқатишган эди. Бу билан улар Балқонда таъсир қилиб, у ерда изтироблар ва беқарорликларни вужудга келтришдики, бу ишлар Усманий Давлатдан унинг кўп қисимлари ажралиб чиқишга олиб борди. Яна улар турк ва араблар ўртасида ҳам миллатчилик наъралари ва мустақиллик яъни ажралишга интилишларни тарқатиб, битта давлат фуқароларини иккига бўлиб ташлашди. Бу ишларни қилишган ўша вақтларда уларнинг чақириқлари ва гумашталаридан бошқа воситалари йўқ эди. Ҳозир эса улар мамлакатни босиб олишган, унинг ҳамма ишларига ҳукмрон бўлиб туришган ҳамда султон ва вазирлар раиси уларнинг қўлида хоҳлаганларидек ҳаракатлантиришса бўладиган кўғирчоқ бўлиб турган бир вақтда ундай фикрларни тарқатишни кучайтиришди. Бу билан жуда кўп одамларга у фикрларни етказа олишди.

Кейин Мустафо Камол ҳаракатга тушиб қолди. Лекин ҳаракати жуда махфий бўлиб, уни биров сезмай қолди. Бу вақтда кўпчилик уни султоннинг дўсти деб ҳисоблар эди. Унинг ҳукуматга қарши фитна қилаётгани ёки ундан рози эмаслиги мутлақо билинмас эди. Шу сабабли у ҳаракатларини махфий қилди ва босқинчиларга қарши

кураш ва мамлакатни кутқариш ғояси асосида аста секин жамоъа туза бошлади. Лекин у яқинлари билан мақсадларини очикчасига ўртоқлашар эди. Айтишларича, бир марта у Истанбулда ўзига энг яқин бўлган жамоъага режаларини шарҳлаб, шундай деган: “Ҳукумат бирор қарорга келишда эркин эмас, султон ғолибларнинг кўлида маҳбусдан фарқи йўқ. Миллий ҳукумат маркази ичкарига Анозулга кўчиши керак, у ердан туриб мамлакат аҳолисини миллатчилик ҳаракатига қўшилиб, унда иштирок этишга қизиқтириш имкониятга эга бўлди. Таҳдидда қолган султоннинг тахти миллатчилик ҳаракати натижасида нажот топди ва босқинчилар кўлидан халос бўлади. Европа халқлари билан тўқнашмаслик учун бутун саъйи ҳаракатларни сарфлаш керак, чунки биз олиб бормоқчи бўлган ҳаракат тинчлик ҳаракатидир... Энг аввало султонни халос қилишимиз керак... Домод Фарид бошо ҳукумати ҳақида бирор оғиз яхши гап айта олмайман. Шунинг учун бу ҳукуматни тўнтариш, шаксиз, ватанпарварлик ишларидан ҳисобланади деб ўйлайман”.

Мустафо Камол бу ишларга кўшин қўмондонларин қўлга олиш ҳаракатларини ҳам қўшди. Лекин бунга эриша олмади ва кейинчалик бу ишдан умдини узди. Чунки унга аввал кўшин қўмондонлигига ва давлат вазифаларига таъйин қилинишини мутлақо орзу қилмаслиги ҳақида айтилган эди. Шунинг учун сукут қилиб, норозилигини билдирмади. Халифага ва вазирликка ўзини содиқ қилиб кўрсатишда давом этди. Ўзига ёрдамчилар тўплаш, мустақллик мафкурасини тарқатиш ва “мустақиллик ҳаракат билан қўлга киритилади бошқалар, тарафидан совға қилиб берилмайди”, фикри ва шу каби ғарб, хусусан ингилизлар тарқатаётган фикрларни тарқатишдан бошқа ҳеч нарса қилмади.

ИНГИЛИЗЛАР СИЁСИЙ ВА ҚОНУНИЙ УСЛУБЛАРНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Мустафо Камол 1919 йилнинг март ойигача фақат фикрлар тарқатиш, ўз тарафдорларини жамълаш билангина машғул бўлди. 1919 й март ойида иттифоқчилар ўз мақсадларига эришиш учун янги услубларни қўллай бошлаганда, Мустафо Камол ҳам ўз фаъолиятини бошлади. Иттифоқчиларнинг мақсадлари, уларнинг сиёсий тангликларини вужудга келтиришдаги ҳаракатлари ва ўз одамларини шаръий ва қонуний йўллар билан ҳокимият шоҳсупасига олиб чиқиш ишлари муваффақиятсизликка юз тутгач, Туркияни Усманийлар Давлатидан ажратиб олиш, Халифаликни қулатиб Туркия жумҳуриятини тиклаш эди. Иттифоқчиларнинг олиб бораётган ишлари сиёсий, инқилобий ва давлатлараро ишлардан бошқа нарса эмас эди. Иттифоқчиларнинг бу мақсадларини амалга оширишга мажбур қилган иккинчи омил, Италия Измир шаҳрини босиб олиш учун ҳаракатга киришиб қолгани ва Франция Киликияни ўзига ўлжа қилиб олишни қатъий талаб қилиши бўлди. Англия иттифоқчиларга қарши Туркиянинг ўзидан иш бошламаса, у Туркиядаги ўз режаларин амалга ошира олмаслиги ва шу билан бирга Италия ва Франциянинг Англия билан рақобатлашиши Англияни стратегик нуқталаридан анча узоқлаштириб юборишини ҳам англаб етди. Чунки Италия 1919 й апрель ойида Изолия шаҳри ва унга қўшни ўлкаларни, Югославиянинг бир қисми бўлмиш Файюм (ҳозирги Рияка) шаҳрини босиб олгач, иттифоқчилар номидан Измир шаҳрини ҳам босиб олишга ҳаракат қилди. Италиянинг бу ишга Англия ва Францияга қарши чиқиб, Анозулнинг ғарбий соҳили бўлмиш Измир шаҳрини Италия босиб олишга йўл қўймасликка келишиб олдилар. Ҳатто улар Италия Изолияни босиб олганига ҳам қарши чиқдилар. Чунки Италия Изолияни босиб олиш билан Ўрта Ер денгизининг шарқий тарафларига тўла ҳукумрон бўлиб қолар эди. Англия, Франция, Италия ва Россия ўртасида битилган Италиянинг Измирни ва ғарбий соҳилни босиб олиши ҳақидаги битимни – Россия бу битимга рози бўлмаётган урушдан чиққанлигини баҳона қилишиб – бекор деб ҳисоблашди ва энди юнонлар Измирни босиб олиши борасида янги режа туздилар.

Ингилизлар бир тарафдан бу режани амалга оширишга киришган бўлсалар ҳам, иккинчи тарафдан бир вақтнинг ўзида Кичик Осиёнинг ичида жойлашган Анозул шаҳрида тартибсизликлар, йўл тўсарлик ва талон-тарождлар авжига чиқиб унинг даҳшати кучайган, қўшин сафидан бўшатишган баъзи бир тўдалар мамлакатнинг турли жойларида хоҳлаган ишларини бемалол қилиб юрганлигини рўқач қилиб, у ерда қонунни ҳимоя қилиш, тинчлик ўрнатиш ва тартиб бузарларга зарба берадиган кучни вужудга келтириш зарурлигини баҳона қилиб, Англия Истанбулдаги ҳукуматдан шарқий иқлимда тинчликни мустаҳкамлаш, ҳукумат ҳайбатини қайта тиклаш учун у ерларга ҳукуматга содиқ ва кучли бир шахсни юборишни талаб қилди.

Бу ишни амалга оширишга лойиқ шахс Мустафо Камол бўлиши мумкинлигини ҳам ишора қилиб қўйди. Бу масъала юзасидан ҳарбий вазирликдан маслаҳат сўралди. Биринчи маслаҳатчи Жавод бошо бунга розилик билдирди. Жавод бошо Мустафо Камолнинг режаларидан огоҳ бўлгани учун унинг нийятларига шубҳа билан қарар эди. Шунга қарамасдан у ҳам бу маслаҳатга рози бўлди ва Мустафо Камолга бу

хабарни етказди. Бу хабар унга етиб келгач, у ҳарбий вазирикдан шаркий иқлимдаги тартибсизликларни тезроқ бартараф қилиш, зарур чора тадбирларни амалга ошириш учун ўзига кенг ҳуқуқлар ва ҳар бир сўзи амалга оширилишини талаб қилди. Унинг барча талабларига ҳарбий вазирлик рози бўлди.

Мустафо Камол шу вақтгача жим ва хотиржамъ юрар, унинг на султонга ва на вазирликка душманлиги сезилмас эди. Чунки у ўз тарафдорларини ўта яширин тарзда жамлар эди. Мустафо Камолнинг кенг ҳуқуқларини олишга бўлган интилиши шу даражага етб бордики, у ҳарбий вазирлик тарафидан юборилган кўрсатмаларни ҳам кўзлаган режасига мувофиқ тарзда тўғрилаб кейин бош вазир домод Фарид бошога тақдим қилди. Бош вазир бу кўрсатма билан деярли танишиб чиқмай, қўл қўйиб ҳарбий вазирга тақдим қилди. Ҳарбий вазир бир оз иккиланиб, муҳр босди. Бу кўрсатманинг нусхалари Британия бош комиисарига, иттифоқчилар қўшини бош қўмондони Ҳарингтонга ва иттифоқчилар қўшини зобитларига юборилди.

Бу ўринда эътибор қилиш лозим бўлган нарса шуки, фақат Англия бу тартибсизликларни тугатиш масъаласига қаттиқ аҳамият берган эди. Франция эса бу мағлуб мамлакатда хатарли тартибсизликлар бўлишини кутмас, шунинг учун ҳам бу ишга ҳеч қандай эътибор бермади.

Хуллас, Мустафо Камол кўрсатмаларни олгач ва ўзи хоҳлаган салоҳиятларни қўлга киритгач, 15 майда “Анабли” номли кичик кемада Қора Денгиз орқали Самсунга етиб олиш мақсадида Анозулга сафар қилди ва Истанбулни тарк этди.

Юнонлар Измирни босиб олиши учун инглизлар қўллаган тадбирлар

Бу орада, яъни 1919 й. май ойининг иккинчи ҳафтасида Усманийлар ҳукуматига иттифоқчилар сулҳ шартларининг 7-моддасига биноъан Измир шаҳрини босиб олишлари ҳақидаги хабар етди. Бу моддага кўра инглизларнинг манфаъатларига хатар етадиган ҳолат пайдо бўлса, улар Измирни босиб олишга ҳуқуқ берилган эди. Бош вазир домод Фарид бошо Измир волийсига кўрсатмалар берди. Аскарлар ўз қароғоҳларида қолиши зарурлиги ва агар аҳар аҳолиси намоийишлар уюштириб қаршилиқ қилмоқчи бўлса, уни куч билан бўлсада бартараф қилиш ҳақида буйруқ берди.

1919 й 14 майда Измир сувларида ингилз флоти кўринди. Унинг қўмондони адмирал Калсурб эди. У Измир волийсига иттифоқчилар қўшини тез кунларда куруқликка тушиши хабарини етказди ва ундан бу ишга тайёргарлик кўришини талаб қилди. Кейин эса волий билан учрашишни талаб қилиб элчи юборди. Волий унинг олдида келганда, унга ушбу сўзларни айтди: “Ҳозиргина менга юнонлар Измирга тушиб у ерни босиб олишлари ҳақидаги хабар етиб келди”, деди. Бу хабарни эшитган волий ўзини йўқотиб, эшитган сўзларига ишонгиси келмай адмиралга тикилб қолди. Кўз ёшларини тия олмай бўғиқ ва ҳокисор овоз билан: “Юнонлар! Юнонлар! Измирни босиб олар эканми?”, деди. Адмирал бунга жавобан: “Париждан менга етиб келган буйруқ шу”, деди. Унда волий: “Мен бу ишга

жавобгар эмасман. Шу билан бирга мен олдиндан келажакда нималар бўлишини ҳам айтиб бера олмайман”, деди. Унда инглиз адмиралли унга қарата. “Юнонлардан бошқалар Измирни босиб олиши мумкин эмас! Тушундингми?”, деди. Бунга жавобан волий илтижо оҳангида: “Ундай бўлса сизларнинг қўшинларингиздан ҳеч бўлмаса 300 та аскар сўрайман, токи улар билан шаҳарга кирсам, уларни кўриб мусулмонларнинг кўнгли сал хотиржам булади ва бу босиб олиш юнонлар тарафидан эмас, балки иттифоқчилар тарафидан ижро қилиняпти, шу билан бирга бу босиб олиш доимий эмас, балки вақтинчалик деб, уларга тушунтиришим осон бўлади”, деди. Унда адмирал: “Мумкин эмас”, деб жавобни узиб қўйди.

1919 й 15 май куни эрталаб, яъни шу куни Мустафо Камол инглизлар ва Усманийлар ҳукумати тарафидан арқий иқлимлардаги тартибсизликларни тўхтатиш учун Истанбулни тарк қилган эди, айнан шу куни юнон аскарлари курукликка – Измир бандаргоҳларига туша бошлади. Уларни кутиб олиш учун барча юнонликлар пешвоз чиққан эди. Юнонликларнинг шовқин-сурони сифатлаб бўлмайдиган даражада эди. Улар турли ҳайқириқлар билан бақиришар эди. Юнон қўшини аскарлари Измир кўчаларида изғиб юра бошладилар. Турк қўшини аскарлари эса бош вазир тарафидан чиқарилган қатъий буйруққа асосан зудлик билан ўз қароргоҳларига яшириндилар. Лекин юнонликлар ва юнон қўшини хурсандчилик қилар, шу билан бирга Измир кўчаларида одамларни ўчакиштирадиган, нафратларни кўзғатадиган ишларни қилиб изғиб юрар эди. Шундай бўлишига қарамасдан Измир аҳолиси ва Усманийлар қўшини шаҳарда қаршилик кўрсатмай турди.

Юнон қўшини ҳукумат биноси олдига етиб келганда, бино тарафидан бир ўқ отилди, отган одам номаълум эди. Лекин шу нарса аниқ эдики, бу ўқ юнон қўшинини кўзғаш мақсадида отилган эди. Шунинг учун ҳам юнонлар бу ўқ овозларни эшитишлари биланок кўкқисдан тўхташди. Кейин Усманийлар қўшини ва Измир аҳолиси устига ўқ ёмғирлари ёғдиришди. Одамларнинг кўпи ярадор, ўлганлар ҳам кўп эди. Баъзилар ўзларини ҳимоя қила бошлади, тўс-тўпалон ва тартибсизликлар авжига чиқди. Юнон аскарлари бу фурсатни ғанимат билиб нафратларини мусулмонлар устига сочишди ва уларнинг қонига бўлган ташналикларини қондиришди. Турк зобитларининг юзларига туфириб фитна чиқаришга ҳаракат қила бошлади. Туркларни эса бош кийимларини ечиб, босиб-топташга мажбур қилдилар. Ким қаршилик қилса, дарҳол ўта ваҳшийларча қилич билан бурда-бурда қилиб ташланар эди. Кейин эса мусулмон аёлларнинг юзларидан хижобларини олиб ташлай бошладилар. Мобода бирор аёл юзини очишдан бош тортса ўша заҳотиёқ ўлдирилар эди. Кейин улар мусулмонларнинг уйларини талон тарож қилшга ўтишди ва уларни хорлаш ва қўрқувда ушлаб туришнинг бараҷа услубларини қўллай бошлади. Шаксиз бу ишлар оддий иш эмас, балки аниқ мақсад билан қилинган ва Ислом Давлатини емириш режасини охирга етказиш учун қўлланган тадбир эди.

Бу ваҳшийликлар ва даҳшатли қўрқитишлар асносида, яъни 1919 йилнинг 19 майида “Анбали” кемаси Измир портидаги инглиз флоти ва юнон кемалари орасидан жой олди. Мустафо Камол кемадан тушиб, шаҳарга кирди. Бунинг сабаби,

Мустафо Камол 15 майда “Анабли” кемасида Қора денгиз орқали Самсунга етиш мақсадида Истанбулни тарк қилган эди. Лекин у Самсунга бориш ўрнига Измирга борди.

Вазирлик бу ишдан хабардор эди. Шунинг учун Мустафо Камол Истанбулни тарк қилган кун ярим тунда, яъни 16 май тунда бош вазир домод Фарид бошо Британия олий коммисари вакили билан дарҳол учрашишни талаб қилди. Учрашувда бош вазир вакилига – султонга Мустафо Камол ички иқлимларда тўполон чиқариш мақсадида эканлиги ҳақидаги хабарлар келгани сабабли, султон Мустафо Камолни шарқий иқлимларга юбориш фикридан қатганини, шунинг учун уни йўлдан ҳар қандай услуб билан бўлса ҳам қайтариш лозимлигини, айтди. Вакил бош вазирга зудлик билан Мустафо Камолнинг йўлини тўсиб, уни орқага қайтариш ҳақида буйруқ берилади, деди. Лекин ингелизлар бунинг учун ҳеч қандай чора кўришмади. Мустафо Камол бемалол кемада Измирга қараб юришини давом эттириб, 19 майда яъни Измирда юнонларнинг мусулмонларни қўрқувга солиш ва фитна чиқариш ишлари авжига чиққан бир пайтда Измирга етиб келди.

Мустафо Камол шахрига келиши билан волийларни йиғиб, уларга ўзи юнонларга қарши чора кўришни ва бунга салтанат рози эканлигининг хабарини берди. Кейин юнонликларни йиғиб уларга маъруза қилиб, улардан халқни миллатчилик намойишларига тайёрлашни талаб қилди. Намойишда насронийларга қаршилик клишдан огоҳлантириб, у тинч йўл билан ўтказилиши кераклигини уқтирди. Уларга қилган маърузасида қуйдаги сўзлар ҳам бор эди:

“Душанба кунгача сизлар, аҳолининг қўпчилигини катта бир йиғинга йиғиб, унда миллатчилик туйғуларини қўзғайдиган ва турк халқининг ҳаётлигини намойиш қилиб берадиган оташин нутиқлар қилиб миллатчилик руҳида намойиш уюштириш ишларини охирига етказишларингиз керак. Биз тинчлик йўли билан олиб борадиган намойишимиз орқали иттифоқчиларда адолат ҳиссини қўзғамокчимиз ҳамда уларга устимиздаги адолатсизликни сездириб қўймоқчимиз. Мен аминманки, тинчлик билан олиб борадиган миллий намойишимиз, ғарбдаги олийжаноб ва машҳур шахсларни бизнинг миллий ишларимизга шармандаларча аралашувларга тўсиқ қўйишга чорлайди. Намойишлар вилоятнинг ҳамма тарафларида ўтказилиши, катта давлатларга ва саройга телеграммалар юборилиши лозим. Бирор кимса насронийларга озгина бўлсада қаршилик қилиб тўпалон чиқаришга имкон бермаслигингиз зарурлиги ҳақида сизларни қаттиқ огоҳлантираман. Намойишимиз миллий руҳда ва тинч ўтказилмоғи шарт”.

Мустафо Камол салтанат устидаги шахсларга аҳоли номидан кескин телеграммалар жўната бошлади. Уларнинг бирида: “Мамлакат хафв остида!”, яна бошқасида: “Марказий ҳукумат ўзининг асосий ишларини удалай олмай қолди”, яна бирида: “Юртимиз мустақиллигини фақат халқ хоҳиши ва халқ ҳаракати билангина ҳимоя қила оламиз”, деб ёзилган эди. Улар ичида халқнинг қаттиқ ҳаёжонини очик намойиш қилган телеграмма Истанбулга Синуп ҳарбий портидан жўнатилган бўлди. Унда “Европа ўзи хоҳлагандай ҳаракатланаётган, ўзи хоҳлагандай бошқараётган Туркияда турк халқи учун ҳаёт йўқ!”, деб ёзилган эди.

Халифаликка қарши қўзғалонида Мустафо Камолнинг биринчи қадамини бошлаши

Ушбу телеграмманинг юборилиши натижасида Синуп волийси вазифасидан четлатилди. Телеграммалар бош вазир ва Мустафо Камол ўртасида алмашиб турди. Лекин бош вазир султон номидан юборар эди. Султон Мустафо Камолни зудлик билан орқага қайтишини талаб қилди. Лекин у бу талабни рад қилиб, телеграмма йўллади: “Мен Анозулда то мамлакат тўла мустақилликка эришгунча қоламан”. Бу очик рад жавоби инқилоб ўтини алангалантиргунча одамларни ўз атрофига тўплашда давом этиб, Анозул шахрида қолиб кетди.

Мустафо Камол Халифаликни қулатиш ва Туркияни Усманийлар давлатининг бошқа қисмларидан ажратиб ташлаш ёки уларнинг таъбирича Усманийлар империясини емириб ташлаш билан ниҳоясига етган инқилобни мана шундай услубда бошлади. Бу воқеалардан инқилобни амалга ошириш чораларини фақат инглизлар хозирлагани ва Мустафо Камолни инқилоб қилиш учун юборишгани аниқ кўриниб турибди. Айнан инглизлар шарқий иқлимларда тартибсизликлар бор, деб даъво қилди, айнан улар фақат Мустафо Камолни бу тартибсизликларнинг олдин олиш учун юборилишини талаб қилди, айнан улар Измирни юнонлар инглизлар ҳимояси ва флоти орқали эгаллаб олишга шароит яратиб, Измирда қўзғалонга сабаб бўладиган тартибсизликлар чиқарадилар, айнан улар Мустафо Камол учун Измирда содир бўлиб турган тартибсизликлардан унумли фойдаланиб, ўз атрофига одам йиғишни бошлашга имкон яратиб беришди. Бўлиб ўтган воқеалардан бу ишлар аниқ кўрниб турибди. Бу воқеалардан хабардор ҳар бир одам шундай хулосага келади.

МУСТАФО КАМОЛ ИНҚИЛОБИГА ИНИЛИЗЛАРНИНГ ЁРДАМИ

Мустафо Камол юқорида зикр қилинган ишларни қилган бўлса ҳам, агар ингилизлар уни қўллаб-қувватламай, бошлаган ишини охирига етказиш учун ўз холига ташлаб қўйишганда эди етиб борган мақсади сари бир қадам ҳам силжий олмас эди. Чунки Туркияда араб тилида сўзлашувчи Ислом мамлакатларини Усманийлар Давлатидан ажратишга ва фақат туркий юртлар билан кифояланишга рози бўладиган одамлар топилса ҳам, лекин туркий юртлардаги бирон-бир мусулмон – Мустафо Камол ва бармоқ билан санарли бир неча шахсан бошқа – Халифаликни бекор қилишга рози бўлмас эди. Балки барча мусулмонлар Халифаликни маҳкам ушлашга қатъий келишишган эдилар. Халифаликни яхши кўриш ва унга содиқлик қалблари тўридан ўрин олган эди. “Подшоҳ чўх яша” сўзи жаранглаб айтилганда бу сўз ҳар бир туркнинг қалб торларини ларзага келтирар ва улардаги оташин туйғуларни кўзғатар эди. Шунинг учун ҳам халқ вакилларидан бирортаси – у ким бўлишидан қатъи назар – Халифаликни бекор қилишга қарор қилишининг эҳтимоли йўқ эди.

Лекин ингилизлар қўллаган услублар, Мустафо Камолни давомли равишда қўллаб-қувватлашлари унинг инқилобида мана шундай самараларни берди. Англия бу инқилоб ҳақида атрофлича ташвиқот олиб борар, инқилоб абарларини бўртириб кўрсатар ва Туркияга нисбатан иттифоқчиларда кўрқинч ҳисларини кўзғашга ҳаракат қилар эди.

Истанбулга ажнабийлар ва зобитлардан ҳисоботлар оқиб кела бошлади. Улар Анозулда ҳукм сураётган катта тартибсизликлар ва миллатчилик туйғулари кўзғалаётганини сифатлашдан иборат эди. Телеграммалар ва ахборот муассасалари ҳам инқилоб хабарларини бўртириб тарқатар эди. Шу орада парижда иттифоқчилар ўртасида сулҳ тузиш учун конференция чақирилди. Англия Мустафо Камол амалга оширган ғалаён хабарларини конференцияда кўриладиган масъалалар қаторига киритиб, қатнашчиларнинг ғазабини кўзғашга ва исёнчиларга қарши қатъий шартлар қўйишга тарғиб қила бошлади.

Лекин Франция бу ишлар Англия томонидан ўйлаб топилган найранглар эканлигини билар, шунинг учун Мустафо Камол ғалаёни ҳақидаги хабарларга аҳамият бермади. Балки у бундан кўра жиддий иш, яъни домод Фарид бошо ҳукуматини ўзига мойил қилшга ҳаракат қилиб, вазирга Франция бу инқилобдан ғазабда эмаслигини изҳор қилди. Франция бош вазир шахсан ўзи Парижга бориб иттифоқчиларга дўстлигини намойиш этиш ва уларнинг раҳм-шафқатларини топишга интилаётганини билгач, зудлик билан бир ҳарбий кемани бош вазир бошчилигидаги Усманийлар вакиллари ихтиёрига берди. Тоинки Париж конференцияда Усманийлар Давлатининг келажаги ҳақида қатъий қарорга келнишидан олдин Усманийлар Давлатининг ҳам овози эшитилсин.

Лекин Англия бу ишга қаршилик қилди ва Франциянинг Усманийлар ҳукуматига қилаётган ташаббусидан кўрқди. Англия аввалда бош вазирни бу ишдан кайтармоқчи бўлди. Вазир ўзини вакиллар билан бирга бориш орзуси бору, лекин

касаллиги бунга монельлик қилаётгандек қилиб кўрсатди. Кейин у ингилиз ҳарбий кемасида сафар қилди.

Париж конференцияси жуда ҳам қатъий шартларни ўз ичига олган қарорлар чиқарди. Уларни Англия танлаган эди. У бу қарорларга қаттиқ ташаббус кўрсата бошлади. Ҳатто Лойд Жорж (1869-1944 й.й ингилиз сиёсатдони, 1916 йдан 1922 йгача бош вазир лавозимида ишлаган. 1919 йилда Парижда ўтказилган сулҳ конференциясида муҳим ўрин эгаллаган) 1919 йил 8 ноябрда тантанали мажлисда маъруза қилди. Унда ушбу сўзларни айтди: “Сулҳ шартларига, хусусан Усманийлар империяси масаласига иттифоқчи давлатларнинг барчаси розилик билдирди. Бутун Европа Усманийларнинг жирканч ва зарарли ҳукумронлигини юнон, арман ва араблар яшайдиган ерлардан тўхтатилши лозимлиги ҳақида яқдиллик билан келишиб олдилар. Қора денгиз ва Ўрта Ер денгизидаги портлар барча халқлар учун очиқ қўйилиши лозим”. Лекин Франция ва Италия бу сулҳдан норози эди. Аммо Англиянинг бу шартларга ташаббус кўрсатиши, уларни Усманийлар давлатини таҳдидга солиб қўйиш учун восита қилиш мақсадида эди. Шу билан бирга туркларни султонга қарши қўзғаб Мустафо Камол тарафига оғдириш эди. Шунинг учун Англия 1921 йил февралда Лондонда ўтказилган конференцияда ушбу шартлар бекор қилинишини бринчи бўлиб талаб қилди.

МУСТАФО КАМОЛ ИНҚИЛОБИДАГИ БИРИНЧИ ҚАДАМ

Нима бўлганда ҳам, инқилоб кўчайиб, сусайиб давом этаверди. Мабодо Мустафо Камол инқилобни амалга ошириш жараёнида қулаб кетадиган ҳолатга тушиб қолса, ингилзлар уни бундан қутқариб қолиш ва қўллаб-қувватлашга мажбур эдилар. Инқилоб аввалда муваффақиятли бўлди. Ёш кўмондонлар Мустафо Камолга қўшилиб, унинг изидан боришга тайёр эканликларини эълон қилдилар. Бундан ташқари ёши катта кўмондонлар ҳам у билан Халифаликка тегмаслик ҳақида шартлашиб олганларидан кейин унга қўшилдилар. Мустафо Камол тарафига кўмондонлар қўшилиб, унда катта куч ҳосил бўлиши билан, янги ҳукумат тузмоқчи бўлди. Шу мақсадда Сивасдан (Анозул шарқидаги шаҳар) Рафъат бошони чақириб олди. Рафъат ғарб фикрларининг ошиқларидан ва европаликарни ўта яхши кўриб, ўзини йўқотиб қўйган шахслардан бири эди. Анқарадаги кўшин кўмондони Алий Фуъодни ҳам чақириб олди. Алий Фуъод ҳарбий билимни мукамал эгаллаган ҳарбийлардан ҳисобланар, шу билан бирга у ўта моҳир сиёсатчи ҳам эди. Алий Фуъод ва Рафъат бошо етиб келишди. Рафъат бошо ҳарбий денгиз флотидан истеъфо бериб бўшаган эди.

Кўмондонлар ўртасида яширин йиғин ўтказилди. Унда Ориф йиғилганларнинг сўзларини ёзиб борди. Мустафо Камол ўз нуқтаи назарини баён қилди ва фикрларини кенг шарҳлаб берди. Унинг фикрларига ҳамма қўшилиб, ҳозирги лаҳзада ягона умид қаршилиқ кўрсатишдир, деган тўхтамга келишди ва уни амалга ошириш учун режа тузишди. Бу режа – бостириб келаётган юнон кучларининг йўлини тўсиш учун Измирга қараб кетаётган тартибсиз тўдаларни тартибга солиш, кучайтириш ҳамда бу урушлар натижасида бўлиниб парчаланиб кетган ҳарбий кўшинни бирлаштириб, ягона, тартибли, кучли ватан кўшинини қайта тиклашдан иборатдир.

Қаршлиқ кўрсатиш ҳаракатни бошқаришни қўлга олиш учун ҳам режа ишлаб чиқилиши керак эди. Кўпчиликнинг фикрига кўра Алий Фуъод ғарбдаги ҳамма кучларга, Козим Қора Бакр эса шарқдаги кучларга бошчилик қиладиган бўлди.

Кейин Мустафо Камол сўзини давом эттириб: “Марказий ҳукумат ва султон душманлар ҳукумронлиги остида қолди. Шунинг учун ҳам Анозулда муваққат ҳукумат тузиш лозим”, деди. У сўзларини тугатиб-тугатмай йиғилганларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб олдинга қараб интилди ва бу фикрга нисбатан ғазаблари ва қаршилиқларини изҳор қилди. Раъуф Халифани ёки марказий ҳукуматни ғазаблантирадиган бирор қадам босилишига қатъий қаршилигини очиқ айтди. Йиғилганларнинг ҳаммаси бир овздан қаршилиқ қилиб, Мустафо Камолга агар у ватанга хизмат қилса, ватан йўлида жонини фидо қилса у билан бирга бўлишларини, унга ишонсаларда, лекин битта шарт қўйишларини, яъни султоннинг ҳуқуқларига тегадиган ёки унинг қалбини оғритадиган бирор иш қилмаслиги лозимлигини айтишди. Халифалик ҳамма нарсадан юқори турши ва салтанатга ҳеч қандай зарар тегмаслиги зарурлигини таъкидладилар.

Лекин Мустафо Камолга кўшилганларнинг кўпчилиги бу инқилобни кўринишида Султонга қарши бўлган билан аслида унга қарши бўлмай босқинчи иттифоқчиларга қарши деб билишарди. Мустафо Камол ва унинг гумашталари эса султонга қарши деб билишарди. Шунинг учун у ўз ниятларини яшириб, Халифаликка ҳеч қандай зарар етказмаслик ҳақида қатъий сўз берди. Бу ишни амалга ошириш учун иттифоқчилар билан тўқнашувлар бўлиб ўтди зарур эди. Натижада икки ажиб ҳодиса содир бўлди.

Самсунни босиб олиш

Бринчис: инглизлар қўзғалончиларни денгизга яқинлашиш ва Савасни эгаллаб олишларни тўсиб қўйиш мақсадида Самсунни кучли қўшин билан қамал этишларини эълон қилишди. Мустафо Камол Рафъатга Самсунни ҳар қандай йўл билан мудофаъа қилишни ва инглизларнинг йўлини тўсиб уларнинг қўшинини Самсунга тушурмасликни буюрди. Рафъат буйруққа бўйсуниб ўзи билан мусулмонлардан юзтасини олиб портга қараб кетди. Портга инглиз полковниги оз сонли аскарлар билан етиб борган эди. Лекин Рафъат ва у билан келган аскарлар шаҳарга кириб бордилар. Шаҳарда улар инглиз аскарларини кўришди. Лекин ўртада ҳеч қандай тўқнашув содир бўлмади. Аксинча инглиз полковниги ва унинг аскарлари портда турган кемаларга чиқиб сузиб кетишди. Шу сабабдан халққа инглиз қўшини кўрқди ва инглиз кўмондони қаршилик бефойда эканлигига аниқ ишонганлиги учун чекинди, Самсун инглизлар босиб олишдан омон қолди ва Сивас шаҳри ҳам мусулмонлар қўлида қолди, деб эълон қилинди.

Мустафо Камол инқилобининг қуролли тус олиши

Иккинчи Ҳодиса юнонлар билан бўлди. Инглизлар юнонларни турклар билан бўладиган тўқнашувларда қатнашиш учун тайёрлар эдики, бу тўқнашувлар мамлакат аҳолисида фидоийлик ва шижоъатнинг намоён бўлишига олиб бориши керак эди. Инглизлар бу каби мақсадларни амалга ошириш йўлида, агар бошқаларнинг қони тўкилиши имкони бўлса, инглиз қони тўкилишини қизғанар эди. Шунинг учун ҳам юнонлар бу жангларда “қурбонликка аталган қўй” бўлишди. Бу ҳодисанинг тафсилоти:

Юнонлар Измирда қолишнинг ўзи билан кифояланишмади. Измир ҳокими мавжуд “Измир шаҳригагина кифояланиш” ҳақидаги кўрсатмаларга бўйсунмади ва юнонлар Измирга қўшни ерларни босиб олишга киришдилар. Юнон кўмондони қўшинга бош бўлиб Айдин иқлимига қараб юриш бошлади. Қўшин ҳаракат бошлаши билан юнон аскарлари устига ўқ тинмай ёғилиб кела бошлади. Юнон тўдалари бу ҳолатдан кўрқиб даҳшат ва саросимага тушиб, ўзини йўқотиб қўйди ва тинч аҳоли устига ўқ ёғдира бошлади. Турклар ҳам ўққа ўқ билан жавоб қайтаришди. Бу тартибсиз уруш натижасида юнонлар мағлуб бўлди. Турклар уларни шаҳардан қувиб чиқариб, юнон маҳалласини ёқиб юборди. Юнон қўшини кучларини тўплаб ва ҳарбий тайёргарлигини кучайтиргандан кейин, шаҳарга қайта ҳужум қилиб, уни эгаллаб

олди ва турк маҳалласини ёқиб юборди. Кейин эса Измирда турк аҳолисининг сонини қисқартириб, юнонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилиши учун туркларни ўта ваҳшийлик билан ўлдира бошлади. Бунинг натижасида қурол кўтаришга қодир ҳар бир турк қуроолларини кўтариб қирларга чиқиб кетди ва у ерларда туриб босқинчиларга қарши партизан уруши бошлади. партизанлар уруш тўхтаб-тўхтаб бўлиб турди. Бу урушлар сабабли юнон ва ингилизларга нисбатан нафрат руҳи кўзгалди. Зобитлар Мустафо Камол байроғи остига келиб қўшила бошлади. Мустафо Камол уларни қишлоқларга, у ердаги аҳолида фидоийлик ва шижоъат ўтини алангалатиш учун юбора бошлади. Бу хабарлар пойтахтга жуда бўрттирилган сувратда келар эди. Ингилизлар эса султон олдида ўзларининг ҳақлигини намойиш қила бошлади. Султоннинг Мустафо Камолга йўллаган телеграмма ва чақириқларидан ҳеч қандай нафъ бўлмади. Чунки у султоннинг буйруғига бўйсунмаслигини очик айтган эди. Шундан кейин султон уни четлатиш ҳақида буйруқ берди. Барча ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган бошлиқларни Мустафо Камолнинг буйруқларига бўйсунмаслик зарурлиги ҳақида огоҳлантирди. Унинг четлатилгани ҳақидаги хабар мамлакатнинг ҳамма томонларига тарқалди. Султон Мустафо Камолнинг номини зобитлар рўхатидан чиқариб ташлади. Шу билан бирга зобитлардан ким у билан алоқа боғласа, ўша захотиёқ рўйхатдан унинг номини ҳам ўчириб ташланиши ҳақида қаттиқ огоҳлантирди. Мустафо Камол ўз кўмондонлигига қарата, мен ишдан четлатилган ҳолатимда ҳам сизлар ишни тўхтатмасликларингиз ва султонга янги таъйин қилинадиган зобит ҳеч қачон қўшин ва халқнинг ишончини оқлай олмаслигини етказишингиз шарт, деган мазмундаги кўрсатмаларни бериб ишдан четлади. Бир неча ҳафта аҳолини исёнга кўзғаш ва кўлидан келганича ҳукумат тадбирларини барбод қилиш ва барча тасарруфларига қарши туриш билан машғул бўлиб турди.

Арзурум конференцияси

1919 йил 23 июлда Арзурумнинг чекка қишлоқларидан бирида, қишлоқ мактабларига ўхшаш бир кичик бинода бир неча киши тўпланди. Тўпланганлар шарқий иқлимларнинг ноиблари бўлиб, улар ажиб таркибдан иборат эди. Улар орасида собиқ ноиблар, оқсоқаллар, катта мансаб эгалари, курд қабилаларининг бошлиқлари ва зобитлар бор эди. Конференция халқ номи билан очилди. Унда биринчи қўйилган масъала конференция раисини таъйинлаш бўлди. Аъзолардан бири ўрнидан туриб, Мустафо Камол шарқий иқлимлардан бирортасига ноиб этиб сайланмаган бўлса ҳам бу мажлисга раислик қилиши тўғри бўладими? Бу ҳақида ҳурматли аъзолар қандай фикрдалар? деб савол берди. Ноибнинг сўзлари шиддат билан бўлиб ташланди ва Мустафо Камол кўпчилик овоз билан конференция раиси этиб, ундаги мунозаралар нотинч, ғалаёнли ва беқарор муҳитда ўтди. У бир неча қарорлар чиқариб тарқалди.

У қуйдаги қарорларни чиқарди:

1. Халқ бўлақларга ёки қисимларга бўлинмайдиган яхлит бирликдир. Шарқий вилоятлар ҳар қандай мустамлакага қаршилиқ қилиш ва ички ишларга ажнабийлар аралашувиغا йўл қўймасликка жиддий киришгандир. Агар Истанбул ҳукумати халқ

билан бирга бўлиб, халқни ажнабийларнинг ҳужумидан ҳимоя қилмаса, бундай танг ҳолатда мамлакат ишларини бошқаришни ўз зиммасига оладиган муваққат ҳукуматни талаб қилишдан ўзга чора қолмайди.

2. Конференция аъзолари ҳануз зиммаларида Халифага бўлган байъат мавжудлигини, уларнинг халифа Ваҳиди-д-динга бўлган содиқликлари давом этажagini тан олдилар.

3. “Ноиблар ижроия ҳайъати” номи билан бир ҳайъат тузилиб, унга кенг ҳуқуқлар берилди. Унинг вазифаси конференция қарорларини амлга оширишдан иборат эди. Мустафо Камол бу ҳайъатга раис қилиб сайланди.

Конференция қарорлари дарҳол халққа тарқатилиб, унинг нусхалари Европа давлатларига ҳам юборилди. Кейин Сивас конференциясини ўтказиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди.

Лекин Истанбул ҳукумати Арзурум конференцияси ҳақида хабар топгач, конференция ҳақида баёнот берди. Унда шундай сўзлар бор эди: “Анозулда баъзи бир тартибсизликлар бўлди, йиғинлар ўтказилди. Улардан кўзланган мақсад тузумга футур етказиш ва конституцияга нисбатан тажовуз қилишдан иборатдир. Бундан ташқари бу мажлини “конституцион парламен мажлиси” деб эълон қилинди. Аслида ба мажлис парламент мажлиси эмас. Шунинг учун ҳам ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган бошлиқлар бу ҳаракатни тамоман бостириб ташлаши ва буйруққа итоъат қилмаганлар устидан кескин чоралар қўллаши зарурдир”. Ҳукумат бу баёнотни газеталарга тарқатди. Бутун дунё газеталари ҳам уни бир-биридан олиб тарқатишди.

Ҳукумат варақалари Арзурум ҳокимиятига ҳам етиб келди ва у Истанбул ҳукуматига жавоб хат йўллади: “Парламентнинг тузулиши ҳозирги кундаги энг долзарб ишлардандир. Агар парламент мавжуд бўлганда эди, бу каби мажлисларга этиёж бўлмас эди.

Ҳукумат ўзининг нозик мавқеъи ҳақида фикр юритиб, янги сайловларга ҳозирлик кўрмай туриб парламент мажлисини тарқатиб юборганлиги, бу билан конституцияга зид иш тутганини ҳис қилди. Лекин ҳукумат инқилобни бостириш учун тез ва кескин чоралар қўллашга ҳаракат бошлади. Шу мақсадда ўизга содиқ кишлардан кўшин тузди ва уни Анозулга жўнатди.

Ингилизлар Султонни Мустафо Камол инқилобини бостириш учун кўшин юборишдан қайтаради

Бу ишдан хабар топган ингилизлар султонни ундан иттифоқчилар номидан қайтариб унга қарата: “Сулҳ шартларига биноъан кўшин янгидан тузилиши эмас, балки тарқатиб юборилиши керак”, деб айтишди. Султон инқилобни бостириш учун унга тўла ҳуқуқ берилишига ҳаракат қилиб кўрди. Лекин иттифоқчилар унга бутунлай қаршилик қилишди. Бу ўринда иттифоқчилар номи зикр қилнганда

ингилизлар кўзда тутилмоқда. Чунки улар мамлакатга ҳукумрон эди. Иттифоқчилар номи билан иш юритаётган шахс Британия олий комиссари ва унинг атрофидагилар бўлиб, бунинг устига иттифоқчилар қўшини бош қўмондони ҳам Ҳарингтон эди.

Султон иттифоқчилар тартибсизликларни бостириш учун қўшин юборишга рухсат бераётганлигини кўргач, улардан, ундай бўлса сизлар бу тартибсизликларни бостиришга кимни лойиқ деб топсанглар уни жўнатинглар!” деб қатъий талаб қилиб туриб олди. Шунда улар султонга ушбу жавобни йўллашди: “Биз бетарафмиз. Туркиянинг ички ишларига аралашишга ҳақимиз йўқ. Агар султон бу мамлакат бошида туришни хоҳласа, фақат унинг ўзи тузумни сақлаб қолишга масъулдир!”.

Сивас конференцияси

Шунда султон ўзининг энг яқин ёрдамчиларидан ҳисобланган Ғолиббекдан, курд қабилаларидан баъзиларига бошчилик қилиб Сивас шаҳрига ҳужим қилиш ва конференция аъзоларини ҳаммасини қамоққа олишни талаб қилди. Лекин Ғолиббек бу ишни уддалай олмади. Конференция аъзолари Анозулнинг ҳамма томонларидан Сивасга етиб келишди ва конференция 1919 йил 4 августда Мустафо Камол раислигида ўз ишини бошлади. Лекин унинг раислик қилиши эътирозга учради. Конференция бошланишидан бир оз олдин унинг энг яқин дўстларидан бири Рауфбек унинг олдига келиб, “Биз конференцияга раислик қилиш ҳақида маслахатлашганимиздан кейин, сиз қандай йўл билан бўлса ҳам унга раисликни қабул қилмаслигингизни лозим деб топдик”, деди.

Конференция Мустафо Камол раислигида бошланганда, аъзолардан бири ўрнидан туриб, Мустафо Камол ҳокими мутлақдек иш тутиб ҳеч қандай сайловсиз ўзини раис қилиб олди, деб эътироз билдирди. Мустафо Камол ўзини ҳимоя қилиб шундай деди: “Биз ҳозир талашиб тортишадиган мажлисда ўтирганмиз йўқ. Агар бир бир-биримиз билан талашиб тортишадиган бўлсак, унда империя юлдузи кулаб, унинг номи батамом ўчиб кетади. Мустафо Камол бу сўзлари билан ўтирганларга таъсир ўтказди. Унинг тарафдорлари уни олқишлай бошладилар. Натижада ҳамма унинг раислигига рози бўлиб қолди. Кейин овозлар йиғилиб кўпчилик овоз Мустафо Камол тарафида эканлиги эълон қилинди.

Мустафо Камол раис этиб сайлангандан кейин ўрнидан туриб йиғилганлар олдида нутқ сўзлаб, нутқини Султонга содиқлигини намойиш қилиш билан бошлади. Шундан кейин конференция бошланиб, сершовқин, ўткир мунозарали муҳитда давом этди. Шивирлашлар кўпайиб, эътирозлар айтила бошлади. Ноиблардан бири ўрнидан туриб, конференциянинг ижроий комитетини ҳукумат деб танолинши ўрнсиздир, мабодо европаликлар Анозулнинг ички ишларига аралашиб уни тамоман босиб олишса, бу комитет уларга қарши нима қила олади? Қўшиннинг сарф-ҳаражатлари ва хизматчиларнинг маъошларини қоплаш учун маблағ қаердан топади? деб эътироз билдирди. Яна бир ноиб ўрнидан туриб, Америка Қўшма Штатларининг мустамлакачи таъмаси йўқ, Амеркагина Туркияни ушбу танг ҳолатдан қутқара олади. Туркиянинг бирдан бир паноҳ йўли – агар у тамоман

емирилиб кетишини хоҳламаса – Американинг кучоғига ўзини отишдир, деди. Раъуфбек, Бакр Сомийбек, Козим Қора Букайр, Рифъат, Алий Фуъод ва яна учта бошолар бу фикрни қўллаб қувватлаб, уни астойдил ҳимоя қила бошладилар. Яна бир ноиб ўрнидан туриб, Американинг ваколати мустақилликка барҳам бермайди, аксинча биз бу билан Туркияни хор мустамлака қиладиган ва унинг хурматини куллик даражасига тушириб юборадиган Англия ҳимоясидан четланган бўламиз.

Конференция Мустафо Камолнинг барча сайхарақатларини барбод қиладиган муҳитда давом этиб, узоқ мунозаралардан сўнг, Арзурум конференцияси қарорлари билан бир хил бўлган қарорлар чиқарди ва қатнашчиларда Мустафо Камолга нисбатан норозилик руҳида ўз ишини тамомлади. Конференция тугагач Мустафо Камол олдига Козим Қора Букайр бошо келди. У иттифоқчиларга таслим бўлмаган, уларга итоъат қилмаётган ва ҳизиргача ўз ҳолида сақланиб турган ягона кўшиннинг кўмондони эди. Козим Қора Букайр Мустафо Камолнинг олдига келиб, унга “Жаноб, сизнинг номингиз билан хабар бериш эътироз ва танқидларга сабаб бўлмоқда. Албатта сиз бу каби ишлар ва бу нотекис йўлларда юриш натижаси нимага олиб боришини тасаввур қила оласиз. Шунинг учун ҳам мен сиздан ҳозирданок ва кейинчалик ҳам ижройия комитети нима иш қилса ҳам ўз номидан гапирадиган қилишингизни илтимос қиламан”, деди.

Шунинг учун Мустафо Камол конференциядан жуда безовта ҳолда чиқди. Лекин у конференция чоғида қатнашчиларга ҳукумат тарафдори Ғолиббек баъзи курд қабилаларига бошчилик қилиб қатнашчиларни қамокқа олиш учун келганлигини билдириб, уларни ўзларини ўзлари ҳимоя қилишга ундади. Шунда конференция аъзолари қаср билан бевосита боғланишни талаб қилишди. Лекин уларга рухсат берилмади. Кейин улар бош вазир домод Фарид бошога дағ-даға билан “Агар бош вазир бир соатдан кейин бизни қаср билан боғланишимизга рухсат бермаса, биз марказий ҳукумат билан бутунлай алоқани узиб, хоҳлаган ишни қилаверадиган эркин шахсларга айланамиз”, деб телеграмма юбордилар. 1919 йилнинг 12 август куни эрталаб таъйин қилинганмуддат тугади. Конференция қатнашчилари ўз талабларини амалга оширдилар. Натижада қаср билан ноиблар ўртасида барча алоқа узилди.

Мустафо Камол бу фурсатни ғанимат билиб, ғайратига ғайрат қўшилиб, Истанбулни мамлакатнинг бошқа қисимларидан узиб қўйди. У конференцияда ҳеч нарса уддалай олмаган ва Анозулда янги ҳукумат тузишнинг зарурлигини айтишга ҳам журъат эта олмаган бўлсада, лекин у ўзи билан бирга бўлганларни Истанбулдаги ҳукуматни ўзгартиришни талаб қилишга қаноъатлантира олиш билан кифояланди. Лекин улар бу фикрга розилик ва на қаршилиқ билдирмадилар. Мустафо Камол агар тарафдорлари сафининг бошида зобитлар бўлмаса кўшинга ҳукумронлик қила олмаслик ва ўзига қарши чиқувчиларни бостириш учун кўшиндан мадад олмаса бу ишни уддалай олмаслигини кўрди. Кўшин эса халифа билан бирга. Бундан ташқари конференцияда қатнашчилар Мустафо Камолга халифадан ажралиш ҳеч ҳам мумкин эмаслигини очик билдириб қўйдилар. Бу ишлардан хулоса қилган Мустафо Камол домод Фарид бошо билан эмас, халифа билан ҳамфикр бўлиб олишга қарор қилди.

Мустафо Камолнинг иккинчи қадамга тайёрланиш учун халифа билан хамфикр бўлиши

Бу бир тарафдан бўлса, бошқа тарафдан Сивас конференцияси хабарлари Истанбулга бошқача, яъни “бу конференцияда Мустафо Камол ғалаба қилди”, деган мазмунда етиб келди. Конференция аъзоларнинг Истанбул ҳукумати билан алоқани узганлиги эса бу мазмунни қўллаб қувватлади. Гарчи алоқа узулишининг сосий сабаби бош вазир конференция аъзоларини қаср билан бевосита боғланишини манъ қилгани ҳамда у Ғолиббекни курд қабилаларига бош қилиб конференция қатнашчиларини қамоққа олиш учун юборганлиги бўлса, бу алоқанинг узилиши ҳамда конференцияни ташкил қилишдаги муваффақияти унинг ҳақиқий сувратини бошқача қилиб қўйган эди.

Бундан ташқари иттифоқчилар, яъни инглизлар Истанбулдаги масъул шахсларни Мустафо Камол билан келишиб олишга мажбур қилди. Мана шундай вазъиятда Мустафо Камолнинг Солоник кунларидан бери кадрдон дўстларидан бири Абдул-Карм халифанинг олдига келди. У халифа билан Мустафо Камол ўртасидаги воситачи бўла олишини, Мустафо Камол халифаликка ва халифага, хусусан Ваҳид-динга содиқ эканлигини ҳамда уни халифа билан хамфикр бўлишга қаноъатлантириш учун таёр эканлигини айтди. Мана шундай оқилона вазъиятда султон Ваҳиди-д-дин Мустафо Камолга инқилобни бутунлай тўтатиш талабларини тақдим қилишга рози бўлди. Абдул-Карим телефон орқали Сивас билан боғланиб, Мустафо Камол билан гаплашди. У инқилобни тўтатишга розилик билдириб, домод Фарид бошо вазирлигини ўзгартириш ва султон тарқатиб юборган парламент ўрнига янги парламент сайлови ўтказишни талаб қилди. Султон бу талабга рози бўлди.

Бу бир кечада телефон орқали бўлиб ўтган музокаралардан уч кун кейин, яъни 1919 йил 2 октябр куни султон Фарид бошонини вазирликдан четлатди. Фард бошо инглизлар бирданига ундан юз ўгирганлиги сабабли ноумидликка тушиб қолганлигини одамларга айтиб юрар эди. Унинг ўрнига собиқ ҳарбий ишлар вазири Алий Ризо бошонини таъйин қилди. Бу иш Мустафо Камол учун ғалаба деб эътибор қилинди.

Бу ишдан кейиноқ Мустафо Камол – ватанпарварлар ижроия комитети Алий Ризо бошчилигидаги янги ҳукумат тарафидан эътироф қилинди, вазирлик бу комитетни ҳар тарафлама тўла қўллаб қувватлайди, султон бизга марҳамат кўрсатиб домод Фарид бошо вазирлигини бекор қилганлиги учун унга миннатдорлик билдирамиз, деган мазмунда халққа варақа эълон қилди.

Лекин султон варақа тарқатилгани учун ғабланганини изҳор қилди ва Мустафо Камолнинг халқ номидан гапирганлигини маъқулламади. Натижада инқилоб янгидан бошланиб кетишига оз қолди. Лекин Мустафо Камол ўз тарафдорлари ичидаги ғайратли одамларни бирор нарса изҳор қилишдан қайтарди. Сивас комитети ҳукуматга иккинчи марта қарши чиқишдан эҳтиёт бўлишга қарор қилди. Қўмондонлардан кўпчилиги бир оз енгил нафас олдилар. Чунки уларнинг кўпчилиги

инқилобнинг янгидан бошланишини хоҳламас, шу билан бирга халифага ҳамма содиқ эди.

Лекин Мустафо Камол комитетни тарқатиб юборишни чўза бошлади. Чунки унинг мақсади янги жумхуриятга асос солиш, салтанат ва халифаликни тамоман тугатишдан иборат эди. Мустафо Камол шу мақсадда бошлаган биринчи қадамида мувафакциятсизликка учрагани учун ҳам, иккинчи ҳаракатни амалга ошириш учун комитетни қурол сифатида қолдириши зарур эди. Шунинг учун у комитетни тарқатиб юбориш муддатини таъйин қилмай, ҳар-хил узр ва сабаблар ўйлаб топа бошлади. У комитетни тарқатиб юбормасликка узр кўрсатмади, балки уни тарқатиб юборишга рози эди-ю, лекин муддатни таъйин қилишни чўзар эди. Муддатчўзиш у билан бирга бўлганларни ғазабланишига олиб борди. Кўпчилик ошкора сувратда – халқ ҳукуматдан розилигини эълон қилгач, бу комитетнинг қолишига ҳеч қандай ўрин қолмади деб, қарши чиқа бошлади. Ҳатто Мустафо Камолни доимо кўллаб қувватлаб турган маршал Иззат бошо сингари дўстлари ҳам хужжатлар ва огоҳлантиришлар билан овозларини баралла кўтариб, ички низо ва шармандаларча келишмовчиликларга чек қўйилиши керак, деб қатъий талаб қила бошладилар. Улар комитетнинг қолиши келишмовчиликларнинг қолиши демакдир, деган фикрда эдилар. Лекин Мустафо Камол уларга – янги вазирлик аввало халқ унга берган ишончни оқлай олишга лойиқ эканлигини исботлаши керак. Бу иш эса бир оз вақт талаб қиладики, бу вақт ичида вазирлик ўз ишларини халққа тақдим қилади ва амалий сувратда халққа холис хизмат қилаётганлигини исботлай олади, деб жавоб берар эди. Шу билан бирга у ҳозирги вақтда фақат парламент сайловига тайёргарлик ва бу сайловда кўпчилик депутатлар “ватанпарварлар” тарафидан бўлиши ҳақида кайғураётганлигини гапирар эди.

Бу Мустафо Камол инқилобидаги биринчи юриш ва унинг воқеъларидир. Булардан ингиллизлар инқилобини бошлаган ва ҳимоя қилиб турганлиги очик кўриниб турибди. Ингиллизлар Самсун шаҳрини босиб олишга ҳаракат қилганлиги ва Самсундан мағлуб бўлиб чиқиб кетиш “саҳнаси” Мустафо Камол атрофига одам тўплаб бериш “саҳнаси” эканлиги очик кўриниб турибди. Бўлмаса Усманийлар Давлатининг тўрисида ўтирган ва энг кучли марказларни босиб олиб, уларнинг ҳаммасига тўла ҳукумронлик қилиб турган ингиллизлар Самсунни босиб ололмас эдими? Бундан ташқари, ингиллизлар Самсунни босиб олишга жиддий киришдилар, уни ҳимоя қилиш учун Рифъат бошони юбориш керак, деган хабарни Мустафо Камолга ким етказди? Нахотки ингиллизлар Самсунни босиб олишга жиддий киришсалар-у, Рифъат бошо бош бўлиб борган 100 киши Самсунни ҳимоя қилишга етарли бўлса? Самсун шу юборилган куч сабабли босиб олишдан саклаб қолинди, деган миш-мишлар тарқатилди? Бу ишлар одамларга Мустафо Камол ингиллизлар яъни иттифоқчиларга қарши ва уларни мамлакатдан қувиб чиқариш мақсадида эканлигини кўрсатиш учун ўйлаб топилган “саҳна” эмасми? Нима учун юнонлар билан тўқнашув бўлди? Юнон саркардаси ҳукуматдан олган буйруғига кўра фақат Измир шаҳрини босиб олиши керак эди, нима учун у буйруққа итоъат қилмай Измirdан бошқа ерларни ҳам босиб олишга ҳаракат қилди? У буни ўз хоҳшига кўра қилдими ёки иттифоқчилар армияси бош кўмондони тарафидан юборилган кўрсатмага кўра қилдими? Нима учун бу ишлар содир бўлди? Тоғларда қуролли

тўдаларни вужудга келтириб, юнон босқинчиларига қарши қуролли курашни уюштириш, кейин эса босқинчи иттифоқчиларга қарши курашиш учун Мустафо Камол байроғи остига одамларнинг тўпланиши учунми? Ахир бу инқилобга тутки ва унинг ўтини алангалатиш эмасми? Агар Англия инқилобга ундаб ва инқилоб ўтини алангалаётганида махфий услублари билан кўздан яширина олган бўлса ҳам, халифани инқилобни бостириш учун қўшин ҳозирлашдан манъ қилиши инқилобни очиқ ҳимоя қилиш эмасми? 1919 йилнинг ёз ойларидаёқ инқилобни бостириш мумкин эдику. Султон қўшин ҳозирлашга киришганда ингилзлар бу иш шартларида баён қилинган қўшинни тарқатиб юбориш бандига зид, деган ҳужжат билан султонга қаршилик қилишмадими? Нима учун кўзғалонни бостиришга етарли куч ҳозирлашдан қайтарилди? Ҳолбуки, сулҳ шартларининг бирор моддасида қўшинни қуролсизлантириш ёки тарқатиб юбориш ёки ҳарбий захираларни топширишни қайд қилган бирор банд йўқ эди. Лекин сулҳ шартларига кўра чегараларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ва мамлакат ичида тинчликни сақлаб туришга кифоя қилгудек қўшин қисмлари ажратиб олиниб, турк қўшини имкони борича тезлик билан тарқатиб юборилиши керак дейилган эди. Ундай бўлса инқилобни бостириб ташлаш учун куч йиғиш сулҳ шартларига зиддир, деган ингилзларнинг гап қаердан келди?

Бундан ташқари иттифоқчилар яъни ингилзлар 1919 йилнинг май ойида шарқий минтақаларда тартибсизликлар бўляпти. Уларнинг олдини олиш учун ҳарбий саркарда юборилиши керак. Фикримизча бу ишни Мустафо Камол удалай олади деб, султондан талаб қилдилар. Ингилзлар ўзлари ўйлаб топган, аслида йўқ тартибсизликларнинг олдини олиш учун куч юборишни таклиф қилиб, бутун олам оммавий ахборот воситалари тарқатиб юрган ҳақиқий инқилобни бостириш учун қўшин юборишдан халифани манъ қилишмадими? Кейин эса халифа уларга бўлмаса сизлар бу ерларни босиб олувчиси сифатида инқилобни бостиришга бошчилик қилинглари ёки менга бу инқилобни бостириш учун куч ҳозирлашга рухсат беринглари деб мурожаат қилганда, улар султонга биз бетарафмиз дейишмадими? Кўринишида иттифоқчиларга ва иттифоқчи давлатларнинг бири бўлган юнонларга қарши бўлган ички инқилобни бостириш учун куч ҳозирлашдан халифани манъ қилиш бетарафликми? Бу табиғий ҳолатми ёки инқилобни қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилишми?

Шаксиз иттифоқчилар яъни ингилзлар сулҳ шартлари тинчликни сақлаб туриш учун зарур қўшин бўлинмалари бўлишини тақозо қилишига қарамасдан султонни инқилобни бостириш учун куч ҳозирлашдан манъ қилиш инқилобни ҳимоя қилиш ва инқилобни бостиришдан манъ қилиб халифанинг қўлини боғлашдан ўзга нарса эмаслиги очиқ кўриниб турибди. Шундай бўлишига қарамасдан инқилоб султонга қарши ҳукумат тузиш мақсадига эриша олмади. Балки инқилоб султон билан музокара олиб бориш ва унинг итоъатига киришга мажбур бўлди. Лекин одамларни иттифоқчиларга қарши кўзғатиш, уларни Самсунни ингилзлар босиб олишидан ҳимоя қилган қилиб кўрсатиш ва юнонлар билан уларни тўқнаштириш ишларида ютуққа эришди. Бу билан босқинчиликка қарши кураш мафқураси вужудга келтирилди ва Мустафо Камолни бу курашнинг етакчиси қилиб кўрсатилди.

Мамлакатни озод қилиш фикри асосида Мустафо Камолнинг ўз атрофига одамларни йиғишдаги муваффақияти

Шунинг учун ҳам Мустафо Камол муваффақият қозонди, деб эътибор қилинди. Чунки у атрофга ҳамма эътиқод қиладиган “иттифоқчиларни мамлакатдан қувиб чиқариш ва мамлакатни мустамлака даҳшатларидан озод қилиш” фикри асосида одамларни тўплай олди. Шу билан бирга одамлар орасида босқинчиликка қарши курашиш, унга қарши ишлар қилиш мумкинлиги ҳақидаги фикрларни тарқата олди. Шунинг учун ҳам Мустафо Камол ҳамманинг умид юлдузига айланди, зобитларни эътирофига сазовор бўлди. Лекин халифага нисбатан Мустафо Камолнинг ниятлари хусусида барчанинг дилида шубҳа бор эди. Чунки улар Мустафо Камолнинг ниятлари ўзларининг эзгу ниятлари бўлмиш “Халифалик маркази”га зид деб эътибор қилар эдилар. Шунинг учун одамлар муқаддас “Халифалик маркази”ни асраб қолиниши, мустамлакачи душманларни қувиб чиқариш амалга ошиши учун Мустафо Камол халифа билан иттифоққа келиб олиш керак деган умидда эдилар. Хусусан ингиллизларни Самсунни босиб олишдан манъ қилганлиги ва юнонларга қарши қилинган урушлардан мустамлакачиларга қаршилик кўрсатиш мумкинлигини ҳис қилишди. Бу умидларни Мустафо Камол рўёбга чиқара олади, халифада эса бундай имконият йўқ деб билишар эди.

Шунинг учун ҳам бутун диққат эътибор Мустафо Камолга қаратилди. Чунки сиёсат ўта чигал иш бўлиб, оддий одам сиёсатни тушуниши қийинлигидан одамлар сиёсий ишлар, сиёсий мақсадларни идрок қила олмас эдилар. Ҳатто ҳарбий зобитлар ҳам сиёсий ишлар билан шуғулланмаган бўлса, сиёсатни тушуниш мушкулдир. Шунинг учун улар ингиллизларнинг бу сиёсий найранглари идрок қила олмадилар. Улар давлатлараро алоқаларни ҳам билмас эдилар. Шу сабабли одамлар ингиллизлар урушда иттифоқчиларни ўлжалардан маҳрум қилишса – гарчи бу иш ўлжани мағлуб давлат қўлида қолдириш ёки унга қайтариб беришга олиб борса ҳам – давлатлараро мувозанат уларнинг фойдасига хал бўлиши ва дунёда биринчи давлат бўлиб қолиш учун қанчалар ҳарис эканликларини тасаввур қила олмас эдилар. Шу билан бирга Италия ёки Франция Туркиянинг денгиз соҳилидаги ерларидан бир парчасини олиши ингиллизларнинг шарқдаги нуфузига ва Ўрта Ер денгизидаги кучларга таҳдид солишини балмас эдилар. Шунинг учун ингиллизлар иттифоқчиларга бирор нарса олишга имкон беришмади. Одамлар Англия италиялқлар ва французларни ўз кучи ёки уларга қарши очиқ ишлар билан қувиб чиқармай, балки бошқаларни ишга солиш, ҳийла найранг ва алдов билан қувиб чиқараётганлигини билмас эдилар.

Барча давлатлар, хусусан Англиянинг қалбида улар учун доимий таҳдид, деб эътибор қилинадиган “Халифалик”нинг сақланиб қолишдан пайдо бўлган даҳшатнинг қанчалар даражада эканигини ҳозиргача мусулмонлардан ҳеч ким билмайди. Шу сабабдан улар халифаликни мусулмонларнинг қўли билан йўқ қилиш учун ингиллизлар Мустафо Камолнинг инқилобида қилган найранглари идрок қилмадилар. Мана шундан Мустафо Камол босқинчиларга қарши курашиш учун Туркияда бошчилиқни ўз қўлга олди. Шу сабабли Мустафо Камол биринчи юришда ғалаба қилди, деб эътибор қилинади.

МУСТАФО КАМОЛ АНҚАРАНИ ЎЗИ УЧУН МАРКАЗ ҚИЛИБ ОЛИШИ

Бу ғалабадан рухланган Мустафо Камол қонуний йўл яъни парламент орқали ҳокимиятни қўлга киритиш учун яна иш бошлади. Янги парламентга сайлов ўтказишга тайёргарлик ишлари бошланди. Лекин у эски аосга биноъан, яъни халифа ҳукуматига тобеъ Усманийлар парламент сувратида ташкил қилиниши керак эди. Бош вазир Алий Ризо одамларнинг Мустафо Камол тарафига ён босаётганини ҳамда бу ишни амалга оширишда ўзининг ожизигини сезганлиги учун ҳам Мустафо Камол билан келишиб олишни ихтиёр қилди. Шу мақсадда денгиз флоти вазири Солиҳ бошони Анозулга юборди. У Анозулдапарламент ҳайъати билан йиғин ўтказди. Бу йиғин 1919 йил 18 октябрда бўлиб, “Амосия конференцияси”, деб номланди. У бир неча кун давом этди. Унда Солиҳ бошо ҳукумат билан қатнашчиларни мурасага келтира олди. Унда ўртага ташланган ва ўша заҳотиёқ қабул қилинган таклиф “Салтанат ёки халифаликка тил теккизмаслик” таклифи бўлди. Кейин Истанбул вакили Арзурум ва Сивас конференциялари қарорларининг ҳаммасига розлик билдирилди. Парламент комитетини тарқатиб юбориш тўғрисида жуда қаттиқ тортишув бўлди, кейин бу масъалани янги парламент аъзолари йиғлиб ҳал қилгунча очик қолдиришга қарор қилинди.

Шундан сўнг Мустафо Камол Анқарага, уни марказ қилиб олиш ва у ерда яшаш учун кўчиб кетди. Анқарада уни кутиб олиш учун тантанали маросим уюштирилди. Шаҳар аҳолиси Мустафо Камол етиб келадиган кун жуда эрта турди. Бутун шаҳар ҳаракатга тушди. Ҳатт деҳқонлар ҳам уни кутиб олиш учун далаларини ташлаб келди. Дарвешлар Қуръони Карим оятлари битилган кенг яшил байроқларни кўтариб тантана билан чиқдилар. Мустафо Камол етиб келганда кутлов овозлари, аёлларни кучли ҳайқириклари, такбир ва таҳлиллар кўтарилди. У шаҳарга қаҳрамон ғолиблардек кириб келди ва у ерда яшай бошлади.

Янги сайловлар бўлиб ўтди. Мустафо Камол Анқарадан парламентга аъзо қилиб сайланди. Кўпчилик ноиблар Анқарага келишди ва ўз ишлари юзасидан маслаҳатлашиб олиш учун бошлангич мажлис ўтказишди. Бу мажлисда парламент мажлиси пойтахтда ўтказилиши ва конференция тарқатиб юборилиши ҳақида таклиф қўйилди. Лекин Мустафо Камол бу икки фикрга ҳам қаттиқ қаршилиқ қилиб шундай деди: “То парламент адолатни қай даражада тутаётганлиги аён бўлгунча ва парламент сиёсати очик равшан бўлгунча конференция давом этиб туриши зарур. Аммо пойтахтга кўчиш аҳмоқликдир. Агар бундай қилсангиз ажнабий душманнинг марҳамати остига тушган бўласизлар. Ингилизлар мамлакатда ҳануз тўла ҳукумронлигича турибди. Демак салтанат тез вақт ичида сизларнинг ишларингизга аралашини ва сизларни қамоққа олиши ҳам мумкин. Парламент озод ва мустақил бўлиши учун Анқарада бўлиши зарур”.

Лекин барча ноиблар мамлакатнинг қонуний ҳокими, мусулмонлар халифаси султон Вахидиддин қўл остида бўлишлари учун парламент пойтахтда яъни Истанбулда парламент мажлислари уйида ўтказилишини қаттиқ талаб қилиб туриб олдилар. Мустафо Камол бу талабга қарши ҳеч нарса дея олмай рози бўлди. Лекин у Истанбулга бормай Анқарада қолди ва Анқара ноиблари билан мажлис ўтказди.

Ноибларга зарур кўрсатмаларни берди ва улардан парламент мажлисида ўзи йўқлигида уни парламентга раис қилиб сайлашларини талаб қилди.

1919 йил 11 декабрда парламент мажлиси султон нутқи билан очилди. Кейин парламентга раис сайлаш иши бошланди. Ноиблар Мустафо Камолни раис қилиб сайлашга унашмади, балки Раъуфбекни раис қилиб сайлашди. 1920 йил 28 январда парламент Сивас ва Арзурум конференцияси қарорлари таъкидлаб ўтган “миллий аҳд” номи билан машҳур бўлган “Ватан аҳди”ни тан олди. Чунки бу “Ватан аҳди” аҳолисининг кўпчилиги турклар бўлган иқлимлари, хусусан Истанбул ва Туркиянинг Мармара денгизигача етиб борган минтақалари учун тўла озодлик ва мустақиллик берилишини талаб қилган эди. Бу аҳдга биноъан империянинг бошқа қисмларининг келажаги фикр сўраш (референдум) йўли билан ҳал қилиниши лозим эди.

Мана шу аснода Европа давлатлари Усманийлар ҳукуматига Истанбул ва бўғозлар султон тасарруфи остида қолиши лозимлиги ҳақида расмий баёнот йўллади. Мустафо Камол тарафдорлари буни ўз сиёсатларининг ғалабаси ва европаликлар билан адолатли сулҳ шартлари асосида келишиб олиш ҳам мумкин деб тушунтирдилар. Мана шу вақтда Мустафо Камол Алий Ризо ҳукуматини ағдариб ташлаб, ўрнига соф миллий вазирликни қуйиш учун ҳаракат қила бошлади. Буни ноиблардан қаттиқ талаб қилиб туриб олди ва ҳамма ҳаракатларини сарфлади. Лекин ноиблар бунга эътибор беришмади ва Мустафо Камолнинг гапларига кулоқ солишмади. Мустафо Камол ғазабланганидан ўзини йўқотиб қўйди. У қонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга киритиш, халифалик низомини жумҳурият низомига ўзгартириш режасининг барбод бўлганини аниқ билган эди. Шу сабабли ҳокимиятни куч билан қўлга киритиш учун қўзғалон ўтини ёқа бошлади.

МУСТАФО КАМОЛНИНГ ИККИНЧИ ҚАДАМДА ИНҚИЛОБГА ҚАЙТИШИ

Гарчи Мустафо Камол парламентга янги аъзолар сайлашни талаб қилган, мажлис дустурини тан олган, сайланган ноибларга розилик билдирган, мажлис қарорларини қабул қилишга ваъда берган, собиқ ҳукуматни тарқатиб юбориб ҳозирги ҳукуматдан рози бўлган, мамлакатда конституцияга мувофиқ ҳукм юргизилишини талаб қилган бўлсада, лекин ҳокимиятни парламент йўли билан олишга умиди қолмагач, яна кўзғалон эълон қилишга қарор қилди. Шунинг учун у қўшин ҳозирлаш ва урушга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Мустафо Камол ингилз олий коммисари ва Франция олий вакили кўзи олдида Истанбулдан оқиб келаётган қурол ва молларни ола бошлади. Улар бу ишга кўринишида эътироз билдирсаларда, лекин ҳеч қандай қаршилик қилмас эдилар. Ҳатто Мустафо Камол ингилз олий коммисари назорати остида Ғолибулий ярим оролидан бир вагон қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар йиғиб олди.

Иттифоқчиларга қарши тўдалар (партизанлар) уруши бошланди. Бирия қамалда қолиб таслим бўлишга мажбур бўлди. Кўзғалончилар Бирияни ҳимоя қилиб турган итилияликларга у ердан урушсиз чиқиб кетишга русат беришди. Силисиянинг шарқий қисмига ҳужум қилиниб, у ердан француз ҳимоячилари ҳам урушсиз чиқиб кетишди. Лондон ва Париж қуролли ҳаракатлар тўхтатилишини қатъий талаб қилди. Лекин улар тўхтатилмай бир хилда давом этаверди.

1920 йил 7 мартда иттифоқчилар бош вазир Алий Ризони ишдан четлашга мажбур қилди. У ишдан четлади. Унинг ўрнига юқорида зикр қилинган, “Амосия конференцияси”да Мустафо Камол билан иттифоқ тузиб, вазъиятни юмшатишга ҳаракат қилган ҳарбий денгиз ишлари вазири Солиҳ бошо ўтирди.

Лекин 1920 йил 10 мартда лорд Кирзун лордлар мажлисида баётон бериб ушбу сўзларни айтди: “Иттифоқчилар Истанбулда бўлгандек европаликлар камситилишига ҳамда насронийлар қувғин қилиниб, ҳамма жойда қирғинлар бўлаётганига рози бўла олмайди”.

Инглизларнинг Истанбулни босиб олиши

Ушбу баётон танижасида Босфордаги ал-Қарнуз-Заҳабий портлари ингилз ҳарбий кемалари билан тўлди. Ингилз хизматчилари Анозулдан чиқиб кетди. У ерда қолган барча ингилз қисмларга ҳам худди ингилзлар Анқарани зудлик билан тарк қилганидек имкони борича тезлик билан урушсиз шаҳарни тақр қилиш ҳақида буйруқ берилди.

Истанбулда парламент мажлиси раиси Раъуфбек ингилзлар ватанпарвар ноибларни қамоққа олиш ва домод Фарид бошо вазирлигини қайта тиклаш нийятида эканликларини айтиб баёнот берди. Мустафо Камол ноибларига ингилзлар қўлига

тушмасдан қочиб кетишга ундаб телеграмма йўллади. Лекин улар қочишдан бош тортдилар.

1920 йил 16 март эрта тонгда Истанбулни куч билан босиб олиш ва аҳолига қаттиқ тазйиқ ўтказиш чора тадбирлари кўрилди. Уни амалга ошириш иттифоқчилар ҳарбий кучлари бош қўмондони бўлган маршал генерал Вилсонга топширилди.

Англия, Франция ва Италия жазо чораларида иштирок этишга Париж ва Рим рози бўлди. Лекин Англиягина ҳарбий денгиз кучларини юборди. Франция ва Италия эса денгиздан ҳам, қуруқликдан ҳам куч юбормади. Улар Англиянинг Истанбулни муваффақиятли босиб олганини кўришгач, давлатлараро мувозанатни сақлаб қолиш мақсадида инглизларнинг мутлақ ўзлари иш юритишларини тўхтатиш учун ишга аралашдилар ва мамлакат устидан ҳукумронлик қилишда шерик бўлишни талаб қилдилар. Лекин инглизлар уларга бу имконни бермай ўзлари мамлакатда якка ҳоким бўлиб қолишди.

Кейин инглиз аскарлари кутиб ўтирмай катта кўчаларда керилиб, тантана билан юриб, аҳоли қалбига, ҳатто турк аскарлари қалбига ҳам даҳшат солгач почта-телеграф ва давлатнинг муҳим биноларини босиб олишди. Мустафо Камол партияси аъзоларидан бир неча кишини, жумладан Раъуфбек, Фатҳийбек, собиқ бош вазир амир Саъид Ҳалимни қўлга олиб, қамокқа ҳайдаб кетишди. Эртаси куни уларни қамокдан чиқариб, кемада Мальта оролига олиб бориб ташлашди. Ноибларнинг ва кўшин зобитларининг баъзилари Истанбулдан Анқарага қочиб кетди. Иттифоқчилар Истанбулни эгаллаб олиб, хоҳлаганларидек ҳукм юргиза бошлашди. Истанбулда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Газеталар, почта-телеграф ва вазирлик устидан қаттиқ назорат қўйилди.

Инглизлар қилаётган ишлар тарафида турганлиги учун одамларнинг султондан нафратланиши

Султон инглизлар амалга ошираётган ишлар тарафида турди. Вазирлик халққа қарата марожаъат қилди. Мурожаъат “Ҳар бир турк ватандоши султон амрига итоъат қилиши важибдир”, деган иборалар билан бошланиб, шу билан бирга унда халқни тинчликка чақирилган ва тинчликни сақлаш халқнинг энг асосий бурчи эканлиги ҳам уқтириб ўтилган эди. Бу марожаъатдан одамлар ва турк аскарлари даҳшатга тушиб, султондан нафрати яна ҳам ошди ва унга ҳар тарафдан келаётган ҳужумлар кучайди. Парламент ҳам расмий равишда тарқатиб юборилди.

1920 йил 5 апрелда бош вазир Солиҳ бошо ишдан четлади. Унинг ўрнига инглизлар талабига биноъан собиқ бош вазир домод Фарид бошо ўтириб янги вазирлик тузди ва мамлакатда зўравонлик билан ҳукм юргиза бошлади. Парламент тарқатиб юборилгач домод Фарид бошо бутун ҳокимиятни ўз қўлига олиб, инглизларнинг манфаъатини ошқора риоя қиладиган, турли йўллар билан уларга хушомадгўйлик қиладиган, ҳатто инглизлардан ҳам кўра кўпроқ инглиз табиат бўлиб қолган эди. Султон ҳам инглизларга хушомадгўйлик ва Мустафо Камол

тарафдорларига қарши ҳужум қилишда бош вазирдан ортда қолмас эди. Ҳатто султон шайхул-Исломни Мустафо Камол тарафдорларига қарши фатво чиқаришга чақирди. Шайхул-Ислом “миллатчилар ва миллатчиликка чақираётганлар Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлгувчи ва ҳақ йўлдан адашгувчилардир. Аллоҳнинг мўъмин бандалари бу осий қўзғалончиларга қарши уруш эълон қилишлари вожибдир”, деб фатво чиқарди. Ўз ўрнида султон ҳам бу фатвони қўллаб қувватлаб, Мустафо Камол ва унинг тарафдорларини ўлимга ҳукм қилиб олий фармон чиқарди.

Бу фармондан хабар топган Мустафо Камол чекиниш ҳақида буйруқ берилганда чекинмай Анозулда қолиб кетган бир неча инглизларни қамоққа олди. Кейин турк бўлинмасидан инглизларга ҳужум қилиб, ингилз қисми жойлашган Эскишаҳар шаҳрини қамал қилишни талаб қилди. Инглизлар Қуниё шаҳрига келаётган Италия қисимларини кутаётган эди. Турк аскарлари инглизларга ҳужум қилиб, Эскишаҳарни қамал қилиб туришди. Қуниёга келаётган Италия қисимларига ҳам ҳужум қилишди. Италияликлар жуда катта талофатлар бериб, аранг Қуниёга етиб олшди. Кейин эса ғарбга қараб юриш ва Измир шаҳридаги юнонларга қўшлишга мажбур бўлди. Инглизлар Эскишаҳардан худди италянлар Қуниёдан чиқиб кетгандай чиқиб кетишди. Шунинг учун Анозулда иттифоқчиларнинг аскарларидан бирорта ҳам қолмади. Лекин Мустафо Камол тарафдорларининг инглизларга қарши қилган ҳужумларида улар билан мутлақо тўқнашув бўлмади. Балки италияликлар инглизлар билан келишган ҳолда Қуниёга кетишаётганда улар билан кичкинагина тўқнашув бўлиб ўтди кейин италияликлар чекинди.

Мустафо Камол янги парламент сайлови ўтказишини эълон қилади

Ушбу ишлардан мамлакатда икки гуруҳ ҳукмронлик қилиб тургани очик кўриниб турибди. 1. Инглизлар ва улар тарафида халифа ва ҳукумат. 2. Мустафо Камол партияси ва унинг тарафида бутун халқ. Мустафо Камол инглизларга қарши турганлиги учун одамлар уни инглизларга қарши олиб бораётган урушларида қўмондон қилиб олишди. Шунинг учун умумий фикр ҳам, кўпчилик зобитлар ва мансабдор шахслар ҳам унинг тарафида эди. Мустафо Камол бу фурсатдан фойдаланиб, ҳали тўла тарқатиб юборилмаган парламент комиссияси номидан янги парламентга сайлов ўтказилишини, лекин янги парламентнинг эски парламент билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги ва бу парламент Усманийлар парламентига ўхшамай, балки у ўзгача нуфузларга эга қонун ишлаб чиқарувчи миллий ҳайъат шаклидаги парламент бўлди деб эълон қилди. Анқара шаҳри бу миллий ҳайъатнинг мажлислари ўтказиладиган марказ этиб белгиланди.

Сайлов бўлиб ўтди, лекин у ҳақиқий маънодаги сайлов бўлмай, балки сайловга ўхшашлиги учун юзаки расмиятчиликлар қилиб қўйилди. Кўпчилик бундай нотич вазъиятда Мустафо Камол тарафдорларигина халқ тарафидан сайланиши зарур деган фикрда эди. Шундай бўлди ҳам. Ноиблар фақат унинг тарафдорларидан сайланди.

1920 йил 23 апрелда Анқарада миллий конференция бўлди. Қатнашчилар парламентнинг биринчи очилиш мажлиси жумъа кунни бошланишини хоҳладилар. “Байрам хожи” масжидида ўқилган жумъа намозидан сўнг конференция қатнашчилари байроқлар кўтариб, тантана билан мажлис ўтказиладиган жойга келишди. Мажлис зали остонасида икки кўчқорни сўйиб, кейин ичкарига кириб, очилиш мажлисни ўтказдилар. Айнан шу вақтда Анозулдаги барча масжидларда, ҳатто кичик қишлоқлардаги масжидларда ҳам ушбу йиғинга ўхшаш йиғинлар бўлиб ўтди.

Мустафо Камол миллий конференция сайлови ва конференциянинг очилиш маросимлари билан машғул бўлиш билан бирга Анқарага кўшин зобитлари, мансабдор шасларни кўчириш иши билан ҳам шуғулланди. Анқара аҳолиси шаҳарларига селдек оқиб келаётган муҳожирларни, жумладан зобитлар, устозлар, катта мансабдор шасларни кўришар эди. Аввалда уларнинг нима учун келишаётганини билишмади, лекин кейинчалик улар ҳукумат аппарати эканини билдилар.

Мустафо Камолнинг Анқарада давлат аппаратини тиклаши

Мустафо Камол Анқарада давлат аппаратини шундай равишда тиклади. Шу билан бирга мунтазам кўшин тиклади, ҳукумат идоралари тузди, босмаҳона ва журналистларни олиб келиб, “Миллат ҳокимияти” номли газета чиқара бошлади. Анқарани ҳукумат маркази ва мамлакат пойтахтига айланиши учун тайёрлаб, Туркия жумҳурияти пойдеворига асос сола бошлади. Лекин у бу ишларни ўта хушёрлик ва яширин тарзда олиб борар эди. У ўзи олиб бораётган курашни ажнабий босқинчиларга қарши кураш ва олиб бораётган урушини боқинчиларга қарши уруш қилиб кўрсатар, шу билан бирга олиб бораётган ишларини ҳам мамлакатнинг химояси учун олиб бораётган қилиб кўрсатар эди. У расмий баёнотларда европаликларга қарата: “Сизлар бутун араб юртларини, Сурияни босиб эгаллаб олишларингиз мумкин. Лекин мен сизларга Туркияни босиб олишга йўл қўймайман. Биз ҳар бир халқ фойдаланиши зарур бўлган ҳуқуқларни талаб қиляпмиз. Табиий миллий чегараларимиз ичида эркин халқ бўлиб қолишни хоҳлаймиз. Бу ҳуқуқлар тўлалигича таъминланишини талаб қиламиз”, деб хитоб қилар эди. Миллий мажлиснинг очилишида ва сўнгра: “Олиб борилаётган барча чора тадбирлар фақат халифалик ва салтанатни сақлаб қолиш ҳамда султон ва мамлакатни ажнабийларга қул бўлишидан озод қилишдан бошқа мақсадда олиб борилаётгани йўқ”, деб очик баёнот берар эди. Кейин эса: “Султон пойтахтда хоҳлагандай ҳукм юритаётган ажнабий давлатларга асир экан, демак у эркин султон эмас ва ҳукумронлик ҳуқуқидан ҳам маҳрумдир. Шу сабабдан олий миллий мажли вақтинча мамлакат ишларини баошқариб туриши керак”, деб очик баёнот берди.

Ушбу баёнотдан кейиноқ ижройи комитет тузилиб, комитетга мамлакат ишларини бошқариш вазифаси топширилди. Комитет миллий мажлис сайлаган 11 вазирдан таркиб топган эди. Унга Мустафо Камол – худди миллий мажлисга раис этиб

сайлангандай – раис этиб сайланди. Кейин вазирликка полковник Исмат бошо ҳам кўшилди.

Миллий мажлис йиғинлар ўтказиб, қарорлар чиқара бошлади. У ўта муҳим қарорлар чиқарди. Жумладан, Истанбул ҳукумати билан ажнабий давлатлар ўртасида тузилган ҳар қандай савдо битими ва аҳдлари бекор деб ҳисоблансин; давлат киримларининг барча манбаълари, ҳатто султонинг мулки, мол-давлати ва вақф ерларидан келиб турган даромадлар Анқара ҳукумати тасарруфига ўтсин.

Анқарада мана шундай шакилда ҳукумат, парламент, ҳукумат идоралари ва кўшин тикланиб, ўта муҳим қарорлар чиқарди. Султонга 2 ишдан биринитанлашдан бошқа чора қолмади: янги ҳукуматни тамоман йўқ қилиб ташлаш ёки янги ҳукуматга бўйсунтириш. Шунинг учун ҳам икки тараф ўртасида қуролли тўқнашув бўлиши муқарар бўлиб қолди ва тўқнашув бўлди ҳам.

Султон Анқара ҳукуматини тугатиш учун кўшин юбориши

Халифа ўзига содиқ зобитлар бошчилигида Анқарага кўшин юборди. Кўшин Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий тарафига қараб юрди. Унга жуда кўп кўнгиллилар келиб кўшилди. Бундан ташқари халифа ўз тарафдорларидан баъзиларини Қурдистонга у ердаги қабилаларни қўзғатиш учун юборди. Барча умматни тахтни ва халифани ҳимоя қилишга қизиқтира бошлади. Халифага бўлган садоқат шу даражада кучли эдики, унинг буйруқлари эҳтиром билан қабул қилинар, унга итоъат қилиш Аллоҳга итоъат қилиш, унга қарши чиқиш Аллоҳга қарши чиқиш деб эътибор қилинар эди. Шунинг учун кўп вилоятлар халифага кўшилди. Баъзи вилоятлар Анқара ҳукуматига қарши қўзғалон кўтарди. Халифанинг кўшини Мустафо Камол тўдаларидан кўпини асир олишга муваффақ бўлди.

Икки тараф ўртасидаги жанглар 1920 йилнинг апрель ойи ичи давом этиб, султон кўшини ҳамма жойда Мустафо Камол кучлари устидан тўла ғалаба қозонди. Қўзғалон маркази Анқарадан бошқа барча вилоятлар халифа тарафга кўшилиб, ҳамма одамлар халифа билан бирга бўлиб қолди. Ҳатто Анқаранинг ўзида Мустафо Камолнинг тарафдорлари ноумидликка тушиб, халифага таслим бўлиб унга кўшилиш фикрига келиб қолдилар. Мустафо Камол ҳаёти қил устида бўлиб, уни йўқ қилинишига жуда яқин қолди.

Сулҳ шартларининг ошкор қилиниши вазъиятни Мустафо Камол фойдасига буриб юборди

Мана шу лаҳзаларда Парижда тузилган “Сайфар битими” номи билан танилган, султон рози бўлган ва бош вазир имзо чеккан сулҳ шартлари ошкор қилинди. Бу шартлар сулҳдан бир ярим йил кейин айнан шу лаҳзаларда ошкор қилинди. Мана шу лаҳзаларда ошкор қилиниши учун тузилган ва сир тутилганидан Туркияда одамлар ҳам беҳабар бўлган бу битим шартлари Туркиянинг ҳамма томонларида ошкор

қилиниб кенг тарқатилди. Натижада мамлакатнинг ҳамма томонларида умумий фикр халифа ва бош вазир Фарид бошога қарши кўзғалди. Ғалаён кучайиб авжига чиқибтурган бир вақтда Англия бош вазири Лойд Жорж қуйи палатада “Иттифоқчиларнинг асосий мақади турк миллатидин бошқа миллатларни туркларнинг зулмидан озод қилишдир”, деди. Ушбу баёнот ҳам одамлар ўртасида тарқатилди. Натижада ғалаён кучайиб, ингиллизларга, уларнинг қўғирчоғи халифага ва бош вазир Фарид бошога қарши нафратлари тўлиб тошди.

Мана шу ишлар сабабли вазъият тамоман ўзгариб, одамлар халифадан юз ўгириб Мустафо Камолга қўшила бошладилар. Мустафо Камолга қарши кўтарган ҳамма вилоятлар халифа қўшинидан ва Мустафо Камолга қарши бўлганлардан тозаланди. Халифа қўшини мағлуб бўлиб, ҳамма ерда султоннинг ҳурмати тушиб кетди. Одамлар битимга имзо чекиб, ўз қўллари билан мамлакатни топширган Фарид бошодан ўч олишга бир-бирларига аҳд бера бошладилар. Бу билан Анқара вазъиятни бошқаришни яна ўз қўлига олди. Ҳамма одамлар Мустафо Камол билан бирга бўлиб, уни босқинчилардан қутқарувчи халоскор, деб ўйлай бошладилар. У мамлакатнинг бош қўмондонига айланиб қолди. Чунки халифа ва Фари бошо имзолаган бу битим туркларнинг эс-хушларини учириб юборган эди. Зеро, бу битим Усманийлар империясининг тугашини ва европаликларга бўлиб берилшини ёки бир неча мустақил вилоятларга бўлиб ташланишини англатар эди. Натижада Туркия Кичик Осиёдаги кичкина давлатга айланиб, Истанбул давлатлараро ҳукмронлик остидаги Туркиянинг пойтахти ва уни Европага олиб чиқувчи ягона йўли бўлиб қолар эди. Султоннинг ҳукмронлиги ҳеч қандай маъносиз қуруқ савлат бўлиб қолар, Туркия эса Англия, Франция ва Италиянинг таъсир майдонида бўлиб қолар эди.

Битим қабих моддаларни ўз ичига олган эди. Уларнинг нақадар қабихлигини билдириш учунмисол тарзида баъзи моддаларни келтирамиз:

1. Араб мамлакатлари:

Туркия ўз империясига тобеъ бўлган барча араб мамлакатларидан маҳрум бўлади. Ҳижоз давлати аввалдан мустақил давлат деб тан олнишига эришди. Туркия Фаластин, Сурия ва Икки Дарё Оралғида жойлашган мамлакатлар устидан ҳукмронлик қилишдан воз кечиб, уларнинг келажагини ҳал қилишни иттифоқчиларга қолдиради.

2. Туркиянинг Европа қисми:

Туркия Дамоснинг ғарбини то Чаталжа чегараларигача юнонлар (Грецияга) беради. Шу вақтнинг ўзида юнонлар иттифоқчилардан ғарбий қолдиқларни ҳам олади. Шундай қилиб уларнинг майдони кенгайиб Туркия пойтахтига тақрибан 20 мил яқинлашиб қолади.

3. Самирна ва Эгей денгизидаги ороллар 5 йил муддатга юнонлар бошқарувда бўлиб, кейин аҳоли овоз бериш йўли билан юнон мамлакатига қўшилишни талаб қилишларига имкон берилади. Аммо Жамброс ва Тинидос ороллари устидан ҳам юнонларга берилади. Эгей денгизининг бошқа ороллари устидан ҳам юнонларнинг

ҳукмронлик қилишлари эътироф қилинади. Аммо стратегик нуқта булмиш Родос оролини ўраб турган Дудикониз ороллари Италияга берилади.

4. Армения:

Туркия Арменияни мустақил давлат деб тан олади ва бош вазир Висонни икки давлат орасидаги чегараларни белгилашга бошчилик қилишини қабул қилади.

5. Курдистон:

Туркия Фурот дарёининг шарқида жойлашган Курд ерларига автономия беришга ва бунинг учун Италия, Франция ва Англия вакилларида таркиб топган давлатлараро ҳайъат томонидан тақдим қилинадиган ҳар қандай программани қабул қилишга розилк билдиради. Туркия курдлар жойлашган районлардаги Эрон билан бўлган чегараларида ўзгартиришларни қабул қишга розилик билдиради. Бунга илова тарзида: мабодо битим ижро қилинишининг биринчи йилида курдлар “Миллатлар иттифоқи”дан Туркиядан мустақил бўлишни талаб қилса, “Миллатлар иттифоқи” палатаси курларни мустақил бўлишга лаёқатли деб топса курдлар учун мустақиллик беришни тавсия қилади. Туркия буни ижро қилишни ўз устига олади ва курд ерлари устидан бўлган ҳамма ҳукмронликларидан воз кечади. Бунинг шартлари иттифоқчилар ва Туркия ўртасида бўладиган янги келишув орқали белгиланади.

6. Истанбул ва бўғозлар:

Туркия бўғозлари давлатлараро назорат остида бўлиши ва кўшни минтақалар куролсизлантирилишига розилик билдиради. Аммо Истанбул Туркия ҳукмронлиги остида қолади.

Бундан ташқари Туркия турк кўшинларини 50 мингтагача чеклаш кўшин иттифоқчилар тарафидан бериладиган кўрсатмаларга бўйсундириш, Туркиянинг молиявий ишларига Англия, Франция ва Италия эркин ҳукмронлик қилишини қабул қилиш, эски имтиёзларни қолдириш ва бу битимга бошқа яна бир неча камситувчи моддаларни кўшиш, Туркияда озчиликни ташкил қилган халқлар, хуусан армия, юнон ва курдларга, умуман насронийларга ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш каби ишларни ҳам қабул қилади.

Шунинг учун ҳам бу қабих, камситувчи битимни ошқора тарқалиши уни қабул қилиб, унга имзо чеккан султонга қарши Туркияда исён кўтарилишига кифоя қилди. Бу ишлар сабабли оқим тезлик билан Анқара фойдасига қараб юра бошлади. Бутун мамлакат Анқаранинг янги ҳукумати тарафига ўтиб кетди. Янги ҳукумат учун ҳарбий ва миллий кучлар ташкил қилинди. Ҳатто Анқара ҳукумати иттифоқчилар эгаллаб турган ва ингилиз ҳарбий кемалари кўриқлаётган Туркиянинг пойтахти Истанбулга ҳам таҳдид қила бошлади.

Бу билан Мустафо Камол иккинчи юришда муваффақият қозонди ва мамлакатда маркази Анқара бўлган, мамлакат ва кўшин устида тўла ҳукмрон бўлган иккинчи ҳукуматга асос солишга муваффақ бўлди.

Бу Мустафо Камол инқилобидаги иккинчи юриши ва унинг воқеъларидир. Бу воқеълар ҳақида фикр юритган ҳар қандай одам иккинчи юришга ҳозирлик кўриб, унинг амалга ошишида ҳимоячи бўлиб, уни емирилш, тағ-томири билан йўқ қилиб ташлашдан ҳимоя қилб турганлар ингиллизлар эканлигини аниқ билиб олади. Истанбул ва бўғозлар султонни тасарруфида қолиши керак деган расмий баёнотни ҳам иттифоқчилар Туркия ҳукуматига йўллаган эди. Иттифоқчилар гарчи бу ерларни эгаллаб турган бўлсаларда, бу даражадаги саховатнинг сабаби кейинчалик маълум бўлди. Чунки бу нарса кейинчалик ингиллизлар бўғозлар ва Истанбулни қайтиб келиб бемалол яққа ўзлари босиб олишларига имкон бериб, Италия ва Франциянинг қайтишига имкон қолдирмаган эди. Бу ингиллизларнинг Истанбул ва бўғозларни фақат ўзлари босиб олишлари учун ишлатган ҳийлалари эди.

Бундан ташқари Мустафо Камол инқилобни янгидан бошлаганидан кейин Истанбулдан унга келаётган қурол ва маблағлардан ингиллизлар хабардор эди. Бу ишлар ингиллиз олий комиссари ва Франция вакили кўз олдида бўла туриб нима учун улар бу ишларга бепарво жим қараб туришди? Нима учун Голибулий ярим оролидан қурол-яроғ билан тўлдирилган вагонлар жўнатилиши қўллаб-қувватланди? Мустафо Камолнинг иттифоқчилар билан тўқнашувига сабаб бўлган сохта ғазабланишларни олиб кўрайлик, аслида ғазаб Истанбулга эмас Мустафо Камолга қарши бўлиб, иттифоқчилар исён маркази Анқара ва исёнчи қўшинларга хужум қилиши табиъий иш бўлар эди. Лекин улар ҳарбий кемаларни Истанбулга қайтариб, пойтахтда халқни кўзғатиш ишлари билан машғул бўлиб, исёнчиларга ҳеч қандай зарар етказмадилар.

Исёнчилар нгиллизлар билан тўқнашмай, балки Киликияда французлар ва Қунёда италянлар билан тўқнашдилар. Ингиллизлар билан эса ҳеч қандай тўқнашув бўлмади. Табиъийки Мустафо Камолнинг исёнидан ингиллизлар эмас Франция ва Италия ғазабланши керак эди. Лекин амалда шундай бўлдики ингиллизлар фақат ўзлари мамлакатни босиб олиш учун қайтиб келишди. Франция ва Италиянинг эса қайтиш йўлини тўсиб қўйишди.

Бундан ташқари нима учун “Сайфар битими” шартлари айнан Мустафо Камол камалда қолиб, қулаб кетишига оз қолган вақтда ошкор қилиниб тарқатилди. Нима учун бу битим бу ишлардан олдин сир сақланди? Унинг имзоланганига бир йилдан ошиб кетган эдику? Бу иш бош вазир битимга имзо чеккани учун одамларни халифа ва ҳукуматга қарши кўзғатиш эмаси? Бу иш Мустафо Камолнинг исёни иттифоқчиларга қарши қилиб кўрсатиш эмасми? Шубҳасиз бу иш айнан ингиллизларнинг макр-ҳийлаларидан биридир. Ингиллизларнинг айнан шу вақтда ушбу битимни тарқатишларидан асосий мақсадлари Мустафо Камолни қутқариб қолиш ва халифага зарба бериб мамлакатда янги ҳукуматни барпо қилиш учун ҳамда охирги юриш – давлатлараро конференциялар ва энг охирги битимларни тузишга ўтиш учун эди.

АНҚАРА ҲУКУМАТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШ ВА У БИЛАН ДАВЛАТЛАРНИНГ БЕВОСИТА АЛОҶА БОҒЛАШИ

Шундай қилиб Анқарада иккинчи ҳукуматни мустаҳкам ўрнатиш ва уни амалда салтанат ва кучга эга қилиш билан иккинчи юриш ниҳоясига етди. Истанбул ҳукумати эса ҳеч қандай куч ва қувватга эга бўлмаган ҳукуматга айланиб қолди. Бу иккинчи ҳукуматқарор топиб, мамлакат устидан тўла ҳукмрон бўлиб олгач, Англия мана шу ҳодисалардан кейинок Лондонда Юнон ва Туркиядан баъзи депутатлар иштирокида конференция ўтказишга чақирди. Унда Англия: “Бу конференцияни ўтказишдан мақсад “Шарқий муъаммо”нинг ечими хусусида баҳслашиб олишдир”, деди. Яъни Парижда тузилган сулҳ шартлари – “Сайфар битими”ни қайта кўриб чиқишдир. Чунки “Шарқий муъаммо” хусусида – Ҳолбуки у расмий сулҳ конференциясида ҳал қилингин эди. – музокара олиб бориш учун конференция чақириш, Париж конференциясида тасдиқланган Сайфар битими – у бирор таъсирга эга бўлмасдан аввал, балки унга умуман амал қилинмасдан аввал – мунозара ва музокара мавзуи бўлишини англатар эди. Зеро бу битимга умуман амал қилинмади, унинг бирорта банди ҳам татбиқ этилмади. Бу нарса мазкур битимни ингиллизлар ижро қилиш учун эмас, балки Туркияга таҳдид қилиш ҳамда ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланиш учун тузишганини таъкидлайди. Бунга далил шуки, унинг тузилганига бир йилдан кўп бўлган бўлса ҳам ундан бирор нарса ижро қилинмади, у махфий ҳолда сақланади ва тарқатилмади. Фақат Мустафо Камол камал қилинганда ва у йўқ қилиниши ҳамда қўзғалони бостириб юборилиш ҳолатига келиб қолгандагина тарқатилди.

Ингиллизлар Сайфар битимини қайта кўриб чиқиш учун Лондон конференциясига чақиришнинг ўзи ҳам ажабланарли ҳолдир. Чунки битим ингиллизлар фойдасига бўлган эди. Зеро, Франция Сайфар битимидан кўнгли тўлмаган ва унга хоҳламасдан розилик билдирган эди. Чунки у Усманийлар Давлати меросининг жуда катта қисми ингиллизларга текканини кўрган, шундай бўлсада Сурия билан Киликияга қаноатланишга мажбур эди. Лекин Сурия ва Киликиянинг Францияга тегиши ҳам ноаниқ эди. Италия ҳам битимдан норози эди. чунки юнонларнинг Кичик Осиёда кенгайиши уруш асносида иттифоқчилар ўртасида бўлиб ўтган келишувга мувофиқ Италияга тегиши керак бўлган ерлар ҳисобига бўлган эди. Шунинг учун Англия бу икки давлат (Франция ва Италия)га нисбатан жуда катта ўлжага эга бўлган, улар эса битимдан норози ҳолатда имзо чекишган эди.

Демак, битим Англияга иттифоқчилари ҳисобдан катта ўлжа келтираётганлигига қарамасдан, Англия бу битимнинг бирор бандини ижро қилмаганлигининг ўзи диққатни жалб қилувчи ва ғойри табиғий ишдир. Энди эса Англия ушбу битимни қайта кўриб чиқишни талаб қилиши яна ҳам ажабланарли ишдир. Бундан ҳам ажабланарлиси, Анқаранинг янги ҳукумати делегацияси Усманийлар делегацияси билан бирга конференцияда ҳозир бўлишдир. Ҳолбуки конференцияга Усманийлар делегацияси билан бирга на туркий ва на Усманий Давлатдаги бошқа ҳайъатларнинг қатнашиши мумкин эмас эди. Чунки Усманийлар ҳукумати қонуний ҳукумат ҳисобланар, урушга кириб мағлуб бўлиб чиққан, конференцияда қайта кўриб чиқиляётган “Сайфар битими”га имзо чеккан ҳам ушбу Усманийлар ҳукумати эди.

Ҳали ҳеч ким тан олмаган Анқаранинг янги ҳукумати сулҳ шартларини қайта кўриб чиқиш учун ўтказиладиган давлатлараро конференцияга қатнашишга ҳақлими? Бу иш Анқарада янги ҳукуматни тиклаб, аввал сулҳ шартларида қатнаштириш, кейин эса охириги шартларда унинг ўзини қолдириш учун инглзлар тарафидан ўйлаб қилнган иш эканлигига етарли далил эмасми?

Усмонийлар ҳукумати, яъни халифа ҳукумати Анқара ҳукуматининг музокараларда иштирок этишини нкор қилиши зарур эди. Чунки Усмонийлар ҳукуматини Анқара ҳукумати ҳам музокараларда қатнашишга рози бўлиши давлатлар олдида уни расман тан олиш ҳисобланар эди. Бундан ташқари мамлакатда икки ҳукуматнинг мавжудлиги, сулҳ шартлари ҳақида олиб борилаётган музокараларда икки ҳукуматнинг иштирок этиши, душман олдида заифлик ва емрилб тугашини ифодалар эди. Шунинг учун ҳам Халифа ҳукумати Анқаранинг ҳукумат делегацияси боришини рад қилиши табиъий бўлар эди. Лекин Халифа ҳукумати Анқара ҳукуматининг делегациясини музокараларда иштирок этшига рози бўлди. Усмонийлар ҳукуматининг заифлиги шу даражага етиб бордики, ҳатто Усмонийлар ҳукумати Мустафо Камолни Лондон конференциясида қатнашиш учун келган таклифномани, Мустафо Камолни рози қилиш ва ярашиш учун восита қилмоқчи бўлди. Шу мақсадда бош вазир Тавфиқ бошо Мустафо Камолга Лондон конференциясида қатнашиш учун Европа давлатлари тарафидан юборилган таклифномани олиб келди ва: “Туркия давлатининг номи билан ва Усмоний империянинг манфаати учун Туркия делегацияси бирлашган ягона куч бўлиб ушбу конференцияга бориши ва конференцияга турклар тарафидан олиб бориладиган программа бутун халқни келиша олмаслик ва тарқоқлигини эмас, балки ҳамкорлиги ва бирлигини ифодаладиган программа бўлиши талаб қилинди”, деди. Лекин Мустафо Камол бу талабни рад этиб “Фақат Анқарадаги миллий мажлисгина мамлакатда конституцион ҳукумронликка эга. Шунинг учун ҳам Европа давлатлари таклифномани ушбу миллий мажлис орқалигина юбориши лозим”, деди.

Миллий мажлис бу фурсат ичида ўзини доимий мажлисига айлантирди ва тўққиз ой деганда янги конституция ишлаб чиқди. Конституция ишлаб чиқиш жараёнида миллий мажлис рўбарў бўлган ва кўп баҳсу-мунозараларга сабаб бўлган энг катта масъала “Салтанат ва Халифалик” масъаласи бўлди. Мустафо Камол кўпчилик аъзолари Отатуркнинг сафдошлари бўлгани учун “Отатурк мажлиси” деб эътибор қилинадиган “Миллий мажлис” аъзоларининг таъсири остида конституцияга салтанат ва Халифаликнинг қолиши ҳақида модда киритишга мажбур бўлди. Шунинг учун ҳам Мустафо Камол бош вазир Тавфиқ бошо унга йўллаган ва Туркия делегацияси бирлик ва ҳамкорликни ифодаладиган сувратда бўлишига чақирган таклифни рад этиб: “Миллий мажлис конституция аввалига Салтанатнинг ва Халифаликнинг муқаддаслигини ифодаладиган моддани киритди. Анқара ҳукумати делегацияси Султон ҳукумати делегацияси билан биргаликда конференцияда иштирок этиш имкониятига эга бўлиш учун Султон миллий мажлисни тан олиши лозим”, деди.

Лекин Султон миллий мажлис ва миллий мажлис ишлаб чиққан конституцияни тан олмади. Зеро миллий мажлисни тан олиш – гарчи у расман Халифаликнинг

қолишини конституция моддаларига киритган бўлсада – Халифаликни бекор қилишни ифодалар эди. Чунки бу конституция салтанат бутунича халққа ўтганини, халқ салтанат манбаъи эканлигини ва ёлғиз миллий мажлисгина халқ ҳукмронлигини намоён қилиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда фақат у уруш ва тинчликни белгилашини эълон қилди. Конституциядаги ушбу ҳуқуқлар, Исломни тубдан емириш демақдир. Чунки Ислом таълимотига кўра қонун ишлаб чиқиш манбаъи халқ эмас, балки Ислом Шариятидир. Фақат Халифагина уруш ва тинчлик ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Шунинг учун ҳам Султон миллий мажлисни тан олиши мумкин эмас эди. Ушбу ўзаро келишмовчилик сабабли Халифа ҳукумати билан Анқара ҳукумати ўртасида делегация ташкил қилиш борасида олиб борилаётган музокаралар тўхтаб қолди.

Европа давлатлари Султон ҳукумати орқали келгани учун Мустафо Камол таклифни рад этганини ва Султон орқали келган таклифга биноъан конференцияга боришни инкор қилганлигини кўргач, Англия иттифоқчи давлатлар номидан бевосита Анқарага таклифнома юборди. Англиянинг Анқарага бевосита бундай таклиф нома юбориши Анқара ҳукуматини очик тан олиши ҳисобланар эди. Шу сабабли иккала делегация конференцияга алоҳида-алоҳида йўлга отландилар. Тавфиқ бошо Халифа делегациясига, Бакир Сомийбек эса Анқара делегациясига раҳбар бўлишди. Лондон конференцияси 1921 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтди.

Лондон конференциясида Султон делегацияси раҳбари иккала делегация номидан гапириш учун ўз ваколатини Анқара делегацияси раҳбарига бериши

Иккала делегация музокара столига ўтиришгач бош вазир Тавфиқ бошо ўрнидан туриб: “Мен Истанбул делегацияси раиси сифатида ўз гапириш ҳаққимни Бакир Сомийбекка бераман. У икки делегация номидан гапириб, туркларнинг миллий орзуларини ҳимоя қилади. Шунга кўра унинг гапи эътиборлидир”, деди. Истанбул унсиз ўтирди. Анқара овозидан ўзга овоз янграмади.

Англиядан лорд Жорж, Франциядан Барян, Италиядан граф Сафурзолар конференция қатнашчиларига, конференцияни ўтказишдан асосий мақсад урушда халқлар ўртасида содир бўлган баъзи бир чигалликларни тартибга солиш эканлигини ва иттифоқчилар сулҳ шартларига, хусусан юнонларга берилган имтиёзларга ўзгартириш киритишга тайёр эканлигини баён қилиб бера бошладилар. Шу мақсадда бир комиссия тузиб, унга Измир минтақасида яшовчи халқларнинг аҳволини янгидан ўрганиб чиқиш вазифаси топширилажагини, комиссия текширув натижасида қандай қарор чиқарса, ушбу қарор иккала тарафга ҳам ижро қилинажагини ҳам айтиб ўтишди. Делегация раиси Бакир Сомийбек комиссия юборилишига рози бўлди. Лекин юнонлар комиссия юбориш фикрни қатъий рад қилишди. Шанда Анқара вакили ҳамда иккала делегация номидан гапирувчи Бакир Сомийбек, Измир вилоятини насроний ҳоким ҳукмронлиги остидаги, ички мустақил вилоят қилсак деган таклифни ўртага ташлади. Лекин ингиллизлар ҳам, юнон, француз ва италянлар ҳам бу таклифга қарши чикдилар. Франция делегацияси Киликия шахрини бўшатиб туркларга топширишга рози бўлди ва бу ҳақида битим

имзолади. Бакир Сомийбек Францияга Туркия билан алоқа қилаётган ҳамма давлатлардан кўра савдо алоқаларида алоҳида имтиёзлар берилишига рози бўлди. Шундай қилиб Франция билан Туркия орасида битим имзоланди.

Лекин Лондондан конференция Франция ва Туркия делегациялари имзолаган битимдан ўзга ҳеч нарсага эриша олмай муваффақиятсиз ҳолда якунланди. Иккала делегация Туркияга қайтиб келгач, Мустафо Камол Бакир Сомийбек Франция билан тузган битимни инкор қилди. Шу сабабли Бакир Сомийбек ташқи ишлар вазири лавозимидан кетишга мажбур бўлди ва дарҳол Мустафо Камолга қаршилар томонга қўшилиб кетди.

Мустафо Камол Франция ҳукуматига : “Юборилган делегация ўз салоҳиятида бўлмаган ишни қилгани сабабли у қабул қилган барча қарорлар бекор ҳисобланади ва мамлакат ушбу қарорларни қабул қилмайди ва бу битимга жавобгар ҳисобланмайди”, деб мактуб йўллади.

Кейин Анқара ҳукумати билан Франция ўртасида музокаралар бошланди. Музокаралар ниҳоясида, яъни 1921 йл 20 октябрда Анқара ҳукумати билан Франция ўртасида битим имзоланди. Битимга кўра Туркия Сурияни Францияга қолдирди. Иккала давлат Туркия билан Сурия оралиғини ажратиб турадиган чегара чизиғини таъйин қилишга келишиб олишди. Битимга кўра Франция ўз ҳарбий кучларини Киликиядан олиб чиқиб кетди. Шундай қилиб Мустафо Камол давлатлар билан алоқа боғлаш ишини бошлаб юборди. Давлатлар у биланалоқа боғлаб, Халифа ҳукумати мавжуд бўлишига қарамасдан Мустафо Камол билан ўзаро битимлар туза бошлади.

Европа давлатлари Мустафо Камолга ўз майлларини изҳор қила бошлади. Франция, Италия Мустафо Камолни рози қилиш ва унга яқинлашишга ҳаракат қила бошлади. Англия ҳам давлатлараро ишларда очикдан-очик Мустафо Камолни қўллаб-қувватлай бошлади. Шу билан бирга юнонлардан юз ўғирганин намоиш этиб, улардан ғазабда эканини очик кўрсата бошлади.

Мустафо Камол Россия билан алоқа боғлади. Россия урушдан чиққан ва у ерда коммунистик ҳукумат ташкил бўлган эди. Мустафо Камол Россиядан уни қўллаб-қувватлашини талаб қилди ва Россияга Батуми шаҳрини берди. Шунингдек Мустафо Камол Россиядан ўзи билан Туркия номидан дўстлик битимини тузишни талаб қилди. Зеро, бу битим Россия тарафидан унинг танолиниши бўлиб қолиши керак эди. Коммунистик ҳукумат бу талабларни қабул қилди. Чунки у ҳеч нарса ютқазмаётган ва шу билан бирга Россия Исломга ва Туркияда Ислом халифалиги бўлишига қарши эди. Шунга кўра у Мустафо Камолни ингиллизларга ва халифага қарши қўллаб-қувватлади. Россия 1921 йил 16 мартда Батуми шаҳрини олди ва ҳеч қандай зиён кўрмади. Бу ишдан сал олдинроқ Италия ўз хоҳшига кўра Азолияни топширган, Азолиядан 1921 йилнинг январь ойида чиқиб кетган эди. Шундай қилиб Франция, Италия ва Россия Анқара ҳукумати тарафига ўтди. Мустафо Камолни билаги кучга тўлди.

МУСТАФО КАМОЛ ЮНОН МУЪАММОСИГА УРУШ ОРҚАЛИ БАРҲАМ БЕРИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАДИ

Лондон конференцияси муваффақиятсиз якунланганлиги ва Мустафо Камол билан Франция, Италия ва Россия ўртасида битимлар тузилиши билан юнон муъаммосидан бошқа уруш муъаммоси қолмади. Шунинг учун ҳам Мустафо Камол юнон муъаммосини уруш йўли билан ҳал қилиш учун қолдирди.

Шунинг учун ҳам Мустафо Камол қурол-яроғ, техника ва ўқ-дориларни ҳозирлаш ишларин бошлаб юборди. Кўшинни жиҳозлаб, қувватини кучайтира бошлади. Мустафо Камолга қурол-яроғ, ўқ-дорилар катта миқдорда селдай оқиб кела бошлади. Ўқ-дориларнинг бундай катта миқдорда оқиб келишидан Мустафо Камол урушга ҳозирлик кўраётганлиги очик кўриб турар эди. Мустафо Камолга Россиядан қурол Босфордаги ингиллизлар қўлидаги жойлардан ҳамда Қора денгиз соҳиллари орқали келар эди. Франция Киликиядан ҳарбий кучларни олиб чиқиб кетди. Ўша тарафдаги тақрибан 80 минг аскардан иборат турк ҳарбий кучлар ғарб тарафга, у ерларни кучайтириш учун кетди. Юнонлар бу ҳолатдан хавфга тушиб қолдилар. Улар бу тайёргарлик уларга қарши қаратилганини ҳис қилишди. Шу билан бирга Европа давлатлари уларга қарши экани, Англия улардан юз ўгирганини ҳам кўришди. Туркияни уларга қарши урушга қизиқтираётган давлат Англия, деган гумонга боришди.

Юнонлар Туркияга қарши урушни биринчи бўлиб бошлаб юборди

Шунинг учун юнонлар иттифоқчилардан изн сўрамасдан туркларга қарши ҳужумни бошлаш фикрига келишди. Чунки юнонлар иттифоқчилар уларга қарши иш кўраётганлигига аниқ ишонч ҳосил қилган эдилар. Иттифоқчилар юнонларни туркларга қарши уруш бошлаб юборишини сезиб қолгач, иккала тараф, яъни турк ва юнонларни яраштириш таклифини олға сурдилар. Лекин юнонлар иттифоқчиларнинг бу таклифини фақат вақтдан ютиш учун қўллаётган восита ва турклар кучларини жамълаб тайёргарлик кўриб олиш учун берилаётган фурсат сифатида қабул қилиб, иттифоқчилар таклифига ҳеч қандай жавоб бермай, урушни бошлаб юбордилар. Шундай қилиб юнон ва турклар орасида уруш бошланди. Бу уруш тахминан бир ярим йил давом этди.

Уруш бошланиши биланок, иттифоқчилар расмий равишда ўзларини бетарафлигини эълон қилдилар. Бу бетарафлик ажабланарли эди. Чунки Усманий Давлат ҳамон ингиллизлар истилосида бўлиб, давлатлараро муносабатларда иттифоқчилар истилосидаги давлат ҳисобланар эди. Бу ерда содир бўлаётган уруш истилочилар обрўсига таъсир қилиши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам иттифоқчиларнинг бетараф туриши қандай бўлар экан? Табиъийки улар иттифоқчилари юнонлар билан ёнма-ён туриши ёки урушни тўхтатиш учун уларга қарши туриши керак, шунинг учун бундай танг ҳолатда бетараф туриш ғойри табиъий иш бўлар эди. Лекин улар амалда бетараф туришди. Иттифоқчилар ва Англия ўз иттифоқчилари юнонни бутунлай ҳайрат гирдобига ташлаб қўйишди.

Юнонлар таклифини қабул қилиб музокарага рози бўлса табиъроқ бўлар эди. Лекин улар урушни давом эттириш фикрида маҳкам туриб олдилар. Ингилиз вазирлиги юнонларга Туркия билан юнонлар ўртасида расман воситачи бўлишни таклиф қилди. Лекин юнонлар бу таклифни рад этишди. Бу рад жавобидан юнонлар ингилиз вазирлигининг воситачилигидан шубҳаланаётганлиги, ингилизларни Мустафо Камол тарафида деб билишаётгани маълум бўлиб қолди. Шунинг учун юнонлар ингилизларнинг воситачилигини рад этиб, урушни давом эттирдилар.

Икки давлат ўртасидаги бу урушда гоҳида юнон, гоҳида турк ғалабани кўлга киритишар эди. Юнонларга қарши “тўдалар уруши” шаклида бошланган уруш энди ҳақиқий урушга айланди. 1922 йил 23 мартда юнонлар Эски шаҳар ва Афюнқораҳисорга қараб шиддат билан юриш қилди. Бу икки шаҳар чегара чизиклари туташадиган муҳим марказлардан ҳисобланар эди. Юнонлар оз вақт ичида Афюнқораҳисорни эгаллаб олди. Лекин улар 1922 йил апрель ойининг бошларида шимол тарафда Айн Уту олдида мағлубиятга учраб, Бурсага қайтишга мажбур бўлишди.

Июль ойида юнонлар барча кучларини жамлаб, катъий қарор қилиб, уни босиб олишга амалий равишда ҳаракат қилишди. Лекин иттифоқчилар кўшини бош кўмондони генерал Ҳарингтон уларнинг йўлини тўсиб, орқага қайтишга мажбур қилди. Юнонлар шарқ томонга юриб чегара чизигига етиб боришди ва турклар билан юзма-юз тўқнашдилар.

Турк кўшини кўмондони Исмат бошо юнон ҳужумини 10 кун тўхтатиб тура олди. Лекин 11-кун юнон кўшини Кутохиядаги Турк фронтини ёриб киришга муяссар бўлди. Исмат бошо юнон ҳужумларин бирин-кетин тўсишга ҳаракат қила бошлади. Лекин юнон кўшини Исмат бошонини танг ҳолатга тушириб қўйди. Жанубда жойлашган юнон дивизиялари Афюнқораҳисорни эгаллаб олишга муваффақ бўлди ва шимол тарафларни ҳам босиб олиш учун юришни давом эттирди. Уруш давом этар, вазъият янада танглашар эди.

Вазъият шу даражада танг ҳолатга тушиб қолганига қарамасдан, кўшин кўмондонлари ватан олдидаги бурч охирги лаҳзаларгача урушни давом эттиришни тақозо этишини билар эдилар.

Бош кўмондонлик Мустафо Камол билан боғланиб, унга бу ташвишли хабарларни етказди. Мустафо Камол ушбу танг вазъиятдан хабар топгач, зудлик билан урушни тўхтатиш ва шарқ тарафга чекиниш ҳақида буюрук берди. Турк кўшини чекина бошлади. Турк кўшини тўла умидсизликка тушиб қолган, шу билан бирга катта талофатларга учраган, жуда кўп қимматбаҳо ҳарбий анжомларни душманга ўлжа қилиб қолдираётган эди. Вагонлар кўтара олганича юк ва ҳолдан тойган болалар ва аёлларни олиб кета бошлади. Турк кўшини чекиниб Сақорияга яқинлашиб қолди. Аммо Мустафо Камол Эски шаҳардан Анқарага поездда қайтиб келди.

Юнонлар билан самарасиз музокаралар бўлиб ўтди. Мустафо Камол бу музокараларда юнонларни рози қиладиган ҳар қандай таклифга тайёр эди. Лекин юнонлар ҳар қандай таклифларни рад этдилар.

Турклар руҳан тушкинликка тушиб қолган, миллий мажлиснинг шовқун-суронли йиғинлари давом этиб турар, Мустафо Камолга қаршилар бутун ғазабларини Мустафо Камол ва у билан бирга бўлган қўмондонларга тўкиб солар эди. Мустафо Камол тарафдорлари эса иккиланиш ва ҳайронликка тушиб қолган эдилар.

Кейин Мустафо Камол қўмондонлиги марказига қайтиб келди. У ерда қўмондонларнинг ўзаро гаплашаётганини эштиб қолди. Уларни тушкун аҳволда кўриб, уларда шижоатни кўзғатишга ҳаракат қилиб, ушбу сўзларни айтди: “Темир йўл қандай аҳамиятга эга? Эски шаҳар ёки бошқа бирон шаҳарни нима аҳамияти бор? Булар аҳамиятсиз нарсалар. Асосий нарса бу қўшиндир. Қўшин кучлилигича турибди. Тўрт ҳафта ўтар-ўтмас биз яна душман устидан ғалаба қиламиз”, деди. Лекин қўмондонлар Мустафо Камолнинг сўзини эшиткан вақтларида унга ҳайрон бўлиб тикилиб қолишди. Чунки улар Мустафо Камолнинг бу сўзларини қуруқ сафсата, деб ҳисоблашар эди.

Лекин уруш давом этар, юнон қўшини олдинга қараб юрар эди. Генерал Бабулос дивизиялари Сақория ғарбига тўпланди. Турклар Корони топширишга мажбур бўлди. Ўнг қанот кучлари зўрға қочиб қутилиб қолишган бўлса, чап қанот кучлари эса ўз ўрнида турар эди. Охир-оқибат улар ҳам бошқа жойга чекинишга мажбур бўлишди. Мустафо Камол қўмондонлиги маркази Ажуш қишлоғида бўлиб, Мустафо Камол у ердан туриб хонасидан чиқмаган ҳолда буйруқлар бериб турар эди. Исмаил бошо қўшин кумондони эди.

Турк қўшини яна мағлубиятга учрай бошлади. Бош қўмондон қўшинга чекиниш ёки чекинмасдан ўз ўрниларида туриш ҳақида буйруқ беришни билмай ҳайрон бўлиб қолди. Мустафо Камол аниқ билдики, агар қўшин ўз ўрнида чекинмай турса ҳалокатга учрайди ёки учрамайди. Лекин чекинса ҳалокатга учраши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам Мустафо Камол чекинмасликка қатъий қарор қилди. Бу вазъият ўта хатарли эди.

Юнон қўшини урушда ғолиб бўлишига қарамасдан иттифоқчилар қисуви остида чекиниши

1922 йил 7 сентябрь эрталаб соат 2 да юнон қўшини ҳужумни тўхтатиб чекинаётгани ҳақидаги хабарлар келди. Бу вазъиятдан фойдаланган турк қўшини чекинаётган юнонларга қарши қайта ҳужум бошлади. Юнонлар аввал Сақория ортига, кейинчалик эса Анозул темир йўли яқинидаги собиқ марказларига чекинишди. Улар чекиниб борар экан, йўлларидаги қишлоқларга ўт қўяр, қудуқларни портлатар, чорва молларини ҳайдаб кетар, дуч келган одамларни ўлдирар эдилар. Улар шу зайилда 10 мил масофани харобага айлантириб Измирдан чиқиб кетишди. 9 сентябрда турклар Измирни жангсиз қўлга киритди. Лекин улар

хам ўз навбатида шаҳарнинг ярмини (яъни юнонлар яшаган қисмини) юнон босқинининг изларини тамоман йўқ қилиб ташлаш мақсадида қуйдириб юбордилар. Англия, Франция ва Италия сулҳ битими тузилишини талаб қилди. 1922 йил 11 октябрда ўзаро сулҳ битими имзоланиб, юнонлар Тарқоқ, ҳатто Марижни тарқ қилиб чиқиб кетди. Шу билан юнон ва турклар ўртасидаги уруш ниҳоясига етди.

Бу ўша даврда ғарб оммавий ахборот воситалари тасвирлашга ҳаракат қилгандек эмас, балки қандай бўлиб ўтган бўлса шундайлигича келтирилган Мустафо Камол билан юнонлар ўртасидаги уруш воқеъларининг ҳақиқий хулосасидир. Бу воқеълар шуни кўрсатиб турибдики юнонларнинг босиб олган ерларидан воз кечиб чекинишлари уларни мағлуб бўлишига мажбур қилган жанг натижасида бўлмади. Аксинча улар бу вақтда ғолиб эдилар. Турклар эса мағлуб ва тушкун аҳволда бўлиб, умидсизлик уларни ҳолдан тойдирган эди.

Юнонларнинг бундай тарзад чекинишидан уларни давлатлараро тазйиқ чекинишга мажбур қилганлиги очиқ кўриниб турипти. Шаксиз бу тазйиқ иттифоқчиларнинг иши эди. Чунки Англия, Франция ва Италия юнонлар урушдан жангсиз чиқиб, чекиниб бўлишгач юнонлар ва турклар ўртасида сулҳ тузилишига шошилишган ва охир-оқибат сулҳ тузилган эди.

Ингилизлар Мустафо Камолни овоза қилади

Англия турклар билан юнонлар ўртасидаги урушлардан Мустафо Камол Халифаликни бекор қилишга ёрдам берадиган қурол сифатида эди. Шунинг учун ҳам Англия бу уруш ҳақидаги хабарларни бутун Ислом оламида кенг тарқатди. Туркиянинг ўзида ва Туркиядан ташқарида Мустафо Камолнинг ғолиблиги, юнонларни қувиб чиқарган, иттифоқчиларга қарши курашиб, уларни ҳам қувиб чиқаргани ҳақида овозалар тарқатади. Ҳатто Мустафо Камол кейинчалик мусулмонларга ва Ислом ҳокимиятига охирги зарбани бериши, яъни Халифаликни бекор қилиши ва Ислом салтанатини йўқ қилишга имконият яратиб берди.

Юнонларнинг Тароқиядан қувиб чиқарилиши режалаштирилган иш экани очиқ кўриниб турибди. Унинг хулосаси: юнон қўшини Кичик Осиёдан жангсиз чекингач, Мустафо Камол қўшини шимолга Тароқияни юнонлардан озод қилиш учун юриш бошлади. Франция, Италия ва Англия 1921 йил 15 майда бетарафликни эълон қилганларида Босфор ва Дарданел соҳилларигача чўзилиб борган ерларда бетараф минтақа ташкил қилишган ва бу ерларни кесиб ўтишга ҳар икки урушувчи тарафга ҳам имкон бермас эди. Юқорида юнонлар Истанбулни босиб олиш учун ушбу бетараф минтақани кесиб ўтишга ҳаракат қилган ва генерал Ҳарингтон уларга имкон бермагани ҳақида айтиб ўтган эдик. Энди Мустафо Камол бу ерларни кесиб ўтишга ҳаракат қилди. Генерал Ҳарингтон уни ҳам ман қилди. Лекин Мустафо Камол бу қаршиликка эътибор бермади. Қўшин ичкарига ёриб киришда давом этаверди. Турк қўшини соҳилда тўпланиб, Жаноқ қалъа яқинида тўхтади. Ҳарингтон уларга қаршилиқ қилиш учун ҳозирлик кўра бошлади. Шу мақсадда Истанбулдаги

мавжуд ҳарбий кучларни жамлаб, Жанок қалъа ва Осиё соҳлини ҳимоя қилиш учун бўлинмаларни юборди.

Ҳарингтоннинг бу ишидан иттифоқчилар француз ва италиянлар ажабландилар. Мустафо Камол бетараф минтақани кесиб ўтишга мутлақо рухсат берилмаслиги таъкидлаб ўтилган, Англия, Франция ва Италия давлатлари тарафидан битилган огоҳлантириш хатини Ҳарингтон Туркияга юборди. Лекин Мустафо Камол бунга эътибор бермади. Англия ўз ҳарбий кучларини урушга киришга сафарбар қилди. Франция ва Италиядан ҳам ҳарбий кучларни урушга сафарбар қилишини талаб қилди, бироқ улар бу талабни рад қилишди. Жанок қалъа ва Осиё соҳлини ҳимоя қилиб турган француз қўшинлари бетараф минтақадан чиқиб кетди. Италиянлар ҳам уларга эргашди. Бу ерда ёлғиз ингиллизларнинг ўзи қолди.

Уруш масаласи Туркия билан иттифоқчилар ўртасида эмас, балки Туркия билан ёлғиз Англия ўртасида бўлиб қолди. Туркия кучлари ингиллиз кучлари билан юзма-юз бўлиб қолди. Ингиллиз кучлари турк кучларига қарши уруш қилиш ва юнонлар ортидан боришдан қайтаришга қудрати етар эди. Агар улар ҳақиқатдан ҳам турк кучларига қарши урушишни хоҳлаганда туркларни юнонлар ортидан боришдан қайтара олар ва уларни қурукликдаги кучлари билан бўлмаса ҳам, тайёр турган денгиз флоти ва самолётлари билан мағлуб қила олар эди. Чунки Мустафо Камол кўлида ўша пайтда самолётлар ҳам, денгиз кемалари ҳам йўқ эди. Бунинг устига у юришини давом эттириш учун Дарданел бўғозидан ўтши керак эди.

Шунинг учун Мустафо Камолнинг баъзи бир маслаҳатчилари унга ингиллиз кучлар олдида аниқ мағлубиятга ўзини дучор қилмасликни маслаҳат беришди. Лекин у юнонларга етиб олиш учун бетараф минтақани кесиб ўтиш фикрида қаттиқ туриб олди. Турк қўшинлари олдинга интилди. Ингиллиз кучлари уларни қайтариш учун ҳаракат бошлади. Лекин тарафлар ўртасида тўқнашув бўлмади. Ингиллиз кучларининг аҳволидан уларнинг нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолишгани яққол кўриниб турар эди. Уларга берилган буйруқлар ноаниқ эди, яъни туркларни қайтариш билан бир вақтда ўқ отмаслик ва зўравонлик қилмаслик талаб қилинган эди.

Шу пайтда Франция Мустафо Камол билан музокаралар олиб бориши учун Франклин Боййинни элчи қилиб юборди. Элчи иттифоқчилар юнонлар “Трис”ни бўшатиб бериб, Туркиянинг Европа қисмини туркларга қайтариб беришлари учун ҳаракат қилишга тайёр эканликларини изҳор қилди.

Шунда Ҳарингтон Мустафо Камол ўз ҳукумати билан маслаҳатлашиб олиш учун муҳлат беришини сўради. Ўн кундан кейин ингиллиз ҳукуматидан юнон қўшинлари чиқиб кетиши ва ингиллиз қўшинлари эса қолишига Англия рози, деган мазмунда жавоб келди. Шундай қилиб фақат ингиллиз қўшинлари қолди.

Шундан кейин Мустафо Камол бунга рози бўлди ва қўшинга тўхташ ҳақида буйруқ берди. Исмат бошони Ҳарингтон билан тафсилотлар устида келишиб олиш учун учрашгани Мудония қишлоғига юборди. Шу ерда иттифоқчилар юнонларни

Трисдан қувиб чиқаришга келишиб олишди ва бу амалга оширилди. Юнон кўшинлари чиқиб кетди. Анқара ҳукумати идорий ишларни ўз қўлига олди. Туркияда ингилиз кўшинларидан бошқа ажнабий кучлар қолмади.

Бу ҳам Мустафо Камолнинг иттифоқчиларни Истанбул ва бўғозлардан қувиб чиқариб қўлга киритган улкан ғалабаси деб ҳисобланди ва юнонлар билан бўлган жанглардаги ғалабалари овоза қилингандек бу “ғалаба” ҳам овоза қилинди. Бирок оз-моз ақл юритилса бу ишларнинг ҳаммаси ингилизлар мамлакатдан барча иттифоқчиларни чиқиб бориб, фақат ўзлари қолишлари учун Мустафо Камолнинг улар билан келишиб амалга оширганлиги маълум бўлади.

Сиёсатчилар ва зобитлар Мустафо Камолни Халифаликни бекор қилишдан қайтаради

Шу билан ички ишлар даври ниҳоясига етди. Энди фақат сулҳ конференциясидаги муаммони ҳал қилиш масаласи қолган эди. Бу орада сиёсатчилар ва зобитлар Мустафо Камол халифаликни бекор қилиш ниятида эканини сезиб қолишди. Натижада миллий мажлисда бу муҳим иш хусусида Мустафо Камолга бу борада қарши туришга тайёр эканликларини очиқ ойдин билдирдилар. Шунингдек кўшиннинг кўпчилик қисми ҳам Мустафо Камолнинг бу ёвуз ниятини сезиб қолган эди.

Генерал Козим Қора Букайр бошо Султоннинг ашаддий тарафдорларидан эди. Шунинг учун ҳам у шошилиш равишда Мустафо Камолни огоҳлантириб, шундай деди: “Модомики бу муҳим иш хусусида, яъни дустур хусусида халқ билан маслаҳат қилинмаган ва унинг фикри олинмаган экан бундай дустур шаръий жиҳатдан ноқонуний ҳисобланади. Қолаверса фақат халқнинг ўзи хоҳлаган ҳукми танлаб олиш ҳуқуқига эга”. Кейин у қуйдаги таҳдид сўзлари билан гапни тугатди: “Қасам ичиб айтаманки, мамлакатни халифалик тузумидан жумҳурият тузумига айлантириш мақсадида босадиган ҳар бир қадамнинг – бу иш мендан ҳар қандай қурбонликларни талаб қилмасин – тийиб қўяман”.

Козим Қора Букайр – бутун кўшин ҳурмат қиладиган шахслардан бири бўлгани учун ҳамда унинг донолигини, узоқни кўра олишини билгани ва унга ишонганлиги учун – халқ ва кўшинни Мустафо Камолга қарши ҳаракатлантира олишга қодир эди. Буни англаб етган Мустафо Камол дарҳол уни тинчлантириб қуйдагича мактуб йўллади: “Миллий мажлис ишлаб чиққан дустур ҳали тамомига етказилгани йўқ. Балки у мамлакатда демократик ҳукмлар билан ҳукм юритмоқчи бўлаётганларга кўрсатма бўлиши учун ишлаб чиқилган умумий асослар мажмуасидир холос. Бу қонунлар ичида муқаддас салтанат ва муқаддас халифаликка қарши чиқиш ёки жумҳуриятҳукмини ўрнатишга тарғиб қиладиган бирор нарсанинг ҳиди ҳам йўқ. Бизни салтанат йўқотиб, ўрнига жумҳурият ҳокимиятини ўрнатишади, деб ўйлаётганлар биз яшаб турган оламдан бошқа оламда, яъни хаёл ва гумонлар оламида яшамокдалар”.

Бу мактуб Козим Қора Букайрга ҳам, бошқа ҳаммага ҳам таъсир қилди, натижада пойтахт тинчланди. Мустафо Камол эса қаршиларни йўқ қилиб юборадиган катта кучга суянмай туриб жумҳуриятга асос сола олмаслигини билди. Шунинг учун бор имконияти балан мана шундай кучни тайёрлашга киришди. Бунда унга инглизлар Туркия ичкарасида ва Исломий оламнинг бошқа ерларида тарқатган Мустафо Камолнинг овозалари катта ёрдам берди. Шунинг учун у етарли кучга эга бўлганини ҳис қилгач ва кўшнда уни қўллайдиган кучга суянгач халифаликка қарши кўнглида тугиб юрган ёвуз режасини амалга оширишга киришди, яъни халифаликни йўқ қилишни ҳаракатларини бошлаб юборди. Айнан шу пайтларда мамлакат ишини узил кесил ҳал қилиш мақсадида сулҳ конференцияси ҳам иш бошлаган эди.

САЛТАНАТНИ ХАЛИФАЛИКДАН АЖРАТИШ

Англия якуний сулҳ конференциясига фақат ўз манёвларини охирига етказгандан ва кўзлаган мақсадларига эришгандан кейин чақиргани кўриниб турибди. Модорс яраш битими имзолангандан то Лузаннада бўлган биринчи конференциягача бўлган давр мобайнида Туркиянинг ўзида амлга оширилган ишлардан инглизлар халифаликни қулатиш ва бутунлай йўқ қилиб ташлашдек қабих ишларини мисли кўрилмаган маккорлик билан амалга оширишгани маълум бўлади. Турк ерларини босиб олган иттифоқчилар қўшинига инглиз генерали Ҳарингтон бош қўмондон бўлиб, шу билан бирга у Истанбулга ва турк ерларининг ҳаммасига ҳукмрон эди. Туркия бошқа исломий мамлакатларнинг ҳаммасидан ажратиб қўйилган бўлиб, бу нарса инглизларга ўз режаларини амалга оширишлари учун қулай имкониятлар туғдирар эди. Шунинг учун улар ўз фаолиятларини халифаликни қулатиш ҳамда иттифоқчилар – Франция, Италия ва юнонларни Туркиядан узоқлаштиришга қаратишди. Мана шу вақтда бу икки иш, яъни халифаликни қулатиш ва иттифоқчиларни узоқлаштириш осон эмаслигини биллаган ҳолларида ўз манёвларини бошлаб юборишди.

Шунинг учун улар ниҳоятда ифлослик ва маккорлик билан иш олиб боришди. Инглизлар иттифоқчиларни четлатишга сиёсий ва дипломатик услублар, халқаро ва ҳарбий манёвлар, маҳаллий урушларни кўзгаш орқали ҳаракат қилишди ва бу ишлардан халифаликни қулатишда ҳам фойдаланишди. Халифаликни қулатиш учун инглизлар сиёсий услублар ва халқаро манёвлар билан бир қаторда Туркиянинг ўзида генераллари Ҳарингтон ва Вилсон орқали бевосита иш олиб боришди. Мустафо Камол улар учун мана шу ифлос ролни ўйнаб берди. Агар у бўлмаганда инглизларнинг фитналари барбод бўлиши аниқ эди.

Турк ерларида инглизларнинг танилмаган одамлари ҳам бевосита иш олиб борди. Капитан Ҳ.С. Армстронг танилмаган шахс ва кичик зобит бўлишига қарамасдан муҳим ишлар қилди. Унга ўхшаган кичик зобитлар ҳам инглизларнинг режаларини амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшишди. Армстронг биринчи жаҳон урушидан олдин инглизларнинг Истанбулдаги элчихонасида ҳарбий маслаҳатчи эди. Уруш пайтида бутун олтинчи дивизия билан асирга тушади. Асирда турган вақтида Анвар бошо билан учрашишини талаб қилади, унинг бу талаби жуда ғалати эди. Анвар бошо ҳарбий вазир бўлиб, бутун мамлакат унинг қўлида эди. Бинобарин инглиз асири у билан учрашишни талаб қилиши ғойри оддий иш эди. Шундай бўлсада, у билан учрашди. Бу учрашувда суҳбат узоқ давом этиб, Анвар бошо жазо тариқасида уни алоҳида хонага қамаб қўйишга буйриши билан тугади. Анвар бошонини бу асирнинг нимаси ғазаблантиргани маълум эмас. Бироқ у Анварнинг асабларига тегиб унга ёки давлатга қарши гап қилган бўлса керакки, Анвар уни жазолашга буйирди. Аслида бу асир қўшиндаги баъзи зобитлар билан алоқа боғлаган эди. У уруш тугамасдан асирликдан қочиб, яна инглиз қўшинлари сафига қайтди. Унинг қочишига ким ёрдам берганлиги номаълумлигича қолаверди. Уруш тугаши билан инглиз ҳукумати уни яна Истанбулга юборди. У ерда босқинчи инглиз ҳукмронлари унга расмий вазифалар топширди. У Истанбулда бир неча йил турди, бу давр мобайнида умуман турклар билан, хусусан Мустафо Камол билан бевосита

алоқада бўлди. Халифаликни бекор қилиш учун олиб борилган барча ҳаракатларда катнашди. Айтиш мумкинки, у халифаликни қулатиш учун Мустафо Камол билан бирга иш олиб борган кимсалардан эди.

Лекин энг асосий вазифа Ҳарингтонга юкланган эди. Зеро, у иттифоқчилар кўшинига бош кўмондон бўлиб ҳамма нарса унинг қўлида эди. Мустафо Камол ҳам қабих мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилаётганда асосан у билан алоқада бўлган. Ингилизлар Ҳарингтонни Туркия ишларига бош масъул деб ҳисоблашган. Унинг Туркиядаги фаолиятини ойдинлаштирган расмий баёнотлар мавжуд:

1924 йил 25 февралда лейтенант Колонил Дилмо парламентнинг қуйи палатаси мажлисида гапириб, жумладан шуларни айтди: “Британиянинг Шарқдаги обрўси ер билан яксон бўлди”. Яна: “Британия арманлар масаласига аралашмаслиги лозим”, деб арманлар турклар билан тинч тотув яшаш истагида эканликлари битилган хатларни далил сифатида кўрсатди.

Шарлзабет унга жавобан шундай деди: “Туркларнинг бизга нисбатан ҳис-туйғулари жуда яхши. Бизнинг у ердаги ишларимиз муваффақиятли давом этмоқда”. У сер Чарлз Ҳарингтондан олган маълумотларга суяниб шундай жавоб берган эди. Лекин бу маълумотнинг турини айтмади. 1940йил 24 март куни – Ҳарингтон вафотидан икки кун кейин Лондоннинг “Таймс” газетаси у ҳақида мақола босиб чиқарди. Мақолада шундай сўзлар бор эди: “1921 йили Юнонлар турклардан мағлуб бўлгач иттифоқчилар кучларнинг бош кўмондони сер Ҳарингтон га Мустафо Камол билан ҳамкорлик қилиш учун чекланмаган салоҳиятлар берилди”. Бироқ газета бу ҳамкорлик қандай кўринишда бўлганни ёзмаган. Газета яна шуларни ёзди: “Ҳарингтоннинг сиёсатдаги ишлари эҳтиёткорлиги ва ирода қилган нарсасида катъий туришини яшириб турар ва у шунга лойиқ шахс эди”.

Мустафо Камол билан бирга ҳамкорлик қилиш учун берилган мана шу чекланмаган салоҳиятлар билан минтақадаги аҳволни яшишлаш ва халифаликка қарши ҳал қилувчи зарба беришда охириги давр бошланди. 1922 йил июлдаги яраш битимидан ҳамда юнонларнинг француз ва италянлар ортидан чиқиб кетишдан кейин мамлакат барча ажнабий кўшинлардан тозаланди. Фақат ингилиз кўшинлари қолди. Натижада Ҳарингтон якка ўзи ҳаракат қилди. Мустафо Камолнинг кудрати, нуфузи ва мамлакатнинг ҳамма ерларида халқ орасидаги шухрати энг баланд чўққиларга етган бир пайтда Истанбул ҳукумати номигагина ҳукумат бўлиб, қўлидан ҳеч нарса келмас эди. Ҳокимиятнинг ҳаммаси – қонунларни ижро қилиш, кўшинга ҳукмронлик қилиш ва давлатнинг барча ишларини бошқариш каби ички ишлар ҳамда бошқа давлатлар билан бўлган алоқалар ва битимлар тузиш каби ишлар – Анқара ҳукуматининг қўлида эди.

Султон эса ўз қасрида жуда кўп аламлар остида изтироб чекар, гапига кулоқ соладиган одам топа олмас эди. Ингилизлар унга лутф айлаб, меҳрибонлик кўрсатар, хазина тугаб, киссалар бўшаб қолгач аҳён-аҳёнда молиявий ёрдам бериб турар эди. Султон бу молларни ингилизлардан совға, яън садақа сифатида олар эди. Туркияда ишлар мана шу даражага тушиб қолган бир вақтда иттифоқчи давлатлар –

Англия, Франция ва Италия сулҳ битимини имзолаш учун Анқара ҳукуматини ҳам, Истанбул ҳукуматини ҳам Лузанна конференциясида иштирок этишга чақирди. Бу 1922 йилнинг 17 октябрда бўлган эди. Мамлакатдаги ҳар иккала ҳукуматни Лузаннага чақириш “Ватан мажлис” томонидан ғазаб билан кутиб олинди. Халифаликни бекор қилиш учун бевосита ҳаракат ва унга қарши кураш бошланди. Ватан мажлиси – Мустафо Камол парламенти – бундай найранглардан, яъни икки турк ҳукумати сулҳ битимига чақирилишидан норози эди. Шунинг учун ҳам бу мажлис бундай конгилсизликларга чек қўйишни, мамлакатда икки тарафлама бошқарувга барҳам беришни ва орани очик қилиб олишни хоҳлади. Мажлис аъзоларидан баъзилари Истанбул ҳукуматидан истуъфо беришни талаб қилиш ҳамда Мустафо Камол бутун ҳаёти давомида бошқарувдаги янги бир ҳукумат таъйин қилиниши таклиифини ўртага ташлади. Ватан мажлиси бу мавзуда мунозара қилаётган вақтда Мустафо Камол Измирда эди. Шундай бўлса ҳам у бўлаётган мунозараларни кузатиб турар. Мажлис яқинлашиб келаётган сулҳ битими ҳақида у билан мунозара қилиш учун уни икки марта чақирди, лекин у Измирдаги ҳарбий вазифаларни рўқач қилиб бора олмаслигини маълум қилди. Шунда сиёсатдонлардан Рауф ва Лафифлар Мустафо Камол билан янги Туркиядаги ҳукумат қандай бўлиши ҳақида унинг фикрини билиш учун учрашдилар. Мамлакатда икки ҳукумат – салтанат эгаси бўлган ва қароргоҳи Анқарада жойлашган ҳамда Султон ва вазирлар мажлиси бошқарувдаги номига ҳукумат бўлган пойтахтдаги расмий ҳукумат – бўлиши мумкин эмас эди. Улар Мустафо Камолга ҳар иккала ҳукуматни бирлаштириб халифани дустурий (конституцион) султон ва Мустафо Камол эса бош вазир қилиб таъйинлашни таклиф қилишди. Мустафо Камол уларга ҳеч қандай жавоб бермади. Бундан улар хавотирланиб қолишди. Рауф унга ўз саволлари билан каттик туриб олди. Охири Мустафо Камол у билан Анқарада учрашишга ваъда берди.

Кейин “Миллий мажлис” маслаҳатлашиб олиш учун тўпланди. Ноиблар мазкур мавзунда баҳс юритишди. Мустафо Камолнинг тарафдорлари – “Пойтахтдаги ҳукумат Туркияни кутқариш учун нима қилди? Туркияда ягона ҳукумат Анқара ҳукуматидир”, дейишди. Ноибларнинг аксарияти Истанбул ҳукумати истеъфога чиқши, Мустафо Камол янги ҳукумат ташкил қилиши ва халифа дустурий султон бўлиб қолиши керак дейишди. Мажлислар залида каттик тортишув ва тўс-тўполон авжига чиққан бир пайтда Мустафо Камол минбарга кўтарилди ва ноиблардан тинчланишларини ва қулоқ солишларини илтимос қилди. Кейин салтанат билан халифаликни бир-биридан ажратишни, яъни халифалик бекор қилиниб, Ваҳиди-дин четлатилишини таклиф қилди. Шу ерда халифалик устидаги хатар даҳшатли сувратда намоён бўлди. Ғала-ғовур яна ҳам кучайди. Шунда Мустафо Камол саксон нафар тарафдорларининг қўллаб-қувватлаши остида бу таклифга дарҳол фикр билдиришни талаб қилди. Бироқ мажлис таклифни ташқи ишлар бўйича комиссияга ўрганиб чиқиши учун топширди.

Эртаси куни комиссия тўпланди. У адвокатлар ва олимлардан ташкил топган эди. Улар салтанатни халифаликдан ажратиш масаласи устида бир неча соат баҳс қилишди. Комиссия аъзолари баҳсларида Қуръон оятлари ва ҳадисларидан ҳамда Баҳдод ва Қоҳирадаги халифалар тархидан юзлаб мисолларни далил сифатида

келтиришди. Комиссиянинг бирча аъзолари бу таклифга қарши бўлди ва рад этишга келишишди.

У ерда Мустафо Камол ҳам бор эди. Уларнинг келишувларини кўргач ва кимисиянинг қарори таклифни бир овоздан рад этиш эканини аниқ билгач ғазаб билан ўрнидан сакраб туриб кетди ва минбарга кўтарилди. Кейин йиғилганларнинг мунозараларини шундай деб қичқириб бўлиб ташлади: “Жаноблар, Усманий Султон хукмронликни халқдан куч билан тортиб олган эди. Халқ ҳам уни куч билан қайтариб олишга азму-қарор қилди. Салтанат халифаликдан ажратилиши ва халифалик бекор қилиниши керак. Сизлар рози бўласизларми, йўқми барибир тез орада шундай бўлади. Ана шу вақтда баъзиларингизнинг бошлари танасидан жудо қилиниши мумкин”.

Комиссия аъзолари даҳшатга тушиб, тиззалари қалтираб қолди ва бу таклифни миллий мажлисга топширдилар.

Кейин миллий мажлис таклифни кўриб чиқиш учун тўпланди. Кўпчилик уни очик ойдин рад этиб, унда ва ҳатто Мустафо Камолнинг ўзидан ҳам ғазабда эканликларини яшириб ўтиришмади. Мустафо Камол ҳам буни сизди. Таклиф очик овозга қўйилган пайтда Мустафо Камолга унинг рад қилиниши ҳамда жуда кўпчилик унга қаршилиги маълум бўлди. Шунинг учун атрофига ўзини ҳимоя қилишлари учун ос ёрдамчиларини тўплади ва бу таклифга бир марта фикр билдиришни талаб қилди. Айрим ноиблар унга эътироз блдириб, номма-ном чақирилиб фикр билдиришни талаб қилдилар. Мустафо Камол бунга рози бўлмади. Унинг тарафдорлари очик қуролланиб олган эдилар. Улар қўлларини тўппончаларга қўйган вақтда Мустафо Камол таҳдид билан қичқирди: “Мен ишонаманки мажлис таклифни тезда бир овоздан қабул қилади. Овоз бериш учун қўлларини кўтариш кифоядир”. Шу вақт таклиф овозга қўйилди. Бироқ жуда озчилик қўл кўтарди. Лекин мажлис раиси: “Мажлис бир овоздан таклифни қабул қилди”, деб натижани эълон қилди. Шунда бир неча ноиблар ўринларидан сакраб туриб: “Бу тўғри эмас, биз бунга қўшилмаймиз”, деб қичқиришди. Мустафо Камолнинг ёрдамчилари уларга қарата: “Ўтир, жим бўл” деб бақириб берди. Ҳамма ёқни тўс-тўпалон ва ғала-ғовур босиб кетди ва шу билан мажлис тугади.

Мустафо Камол ёрдамчилари қуршовида мажлислар зални тарк этди. Бу 1922 йи ноябрнинг бошида, яъни Лузанна конференциясига таклиф этилгандан 14 кун кейин бўлиб ўтган эди.

Бу қарор қабул қилинганидан 5 кун кейин тўсатдан Рифъат бошо Истанбулда ҳарбий тўнтариш қилди ва қўшин ва ҳарбий куч ёрдамида пойтахтда ҳокимият жиловини қўлга олди. Бу воқеълар генерал Ҳарингтоннинг кўз ўнгида содир бўлди. Шундай қилиб султон ҳукумати куч билан бекор қилинди. Султон эса буни назар-писанд қилмасдан бир неча кун турди. Кейин Ҳарингтонга оғзаки нома йўллади. Номани қасрдаги оркестр дирижёри олиб борди. У номани генералга оғзаки етказди. Унинг мазмуни қуйдагича эди: “Султон ингилиз қўмондони ва Британя ҳукуматининг ҳимоясини талаб қилади. Зеро, ҳазрати олийларининг ҳаётлари хавф остида қолгани аниқдир”.

Икки кундан кейин султон қасрига ингилизларнинг тез ёрдам машинаси келди. Унга Ваҳиди-д-дин ўғли билан чиқди. Ҳарам оғаси кичкина чемадонни, ҳаммол эса кийимларини кўтариб олган эди. Машина уларни буғ кемачасига, кемача эса портда турган ингилизларнинг ҳарбий кемасига элтиб қўйди. Бу кема уни Мальта оролига олиб борди. Бу воқеъа 1922 йилнинг 17 ноябрида содир бўлди.

Халифа кетгандан кейин амакиининг ўғли амир Абдулмажид ибн Абдулазиз олий мажлисининг розилиги олингач мусулмонларнинг халифаси деб эълон қилинди. Халифалик тарафдорларидан жуда кўп кишилар халифани қўллаб-қувватлашларини изҳор этгани шошилдилар. Рауфбек, доктор Аднонбек, Алий Фуод, Козим Қора Букайр ва бошқалар халифанинг зиёратига боришиб, бутун оламга ўзларининг халифаликка содиқликларини ҳамда халифа хали ҳам мавжуд эканини билдириб қўйиш учун унга садоқатларини маълум қилдилар. Лекин Мустафо Камол салтанатни халифаликдан ажратишга қаноат қилиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди ва халифани ҳар қандай салтанатдан ҳоли қилиб қўйди. Шундан сўнг сулҳ конференциясига тайёрлана бошлади.

Ингилизлар халифаликни бекор қилиш ва давлатни диндан ажратишни шарт қилади

1922 йилнинг 20 ноябрида Лузанна конференцияси очилди. Унда Усманий Давлатдан фақат Анқара делегацияси қатнашди ва унга биринчи жаҳон урушидан мағлуб бўлган Усманий Давлатнинг вакили сифатида қаралди. Конференцияда ингилиз делегациясининг раиси сифатида Англия ташқи ишлар вазири Карзун ҳозир бўлди. Чунки Лойд Жоржнинг вазирлиги 1922 йил 19 ноябрда истеъфога чиққан эди. Конференция ўз ишини бошлади. Унда Туркиянинг мустақиллигини тан олиш учун Карзун тўртта шарт қўйди:

1. Халифаликни бутунлай бекор қилиш.
2. Халифани Туркия ҳудудларидан ташқарига чиқариб юбориш.
3. Унинг мол-мулкини мусодара қилиш.
4. Давлатнинг диндан ажратилганини эълон қилиш.

Конференция муваффақияти мана шу тўрт шартга боғлиқ қилиб қўйилди. Шунинг учун у 1923 йил 4 февралда бирор натижага эриша олмасдан тарқалди ва унинг муваффақиятсиз яқунлангани эълон қилинди.

Исмаил Туркияга қайтди. Мустафо Камол уни Эскишаҳарда кутиб олишга ошиқди. Шу ерда ундан конференциянинг барча тафсилотини билб олди ва кейин у билан Анқарага қайтиб келди.

Анқара темир йўл бекатида вазирлар раиси Рауф ва шаҳар ноиблари уларни кутиб олмагани улар учун кутилмаган зарба бўлди. Мустафо Камолнинг жаҳли чиқди ва Рауфни ўз хузурига чорлаб, нега бундай иш тутганини изоҳлаб беришини талаб қилди. Рауф унга Исматни вазирлик билан маслаҳатлашмай конференцияга юборганига ва яна маслаҳатлашмай уни кутиб олиш учун шошилинич Эски шаҳарга борганига эътироз билдириб, бу ишлар дустурга хилофдир, деди. Сўнг у вазирлик раислигидан истеъфога чиқишни кўшиб қўйди.

Ватан жамъийяти конференцияда кўрилган масалалар юзасидан мунозара қилиш учун тўпланди. У Рауфнинг ёнини олди ва уни қўллаб-қувватлади. Аксарият Мустафо Камолга қарши эди. Мунозара ҳаддан ташқари шовқин-суронли вазиятда тўққиз кун давом этди. Мунозара асносида ноиблар Истанбулга юришни давом эттириш кейин шароит тақозо қилса Афинага юриш қилиш лозим бўлган бир вақтда Мустафо Камолнинг Моданияда душманлар билан сулҳ битими тузганини танқид қилишди. Бу сулҳга Мустафо Камолни лаққа туширган хийла деб баҳо бердилар.

Кейин ноиблар Исматга қаттиқ ҳужум қилишди. уни Карзун билан олиб борган музокараларда ахмоқлик ва нодонликка йўл қўйганликда айблашди. Ноиблар билан келишмасдан конференцияга юборилганини танқид қилишди. Кейин уни четлатишни, Лузаннага музокараларни қайта бошлаш учун унинг ўрнига бошқа одамни юборишни овозга қўйишга қарор қилишди. Буни эшитиб Мустафо Камолнинг ўти чиқиб кетди. У таҳдидлар ва ноибларни Рауфга қарши қўйишга урунишлар орқали Исматни четлатиш қарорини бекор қилишга эришди. Чунки Исмат унинг энг яқин сирдоши, ингилзлар билан олиб борган алоқаларида ишончли элчиси ва унга сўсиз итоъат қиладиган одам эди. Бинобарин ундан бошқани юбориш Мустафо Камолнинг барча режаларин пучга чиқариш, балки уларни бутунлай йўқ қилишни англатар эди. Шунинг учун имкониятдаги ҳамма воситаларни ишга солиб уни четлатиш ва унинг ўрнига бошқани юбориш ҳақида қарор қабул қилдирмади.

Кейин “Ватан жамъийяти”га қарши хийлалар ишлата бошлади. У билан жамъийят ўртасида кураш авжига чиқди. Ўтган тўрт йил мобайнида энг зулматли кунларда ҳам ёнида бўлган сафдошларининг кўпчилиги Рауф бошчилигида унга қарши уюша бошлади. Улар орасида Раҳмий, Аднон, Козим Қора Букайр, Рифъат, Алий Фуод, Нуриддин ва бошқалар бор эди. Мустафо Камолнинг сафида эса Исмат, Фавзий ва айрим дўстларидан бошқа ҳеч ким қолмади. Ноиблар бирин-кетин Рауфга қўшилиб Мустафо Камолни очик танқид қила бошлади. Ватан жамъийятидаги унинг тарафдорлари бўлган аксарият ноиблар энди унга қарши бўлиб қолишди. Мустафо Камол ўзининг мағлуб бўлганига аниқ ишонч ҳосил қилди.

ҚАҚШАТҚИЧ ЗАРБА

Мустафо Камол вазият ҳамда Ватан жамъийятларининг кўпчилик ноиблари ўзига қарши эканлигини сезгач, бу мушкул ҳолатдан чиқиб кетиш ҳақида ўйлай бошлади. Бу аҳволда Лузаннада сулҳ конференциясини қайта бошлашга ҳеч қандай имконият йўқ эди. Чунки бундай шароитда ингиллизларнинг ташқи ишлар вазири конференция муваффақиятининг гарови сифатида талаб қилган шартларни бажариш мумкин эмас эди. Шунинг учун Мустафо Камол бу шартларни бажаришга имкон яратадиган бир ишни қилиши керак эди. Уларни бажариш учун Ватан жамъийяти жумҳуриятга асос солиш, уни жумҳурият раиси этиб сайлаш ҳамда халифаликни бутунлай бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим эди. Ватан жамъийятидаги кўпчилик унга қарши бўлганлиги ва Мустафо Камолнинг режаларини амалга ошириши ёки у билан бир сафда юришининг эҳтимоли йўқлиги учун ҳам бу жамъийятни тарқатиб юбориш ва янги сайловлар ўтказиб, унинг ёрдамида ўзи билан бир сафда бўладиган, мақсадларини рўёбга чиқарадиган ва ўзи хоҳлаган қарорларини қабул қиладиган ўз одамларини Ватан жамъийяти тузиш ҳақида бош қотира бошлади.

Шунинг учун бу жамъийятни тарқатишга ва кўпчилик овозга эга бўлиш умидида янги сайловлар ўтказишга шошилди. Бироқ янги сайланган мажлис ҳам аввалги мажлис каби унга қарши турди. Шу боис уни тузоққа тушириш ҳамда уни иш юрита олмаётгандек бўлиб кўринадиган бир вазиятга тушириб қўйиш учун ҳийла-найранг йўлига ўтди. Бунинг учун у танглик пайдо қилиб, ундан фойдаланиб қолиш мақсадида сиёсий фитнес уюштирди: Вазирларни шаҳар чеккасидаги “Шон Қоя” деб аталадиган ҳовлисига кечки зиёфатга чақирди. У ерда сиёсий ҳолатни ҳар томонлама муҳокама қилишди. Мажлис сўнгида Мустафо Камолнинг таклифига кўра Ватан жамъийятининг қийин аҳволга солиш ва жамъийят аъзоларининг обрў-эътиборларини ерга уриш учун келаси куни ўз мансабларидан истеъфога чиқишга ва мансабларига қайтмасликка келшиб олишди. Эртаси вазирларнинг ҳаммаси кечқурун келишиб олганларидай ўз мансабларидан истеъфо бердилар.

Ватан жамъийяти янги ҳукумат тузиш учун кенгаш ўтказди. Бироқ бунинг удасидан чиқа олмади. Ноиблар ўртада тортишув ва жанжаллар авжига чиқди. Уларнинг ҳар бири ўз фикрини ўтказишга ва ўз манфаати учун ишлашга ҳаракат қилар эди. Ҳатто вазият бутунлай бетартиб ҳолатга келиб қолди.

Икки кундан сўнг Мустафо Камол айрим мухлис дўстлари учун яна зиёфат уюштирди. Улар орасида Исмат, Фатҳий ва Камолиддинлар бор эди. Гап Ватан жамъийяти тушиб қолган мушкул аҳвол ва у янги ҳукумат ташкил қила олмаётгани ҳақида борди. Вазиятни атрофлича муҳокама қилишди. Сухбат ниҳоясида Мустафо Камол йиғилганларга қуйдагиларни уқтирди: “Ушбу бетартибликларга чек қўйиш муддати етди. Эртага албатта жумҳурият барпо қилинганини эълон қиламиз. Барча қийинчиликлардан қутилишнинг ягона йўли мана шу. Эртага сен, Фатҳий, мажлисда имкони борича ишларни чигаллаштирасан, аъзоларни бир-бирига қарши гиж-гижлайсан. Шунда сен Камолиддин, жамъийятни боши берк кўчадан чиқариш мақсадида ҳокимият тизгинларини Мустафо Камол ўз қўлига олиши учун чақирдиш керак, деб таклиф киритасан.

Эртаси куни келишиб олган вазифаларни ижро қила бошлашди. Ватан жамъийяти йиғилди, унда шовқун-суронли тортишув бўлди. Ноиблар бир-бирларининг ёқаларидан олиб муштлашиб кетишларига оз қолди. Улар ўртасида жанжал авжига чиққан бир пайтда вазирликни ташкил қилиш учун Мустафо Камолни чақириш таклифини киритди. Ноиблар Мустафо Камол билан бўлган хусуматларини унутиб, бу таклифни қабул қилди. Бироқ Мустафо Камол аввалига уларнинг чақириқларига рад жавобини қайтарди. Шунда улар вазирликни тушиб қолган мушкул аҳволдан чиқаришга ожизликларини, унинг ёрдамига муҳтож эканликларини маълум ёзма равишда қилиб мактуб йўллашди. Бунга жавобан Мустафо Камол агар Ватан жамъийяти унинг фикрини ҳеч бир эътирозсиз қабул қилсагина вазирлик ташкил қилиш таклифини қабул этишни шартқилди. Улар бунга рози бўлишди.

1923 йил 29 октябрда Ватан жамъийяти муҳим йиғилиш ўтказди. Мустафо Камол минбарга кўтарилиб, Туркия жумҳуриятига айлантирилганини эълон қилди. У жумладан шундай деди: “Вазиятни мушкул аҳволдан чиқаришим учун сизлар мени чақирдингиз. Лекин бу аҳволга сизлар олиб борган ишлар сабабли тушиб қолдик. Бу тангликнинг илдизи ўткинчи нарса эмас, балки ҳукуматимиз низомидаги асосий хатодир. Чунки Ватан жамъийяти бир вақитнинг ўзида ҳам қонун чиқариш, ҳам ижро қилиш масъулиятини ўз устига олган. Сизлардан ҳар бир ноиб вазирликда қарорлар чиқарилишида иштирок этишни, ҳукуматнинг идорий ишларига ва вазирнинг барча қарорига аралашишни хоҳлайди. Жаноблар! Бундай шароитда бирор вазир ўз масъулиятини адо қилиб, мансабини қабул қила олмайди. Тушунинглар, бундай асосга қурилган ҳукуматни вужудга келтириш амримаҳолдир. Агар бўладиган бўлса, ҳукумат эмас бетартиб бир нарса бўлади. Биз бу вазиятни ўзгартиришимиз лозим. Шунинг учун қарор қиламанки, Туркия сайлов йўли билан танлаб олинадиган президент бошқарувидаги жумҳуриятга айлантирилиши керак”.

Ноиблар бу қабиҳ қарорни эштиб ҳайрон бўлиб қолганларидан бир оғиз сўз ҳам айта олмай жим бўлиб қолишди. Чунки улар иш бунчаликка боришини кутишмаган эди. Овоз беришда 40 фоиз ноиб қатнашмади. Шундай бўлса ҳам Туркиянинг жумҳуриятга айлантириш ҳақидаги олдиндан тайёрлаб қўйилган қарор қабул қилинди. Мустафо Камол Туркия жумҳуриятининг биринчи президенти этиб сайланди ва у халифаликни бекор қилиш ва давлатни диндан ажратишни эълон қилишга енг шимариб ҳаракат қила бошлади. Одамлар унинг бухатти-ҳаракатларин сезиб қолишди. Барча одамларнинг фикри унга қарши бўлиб қолди. Ҳамма жойда Анқарадаги янги ҳукумат кофир, деган гаплар тарқади. Ҳатиблар ва вазирлар ҳам Мустафо Камолга қарши маърузалар қилишди. Унга қарши варақалар ва унинг ҳажвий расмлари тарқалди. Кейин ноиблар ва шаҳардаги нуфузли кишиларнинг кўпчилиги Анқарани тарк этиб Истанбулга қараб кетишди ва халифа Абдулмажид атрофига тўплана бошлашди. Бутун Туркия Мустафо Камолга қарши турди. Шу боис у ўзига ёрдамчилар топиш ва ҳужумни енгиллатиш ҳаракатига тушди.

Мана шундай вазиятда инглизлар Мустафо Камолга халифалик тарафдорларига қарши ишлатиладиган қурол билан ёрдам беришди. Мустафо Камолга қарши ҳужум авжига чиққан бир пайтда муслимон ҳинд етакчиларидан Оғахон ва Амир Алий

хинд мусулмонлари номидан эътироз мактуби йўллаб, барча мусулмонларнинг халифаси усмоний халифа мақоми ҳурмат қилинишини талаб қилишди. Оғохон исмоилилар тоифасининг раҳбари бўлиб, Туркия ва бошқа ерлардаги муслимонлар орасида инглизнинг дўсти ва малайи сифатида танилган эди. Мактуб матни Анкарага етиб бормай туриб Истанбул матбуотида чоп этилди. Мустафо Камол Оғохоннинг тарихини титкилай бошлади: у Англияда яшайди, унинг отлари ингилз отчопарларида мусобақаларда қатнашади, ўзи эса инглиз сиёсатдонлари ва элчиларининг машиналарида юради. Инглизлар биринчи жаҳон уруши мобайнида уни кўкларга кўтариб мактаб ташвиқот олиб боришган, ҳаттао унга керак бўлиб қолса хинд муслимонларининг раҳбари сифатида Туркия салтанатига таҳдид қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган шахс деб қаралади. Хуллас у инглиз кўғирчоқларидан бири.

Мустафо Камол ҳам мана шундай услубда иш юритишга ва халифаликка қарши оммавий фикрни кўзғашга ҳаракат қилди. У одамларга шундай гапларни айтар эди: “Ўта маккор душман Англия юнонлар ёрдамида Туркияни йўқ қила олмагач, хийла-найранг йўлига ўтиб, халифани қўллаши ва туркларин иккига бўлиб ташлаши учун кўғирчоғи Оғохонни ишга солди”. Кейин Мустафо Камол Ватан мажлисини кўзғай бошлади. Натижада сўзга чиққан ноиблар халифаликка, дин ишларига ва муҳолифат етакчиларига қарши ҳужум қилишда бир-биридан қолишмасликка ҳаракат қилишди. Сўнг жумҳуриятга ҳар қандай қаршилик ва мансабидан четлатишга халифага нисбатан бўлган ҳар қандай тарафдорлик хиёнат ҳисобланади ва унинг жазоси ўлимдир, деган қонун тасдиқлашди. Айрим ноиблар халифалик Туркия учун дипломатик нуқтаи назардан фойдали эканлиги ҳақида гапирганларида Мустафо Камолнинг тарафдорлари уларни дўк-пўпса, шовқин ва бақирлар билан жимитишга ҳаракат қилишди. Мустафо Камол шундай деб нутқ сўзлади: “Халифалик, Ислом ва дин кишилари учун: турклар жанг қилиб, беш асрдан буён жангларда ўлимга гирифтор бўлмадиларми? Туркия хиндлар ва араблардан юз ўгириб ўзининг манфаатларини ўйлаши ва исломий давлатларнинг ғамини ёйишдан ўзини халос этиш фурсати етмадими?”.

Кейин Мустафо Камол кўшин халифаликни бекор қилиш ва динни давлатдан ажратиш ишида уни қўллаши ёки унга қарши чиқишини аниқ билиб олиш мақсадида Измир яқнида бўлган кўшиннинг йиллик машғулотларида ҳозир бўлди. Фавзий ва Исмат билан бирга шуларни билиш учун бир неча кун ўтказди. Кичик зобитлар ва аскарларнинг кайфиятини билишга ҳаракат қилди ва уларнинг қаршилигини билди. Кўнгли таскин топадиган натижага эриша олмади.

Бир неча кун вазиятни ҳар томонлама ўйлаб кўрди. Кейин террор йўлини тутишга қарор қилди. Йиғилишларнинг бирида унга қаттиқ қаршилик кўрсатган ноибни ўша кечаси уйига қайтаётган пайтда йўқ қилиш учун бир шахсни ишга солди. Халифаликни қўллаб-қувватлаб нутқ сўзлаган яна бир ноибни яна бир марта шундай гапларни гапирсанг остириб юбораман деб кўрқитди. Рауфни Истанбулдан чақиртириб, халқ партиясининг бош комитети олдида Мустафо Камол ўзига ва жумҳуриятга содиқ эканлиги ҳақида қасам ичишга мажбур қилди. Қасам ичмаса партиядан ҳам, жамъийятдан хайдаб юбориш билан кўрқитди. Истанбул ҳокимига

намоз адо қилинаётган пайтда халифанинг атрофида бўладиган дабдаба кўринишларни бекор қилиши ҳақида қатъий буйруқ берди. Шунингдек халифанинг мартабасини энг паст даражага тушириб қўйди. Унга тобелар ундан узоқ юришлари лозимлигини таъкидлади.

Мана шундай террорчилик муҳитида, мана шундай ташвиқот ва овозалар бўлиб турган бир вақтда Ватан олий мажлиси кенгаш чақирди. Мажлис 1924 йилнинг 1 мартида йиғилди. Кириш нутқи халифаликни йўқотиш ҳақида бўлди. У қаттиқ қаршиликлар бўрони билан кутиб олинди.

Жамъийятга халифаликни бекор қилиш, халифани хайдаш ва динни давлатдан ажратиш ҳақидаги қарор тақдим қилинди. Мустафо Камолдан таъсирланиб, хаяжонга тушган ноиблар қуйдагича нутқ сўзлашди: “Нима қилиб бўлса ҳам хавф остига тушиб қолган жумҳуриятни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкам илмий асосга куриш лозим. Халифа ва Усмон хонадони қолдиқлари йўқолиши даркор. Эски диний маҳкамалар (қозихоналар) ва унинг қонунлари замонавий маҳкама ва қонунларга алмаштирилиши лозим. Диний мадрасалар диний бўлмаган ҳукумат мактабларига ўз ўрнини бўшатиб бериши зарур”.

Шиддатли тортишувлар ва қаттиқ жанжаллар остида бирор натижага эришиб бўлмади. Иккинчи кун Ватан мажлиси ушбу қарорни кўриб чиқиш учун яна йиғилди. Унинг мажлиси тун бўйи, то эрталабки соат 6 яримгача тинимсиз тортишув ва қаттиқ мунозаралар билан давом этди.

1924 йил 3 март. Эрта тонг. Ватан олий мажлиси халифаликни бекор қилиш ва динни давлатдан ажратишга рози эканлигини эълон қилди. Шу кеча Мустафо Камол Истанбул ҳокимига халифа тонг отмасдан Туркиядан чиқиб кетиши лозимлиги ҳақида буйруқ юборди. Ҳоким миршаблар ва аскарлар бўлинмаси билан ярим кечада халифа қасрига борди. Унга баъзи кийимлари ва бир нечта тиллолар солинган чемоданни тутқазиб, мажбуран бир машинага ўтказди. Машина уни чегарадан ўтиб Швецария томон олиб кетди. Икки кундан сўнг Мустафо Камол саройнинг барча амир ва амирларини тўплади ва ҳаммалари шаҳар ташқарисига чиқишди. Шу ерда барча диний вазифалар бекор қилинди. Мусулмонларнинг вақф ерлари давлат мулкига айлантирилди. Диний мадрасалар дунёвий мактабларга айлантирилиб, маъориф вазирлиги назоратига топширилди.

Шу билан мустафо Камол Англия ташқи ишлар вазири талаб қилган шартларни бажарди. Энди сулҳ битими имзоланиши ва унинг муваффақиятини тўсадиган ҳеч нарса қолмади. 1924 йил 8 март. Туркия ташқи ишлар вазири, турк делегациясининг раҳбари Исмаил бошо конференцияни чақирилишини сўраб иттифоқчиларга мактуб йўллади. Улар бунга розилиklarини билдиришди. 1924 йил 23 апрель. Лузанна конференцияси қайта очилди. Қатнашчилар сулҳ шартларига келишдилар. 1924 йил 24 апрель. Лузанна ахдномасига имзо чекилди. Давлатлар Туркиянинг мустақиллигини тан олди. Ингилизлар Истанбулдан ва бўғоздан чиқиб кетишди. Ҳарингтон Туркияни тарк этди. Мана шу вақеъалардан кейин ингилиз ноибларидан бири қуйи палатада Туркиянинг мустақиллигини тан олгани учун Карзунга эътироз

билдирди. Карзун унга жавобан шундай деди: “Гап шундаки.Туркия йўқ қилинди. Энди у ҳеч қачон оёққа тура олмайди. Зеро, биз Туркиядаги маънавий кучга, яъни халифалик ва Исломга барҳам бердик”.

Шундай қилиб инглизларнинг кўли, уларнинг малайи ва хизматкори хоин Мустафо Камолнинг хизмати билан халифаликни емириш ва уни бутунлай парчалаб ташлаш ҳамда давлатнинг дустури, умматнинг шарийъати ва ҳаётнинг низоми бўлган Исломни парчалаб ташлаш ниҳоясига етди. Шунинг учун Аллоҳга мухлис, онгли одамлар: “Инглизлар барча кофир давлатлар ичида куфирнинг бошидир”, деганларида бу сўзнинг барча маъноларни кўзда тутадилар. Ҳақиқатдан ҳам улар куфрнинг боши ва Исломнинг ашаддий душманидир. Муслимонлар ўз фарзандларига сут билан бирга инглизлардан нафратланиш ва улардан ўч олиш руҳини сингдирмоқлари лозим. Инглизлар умуман олганда бутун ер юзидаги, хусусан Туркиядаги муслимонларнинг қаршилигига қарамай халифаликка ва Исломга барҳам беришди. Бу билан бутун ер юзидан Аллоҳнинг шарийъати асосида ҳукм юритиш йўқ бўлди. Аллоҳ нозил қилмаган нарсанинг ҳукми – куфр ҳукми, тоғут ҳукми барча одамлар устидан ҳукмрон бўлиб қолди ва у ҳозиргача бутун оламда татбиқ қилинмоқда.

ТАҚДИРНИ ХАЛ ҚИЛУВЧИ МАСАЛА ВА ҲАЁТ-МАМОТ ТАДБИРИ

Шу ерда савол туғилиши мумкин: Корифлар шу қадар осонлик билан халифаликни йўқ қилиб, Исломнинг сиёсийлигини йўқ қилиб юбордиларми?! Юз миллионлаб муслимонлар ўз динларини, ўз сиёсий вужудларини ҳимоя этмадиларми?!!

Бунга жавоб шуки: Ҳа, кофирлар шу қадар осонлик билан халифаликни йўқ қилиб юборишди. Исломнинг сиёсийлигини йўқ қилишди. Муслимонлар эса буни мудофаа қилмадилар. Ҳатто жанг майдонини тарк этаётган мағлубнинг зарбасини ҳам бера олмадилар. Сабаб, бундай улкан фожеа юз берган вақтда уммат томонидан ҳаёт мамот тадбирни амалга оширишни тақозо этадиган тақдирни ҳал қилувчи масала идрок қилинмаган эди. Бинобарин дилларга ва муҳитларга ҳукмрон эмас эди. Шунинг учун Ислом уммати мана шундай қажатқич зарбага дуч келди. У эса бу зарбани қайтаришга ҳам ҳаракат қилмади. Ҳаттоки, жанг майдонидан чиқиб кетаётган мағлуб одам қилгани каби охириги зарба беришга ҳам ярамади. Зеро, уммат юзага келган вазиятга ўзининг ҳаёт-мамоти боғлиқ бўлган тақдирни ҳал қилувчи масала деб қарамади. Шунинг учун бошига тушган бу мусибатга тақдирини ҳал қиладиган масалаларга эътибор бериш керак бўлганчалик эътибор бермади. Бинобарин бу мусибатга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирни қўлламади. Шу сабабдан кофирлар халифаликни йўқ қилишди, Ислом низомини ҳаёт майдонидан ўчириб ташлашди.

Бақо ғаризаси (яшаш учун кураш инстинкти) дунёдаги барча уммат ва халқларга уларнинг тақдирини ҳал қилувчи масаласи бўлишини, унинг учун розилик ва шижоат билан, ҳеч бир иккиланмасдан, тортишмасдан ўз жонини фидо қилишини тақозо этади. Бу масала жонни ўлдириш ва уни сақлаб қолиш ёки бутун бир халқнинг йўқ бўлиб кетиши ёки унинг сақланиб қолишига алоқали масаладир. У ҳамма одамларда бир хил ёки шунга яқин бўлади. Бу масалада кўриладиган тадбирлар ҳам ҳамма одамларда бир хил ёки бир-бирига жуда ҳам яқин бўлади. Зеро, у ҳис қилинадиган даражада ҳаётга таҳдид солишдир. Шу боис масала бир хил бўлгани каби, тадбир ҳам бир хил бўлади. Бироқ бақо ғаризасига алоқали бу масалалар тақдирни ҳал қилувчи барча масалалар дегани эмас. Шунингдек тақдирни ҳал қилувчи барча масалалар бақо ғаризасига алоқали бўлган мана шу масалалардангина иборат дегани эмас. Балки бу ерда тадайюн (диндорлик) ва нав (насл қолдириш) ғаризаларига алоқали бўлган тақдирни ҳал қилувчи масалалар ҳам бор. Лекин одамлар ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарлари хилма-хил бўлгани сабабли улар бу масалаларда ҳам, уларга нисбатан қўллайдиган тадбирларда ҳам бир-бирларидан кескин фарқ қилишади. Чунки масалани тақдирни ҳал қилувчи масалага айлантирадиган нарса муъайян нуқати назардир. Шунинг учун у ва унга нисбатан қўлланадиган тадбирлар турли халқларда турлича бўлади. Муслимонлар битта уммат бўлиб, шубҳасиз уларда ҳам тақдирни ҳал қилувчи масалалар бор. Исломий умматнинг тақдирини ҳал қилувчи масалалари – улар бақо ёки тадайюн ёки нав ғаризаларига алоқали бўладими – ўзларининг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарларига мувофиқ бўлиши лозим. Уларнинг ушбу нуқтаи назарларини эса ёлғиз Ислом белгилаб беради. Шунинг учун тақдирни ҳал қилувчи масалани ҳам, унга нисбатан қўлланадиган тадбирларни ҳам фақат Ислом белгилаб беради. Ислом одамларга

тақдирни ҳал қилувчи масалани баён қилиб беради ва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўллашни фарз қилди. Шунинг учун ҳам тақдирларини ҳал қиладиган масалаларни муслимонлар ўз ихтиёрлари билан белгилашлари мумкин эмас. Ислол нимани тақдирни ҳал қилувчи масала деб эътибор қилган бўлса барча муслимонларда ҳам шу нарса тақдирни ҳал қилувчи масала бўлиб қолиши керак. Бу масалаларга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўллашда ҳам муслимонларда ихтиёр йўқ. Зеро, Ислол тақдирни ҳал қилувчи масалаларни белгилаб берган пайтда уларга нисбатан муслимонлар қўллаши керак бўлган тадбирларни ҳам белгилаб берган.

Ислолнинг тақдирига таҳдид соладиган, муслимон бўлганлари учун муслимонларнинг тақдирига таҳдид соладиган нарсаларнинг пайдо бўлиши очик ҳақиқатдир. Зеро, ҳаётдаги ҳар бир ҳаракатнинг, хусусан ислоҳий ҳаракатларнинг, уларнинг ичидаги энг тўғри ҳаракатнинг тақдирига таҳдид соладиган нарсаларнинг пайдо бўлиши табиийдир. Ислол тонги ёришган кундан бошлаб у билан курфр ўртасида қаттиқ кураш давом этиб келмоқда. Бу кураш куфрнинг ва Ислолнинг тақдирини белгилаб беради. Мадинада Ислол Давлати вужудга келгандан бошлаб то ҳозиргача фикрий кураш билан ёнма-ён бўлиб келаётган қонли кураш ана шу “тақдирни ҳал қилувчи масала”ни ҳимоя қилишдир. Шу сабабли муслимонларнинг тақдирини ҳал қилувчи масалалари бўлиши зарурий иш ва очик ҳақиқатдир. Шунингдек улар ҳаёт-мамот тадбирини қўллашлари ҳам зарурий иш ва очик ҳақиқатдир. Жиход энг катта фарзлардан бири бўлгани учун Росулulloҳ с.а.в. айтадилар: “Бу ишнинг боши Ислол, унинг таянчи намоз, энг баланд чўққиси эса жиходдир”. Жиход Қиёмат кунигача давом этадиган фарз бўлгани учун Росулulloҳ с.а.в. айтадилар: “Жиход Аллоҳ мени пайғамбар қилиб юборганидан бошлаб умматнинг охири Дажжол билан урушгунча давом этади. Уни золимнинг жабрузулми ҳам, одилнинг адолати ҳам бекор қила олмайди”. Яна айтадилар: “Жиход яхшининг етакчилигида ҳам, ёмоннинг етакчилигида давом этаверади”. Шунинг учун муслимонлар ўзларининг тақдирини ҳал қилувчи масалаларни ҳимоя қилишда бир лаҳза бўлса ҳам сустлик қилмадилар. Ҳар бир тақдирни ҳал қилувчи масалага нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўллашда мутолқо иккиланмадилар.

Шунинг учун улар салиб юришлари даврида уммат ва давлат сифатида уларнинг тақдирига таҳдид соладиган нарса пайдо бўлганда бунинг қаршисида ҳаёт-мамот тадбирини қўладилар. Кофирларга қарши бир асрдан кўпроқ муддат шафқатсиз жангга кирдилар. Ислол уммати ўзидан бу ўлдирувчи зарбани қайтара олган эди. Улар мўғуллар Ислол диёрларига ҳужум қилган вақтда ҳам шундай қилдилар. Ислол уммати мўғуллар ҳужумига ўз тақдирига таҳдид соладиган иш деб қаради. Бинобарин унинг қаршисида ҳам ҳаёт-мамот тадбирини қўллади. Муслимонлар то ғалабага эришгунларича уларга қарши жанг қилиб жонларини ҳеч иккиланмасдан фидо қилдилар.

Муслимонлар тақдирини ҳал қилувчи масалани мана шундай идрок қилар эдилар. Унга нисбатан ўзларига вожиб бўлган ҳаёт-мамот тадбирини қўллар эдилар. Зеро, Ислол тақдирни ҳал қилувчи масала борасида баён қилган нарсаларни муслимонлар очик ҳақиқатлар деб билиб, уни метин каби қўллар билан маҳкам ушлар эдилар. Муслимонлар бу нарсаларнинг муҳимлигини идрок қилишлари очик сезилиб турар

эди. Бинобарин уларнинг тақдирига таҳдид соладиган нарса вужудга келса-ю, бунга нисбатан улар Ислом вожиб қилган тадбирни, яъни ҳаёт-мамот тадбирини қўлмасликлари мумкин эмас эди. Ислом уммати ёки Ислом Давлати тақдирини ҳал қилувчи масалани идрок қилмагани ва уни англай олмагани содир бўлмаган, шунинг учун ҳам унга нисбатан қўлланадиган тадбирларни идрок қила олмаслик, уларни англамаслик ва уларда суствлик қилиш содир бўлмаган. Лекин Исломни тушуниш заифлашиб очик куфрга ҳам жим қараб туриш даражасига етгач, бу масалалр тақдирни ҳал қилувчи масала сифатидаги эътиборни йўқотди ва натижада унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўллаш ҳам йўқолди. Мана шу пайтда муслимонларнинг тақдири таҳдидга дучор бўлди. Улар бу таҳдидни даф қилиш учун қонлари ва жонларини осонлик билан фидо қила олмадилар. Оқибатда халифалик емирилди, Ислом низоми йўқ қилинди. Бутун Ислом уммати йўқ бўлиш таҳдиди остида қолди.

Шунинг учун тақдирни ҳал қилувчи масалани Ислом Қуръон ва Суннатда келтиргандек исломий нуқтаи назардан келиб чиқиб идрок қилиш лозим. Унга нисбатан қўлланадиган тадбирларни ҳам Қуръони Карим ва Росулulloҳ с.а.в.нинг хадисларида келгандек идрок қилиш лозим. Шундагина тақдирни ҳал қилувчи масалани англаш ва унга нисбатан вожиб бўлган тадбирни англаш вужудга келади ҳамда унга нисбатан суствлик қилиш эҳтимоли йўқолади.

ИСЛОМ НАЗАРИДАГИ ТАҚДИРНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МАСАЛАЛАР

Қуръон ва Суннатни ўрганган одам Ислому тақдирни ҳал қилувчи масалаларни аниқ ва равшан қилиб ҳамда уларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган тадбирларни ҳаёт-мамот тадбирлари деб, белгилаб берганини кўради. Жумладан, Ислому битта шахс ёки жамоат тарафидан содир этилган Исломдан қайтишни тақдирни ҳал қилувчи масала деб ҳисоблади ва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбири қўлланиши лозим деб, яъни ё тавба қилади ёки ўлдирилади, деб белгилади. Шундай қилиб тақдирни ҳал қилувчи масалани ҳам, унга нисбатан тадбирни ҳам белгилаб берди. Росулulloҳ с.а.в. айтдилар: “Ким динини ўзгартирса уни ўлдиришлар”. Ибн Масъиддан ривоят қилинади: Росулulloҳ с.а.в. “Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқлигига ва мен Аллоҳнинг элчиси эканимга гувоҳлик берган муслимнинг қони(ни тўкиш) ҳалол эмас. Фақат уч ҳолатда мумкин: турмуш кўрган одам зино қилса, жонга жон (яъни қасддан одам ўлдирган бўлса), жамоатдан ажралиб, динини тарк қилса”, Тақдирини ҳал қилувчи бу масалаларни муслимонлар теран англаб етганлар ва уларни маҳкам ушлаш лозим бўлган ҳақиқатлар деб билганлар.

Шунинг учун муслимонлар уларни амалда татбиқ этганлар. Муртадни агар тавба қилмаса ўлдирганлар. Росулulloҳ с.а.в. ҳаётлик вақтларида саҳобалар Яманда шундай қилдилар. Росулulloҳ с.а.в. дан кейин ҳам, саҳобалардан кейин ҳам бу тадбир татбиқ қилинган. Абу Мусо айтган ҳидисда зикр қилинади: “Росулulloҳ с.а.в. Абу Мусога “Яманга бор”, дедилар, сўнг унинг ортидан Муъоз ибн Жабални юбордилар. Муъоз Абу Мусонинг олдига келгач, Абу Мусо унга ёстиқ қўйиб, ўтиринг деди. Унинг олдида бир киши боғлаб қўйилган эди. Муъоз бу нима? деб сўради. Абу Мусо: “Бу яҳудий, Исломга кирган эди кейин яна яҳудий динига ўтиб олди”, деди. Муъоз: “У ўлдирилмагунча ўтирмайман. Кимки диндан қайтса, уни ўлдиришлар”, деди. Абу Довуд ушбу қиссани қуйдагича ривоят қилади: “Абу Мусога Исломдан қайтган муртадни олиб келишди. Уни тақрибан йигирма кун яна Исломга киришга даъват қилди. Кейин Муъоз келди. У ҳам даъват қилди. Муртад эа бош тортди. Шунда уни ўлдирдилар”.

Дориқутний ва Байҳақий ривоят қилади: “Абу Бакр Илому кириб, кейин куфр йўлига ўтган Умми Қарфа исмли бир аёлни тавба қилишга чақирди. Аёл бош тортди. Шунда Абу Бакр уни ўлдириб юбордилар”. Араб қабилаларидан кўпчилиги закотнинг фарзлигини инкор қилган вақтда Абу Бакр бунга Исломдан қайтиш деб қарадилар ва қилич ялонғочлаб уларга қарши урушдилар ҳатто уларни яна Илому кўрғонига қайтардилар.

“Ал-Фатҳ” китобида Абдуллоҳ ибн Шурайк Омирий отасидан ривоят қилиб айтади: “Алийга дедилар, масжид эшиги олдига бир қавм келиб, сизни робимиз, деб даъво қилишяпти. Алий уларни чақириб деди: “Ҳолингизга вой! Нима деяпсизлар?”. Улар: “Сиз бизнинг роббимиз, холиқимиз ва розиқимиздурсиз”, дейишди. Алий дедилар: “Ҳолингизга вой! Мен ҳам сизларга ўхшаган бир банддаман, сизлар каби ейман, ичаман. Агар Аллоҳга итоъат қилсам, хоҳласа менга савоб беради, агар осийлик қилсам, мени азоблашидан кўрқаман. Аллоҳдан кўрқиншлар, бу йўлингиздан

қайтинг”. Улар бош тортишди. Эртаси куни яна келишди. Қунбура Алийнинг олдига келиб, улар яна келишиб, ҳалиги гапларини айтишаётганини маълум қилди. Алий уларни олдига чақиртирди. Улар яна ўз гапларини такрорлашди. Учунчи куни Алий дедилар: “Агар яна шу гапларингизни такрорласангиз сизларни жуда хунук сувратда ўлдираман”. Шунда ҳам улар ўз сўзларидан қайтишмади. Охири Алий улар учун масжид билан қаср оралиғига чуқур қазитдилар. Унга ўтин ташланиб катта гулхан ёқилди. Кейин Алий дедилар: “Агар қайтмасангиз шу гулханга ташлаб ёқиб юбораман”. Шунда ҳам улар қайтишмади. Алий уларни гулханга ташлаб юбордилар”.

Ибн Аббосга муртадларнинг ёқиб юборилгани хабари етганда, бу тадбирдан норози эканини, уларни ўлдириш лозимлигини айтди. Икримадан ривоят қилинади: “Амирулмўминин Алий ҳузурига динсизлар олиб келинди. Алий уларни ёқиб юбордилар. Бундан хабар топган ибн Аббос дедилар: “Мен бўлганимда Росулulloҳ с.а.в.нинг: “Аллоҳнинг азоби билан азобламанглар”, деган сўзлари учун уларни ёндирмаган, билки Росулulloҳ с.а.в.нинг: “Ким ўз динини ўзгартирса, уни ўлдиришлар”, деган сўзлари учун уларни ўлдирган бўлар эдим”. Халифа Маҳдий замонида даҳрий ва динсизлар кўпайиб кетди. Халифа уларни тавба қилишга чақирар, тавба қилмаганларни ўлдирар эди. У жуда кўп муртадларни ўлдиртирган эди.

Хуллас саҳобалар, тобеъинлар ва халифалар муртадни ўлдиришар эди. Бу ишда бепарволикка йўл қўймай, жуда қаттиқ туришар эди. Бироқ халифалар заифлашгач, кейин Исломни тушуниш сусайгач муртадни ўлдириш борасида бепарволик пайдо бўлди. Натижада динсизлик ва муртадлик кенг тарқалди. Иш шу даражага етиб бордики, айрим муртадлар жамоа бўлиб бирлашиб, ўзлари учун Исломга зид бўлган янги дин топиб олишди. Бунинг оқибатида муслимонлар орасига заифлик кириб борди. Ҳолбуки бу нарса бир томондан тақдирни ҳал қилувчи масала бўлса, иккинчи томондан ҳеч ҳам кечирилмайдиган масала эди.

Шунинг учун Мустафо Камолга ўхшаганлар Исломга қарши уруш эълон қилиши, яъни Исломдан қайтиб муртад бўлиши, унинг устида эса Шариъатнинг ҳукмини ижро қиладиган бирорта ҳам одам топилмаслиги ажабланарли ҳол эмас эди. Зеро, муртадлик масаласи тақдирни ҳал қиладиган масала даражасидан тушган эди. Оқибатда бўлар иш бўлди. Шунинг учун бу масалани ўзининг ҳақиқий ўрнига қайтариш ва унга – гарчи муртадлар сони миллион-миллион бўлса ҳам, ҳар бир муртадни ўлдирш билан – тақдирни ҳал қилувчи масала деб қараш лозим.

Бироқ, бирор шахснинг муртадлигида шубҳа бўлса, унинг устида муртад деб ҳукм чиқаришга шошмаслик керак. У кофир ва муртад деб ҳукм қилиниши учун у қатъан ва аниқ муртад бўлиши керак. Агар унинг айтаётган гаплари уни 99 фоизга муртад қилиб қўяётган, бир фоиз эса муртад қилмаётган бўлса, мана шу бир фоизи қувватланади ва у муслимон деб эътиборга олинади, уни муртад деб ҳукм чиқарилмайди. Чунки аслида муслимон муслимондир. Агар қатъий бўлмаса уни кофир ёки муртад деб ҳукм чиқарилмайди. Агар муртадлиги қатъан аниқ бўлса, уни кечирилмайди, муртадлик ҳукмини ундан даф қилиш учун баҳона ҳам изланмайди.

Зеро, бу нарса тақдирни ҳал қилувчи масалада ҳаёт-мамот тадбирини қўллаш ҳукмини бекор қилиб қўяди.

Мана шундан кўриниб турибдики, агар муслим муртадликка олиб борадиган иш қилса, масалан насронийлар билан черковда уларнинг ибодатини қилса, ёки муртадликка олиб борадиган гап гапирса, масалан Қуръонда зикр қилинган Иброҳим а.с. қиссаларини тарих ривоят қилмаган, шунинг учун у ёлғон қисса деса, ёки муртадликка олиб борадиган нарсага эътиқод қилса, масалан Ислом ҳозирги замонга тўғри келмайди, деб, ёхуд динни давлатдан ажратиш зарур, деб эътиқод қилса, ёки муртадликка олиб борадиган шак-шубҳага бора, масалан Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигига шубҳа қилса, бундай ҳолатларда у қатъан муртад бўлади. Бу вақтда ушбу масалага тақдирни ҳал қилувчи масала деб қараш ва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўллаш, яъни тавба қилдириш ёки ўлдириш вожиб бўлади.

Мана шундан Ислом умматининг ҳамда давлатнинг бирлигини тақдирни ҳал қилувчи масала деб, унга нисбатан қўлланадиган тадбирни ҳаёт-мамот тадбири қилиб белгилади.

Бу нарса икки масалада очик кўринади: биринчиси, халифанинг бир нечта бўлиши масаласи, иккинчиси боғийлар (халифага қарши урушувчилар) масаласи.

Абдуллоҳ ибн Амр ибнул-Осдан Росулulloҳ с.а.в.дан қуйидаги сўзларни эшитгани ривоят қилинади: “Ким бир имом (халифа)га байъат бериб, унга қўлини ва қалбини тутса, қўлидан келганича унга итоъат қилсин. Агар у халифадан халифаликни талашиб бошқаси келса, унинг калласини олинглар”. Абу Саъийд Худрий Росулulloҳ с.а.в.дан ривоят қилади: “Агар икки алифага байъат берилса, уларни кейингисини ўлдиришлар”. Демак, Росулulloҳ с.а.в. халифаларнинг бир пайтнинг ўзида бир нечта бўлишини ман қилган вақтларида ва халифаликни бир нечта қилишга ҳаракат қилмоқчи бўлганларни ўлдириш ёки тавба қилдиришга буюрган вақтларда давлатнинг бирлигини тақдирини ҳал қилувчи масала деб белгилаган эдилар. Арфажа Росулulloҳ с.а.в.дан қуйидаги сўзларни эшитганини ривоят қилади: “Сизлар бир кишининг қўл остида бирлашиб турган вақтингизда кимда-ким келиб сизларнинг бирлигингизни бузмоқчи бўлса, уни ўлдиришлар”. Росулulloҳ с.а.в. жасоатни бўлиб ташлашни ман қилган ва бу ишга ҳаракат қилган одамни – агар ишини тўхтатмаса – ўлдиришга буюрган вақтларида умматнинг ва давлатнинг бирлигига тақдирни ҳал қилувчи масала деб қараган эдилар.

Боғийлар масаласи хусусида эса Аллоҳ таоло шундай дейди:

وَإِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَاحِدٌ ۖ فَادْعُوا بَيْنَهُمْ مَا قَالُوا فَأَنبَغْتُمْ ۚ وَإِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَاحِدٌ ۚ
حَدَّثَنِي تَفِيَّءٌ إِلَىٰ أَمْرِ اللَّهِ ۚ

- “(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа)

Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинлар!”
{49:9}

Бунга боис, муслимонларнинг халифаси эканлиги аниқ бўлган шахсга қарши харомдир. Чунки бундан муслимонларнинг бирлигини бузиш, қонларини тўкиш ва молларини йўқ қилиш содир бўлади. Росулulloҳ с.а.в. айтадилар: “Кимки умматим бир бўлиб турган вақтда унга қарши чиқса ким бўлишидан қатъи назар уни ўлдиришлар”. Демак Исломга қарши чиқувчилар боғийдирлар. Улар тавбага чақирилади, Ислом ҳақида шубҳалари бўлса, уларни кетказилади. Ўз ишларидан қайтмай туриб олишса, ўлдириладилар.

Ислом Давлатининг бир нечта бўлишини, унга қарши чиқишни ва умматнинг бирлигини бузишни ман қилиш билан давлатнинг ва умматнинг бирлиги тақдирни ҳал қилувчи масалалар жумласидан бўлиб қолди. Чунки Аллоҳ таоло унга нисбатан қўлланадиган тадбирни ҳаёт-мамот тадбири қилиб белгилади. Кимда-ким бу ман қилинган ишларни қилса, ё улардан қайтиши керак ёки ўлдирилади. Муслимонлар буни ижро қилганлар. Буни ишларнинг энг муҳими деб билганлар. Улар бу ишда бирор муслимга нисбатан – у ким бўлишидан қатъи назар – бепарволик қилмаганлар. Алий бу ишда Муовияга бепарво қарамаган. Хаворижларга Алий, Уммавийлар ва Аббосийлар бепарволик қилмаганлар. Бу ҳақдаги аниқ хабарларни саноғи йўқдир. Лекин халифалар заифлашгач, сўнг Исломни тушуниш сусайгач Исломий ўлкаларни халифалик жисмидан суғурилиб чиқиб кетишига жим қараб турдилар. Оқибатда муслимонларнинг бирлиги парчаланди, улар бир неча давлатларга бўлиниб кетишди. Ҳолбуки бирор ўлкани давлат жисмидан суғурилиб чиқиб кетиши тақдирни ҳал қилувчи масала бўлиб, у ўлкани яна давлат жисмига қайтаришни ёки қанча мол ва жон кетишидан қатъи назар унга қарши уруш қилишни талаб қилади.

Муслимонларнинг аҳволи шу даражага етиб бордики, улар бир неча давлатларга бўлиниб кетдилар. Халифалик Давлати ҳам шу давлатларнинг бирига айланди. Балки аҳвол бундан ҳам ёмонлашиб айрим муслимонлар “Исломий жомеъага” (панисломизим ёки Исломий мамлакатлар бирлиги) яъни Халифалик Давлатини ўзидан ажралиб чиқиб кетган давлатлар билан иттифоқ тузишга даъват қила бошлади. Бунда халифалик Давлати уларнинг ажралиб чиқиб кетганини, улар бир неча давлат бўлиб қолганини тан олди, яъни айрим муслимонлар бу тақдирни ҳал қилувчи масала бўлишига қарамай, бу йўлдан қайтиш лозимлиги ёки қайтмаса ўлдирилиши кераклиги ҳақида очик ҳадислар бўлишига қарамай муслимонларни бир неча миллат ва халқларга бўлиш учун уларни бирлигини парчалашни қувватлашга даъват қила бошладилар. Шунинг учун Мустафо Камол Туркия Ислом мамлакатларидан ажралиб чиққанини эълон қилиши, балки Ислом мамлакатларининг тақдирини кофир давлатлар қўлига топшириб қўйганлигини эълон қилиш ажабланарли бўлмади. Чунки бу масала тақдирни ҳал қилувчи масала даражасидан тушган эди. Оқибат, бўлар иш бўлди. Муслимонларга бир неча давлатларга, бир неча миллат ва халқларга бўлиниб олиш осон бўлиб қолди. Бу фақат умматнинг ва давлатнинг бирлиги масаласига тақдирни ҳал қилувчи масала деб қаралмагани, унга нисбатан эса ҳаёт-мамот тадбири қўлламагани оқибатидир.

Шунинг учун ушбу масалани ўзининг ҳақиқий ўрнига қайтариш ва уни тақдирни ҳал қилувчи масала деб эътиборга олиш зарур. Шундагина бирор ўлкани Халифалик Давлати жисмидан суғуриб олиш – гарча бир неча йиллар уруш қилишга олиб борса ҳам, балки миллионлаган муслимонларнинг ўлимига олиб борса ҳам – ман қилинади.

Шунингдек Ислом очик куфрнинг пайдо бўлишини ҳам тақдирни ҳал қилувчи масалалар қаторига киритиб, унга нисбатан қўлланадиган тадбирни ҳаёт-мамот тадбири қилиб белгилади. Масалани ҳам, тадбирни ҳам белгилаб берди. Имом Муслим Авф ибн Молик ривоят қилган ҳадисни келтиради: “Росулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Келажакда кўп амирлар (халифалар) бўлади, сизлар уларни амру маруф, наҳий мункар қиласизлар, ким уларни маруфга буюрса пок бўлади, ким мункардан қайтарса, саломат бўлади. Лекин ким уларнинг мункар ишларига рози бўлса ва эргашса,...”, саҳобалар сўрадиларки: “Ё Росулуллоҳ уларга қарши қилич билан урушамизми?” Росулуллоҳ дедилар: “Йўқ, модомики сизларнинг орангизда намозни барпо қилар экан”. Имом Бухорий Уббода ибн Сомитдан ривоят қилинган ушбу ҳадисни келтиради: Уббода айтди: “Росулуллоҳ с.а.в. бизни даъват қидилар. Биз Росулуллоҳга байъат бердик. Биздан хурсандчилигимизда ҳам, хафачилигимизда ҳам, қийинчиликда ҳам, хотиржамлик ҳолатида ҳам қулоқ солиш ва итоат этиш ҳамда ўзимизни кўйиб бошқаларни ихтиёр қилиш ва ишни ўз эгасидан торитб олмаслик аҳдини олдилар”. Авф ибн Молик ал-Ашжаъий айтади: “Росулуллоҳдан қуйдаги сўзларни эшитдим: “Имом (халифа)ларингизни энг яхшилари сизлари яхши кўрадиганлари, сизлар ҳам уларни яхши кўрадиганларингиздир. Сиз уларни дуо қиладиган, улар ҳам сизларни дуо қиладиганларидир. Энг ёмонлари эса, сизлар ёмон кўрадиган, улар ҳам сизларни ёмон кўрадиганларидир ва улар сизларни лаънатлайдиган сизлар ҳам уларни лаънатлайдиган имомлардир”. Айтдикки: “Ё Росулуллоҳ, шундай пайтда уларга қарши чиқамизми?” дедилар: “Йўқ, модомики сизларни орангизда намозни барпо қилса”. Намозни барпо қилиш динни барпо қилишда намоён бўлади, қолавера бу Ислом анъаналарини барпо қилишни англатади. Очик куфр халифанинг қилаётган ишларида аниқ-равшан кўриниб турган куфрдир, яъни куфр билан ҳукм юритишдир. Ушбу ҳадисларнинг мазмуни шуки: агар ҳокимлар Ислом ҳукмларини барпо қилмасалар, улар билан уруш қилишимизни ва агар иш бошлиқларида очик куфрни кўрсак, - гарчи урушга олиб борса ҳам – улар билан тортишимизни англатади. “Ал-Фатҳ” китобида айтилади: “Фуқаҳолар мутоғолиб (тахтни куч билан эгаллаб олган) султонга итоат қилиш ва у билан бирга жиҳод қилиш вожиблигига иттифоқ қилганлар. Унга итоат қилиш қарши чиқишдан яхшироқдир. Негаки бу билан қон тўкилишининг олди олинади, халқ тинчлантирилади. Бироқ, агар султон тарафидан очик куфр содир бўлса, унга итоат қилиш мумкин эмас, балки ҳадисда келгандек, қудрати етган одам унга қарши курашиши лозимдир”. Шавконий “Найлул автор” да айтади: “Золим ҳокимларга қарши чиқиш, уларни қилич билан қайтариш, уларга қарши уруш қилиш вожиб деювчилар Қуръон ва Суннатдаги умумий маънодаги матинларни далил қилганлар”. Демак, Ислом билан ҳукм юритишнинг вожиблиги масаласи тақдирни ҳал қилувчи масалалардандир. Зеро, Шорей (Аллоҳ) унга нисбатан қўлланадиган тадбирни ҳаёт-мамот тадбири қилиб белгилади. Кимки Ислом билан ҳукм юритмай куфр низоми билан ҳукм юритса, у бу ишдан қайтарилади, ёки қайтмаса ўлдирилади.

Муслимонлар Аллоҳ нозил қилмаган нарсалар билан ҳукм юритилшига жим турмасликлари лозим. Зеро, бу тақдирни ҳал қилувчи масаладир. Лекин муслимонларнинг дилидаги тақво сусайгач, Исломни тушинишлари заифлашгач, халифа ва ҳокимлар битта масалада куфр билан ҳукм қилишса, уларга сукут сақлаб туришлари оддий бир ҳолга айланди. Улардаги заифлик ортиб боргач ҳокимлар бир эмас, бир неча масалаларда куфр билан ҳукм қилсалар ҳам жим қараб турадиган бўлиб қолдилар. Кенг кўламдаги ушбу сукут оқибатида ҳокимлар куфр ҳукмларини очикчасига кўрқмасдан татбиқ этадиган бўлиб қолишди. Жумладан, Миср ҳокими 1883 йили шарият ҳукмларини четга суриб қўйиб, Франциянинг мадани қонунларини татбиқ қилган вақтда у ердаги муслимонлар унга индамадилар. Сўнг 1909 йили куфр ҳукмларидан муслимонлар учун дустур ишлаб чиқилганда ҳам Ислом Давлатидаги муслимонлар жим турдилар. Улар бошида бунга қарши кўзғалиб, сўнг жимиб қолдилар. Шунинг учун ҳам Мустафо Камол келиб халифаликни парчалаш, барча Ислом аҳкомларини оёқ ости қилиши, куфр ҳокимиятини эълон қилиши ажабланарли бўлмади. Чунки бу масала муслимонларнинг назарида тақдирни ҳал қилувчи масала даражасидан тушган эди. Оқибатда, бўлар иш бўлди. Муслимонлар орасида очик куфрнинг кўриниши, уни йўқотиш учун қурол билан курашмасликлари оддий ишга айланди. Балки улар устида куфр низоми билан ҳукм юритилса-да, уни инкор этмасликлари улар учун аҳамиятсиз иш бўлиб қолди. Уларнинг кўпчилиги куфр ҳукмларини яхши деб билиб, унга одатланиб қолдилар ва ихтиёрий равишда Ислом ҳукмларини тарк этдилар. Натижада аҳвол куфрга жим туриш, унга қарши қилич кўтармасликдан ташқари, куфрга рози бўлиш, уни талаб қилиш даражаига етиб борди. Бу фақат куфр низоми билан ҳукм қилишга тақдирни ҳал қилувчи масала деб қарамагани ва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўлламаганлиги оқибатидир. Шунинг учун бу масалани ўзининг ўрнига қайтариш ва унга тақдирни ҳал қилувчи масала деб қараш лозим. Шундагина куфр низоми билан ҳукм қилиш барҳам топади, гарчи бу бир неча йиллар уруш қилишга олиб борса ҳам, балки миллионаб муслимонларнинг ўлимига, миллионлаган муслимонларнинг шаҳид бўлишига олиб борса ҳам.

Аллоҳ таоло баён қилиб, белгилаб берган ва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўллашни белгилаб қўйган барча тақдирни ҳал қилувчи масалаларни тушуниш ҳақиқатда заифлашди, сўнг уларни Ислом ақидасига боғлаш сусайди, кейин эса, ўз мартабасдан тушди. Ҳатто аҳвол шу даражага бориб етдики, ушбу тақдирни ҳал қилувчи масалалар қурол билан ҳимоя қилиш вожиб бўлган шаръий ҳукмлардир, деган маънода идрок қилинмай қолди. Натижада шарият белгилаб берган мартабасидан, яъни тақдирни ҳал қилувчи масала мартабасидан тушди. Унга нисбатан шарият қатъий белгилаб берган тадбирга куфр ҳукмини йўқотиш ва Ислом ҳукмини барпо қилиш учун қуролли кураш деб қаралмади. Шунинг учун халифаликни парчалаб ташлаш ва Ислом низомини йўқ қилиб юбориш масаласи тақдирни ҳал қилувчи масала эканлиги идрок қилинмади. Қолаверса бу масала дилларга ва муҳитларга тақдирни ҳал қилувчи масала сифатида ҳукмрон бўлмади. Шунинг учун ҳам Мустафо Камол ишга киришиб халифаликни парчалади, Исломни сиёсий майдондан четлаштирди. Бирор инсон унга қарши қурол кўтармади, унга қарши уруш қилмади. Кофирлар юз миллионлаган муслимонларнинг кўз ўнгида, шу қадар осонлик билан халифаликка барҳам бериб, Ислом низомини йўқ қилиб

юбордилар. Агар муслимонлар ўша вақтда бу масала Ислоом ва муслимонларнинг тақдирини ҳал қиладиган масала эканини, унга нисбатан қўлланиши зарур бўлган тадбир қурол кўтариб Мустафо Камолга қарши курашиш эканини идрок қилганларида эди, бу зарба уларнинг бошига тушмас, улар бундай даҳшатли мусибат ва аянчли аҳволга учрамас эдилар. Демак, муслимонларнинг бу масалани тақдирни ҳал қилувчи масала эканлигини, унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўллаш зарурлигини идрок қила олмаслиги – уларнинг бошига тушган фожиянинг асосий сабабидир.

ХАЛИФАЛИКНИ БАРПО ҚИЛИШ ВА АЛЛОҲ НОЗИЛ ҚИЛГАН ҲУКМЛАР БИЛАН ҲУКМ ЮРИТИШ МУСЛИМОНЛАРНИНГ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МАСАЛАДИР

Муслимонлар бугунги кунда чексиз дард алам ва оғир мусибат гирдобидадирлар. Уларнинг нажот топишлари ўз масалаларини тақдирни ҳал қилувчи масала экани ёки эмаслигини идрок қилишлари ва барча тақдирни ҳал қилувчи масалаларга, хусусан агар барча тақдирни ҳал қилувчи масалаларнинг асосийси бўлса, унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирни қўллашларидан иборатдир. Модомики бу идрок пайдо бўлмас экан ва у дилларга, муҳитларга ҳукмрон бўлган равшан идрок бўлмас экан, муслимонлар доимий тубанлик ва мағлубликда қолаверадилар. Бошқа умматлар орасида ҳеч қачон оёққа тура олмайдилар. Шунинг учун муслимонлар ўз тақдирларини ҳал қилувчи масалани аниқлаб олишлари лозим. Шунингдек уларнинг бу масалалари идрок қилишлари дилларга, муҳитларга йўл олмоғи лозим. Токи бу идрок уни қалбларига жойлаган муслимонларни тақдирини ҳал қилувчи масалалар талаб қилган ҳаёт-мамот тадбирини мустаҳкам сабот ва битмас-туганмас ғайрат билан бажаришга ундовчи идрок бўлсин. Мавзу мана шудир. Бу муслимонлар бугунги кундаги воқеларини муолажа қилиш учун бажармоқчи бўлган барча амалларининг асосидир.

Муслимонларнинг бугунги воқеи ҳар бир муслимонга аён. У шарҳга изоҳга муҳтож эмас. Уларнинг юртлари куфр қонунлари билан бошқарилмоқда. Шундай экан, у сўзсиз ва қатъан куфр диёрдир. У давлатлар, амирлик, султонлик ва шайхликлардан иборат қириқдан ортиқ бўлақларга бўлиб юборилган. Демак, у кофирга қарши туришдан ўта ожиздир. Шунинг учун ҳар бир исломий ўлканинг масаласи ўша ўлкани Ислом диёрига айлантириш ва уни бошқа исломий мамлакатлар билан бирлаштиришдан иборатдир. Бу масала тақдирни ҳал қилувчи масаладир, балки барча тақдирни ҳал қилувчи масалаларнинг асосидир. Шунинг учун унга нисбатан қўлланадиган тадбир ҳаёт-мамот тадбирини бўлмоғи лозим. Ушбу тақдирни ҳал қилувчи масала яъни исломий мамлакатларни Ислом диёрига айлантириш ва уни барча исломий мамлакатлар билан бирлаштириш масаласи амалга ошириш учун ҳаракат қилиш лозим бўлган ғоядир. Ушбу мақсадни амалга ошириш тариқати эса халифаликни барпо қилиб, уни яна мавжуд қилишдир. Шунинг учун бугунги кунда муслимонлар олдида турган масала халифаликни бошқарув низоми сифатида барпо қилишдир, негаки бу билан ўлкани Ислом диёрига айлантириш, қолаверса уни бошқа исломий мамлакатлар билан бирлаштириш амалга ошади.

Лекин шуни яхши билиш лозимки, муслимонлар олдида турган масала халифа сайлаш эмас ва бу муслимонлар устидаги фарзи кифоя ҳам эмас. Ибни Умар Росулulloҳ с.а.в.дан ривоят қиладилар: “Ким вафот этган пайтда халифанинг қўл остида бўлмаса яъни унинг бўйнида халифага байъат бериш аҳди бўлмаса), унинг ўлими жоҳилият давридаги ўлим кабидир”. Халифа сайлаш тақдирни ҳал қилувчи масала эмас, балки муслимонлар олдида турган масала халифаликни барпо қилишдир. Яъни бошқарув низоми сифатида халифалик низомини вужудга

келтиришдир. Бунинг воқеи халифа сайлаш воқеидан ўзгачадир, гарчи халифаликни барпо қилш халифа сайлашни талаб қилса ҳам.

Халифаликни барпо қилиш қатъан тақдирни ҳал қилувчи масаладир. Чунки уни барпо қилиш исломий юртларимизни куфр диёридан Ислом диёрига айлантириш тариқатидир. Бундан ташқари у куфр низомларини парчалаш яъни очик куфрни йўқотиш учун ҳам зарурдир. У Росулulloҳ с.а.в.нинг қуйдаги сўзларига кўра тақдирни ҳал қилувчи масала даражасига кўтарилади: “... магар фақат очик куфрни кўрсангиз”. Ҳадисда келганки: “... айтилдики, ё Росулulloҳ с.а.в. дедилар: “Йўқ, модомики сизларнинг орангизда намозни барпо қилса”. Шундан маълум бўладики муслимонларнинг масаласини амалга ошириш тариқати ҳам тақдирни ҳал қилувчи масаладир. Зеро, бу тариқат тақдирни ҳал қилувчи масаланинг тариқатидир. Суннатдан олинган шаръий далил ҳам унинг тақдирни ҳал қилувчи масала эканлигига далолат қилади. Демак, бу масалага нисбатан қўлланадиган тадбир ҳаёт-мамот тадбири бўлмоғи лозим. Муслимонларнинг бошига куфр ҳукмлари миниб олиб, уларнинг ишлари кофирларга, мунофиқларга ва муртадларга қолгандан буён, улар куфр салтанати чангалидан озод бўлишга, куфр арбоблари ва тарафдорларининг зўравонлигидан қутулишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бироқ, улар амалга ошириш учун курашаётган бу масала тақдирни ҳал қилувчи масала эканлиги, унинг учун ҳаёт-мамот тадбиридан ўзга тадбир йўқлигини идрок қила олмаяптилар. Муслимонларнинг бу нарсани идрок қила олмаслиги уларнинг – жамоат ёки уммат сифатида – фарқлик, ҳалокат ва ўлимларни қўя турайлик, озор, қамок ва азобларни кўтаришга бўлган тоқатларини ҳам йўқотиб юборди. Ҳалбуки бу озорлар қаерда тақдирни ҳал қилувчи масалалар учун кураш кетаётган бўлса, ўша ерда мавжуддир. Шунинг учун куфр зўравонлигидан озод бўлиш йўлида қилинган барча ҳаракатлар очикдан-очик мағлубиятга учради, ўзлари эса курашаётган мақсадлари сари бирор қадам ҳам боса олмадилар.

Муслимонлар ўз масалалари тақдирни ҳал қилувчи масалалигини билишлари учун ортиқча тафаккур ва ааммулга муҳтож эмаслар.

Бугунги кунда икки кўзи очик ҳар бир одамга аён бўлганидек, азалдан маълумки, кофирлар одатда ва ақлан олиб қараганда ҳам Исломнинг сиёсий ҳаётга яъни ҳукмга қайтишига – модомики уларнинг қўлида бундай улуғ ишни қилувчиларга қарши зулм ўтказишга заррача қудрати бор экан – асло имкон бермайдилар. Ушбу масалада муртад ва мунофиқлар зулм ва жиноятда бошқалардан кам эмас. Улар Аллоҳнинг ҳукмларини ижро қилиш, Аллоҳнинг наҳийларини Унинг ҳадлари билан ҳимоя қилиш мақсадида ўзларидан ҳукмни тортиб олмоқчи бўлган муъминларга қарши туриш учун қулидан келган кучни ишга соладилар.

Демак, муслимонлар – модомики масалага тақдирни ҳал қилувчи масала деб қарамасалар – уларнинг ушбу масала йўлида олиб бораётган бирорта ҳаракати самара бермайди. Муслимонлар бу курашнинг табиатини англамаган ва бундаги Аллоҳнинг ҳукми ҳақиқатини идрок қилмаган вақтларида тақдирни ҳал қилувчи масала даражасида бўлмаган, балки оддий даражадаги тариқат билан ўзларини озод этишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг бу борадаги тадбирлари ҳам ҳаёт-мамот

тадбири эмас эди. Ҳақиқат шуки, куфр низомини йўқотиш, Ислом низомини барпо қилиш каби табиати тақдирни ҳал қилувчи бўлган масалаларни – бирор инсон уларга тақдирни ҳал қилувчи масала деб қарамай туриб, қанча кучли бўлмасин ва қанча ҳаракат қилмасин – амалга ошира олмайди. Демак, муслимонлар шахс сифатида ҳам, жамоат сифатида ҳам яхши билишлари лозимки, улар куфрга қарши курашдаги ҳаракатларини фақат ҳаёт-мамот тадбири асосига қуришлари лозим. Чунки, бу масалаларнинг табиати улардан шу тадбирни талаб қилади. Шарийат ҳам Қуръон ва Суннатда шу тадбирни келтиради. Росулulloҳ с.а.в. бизларга ўз тақдиримизни ҳал қилувчи масалаларимизни аниқ белгилаб олишни ва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирни қўллашимизни ўргатдилар. Росулulloҳ с.а.в. Ислом билан юборилиб даъватни фикрий кураш билан етказа бошлаганларида Исломни зоҳир қилишни ўзлари учун лозим бўлган масала деб белгиладилар, унга нисбатан эса ҳаёт-мамот тадбирини қўлладилар. Росулulloҳдан ривоят қилинадики, амакилари Абу Толиб Қурайишнинг “Муҳаммадни биздан тийиб қўй”, деб қилган талабини маълум қилганда, унга жавобан: Росулulloҳ с.а.в. “Менга ҳам ўзигизга ҳам шафқат қилинг, қўлимдан келмайдиган нарсани мендан талаб қилманг. Эй амаки, Аллоҳга қасамки, агар қуёшни ўнг қўлимга, ойни чап қўлимга қўйиб шу ишингни ташла десалар ҳам, мен бу йўлдан қайтмайман. Токи Аллоҳ уни ғолиб қилади, ёки мен бу йўлда ҳалок бўламан”. Давлатни барпо қилган ва қурол билан жиҳот қилган пайтларида ҳам Исломни зоҳир қилшни ҳал қилиниши лозим масала деб белгиладилар ва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўлладилар. Росулulloҳ с.а.в.дан ривоят қилинади, Ҳудайбия ҳодисасида, умрага кетаётган вақтларида Маккадан икки кунлик масофадаги Асфон деган жойда бани Каъблик бир киши Росулulloҳга йўлиқди. Росулulloҳ ундан Қурайиш ҳақида билганларини сўрадилар. У шундай жавоб берди: “Қурайиш сизни кетаётганигизни эшитди ва йўлга чиқди, улар қоплон териларини кийиб (яъни душманликларини очик намоён қилиб) олганлар. Улар “зи Туво”га тушдилар, сизни асло Маккага киритмаймиз деб Аллоҳга аҳди-паймон қилмоқдалар. Отлқлар орасида Халид ибн Валид бор. Улар отлиқларини “Қуроул ғамим”га келтириб қўйганлар”. Шунда Росулulloҳ дедилар: “Қурайишга ўлим бўлсин, уларни уруш ҳалок қилсин. Улар мен билан бошқа араблар орасини холи қўйса бўлмасмиди? Агар бошқа араблар мени ҳалок қилишса, Қурайишнинг кўнглидаги иш бўларди. Агар Аллоҳ улар устидан мени ғолиб қилса, Исломга гуруҳ-гуруҳ бўлиб кирадилар. Агар Қурайишнинг қўлидан бундай иш келмаса, майли уруш қилсин. Қўлида қуввати бор. Қурайиш нима деб ўйляпти ўзи? Аллоҳга қасамки, У мен орқал юборган дин учун жиҳод қилишда доим бўламан, ҳатто Аллоҳ уни ғолиб қилади, ёки мен бу йўлда ўлиб кетаман”. Сўнг юришда давом этиб, Ҳудайбияга тушдилар.

Ушбу икки ҳолатда яъни даъватни фикрий кураш билан етказиш ҳолатида ҳам, уни қурол билан жиҳод қилиш орқали етказиш ҳолатида ҳам Росулulloҳ с.а.в. ўз олдиларидаги масалани Исломни ёйиш деб белгилаб, унга тақдирни ҳал қилувчи масала деб қарадилар ҳамда ҳар икки ҳолатда ҳам бу масала талаб қилган тадбирни, яъни ҳаёт-мамот тадбирини қўлладилар. Шунинг учун аввалга ҳолатда айтдиларки, “мен бу ишни қўймасман, токи Аллоҳ уни зоҳир қилади ёки мен бу йўлда ҳалок бўламан”. Иккинчи ҳолатда дедилар: “токи Аллоҳ уни ғолиб қилади ёки мен бу йўлда ўлиб кетаман”. Агар Росулulloҳ с.а.в. ушбу масалани тақдирни ҳал қилувчи

масала қилмаганда ва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўлламаганларида Ислом даъвати фикрий кураш йўли билан ҳам, жиҳод йўли билан ҳам зоҳир бўлмаган бўларди. Шунингдек бугунги муслимонлар, устиларида куфр низомлари ҳукм қилиб турган, ўзларига эса кофир ва мунофиқлар зўравонлик қилаётган бугунги шароитда ўз масалаларни тақдирни ҳал қилувчи масала қилмасаларва унга нисбатан ҳаёт-мамот тадбирини қўлламасалар уларнинг ҳаракатлари бирор натижага эришиш мумкин эмас ва улар олдинга қараб бирор қадам қўйишга ҳам кодир бўлмайдилар.

Шунинг учун бизлар Ислом ўлкаларига маҳкам ўрнашиб олган мана бу куфр орасидаги ҳар бир муслимни ўз юртини Ислом диёрига айлантириш, уни бошқа Исломий мамакатлар билан бирлаштириш тариқати сифатида халифаликни барпо этиш ҳаракатига даъват этамиз. Шунингдек Исломни ёйиш мақсадида даъватни бутун оламга етказишга ҳамда Росулulloҳ с.а.в.нинг қуйдаги муборак сўзларини содиқ иймон ва ақл идрок билан такрорлашга даъват этамиз: “Аллоҳга қасамки, агар қуёшни ўнг қўлимга, ойни чап қўлимга қўйиб шу ишингни ташла десалар ҳам, мен бу йўлда н қайтмайман. Токи Аллоҳ уни ғолиб қилади, ёки мен бу йўлда ҳалок бўламан”. “Аллоҳга қасамки, У мен орқали юборган дин учун жиҳод қилишда доим бўламан, ҳатто Аллоҳ уни ғолиб қилади, ёки мен бу йўлда ўлиб кетаман”.

Ҳижрий 1382 йил Ражаб ойи.

Милодий 1962 йил Декабрь ойи.

Мундарижа

Ислом ва куфр ўртасидаги кураш	1
Европа давлатларининг Ислом Давлатига қарши кураши	2
Ваҳобийларнинг пайдо бўлиши	3
Суъудийлар ҳукмронлиги	4
Ислом Давлатига қарши ингиллизлар фитнаси	5
Франциянинг Ислом Давлатига зарба бериш ҳаракатлари	6
Миллатчилик наъралари ва мустақлликка интилишларни кўзғаш	7
Халифаликка қарши ҳаракатда Байрут марказининг аҳамияти	8
Халифаликка зарба беришда Истанбул марказининг аҳамияти	
Араб миллий жамъийятилари ва гуруҳларини тузишда Европа элчихоналарининг фаолиятлари	
Табширий ва сақофий ҳужум	
Табширий (миссионерлик) ҳужумида Мальта марказининг тутган ўрни	
Шом ўлкаларида миссионерлик ташрифларининг ёйилиши	
Шомда аҳоли ўртасида фитналар кўзғаш	
Ғарб конституцияси қонунларини киритишга ҳаракат	
Мидҳат бошонинг Ислом Давлати учун ғарб қонунлари асосида конституция ишлаб чиқишга ҳаракат қилиши	
Абдулҳамид Мидҳатнинг конституциясига қарши	
Ғарб қонунларининг олиниси	
Ғарб қонунларини киритишда фатволарнинг таъсири	
Фатволарнинг хатоси	
Демократиянинг Исломга зидлиги	
Демократиядаги умумий эркинликлар Исломга зиддир	
Қонун чиқариш ва маъориф соҳаларидаги ҳужумнинг натижалари	
Халифалик Давлатини парчалаш ҳаракатлари	
Иттифоқчиларнинг Жамол бошони оғдаришга ҳаракат қилишлари	
Мустафо Камолнинг пайдо бўлиши	
Мустафо Камол Усманийлар Давлати урушдан чиқиши ва ингиллизлар билан сулҳ тузиш учун иш олиб боради	
Мустафо Камолнинг давлатга қарши фитналари	
Мустафо Камолнинг ҳокимиятни олишдаги қатъий ҳаракатлари	
Мустафо Камолнинг Суриядан чекиниши ва уни ингиллизларга қолдириши	
Усманий давлатнинг таслим бўлиши	
Ингиллизларнинг Халифалик Давлатини парчалаб ташлаши	

Парчалаб ташлаш учун миллатчилик ва ватанпарварликни асос қилиб олиш
Ингилизлар халифаликни йўқ қилиш учун унинг пойтахтига эътиборни қаратишади

Ингилизларнинг сиёсий ва қонуний ишлар билан халифаликни қулатишга ҳаракат қилишлари

Сиёсий бўшлиқ пайдо қилишда ингилизларнинг иши

Ингилизлар сиёсий ва қонуний услубларини ўзгартиради

Юнонлар Измирни босиб олиши учун ингилизлар қўллаган тadbир

Халифаликка қарши кўзғалонда Мустафо Камолнинг биринчи қадамни босиши

Мустафо Камол инқилобига ингилизларнинг ёрдами

Мустафо Камол инқилобидаги биринчи қадам

Самсунни босиб олиш

Мустафо Камол инқилобининг қуролли тус олиши

Арзурум конференцияси

Ингилизлар Султонни Мустафо Камол инқилобини бостириш учун қўшин юборишдан қайтаради

Сивас конференцияси

Мустафо Камолнинг иккинчи қадамга тайёрланиш учун халифа билан ҳамфикр бўлиши

Мамлакатни озод қилиш фикри асосида Мустафо Камолнинг ўз атрофида одамларни йиғишдаги муваффақияти

Мустафо Камол Анқарани ўзи учун марказ қилиб олиши

Мустафо Камолнинг иккинчи қадамда инқилобга қайтиши

Ингилизларнинг Истанбулни босиб олиши

Ингилизлар қилаётган ишлар тарафида турганлиги учун одамларнинг султондан нафратланиши

Мустафо Камол янги парламент сайлови ўтказишни эълон қилади

Мустафо Камолнинг Анқарада давлат аппаратини тиклаши

Султон Анқара ҳукуматини тугатиш учун қўшин юбориши

Сулҳ шартларининг ошкор қилиниши вазъиятни Мустафо Камол фойдасига буриб юборди

Анқара ҳукуматининг мустаҳкамланиши ва у билан давлатларнинг бевосита алоқа боғлаши

Лондон конференциясида Султон делегацияси раҳбари иккала делегация номидан ..

Мустафо Камол юнон муъаммосига уруш орқали барҳам бериш учун тайёргарлик кўради

Юнонлар туркларга қарши урушни биринчи бўлиб бошлаб юборади

Юнон қўшини урушда ғолиб бўлишига қарамасдан иттифоқчила қисуви остида секиниши

Ингилизлар Мустафо Камолни овоза қилади
Сиёсатчилар ва зобитлар Мустафо Камолни Халифаликни бекор қилишдан
қайтаради

Салтанатни Халифаликдан ажратиш
Ингилизлар халифаликни бекор қилиш ва давлатни диндан ажратишни шарт қилади

Қақшатқич зарба

Тақдирни ҳал қилувчи масала ва ҳаёт-мамот тадбири

Ислом назаридаги тақдирни ҳал қилувчи масалалар

Халифаликни барпо қилиш ва Аллоҳ нозил қилган ҳукмлар билан ҳукм юритиш
муслимонларнинг тақдирини ҳал қилувчи масаладир